# Фалсафа фанлари доктори, профессор Иброҳим Каримовнинг “Ноосфера, геосиёсат ва мафкура” таҳсили (курси) бўйича ваъз (лекция) матнлари тўплами

Ушбу ўқув қўлланма Миллий истиқлол ғоясининг фалсафий масалалари мутахасислиги: 5А141502 бўйича магистрларга дарс берувчи профессор-ўқитувчилар ҳамда 1-босқич магистрлари учун мўлжалланган. У Давлат таълим стандартига ихтисослик фани сифатида киритилган.

Қўлланма материалларидан Миллий ғоя йўналишидаги фанлардан дарс бераётган барча профессор-ўқитувчилар ҳамда бу йўналишда таълим олаётган талабалар ҳам ёрдамчи материал сифатида фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар: А. Очилдиев,
фалсафа фанлари доктори, профессор в.б.
К.Ж. Туленова, фалсафа фанлари
доктори, профессор в.б.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика универститети
Илмий Кенгаши йиғилишда бу ўқув қўлланма мухокама
қилиниб, нашрга тавсия этилди.

# Муқаддима

2001-2002 ўқув йилидан бошлаб, илмий педагогик салоҳиёти етарли бўлган Олий ўқув юртларида “Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари” ихтисослиги бўйича кадрлар тайёрлаш бошланди. (2005-2006 ўқув йилидан бошлаб эса у “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” деб атала бошланди). Баъзибир Олий ўқув юртларида юқоридаги ихтисослик бўйича бакалаврлар тайёрланиб, 2005-2006 ўқув йилида улар 1-босқични битириб чиқдилар.

Республикадаги 19та Олий ўқув юртида шу ихтисослик бўйича бакалаврлар тайёрланди. Албатта, уларнинг баъзилари “магистрлик” босқичида ўқишни давом этдирмоқдалар. Улар ўқиши лозим бўлган ва Давлат стандартига киритилган “Ноосфера, геосиёсат ва мафкура” курсидан на методик ва на ўқув қўлланмаси бор. Бу ҳол ўқув жараёниниҳозирги юксак талаблар даражасида ташкил этишга салбий таъсир кўрсатмоқда, албатта.

Маълумки, “Таълим тўғрисидаги қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ҳозирги даврда ҳар томонлама билимли, ўз ихтисослигини пухта ўзлаштирган малакали мутахасисларни тайёрлаш вазифаси қўйилган. Етарли даражада ўқув адабиётлари билан таъминламай туриб, бу муҳим ваазифани муваффақиятли ҳал этиш амри маҳол.

Президент Ислом Каримов Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини шакллантириш муаммосига доир мулоҳазаларида бу анча муддатни ўз ичига оладиган жараён эканлигига эътиборни қаратиб, бу соҳадаги ишларни такомиллаштириб боришда Олий ўқув юртлари жамоалари олдида катта масъулиятли вазифалар турганини назарда тутган эди. Президент Ислом Каримовнинг 2006 йил 25 августда чиқарган “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самаладорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарори бу масъулиятни янада ошириб юборди. Чунончи, бу қарор муносабати билан эндиликда ихтисослик “миллий истиқлол ғояси” эмас, балки “миллий ғоя” деб аталишининг жуда катта назарий ва амалий аҳамияти бор. Сўнгра, миллий ғояни тарғиб қилиш, хусусан ёшларни турли ғоявий ҳуружлардан ҳимоя этиш учун “Республика маънавият-маърифат кенгашининг фаолияти таркибий тузилишини қайта кўриб чиқиш” лозим топилди. Бунга биноан, “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига Республика маънавият-маърифат

кенгашига раислик қилиш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар хокимларига эса ҳудудий кенгашларга раҳбарлик қилиш вазифаси” юклатилди. Айни чоғда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этиш лозим топилди. Маълумки, 2001 йилда Низомий номидаги ТДПУ Миллий истиқлол ғояси ва унинг фалсафий масалалари бўйича классификатор этиб берилганлигини таъкидлаш ўринлидир. Бу ҳол олийгоҳимиз илмий-педагогик жамоаси зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Президент Фармоннига мувофиқ, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети ва Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетини шу йўналишдаги фанлар бўйича “Экспериментал майдонча” этиб белгилаган. Бу Олий ўқув юртлари Миллий истиқлол ғояси йўналишида тўплаган дастурлар тайёрлашда фаол иштироқ этдилар. Улар ўзлари тўплаган тажрибаларга таяниб, тарқатма материаллар ва методик қўлланмалар тайёрлашга киришдилар. Бу ҳол истиқболда Давлат таълим стандартига киритилган қатор янги фанлардан дарсликлар яратиш учун ғам асос бўлиб қолиши мумкин.

“Ноосфера, геосиёсат ва мафкура” тахсилидан магистрлар Она-Табиат – Ер ўз тараққиётининг Ноосфера – Ақл соҳаси босқичига ўтганлигини англаб оладилар. Ақл ва унинг натижаси бўлган фан-техника ва ахборот технологиялари муваффақиятларидан фақат умуммиллий ва умумбашарий мақсадлар учун фойдаланиш орқалигина ҳозирги замон муаммоларини ҳал этиш, айниқса Она-Табиатни муқаррар ҳалокатдан, жамиятларни маънавий-аҳлоқий бўхрон сақлаб қолиш мумкинлиги ҳақидаги билимларга эга бўладилар.

Бунинг учун аввало давлатларнинг геосиёсатида ва миллий мафкура йўналишларида янгича фалсафий ёндашувлар, янгича тафаккур ва турмуш тарзини шакллантириш заруратини англаб этдилар, демак, магистрлар ана шу ғояларни тарғиб этиш билан бирга илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш малакасига ҳам эга бўладилар.

Бу курс гарчи магистрлар учун мўлжалланган бўлса-да, аммо Ноосфера даври фалсафаси сифатида барча фанларда, айниқса миллий мафкура, шуниндек ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ҳам ўрни билан фойдаланиш барча талабаларнинг ҳозирги давр муаммоларини тушиниб олишлари учун имкон туғдиради деб ҳисоблаш мумкин.

Албатта курс янги, у тобора такомиллашиб боришга муҳтож. Ўйлаймизки, ушбу ўқув қўлланмаси касбдошларимиз ва талабаларимизни Она-табиат ва инсоният истиқболи ҳақида жиддий фикрлашга даъват этади ва улар ўз муҳозаларини ҳеч бир тортинмай бизга маълум этадилар.

(Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Ҳос Ҳожиб кўчаси, 103-уй, Низомий номидаги ТДПУ, "Фалсафа" кафедраси).

# I бўлим. Ноосфера

## Ноосфера – Табиат тара³³иётининг янги бос³ичи.

**“Табиат - жамият – инсон” коэволюцияси**

1924 йил Париждаги илмий симпозиум(анжуман)да рус олими В.Вернадскийнинг биосфера тара³³иёти т´²рисидаги Концепцияси муµокамасида француз олими Э.Леруа «Ноосфера» атамасини биринчи б´либ ³´ллади. Бу термин турли тал³инга эга б´лса-да, А³л соµаси сифатида содда таърифлаш кенг тар³алган. Аслида Ноосфера биосферанинг шундай бир холатики, биосферани А³л ёрдамида инсоният умумий манфаатларига мувофи³ ривожлантириш, унинг исти³болини жиддий ўйлаб, янги дунё³арашни шакллантириш жараёни бошланишини англаб етишдир. Бунга к´ра, илмий-техника тара³³иёти (ИТТ) ва айни³са илмий техника ин³илоби (ИТИ) шароитида Она-табиатни асраб - авайлаш учун инсоният масъулияти ниµоятда ошиб бораётганлигини µисобга олиб, ялпи умумий ҳаракат йўналиши белгилаш заруратини билиб олишдир.

Ушбу курсда «табиат-жамият-инсон» кооэволюциясини са³лаб ³олиш, уни янги ю³ори бос³ичга к´таришда µар бир одам, одамлар уюшмалари фаолиятида, давлатлар геосиёсатида жиддий ´згаришлар б´лиши, мафкураларнинг асосий й´налиши инсонпарварлик руµини ³арор топтиришга ³аратилиши т´²рисида билим берадики, уни англаб олиш µозирги замондаги µар бир мутахассис учун µам фарз, µам ³арздир.

Табиат тушунчаси тор маънода Ер деб аталган ва £уёш системасига кирадиган шу планетани англатади, кенг маънода эса, бизни ³уршаб турган Галактика, ундаги бизнинг £уёшимиздек, ундан кичик ва жуда катта миллиардлаб юлдузлар, шунингдек, бош³а метагалактикаларни англатади. Демак, олам маъносида табиат чексиз-чегарасиз б´либ, у µар жиµатдан тартибли яхлит системадир. Фан ну³таи назаридан моддий нарсаларнинг барчаси ´з - ´зидан мавжуд ва ´з - ´зидан доимий ҳаракатда, бир холатдан бош³а µолатга ´тиб туриш жараёнида мавжуддир. Илм-фан оламдаги к´зга к´ринган ва к´ринмайдиган барча моддий нарса (жисм)ларни битта атама – метерия категорияси билан ифодалайди.

Синергетика ну³таи назаридан барча нарса, µодиса, жараёнлар тартибсиз (Хаос, й´³лик) µолатидан µаракат натижасида тартибли бир

системаларга келиб, муайян ³онуниятли µаракатга эга б´либ ³олади. Хаос – й´³лик, тартибсизликдан (бу µам материя µаракатининг бир к´риниши) Коинот 1,5 $^{10}$ – 2 $^{10}$ , яъни 15-20 миллиард йил му³аддам ´з-´зидан вужудга келиб, етарли стуктурага эга б´лмаган нарсалардан янги- янги структурали жисмлар пайдо б´лган. Аммо бу тартибга тушган нарсаларда бар³арорлик ва бе³арорлик µолатлари содир б´либ туради.

Космик жисм б´лган Ер тахминан бундан 6-6,5 млрд. йил му³аддам ´з -´зидан вужудга келган, 3,8 млрд йил му³аддам Ерда µаёт аломатлари пайдо б´лган. Тириклик соµаси тара³³иётининг маълум бир бос³ичида дастлабки ибтидоий одамлар 3-5 миллион йил му³аддам бир тур сифатида ´з - ´зидан пайдо б´лган ва µозирги физиологик ва интеллектуал салоµиятга эга б´лган одам зоти – Homo sapiens - А³лли инсон бундан 50-40 минг йиллар олдин вужудга келган. Бу типдаги одам мия ярим шарларида ривожланган нут³ тили марказининг вужудга келиши натижасида унинг хотираси ва тафаккури илгариги одамтипларидан сифат жиµатидан фар³ ³иладиган µолга келган. Натижада одамлар гала-гала б´либ яшашдан жамоа-жамоа б´либ µаёт кечииршга ´та бошлашган. Одамзотнинг шу тари³а жамият б´либ яшашга ´тиши оқибатида ер юзасида А³л соµаси – Ноосфера вужудга келиб, биосферага у фаол таъсир к´рсата бошлади. ИТТ ва ИТИ натижасида «табиат – жамият - инсон» кооэволюцияси бузила бошлаб, эндиликда Ер деб аталган табиатни яна хаос µолатига ³айтариш хавфини юзага келтирмо³да. А³л туфайли содир б´лган бу хавфнинг олди фа³ат инсон тафаккур тарзини ´згартириш ва А³лни о³илона ишлар томон буриб юбориш ор³алигина µал этилиши мумкинлигига олимлар эътиборни қаратмоқдалар.

**Ижтимоий тара³³иёт т´²рисидаги янги концепцияга эµтиёж.**

Шундай ³илиб, одамзот тара³³иётининг биологик шакли, яъни физиологик ва интеллектуал такомиллашиши даври миллион йилларни ´з ичига олган б´лса, унинг ижтимоий шакли кейинги 10 минг йилликларга т´²ри келади. Ижтимоий тара³³иёт µа³ида турли концепциялар мавжуд. Шар³ мутафаккирлари жамият µолати ва тара³³иётини инсон а³лий салоµиятининг ривожи билан бо²лаб келганлар.

Форобий жамият одамлар ´зларига керакли истеъмол махсулотларини бирлашиб ишлаб чи³ариш эµтиёжлари туфайли юзага келган, дейди. У жамиятни фозиллар ва жоµиллар жамоаларига б´лади: фозил одамларгина моддий ва маънавий бойликларни к´пайтиради, натижада жамият бар³арор ривожланади. Жохиллар µукмрон б´лган жамоада бунинг тескарисини к´риш мумкин. Берунийнинг фикрича, жамият инсонлар томонидан шартнома асосида тузилиб, онгли меµнат туфайли у такомиллашиб боради. Ибн Сино одамлар ´заро ёрдамга

муµтож, улар келишувга асосланган адолатли ³онунга таяниб фаолият белгилашлари керак, дейди.

¢арбда турли концепциялар юзага келган. Гегелнинг фикрича, жамият ³иёфаси ва ривожи "мутло³ ²оя» га бо²ли³, шу маънода у ижтимоий тара³³иётни ²оялар билан бо²лайди. Жамият ривожини ²ояларга бо²лаб изоµлаш Л.Фейербахда µам учрайди. Унингча, динларни такомиллаштириш, ягона «муµаббат дини» яратиш осойишталик ва тара³³иёт учун шароит б´лиши мумкин.

К.Маркс, христиан динидаги башоратларга таяниб туриб, жамият тара³³иётини формацияларга б´либ, уни ³андайдир бир чизи³ли µодиса сифатида тал³ин этади. Маълумки, Инжилда христианлик имон-эътиқодига эга бўлиши учун одам уч босқични босиб ўтиши башорат қилинган. Яъни, христианликка ўтишда индивид дастлабки босқичда дўзах азобидан қўрқиб ибодатларни мажбуран бажаради. К. Маркс буни жамият тараққиётига тадбиқ этиб, у босқични қулдорлик формацияси, деб атайди. Христианликка ўтишнинг иккинчи босқичида индивид Ота худодан илтифот кутиб(ялиниб) ибодатларни, урф-одатларни ўз вақтида бажариб, руҳан таскин топади. Ёлланма меҳнатга асосланган бу босқични К. Маркс капитализм, деб тарифлайди. Христианлик ихлос(эътиқод), яъни Ота худога бўлган чексиз садоқат руҳи 3- босқичда рўй бериши, унда индивид ўз христиан бgranted бирга Библия башоратлари асосидаги ибодатлар, даъватлар, йўл-йўриқларни ўз инон-ихтиёри билан эркин бажаради. К. Маркс христианликдаги маънавий-рухий камолотнинг бу учинчи, юқори босқичини коммунистик формация, деб атайди.

Демак, христиан черкови оталарининг 2 минг йилдан бери диний эътиқодни мустахкамлаш учун ишлатиб келаётган “қулларча”, “ялиниб”, ва “ўғилчасига” ибораларидан фойдаланиб, Маркс формациялар тўғрисидаги таълимотни яратдики, бу христианликка сиғинган Оврупо халқлари руҳига яқин бўлгани учун ҳам коммунизм ғояларининг кенг тарқалиб кетишига сабаб бўлди. Маркс фикрича, инсоният тарихи муросасиз синфий курашлар тарихидан иборат б´либ, бунинг натижасида исти³болда бутун дунёда синфсиз жамият – коммунизм ³арор топиб, давлатга эҳтиёж ³олмайди. Маркснинг бу ³арашлари б´йича Совет даврида ´тказилган эксперимент инсоният бошига катта кулфатлар келтиргани маълум. Амалиёт Маркснинг бу хаёлотини кескин рад этди.

Маркснниг бу талимотига ³арши Шпенглернинг цивилизация алмашинуви т´²рисидаги концепцияси пайдо б´лди. Бунга к´ра, бир - биридан ажралган цивилизациялар 1200 – 1500 йил ичида яшаб, бош³аси билан алмашади. Шу маънода, Шпенглернинг фикрича, ¢арб цивилизацияси ´знинг охирги нафасини оляпти, натижада маънавий таназзулга учраяпти. Фроммнинг мавжудлик т´²рисидаги ³арашларидан маълум б´лишича, одамзот мавжудлик учун курашади ва бу кураш инсоний тус олиши учун µозирги динлар ´рнига а³идаларсиз, ³атти³ диний

тартибларсиз инсонпарварлик дини шаклланса, инсон руµи радикал равишда намоён бўлиши мумкин. Биро³, тарихий µа³и³ат шундан далолат берадики, ягона дин яратиш й´лидаги µаракатлар уни бошлаганларнинг ³ув²ин ³илиниши ва ³атл этилиши билан тугаган.

Умуман олганда, ¢арб индивидуализми билан Шар³ жамоачилиги тамойиллари ³´шилуви натижасида µозир инсоният осмонида пайдо б´лган «³ора булутлар» чекиниб, порло³ келажак ифодаси б´лган ижтимоий тара³³иётнинг янги бос³ичига кириш имконияти µам µозир мавжуд.

Бизнинг фикримизча, одам моддий жисм ва рухий олам бирикмасидан иборат мавжудоддир. Шунинг учун улар нимагадир ишониши, эъти³од (ихлос) ³´йиши ва шу жараёнда нафс ³урбони б´лишдан ´зини са³лаб ³олиши керак. Бунинг учун, афтидан, Зард´штнинг эзгулик руµи ёвузлик руµи устидан пиравордида тантана ³илади, деган ²ояси асосида µозирги замон илм-фани, ил²ор фалсафий фикрларига таяниб туриб, имонли инсонлар – янгича тафаккур тарзига эга б´лган инсонлар шахсини шакллантириш, уларнинг куч-²айрати билан µар бир жамиятда маънавий-ало³ий муµитни со²ломлаштиришни бошлаш ма³садга мувофи³дир. Чунки бу ²оя барча динлардаги имон асосини ´зида гавдалантиради. Чунончи, исломда Аллоµ эзгуликка бошловчи, шайтон ёвузлик рухини ташувчи, одамни т´²ри й´лдан оздирувчи ³удрат. Аллоµга имон келтирган шайтондан хазар ³илади ва унга қарши кураш жараёнида поклик мартабасига эга б´лади. Христианликда µам уч юзли якка худо эзгуликка бошловчи, ересь эса сатана измига кирувчи одам µисобланади. Тавротда одамнинг руµи ³ашшо³лашади, олий руµга интилиш эса инсонни баркамол этади, дейилади.

Динлар муайян бир Олий ²оя ва асосий ²ояларни мафкура й´ли билан инсоннинг имон-эъти³одига айлантиришда жуда катта тажриба т´плаган. Шу тарихий тажрибаларга таяниб туриб, янгича дунё³араш асосида инсонлар руµини поклаш учун Зард´штнинг ю³оридаги ²ояси, шунингдек барча бунёдкор ²оялар асосида µам имон шаклланиши мумкинлигини эътибордан со³ит ³илмаслик керак. Зеро, имон инсон онгининг нодир ходисаси б´либ, у мауйян дунё³араш ифодаси б´лган бош ва асосий ²ояларни мафкуравий ижтимоий институтлар (оила, маµалла, ´³ув ва меµнат жамоалари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, расмий ва норасмий уюшмалар) µамда мафкуравий воситалар, услублар ор³али одамлар онгига киритилади, ³албидан жой олдирилади, шу тарзда инсон ´з руµини ´зи поклаш имкониятига эга бўлади. Имон диний ёки илмий- фалсафий ва маданий- маърифий й´налишда µам инсонлар учун олий ³адриятга айланиши мумкун. Имоннинг фалсафий маъносини аввало тан олиш, с´нгра шу й´налишда тар²ибот – ташви³от ишларини й´лга ³´йиш лозим б´лади. Одамларга нафа³ат виждон эркинлиги бериш, шу билан бирга имон й´налишини танлаш эрки µам берилиши жоиздир. Имон

й´налишлари хилма-хил б´лган µолда, ма³сад битта – имон воситаси билан инсон ´з руµини ´зи поклаш амалиёти етакчи майлга айланмо²и маъ³улдир.

Албатта жамият ва давлат томонидан барча одамларнинг феъли-атвори, фаолияти назорат остига олинади, ³онун-³оидалар, одоб-аµло³ маром (норма)ларига риоя ³илаётган индивидлар ра²батлантирилиб, унинг аксини ³илаётганлар жазоланадилар ва жамоатчилик нафратига дуч келадилар. Одамнинг инсон (жамиятлашган шахс)га айланиши учун бундай таш³и таъсир ва назорат албатта керак. Биро³, тарихий тажриба шуни к´рсатмо³даки, одамнинг инсонга айланиши учун бу кифоя ³илмайди, балки унинг ´з феъли-атвори, фаолиятига ´зи баҳо берадиган мезон µам керак. Имон маълум бир дунё³арашнинг ани³ шахслар амалиётида намоён б´лиши туфайли, у ана шундай мезон ролин ´йнайди. Бинобарин, фа³ат имонли одамлардагина инсоф-диёнат, адолат, меµр-мурувват, халол-поклик, вафо-садо³ат каби аµло³ий фазилатлар олий ³адриятга айланиши мумкин. Шунда жамиятда диёнатли, меµр-о³ибатли, меµр-мурувватли, µалол-пок, вафо ва садо³атда собит³адам, ижтимоий адолат тимсолига айланган баркамол ва со²лом авлод вояга етади. Ана шундай инсонлар ор³али маънавият боши берк к´чадан чи³иб, одамлар, хал³лар, миллатлар тинч-тотув яшашга, му³аррар чи³адиган барча зиддиятларни урушлар, жанжаллар, фитналар, террорлар й´ли билан эмас, балки музокаралар, ´заро ён беришлар, муросага келишлар ор³али ³адам-ба³адам µал этиш палласига кириши мумкин. Шунда табиат экологик µалокатдан, жамият маънавий тубанликдан халос б´либ, А³л ва унинг маµсули б´лган фан µамда техника ва технология муваффи³иятларидан инсониятнинг чин маънода фаровон, бахт-саодатли яшаши, порло³ келажак тамин этилиши мумкин.

**Ноосфера т´²рисидаги таълимот, унинг моµияти.**

В.И.Вернадскийнинг тад³и³отлари шуни к´рсатдики, бизнинг Планетамиз билан космос яхлит бир система б´либ, Ердаги ходисалар космосдаги ´згаришлар билан бо²ли³ µолда содир б´лади. Космос аввало £уёш энергияси µисобига геохимиявий цикл деб аталган µодисалар, бош³ача айтганда, дастлабки материя янги-янги манбаъларидан иборат табиатда нарсалар айланаси µосил б´лган. Ч´кма жинслар ³атлами юзага келиб, с´нгра геологик ва геохимик жараёнлар ер сатµини ´згартириб юборган.

Ер билан Ой бир ва³тда вужудга келган. Улар юзасида содир б´лган ´згаришлар та³³ослanганда, шу нарса маълум б´лмо³даки, 3 миллиард йиллар давомида Ой сатµида жиддий бир ´згаришлар содир б´лмаган. Ерда тириклик соµасининг пайдо б´лиши ва унинг космос ва айни³са £уёш энергиясини ´зига ютиш ва ундан фойдаланиш ³обилияти натижасида ердаги нарсаларни бир холатдан бош³а µолатга ´тказиш имконияти вужудга келиши билан эволюцион жараёнларни бир неча

марта тезлаштириб юборди. Одам ва с´нгра инсоният жамиятининг пайдо б´лиши туфайли планета юзасида янги ³атлам – А³л соµаси ´з µукимини ´тказа бошлади ва бунинг о³ибати сифатида «Иккинчи табиат» вужудга келди. А³л соµиби б´лган одам зотини яратгач, Табиат жаµон тара³³иёти жараёнининг яна битта ³удратли катализаторига эга б´лди. Ана шундан кейин одамнинг атроф-муµитга таъсири шундай кучли µолга келмо³даки, у асосий геологияни ташкил ³илувчи куч сифатида ´зини намоён ³илмо³да. Демак, Одамзот эндиликда табиатнинг бундан кейинги тара³³иёти масъулиятини ´з зиммасига олиши ва шу ну³таи – назардан туриб фаолият й´налиши белгилаши лозим б´лмо³да. Биосфера ривожи эндиликда А³л соµаси ривожи билан бо²ли³ µолга келган экан, А³л ва унинг меваси б´лган фан-техника ва ахборот технологияси муаффа³иятларидан фа³ат инсониятнинг тинч, фаровон яшаши манфаатлари й´лида фойдаланиш зарурати пайдо б´либ ³олмо³да. Бунга янгича дунё³араш, янгича тафаккур ва турмуш тарзи ор³алигина эришиш мумкин.

**XX аср – огоµлантириш асри сифатида.**

Одамзот миллион йиллар давомида ´з мускул кучи ёрдамида яшаш учун курашиб келди. ¤рмонларни куйдириб, чорвачилик ва деµ³ончилик учун текис яйловлар ва майдонларни юзага келтирди, Ер сатµи ландшафтларини ´згартира борди. Кескир ³уроллар, палахмон тошлар, найзалар ёрдамида µайвонот оламига ³арши хужум бошлади. Уларнинг бир ³исмини ´з µукмига б´йсундириб, уй µайвонларига айлантирди, улардан ози³-ов³ат сифатида фойдаланишдан таш³ари яна ´з о²ир меµнатини шу жониворлар зиммасига юклади. Ов ³уролларини такомиллаштириб бориб, хайвонот олами устида т´ла µукмрон б´либ олди. ¥айвонлар ёрдамида ´заро ³ир²инбарот урушлар ташкил этди.

¢орларда яшайдиган ва тирикчилик ³иладиган одам галалари яшаш - учун кураш шаклларидан бири ўз тури – одам зотига ³арши бориб, уни б´йсундириш, уларнинг овчилик ва деµ³ончилик майдонларини эгаллаб ва б´йсундирилган одам галалари меµнатидан фойдаланиш й´лига ´тди. Одам гуруµларининг одам гуруµларига ³арши уруш очиши жараёнида ²ор одамларига хос тафаккур ва турмуш тарзи ³арор топа борди. Бунга к´ра, бир уру² ва ³абиланинг яхши яшаши учун бош³а уру² - ³абилалар уларга б´йсуниши, ²олиб одамлар жамоалари ³ули сифатида улар учун меµнат ³илишлари шарт эди. Бизга маълум б´лган тарихнинг кейинги т´рт минг йилида шундай урушларда 6 миллиард одам ³они дарё б´либ о³ди. Бу ³ир²инбарот урушларда бизнинг аждодларимиз µам четда ³олмадилар. Шар³дан ¢арбга ³араб ³илинган даµшатли урушлар, унинг натижасида юзага келган жуда катта империялар бунга шоµид. Биро³ Оврупа мамлакатларида юз берган илмий-техника тара³³иёти, пар машиналар, с´нгра двигателларнинг пайдо б´лиши одам меµнатини техника зиммасига

юклашдан таш³ари даµшатли уруш ³уроллари такомиллашиб боришига кенг й´л очди. ¢арбий Оврупонинг йирик ва ´рта давлатлари, буюк-давлатчилик, буюкмиллатчилик шовинизми ²оялари билан онги заҳарланган хал³лари, миллатлари фа³ат битта уру², элат ва хал³ билан эмас, балки бутун-бутун хал³лар ва хатто ³итъаларда яшайдиган деярли барча элат ва миллатлар устидан µукмронлик ³илиб, уларнинг ер ости ва ер усти бойликларини талаш, одамларни ³улдек ишлатиш ор³али бойлик т´плаш, шу мазлум хал³лар хору зорлиги, бемисл о²ир меµнати эвазига шоµона яшаш й´лига кириб олдилар. XVIII-XIX асрлар ¢арбий Оврупо мамлакатлари давлатлари мустамлакачилик тизимининг тантанаси даври б´лган эса, XX аср фан-техника парвози ва айни чо²да мустамлакачиликка ³арши миллий-озодлик курашларининг авж олиши билан тавсифланади. Илмий - техника тара³³иёти (ИТТ) даврида ишлаб чи³аришнинг механизациялаш ва автоматлаштириш, ИТИ р´й бергач, ахборот технологияларининг такомиллашуви ва ривожи туфайли мисли к´рилмаган яшаш шароити вужудга келди. 2- µолатда миллий онг ривожи миллий ´зликни англаш туфайли кенг ³улоч ёзган миллий – озодлик урушлари ва курашлари, мустамлакачилик режимига асосан барµам берди. Аср охирида дунёдаги энг йирик мустамлакачилик империяси – Совет давлати барµам топди. Илгариги «икки ³утбли» дунёнинг «к´п ³утбли» дунёга айланиши ²оявий- мафкуравий жараёнларга эътиборни янада ошириб юборди.

Во³еаликдаги туб сифат ´згаришлари индивидлар онги, мамлакатлар хал³лари ижтимоий онгида жиддий ´згаришлар содир этган б´лса-да, аммо анаънавий тафаккур тарзида жиддий ´згаришлар сезилмаяпти. Яъни, бир одам, бир ижтимоий ³атлам, бир хал³, бир миллат яхши яшаши учун бош³а одамлар, ижтимоий гуруµлар, хал³лар, элатлар, миллатлар µам яхши яшаши керак, акс µолда чин маънодаги фаровонлик б´лмайди, деган тафаккур тарзи шаклланиши ниµоятда ³ийин кечяпти. Бу µол яна ²ор одамларига хос тафаккур ва турмуш тарзи, яъни кимдир бекаму к´ст яшаши учун кимлардир хору зор б´лиши керак, деган ³арашлар µукм суриши учун ²оявий асос б´либ ³олмо³да. Эндиликда бош³а хал³лар, миллатларни уруш й´ли билан асоратга солиб, уларнинг бойлиги ва кучидан ошкора фойдаланиш имконияти ниµоятда чекланиб ³олса-да, аммо катта давлатлар ´ртача ва кичик мамлакатларни ´з таъсирига олиш учун ²оявий кураш кучайиб, унинг о³ибати сифатида локал урушлар учун й´л очилмо³да. Маънавий ин³ирознинг кучайиб бориши натижасида инсон руµи ва жамиятдаги маънавий-аµло³ий муµит ³ашшо³лашиб бормо³да. Бу эса µар бир мамлакатда нафс ³урбонлари – уюшган жиноятчилар, тошба²ирлик, инсонлар та³дирига бефар³лик ³усурлари ривожи учун ³улай ижтимоий-сиёсий муµитни шакллантириб ³´ймо³да.

XX аср ´зига хос огоµлантириш асри б´либ, одамзот икки й´л - ё нажот, ё µалокат ё³асига келиб ³олганини рад этиш ³ийин б´лган фактдир.

Бу икки й´лдан ³ай бирини танлаш одамзотнинг ихтиёрида. Ноосфера – А³л соµаси тантана ³илгудай б´лса, одамзот, унинг давлати, барча ижтимоий-сиёсий уюшмалари А³л меваси б´лган фан-техника юту³ларидан чинакам бунёдкорлик, инсоннийлик манфаатлари й´лида фойдаланиш даврига ´тади: о²изда эмас, амалда тинч-тотув яшаш, бош³аларни асоратга солишдан воз кечиш, шу тари³а урушлар, жанжаллар, террорчилик µаракатларига барµам бериб, умуман урушларни, жанжалларни одамзот амалиётидан чи³ариб ташлайди. Бунинг учун инсон тафаккур тарзида жиддий ´згаришлар содир б´лиши лозим. Бинобарин, фалсафа янгича дунё³араш, янгича маънавият Ноосфера даврининг етилган ижтимоий эµтиёжи б´либ, бу аввало барча давлатлар геосиёсати ва мафкурасида ´згаришлар б´лишга эътиборни қаратмоқда. Илгариги тар³о³ дунё ягона бир бутун дунёга айлангани µам аввало сиёсатчилар ва мафкурачилар, с´нгра барча онги расо кишиларда ²ор одамларига хос тафаккур тарзи барµам топиши µамда Ноосфера даври тафаккур тарзи шаклланишини зарурат ³илиб ³´ймо³да. Акс µолда экологиянинг ифлосланиши, инсон руµининг ³ашшо³ланишуви, ²ор одамларига хос тафаккур ва турмуш тарзи ривожи учун ³улай ижтимоий - сиёсий муµитнинг б´лиши туфайли инсоният ўзи яшаётган Она-табиатини, у билан бирга ´зини му³аррар µалокатга олиб келади. Зеро, Ноосфера даврида одамзот шундай катта, ³удратли техника ва ахборот технологиясига эга б´либ ³олдики, у билан чинакам фаровонликни таминлаш ёки бутун Планетани й´³ ³илиш ³уввати юзага келди.

**Хулоса:** а) “Табиат – жамият – инсон” кооэволюцияси бутунлай издан чи³иб кетишига й´л ³´ймаслик зарур; б) ижтимоий µаёт ва тара³³иёт µа³ида янги концепция яратиш муµим б´либ турибди; в) Ноосфера – табиат тара³³иётининг янги бос³ичи бўлиб, унда А³л соµаси етакчи майлга айланиб бормо³да; г) Ақл ва унинг меваси бўлган барча илмий кашфиётлардан инсониятнинг порлоқ келажаги учун фойдаланиш ижтимоий ва тарихий зарурат бўлиб турибди.

**Калит сўзлар:** Ноосфера, “Табиат-жамият-инсон” кооэволюцияси, хаос, космик жисм, материя, Homa Sapiens, ижтимоий шакл, имон, эътиқод, эзгулик ва ёвузлик, геохимиявий цикл, “иккинчи табиат”, катализатор, ғор одами, двигатель, буюкдавлатчилик, буюмиллатчилик, шовинизм, маънавий инқироз, тафаккур тарзи, геосиёсат, инсон руҳи.

## Такрорлаш учун саволлар.

- Ноосфера тўғрисидаги таълимот нимани англатади?
- Коинотимиз ҳамда Ер қачон ва қандай вужудга келган ?
- Homa Sapiens – Ақлли одам илгариги тарихий типлардан нимаси билан фарқланади?

- Шарқ ва Ғарбда жамият ва унинг тараққиёти ҳақида қандай концепциялар илгари сурилган?
- Одам инсон (жамиятлашган индивид)га қандай айланиши мумкин?
- Одамнинг Она-табиат олдидаги масъулияти нега ошиб кетди?

## Оламнинг яхлит манзараси

**Олам ва унинг яхлитлиги т´²рисида.**

Одамзодда ривожланган тушунчавий тафаккур шакллангач, олам ва унда ´зининг ´рни µа³идаги мулоµазалар пайдо б´лди. Бу хол дунё³арашни шакллантирдики, у одамнинг инсон--жамиятлашган мавжудотга айланишида катта бир тарихий бос³ич б´лди. Ижтимоий во³еликдаги ´згаришлар, яшаш учун курашнинг янги воситалари вужудга келиши уру²-³абилалар ва элатларнинг бирлашиб ҳаракат ³илишини та³оза этди. Уларни бирлаштирадиган ва руҳини инсонийлаштирадиган ²оялар керак эди. Натижада даставвал сеҳрли кучлар борлиги тўғрисида тасаввурлар, сўнгра оламни ва одамни яратган, улар устидан ´з назоратини ´рнатган якка худо борлиги т´²рисидаги ²оя вужудга келиб, жаµон динлари шаклланди. Дунёда бир-биридан ажралган ҳолда турли даврларда турлича диний қарашлар пайдо б´лди, улар инсоният тарихий тара³³иёти ва маънавий такомилида ²оят муҳим роль ўйнадилар. ¥озирги жамиятларда µам диний дунё³арашлар маънавиятни ³арор топтириш, инсон руҳини поклаш учун муайян функцияларни бажариб келмо³далар.

Фан ривожи, унинг негизида янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришда етакчи мавқега эга бўла бориши жараёнида янгича илмий-фалсафий қарашлар шаклланмо³да. Бунга к´ра, олам ´з-´зидан пайдо б´лган, у яхлит бир бутун системадир. Оламдаги барча нарса, ҳодиса, жараёнлар муайян ³онуниятлар ор³али бир-бири билан бо²ланган, бир-бирини та³оза этади. Одамзот онгининг ривожланиши о³ибати ва унинг ю³ори бос³ичи сифатида эндиликда Ер деб аталган олам Ноосфера-- А³л соµаси бос³ичига к´тарилдики, бу даврнинг ´зига хос хусусиятларини англаб олиш ба²оят муµим б´либ турибди.

Вернадскийнинг Ноосфера т´²рисидаги таълимоти тирик нарсалар билан нотирик материя эволюцияси ўртасида мустаҳкам ало³а борлигини к´рсатиб, бизнинг олам ва унда одамнинг ´рни тўғрисидаги ³арашларимизни янги ю³ори бос³ичга к´тарди. У таълимот асосида ривожланган ҳозирги замон астрофизика фани Ер сатхи шакллана бошлаганини 6-6,5 миллиард йил, деб исботламокда. Умуман моддий олам яхлит бир бутун б´либ, у ўз-ўзидан доимо µаракатда, бир ҳолатдан бош³а бир ҳолатга ўтиш ва ривожланиш жараёнидадир.

Олам моддий жиµатдан бир бутун б´либ, уни ³уйидаги мисоллар исботлайди: 1) коинотдаги барча юлдузлар ³уёшимиз каби думало³ ва

муайян системадан иборат.; 2) барча жисмларга марказга интилиш ва марказдан 3очиш хосдир; 3) Ер ва космик жисмлар бир хил кимёвий элементлардан ташкил топган; 4) барча кимёвий элементларнинг атом тузилиши бир типдаги заррачалардан иборат; 5) Ер ва коинотдаги жисмлар вужудга келиш ва йў3 бўлиш (бош3а шаклларга ўтиш) хусусиятига эга, уларнинг ҳаммасига µаракат хосдир; 6) тирик организмлар ва нотирик организмларнинг ҳаммаси учун инъикос хос; 7) тирик табиатнинг барчасида модда алмашиш жараёни мавжуд; 8) тирик организмларнинг ҳаммаси ҳужайралари майда зарралардан ташкил топган, уларнинг барчасида генлар ирсиятни сақлаб қолишга интилади.

Синергетика 3онуниятининг кашф этилиши натижасида материянинг ´зини-´зи ташкиллаши, хаос (чала ёки оз структурали ҳолати)дан оламнинг вужудга келишининг улкан панорамаси т´2рисидаги илмий қарашлар ҳосил б´лмо3да. Ундаги тузилмалар бе3арорлик ва бар3арорлик ҳолатини бошидан кечириб, тартиблиликдан тартибсизликка ва ундан яна тартиблиликка ´тиб туради. Дивергенция 3онунига биноан, ривожланиш жараёни материя тузилмаларининг оддий - а3л бовар 3илмайдиган даражада хилма-хил шаклларини вужудга келтиради.

**Фанлардаги ажралиш ва унинг о3ибатлари.**

XIX асрнинг 2-ярмидан бошлаб, фанларда ажралишлар содир бўлиши бошланди. Эндиликда табииётшунослик, жамиятшунослик, инсоншунослик, техникашунослик каби йирик йўналишлардаги фанлар вужудга келиб, улар бир-биридан ажралган ҳолда ривожлана бошлади. Оламимизнинг яхлит бир система бўлишига қарамай, фаннинг шу тўрт соҳаси уни гўёки алоҳида-алоҳида, ўз 3онунлари билан мавжуддек тасаввурларни пайдо қилмоқда.

Биро3, бош3ача майл (танденция)лар µам шаклланди. Бу, аввало фалсафий ва диний тафаккурда содир б´лди. Ньютон ва И.Кантнинг Космогоник гипотезасидан бошланган оламнинг яхлит манзарасига кўра, Коинот ҳам ва одам феномени (нодир ходисаси) ҳам ўз-ўзича мавжуд. Одам ташқи кузатувчи ҳисобланиб, фанлар ёрдамида у олам сирлари ичига табора чуқур кириб боради. И. Одоевскийнинг фикрича, Оврупоча рационализм биз (одамзот)ни фа3ат ха3и3ат дарвозаси олдига олиб келдию, аммо уни очишга ожизлик 3илди. Шундан келиб чи3иб, Россияда XIX аср 2-ярмидан бошлаб, «Рус космизми» номи билан ´зига хос тасаввурлар юзага келди. Бунга кўра, одам табиатнинг таркибий қисми бўлиб, уни бир-бирига 3арама-3арши қўймаслик, балки ҳар иккисини яхлит бир бутунликда деб билмо3 керак. Одам ва уни куршаган жамики нарсалар Космос 3исмларидан иборатдир. Бинобарин, шу маънода кимдир яхлит оламни Худо дейиши, кимдир Коинот

дейиши, демак борлиқни у бир бутун эканини эътироф этишининг принципиал фар³и й´³, деган хулосага келдилар.

Нима бўлганда ҳам А³л билан Табиат ´ртасида му³аррар зиддиятлар вужудга келаётгани маълум б´ла бошлади. Чунки асрлар давомида диний дунё³араш ор³али одамзот худо образида олам - борли³ни яхлит бирликда к´риб келган. Диний жамоа ва руҳонийлар мафкура воситаси-ила бундай дунёқарашни µа³и³атнинг охирги ну³таси сифатида тушунтириб µамда динларнинг му³аддас китобларида Олий хакам – Худо йўлидан чиқмаслик кераклиги тўғрисидаги ақидалар асосида шаклланган маънавий – ахло³ий қадриятлларни ³арор топтирган эдилар. Одамзот тафаккури ва у билан бо²лик турмуш тарзи шу тур²ун тушунча - “абадий ҳақиқатлар” - (а³ида) лар асосида таркиб топган эди.

Илмий - техника тара³³иёти бундай тасаввурларнинг таг - заминига путур етгазган бўлса, ИТИ эндиликда А³лнинг Табиат устидан хокимлигини ´рнатиб қўйди. Янгича воқелик янгича тафаккур тарзини, янгича дунё³арашни, янгича ахло³ий нормаларни тақоза этиб ³олди. Биро³ фанлардаги ажралишлар ва ғарбча индивидуализм А³л ва Табиат ўртасида юз берган зиддиятларни янада чу³урлаштириб, µар бир жамиятда маънавий - ахло³ий б´хрон (кризис)ни тобора чу³урлаштириб бормо³да. Бу ҳол аввало назариётчи олимларни жиддий ташвишга солиб ³ўйди ва улар нажот йўлини ³идирмо³далар. Баъзилар нажот йўли яна динлар ор³али худо тимсолида оламнинг яхлитлигини эътироф этишга ³айтишда, деб µисобламо³далар.

**Тамаддун (Цивилизация)лар т´³нашувига й´л ³´ймаслик муаммоси.**

Олам қанчалик турли-туман к´ринишдаги жисмлардан иборат б´лмасин, у яхлит бир бутун нарса ва ҳодисалар доимий ҳаракатда ва бир ҳолатдан бош³асига ´тиб туриш (айланиш) жараёнида экан, одам уни ана шу холича тасаввур этиши, шундан келиб чи³иб муносабат билдириши заруратдир. Ундан таш³ари, Ер деб аталган шу кичик оламда одамзот битта тур эканлиги, ³андай элат, халк, миллат, ир³ ёки ³андай эъти³од эгаси бўлмасин, барибир, унинг пировард такдири бир эканлигини тан олиш керак б´лади. Зеро, илгарилари алоµида – алоµида яшаган одамлар жамоалари, жамиятлари эндиликда глобаллашув жараёни туфайли, биргаликда µамкор, µамнафас б´либ яшаш йўлларини ³идиришлари, топишлари ниҳоятда зарур.

Фанлардаги ажралишларнинг чуқурлашуви олам ва одам тў²рисида яхлит бир дунё³арашни шакллантира оладиган, уларнинг миллати, ир³и, дини ва илмий ³арашларидан ³атъий назар, биргаликда д´ст б´либ яшаш тамойилларини ³арор топтира оладиган фан µозирча й´³. Аммо шундай ма³омга эга б´ладиган фан албатта керак. Фалсафа

ана шундай фан ма³оми (статуси) га эга б´лиши мумкин эди. Аммо оламга, одамга ³арашлардаги хилма-хилликлар, манфаатлар ´ртасидаги хатто антогонистик даражадаги зиддиятлар бунга йўл ³´ймаяпти. Бундай шароитда яна ягона дин яратишни ³ўмсаш майллари юзага келмо³да. Бунинг устига цивилизациялар тў³нашуви хавфи борлигига µам бефар³ ³араб туриб бўлмайди. Чунки µозирги дунёимиздаги баъзи аломатлар христиан дини асосида шаклланган тамаддун (цивилизация) билан ислом дини негизида шаклланган тамаддун ´ртасида зиддиятлар мавжудлигини тасди³лайди. Бош³а динлар ´ртасидаги зиддиятлар µам инсониятни ´йлантирмай иложи йў³. Масалан, араб дунёси билан исроилликлар ўртасидаги зиддиятлар кўпинча диний тус олаётгани бежиз эмас. Ноанъанавий деб аталган диний мазхабларнинг пайдо бўлиши эса одамларда, айниқса ёшларда диний заминда ´зга миллатлар ва мазхаблардаги кишиларда душман образини кўриш, уларга нисбатан даҳшатли тошба²ирликлар қилишни ²оявий жиҳатдан о³лашга олиб келмо³да.

Реал во³еликка реал к´з билан ³араш маъ³ул. А³л соµаси эндиликда Табиат устидан µам ´з хукмронлигини ´рнатиш даражасига к´тарилган экан, унинг меваси ва ҳосиласи б´лган фан- техника ва технология юту³ларини тўлалигича инсониятнинг порло³ келажаги ма³садларига хизмат ³иладиган томонларга буриб юборишни ва умумбашарий ма³садларга айлантириш муаммосини жиддий ўйлаб курадиган ва³т келди. Бу муаммони ҳал этиш йўлларидан биттаси фалсафага фан сифатида ёндашиш, µамма одамларда илмий µа³и³атларга асосланган олам ва одам тў²рисидаги барча билимларни синтез ³ила оладиган ва уларни яхлит дунё³арашга айлантира оладиган фалсафа фанини шакллантириш ма³садга мувофи³дир. Чунки фалсафада миллийлик билан умумбашарийлик муштарак эканлигини эътироф этиш шундай фикрни илгари суришга имкон беради.

**Хулоса:** а) оламнинг яхлит бир бутунлигини фан исботлаган: б) фанлардаги ажралишлар улардаги хулосаларни синтез ³илиш асосида янгича дунё³арашни шакллантиришни қийинлаштирмоқда; в) фалсафага фан сифатида ёндашув оламнинг бир бутунлиги, одамзотнинг бир тур эканини тан оладиган дунё³арашни вужудга келтириши мумкин.

**<u>Калит сўзлар:</u>** Эволюция, нотирик ва тирик табиат, моддий бир бутунлик, синергетика қонуни, беқарорлик ва барқарорлик, тартибсизлик ва тартиблилик, дивергенция қонуни, “Рус космизми”, ИТТ, ИТИ, Ғарбча индивидуализм, Шарқча жамоачилик, маънавий-аҳлоқий бўхрон (кризис), глобаллашув, антогонизм, тамаддун, душман образи.

**Такрорлаш учун саволлар.**

- Оламнинг моддий жихатдан яхлитлиги нималарда намоён бўлади?

- Ноторик ва тирик табиат эволюцияси ўртасидаги мустахкам алоқа нималарда намоён бўлади;
- Фанлардаги ажралишлар қандай оқибатларга олиб келмоқда?
- Ер – Она-табиат билан Ақл ўртасида қандай зиддиятлар вужудга келди?
- Бу зиддиятлар ўзининг қарама-қарши томонига оғиб кетмаслиги учун нима қилиш керак?
- Глобаллашув жараёни нимани тоқоза этмоқда?
- Мафкура орқали душман образи яратиш қандай оқибатларга олиб келмоқда?
- Дунёда ягона дин яратиш мумкинми?
- Фалсафага фан сифатида ёндашувга қандай ижтимоий зарурат бор?

## Эволюция мурват (механизми)лари

**Ягона илмий тилга эҳтиёж.** Нотирик ва тирик организимлар ҳамда жамият эволюцияси жараёнлари ҳақида турлича ёндашувлар бор. Уларнинг мурвати (механизми)ни тушуниш ва амалиётда шундан келиб чиқиб муносабат белгилаш муҳимдир.

Эволюция (аста-секин, ўз-ўзидан ривожланиш) жараёнларини тушуниб олиш, уларнинг механизмлари борлигини англаш учун фанда кўп янги кашфиётлар рўй берди. Материя тузилма (структура)ларида ўзгаришлар қандай содир бўлади, қандай ва нима сабабдан янги сифатлар вужудга келади, ҳар кандай ўз-ўзини ташкиллаш жараёнини ҳаракатга келтирувчи мурват (механизм) нима, деган саволларга жавоб олишга ойдинлик киритилди. Шу нарса равшанроқ маълум бўлмоқдаки, жаҳон тараққиётининг яхлит жараёни тасодифлар ўйини эмас экан. У муайян йўналишга эга бўлиб, ташкилланиш узлуксиз мураккаблашиб бориш жараёнидир. Бу коинотимиздаги объектив тасодифларнинг худди шундай объектив зарурият билан ўзаро тасъири натижасидир. Реаллик шундан иборатки, у зарурият тасодифиятни умуман инкор этмайди, балки табиат қонунларига мувофиқлик тарзида ривожланиш имкониятининг салоҳиятини белгилайди.

Ривожланишнинг яхлит жараёни нотирик табиат, тирик табиат ва жамиятни камраб олади. Материя тузилишининг бу уч даражаси битта занжир халқаларидан иборатдир. Бинобарин, ягона тилда, ягона схема доираси (рамкаси)да умумий бир атамаларни қўллаган ҳолда ривожланиш жараёнини англаб олиш осон бўлади. Ривожланиш жараёнларининг шундай боғлиқ ҳолда талқин этиш барча биологик соҳалар ҳамда табиат ва жамиятдаги жараёнларнинг ўзаро таъсирини

системали тахлил (анализ) этиш технологиясини кескин соддалаштиради. Айни дамда ривожланишнинг яхлит жараёнини талқин этиш учун ягона илмий фан тилини яратиш материя тузилиши айрим кўринишларининг генетик алоқадорлигини равшан билиш имконини туғдиради. Бундай тилни яратишдан олдин калит тушунчалар муаммосини ҳал этиш ҳамда бу тилдан фойдаланиш соҳалари кенгайиб борган сари улар мохиятини талқин этиш ҳам кенгайишини назарда тутиш лозим. Масалан, «Дарвин учлиги» – ўзгарувчанлик, ирсият ва танланиш тушунчалари нотирик моддий тузилмалар, тириклик соҳаси ва ижтимоий ҳаёт ривожи механизмиларининг ўзига хос хусусиятларини талқин этиш имкониятини беради. Аммо бу тушунчалар талқини эндиликда Дарвин ва у яшаган даврдаги талқинга нисбатан чуқур ва кенг маъноларга эга бўлиб қолганига қарамай, улар эволюцион тараққиётни тушуниб олиш учун калит атама хизматини ўташи мумкин.

Фанлардаги катта ажралишлар содир бўлиши эндиликда Космос ва Ер ходисаларини тушуниш, нотирик ва тирик табиат ҳамда ижтимоий ҳаёт ягона эволюцион жараёнини илмий англаб олишимизга монеълик қилмаслиги учун ягона илмий тилга эҳтиёж тобора кучайиб бормоқда.

**Танлаш тамойилининг ялпи умумийлиги.**

Танлов тушунчасини талқин этишда ҳам хилма-хилликлар мавжуд. Уни тамойил дейиш ҳам мумкин. Биологлар бу атамага тарихан ўзларича мазмун бериб келадилар. Бунга кўра, табиатда нисбатан кучли, муҳитга мослашувчанлар яшайди. Булар ичидаги тасодифий омиллар (мутация ҳаракатлари) натижасида вужудга келган белгилар танлаб олиниб, сўнгра ирсият қонуниятларига биноан кейинги авлодга узатилади. Албатта табиий танланиш механизмини ана шундай содда талқинини фақат унинг скелети дейиш мумкин. Аммо бундай қарашлар ривожи натижасида эволюцион жараёнларнинг ҳозирги замон тушунчаларига эга бўлиб қолдик. Табиий танланиш тўғрисидаги қарашлар ривожи натижасида бу ялпи умумий таснифга – нотирик табиат ва жамиятга ҳам хос ҳодиса эканлиги маълум бўлмокда. Тажрибалар шундан далолат берадики, тасодифий тартибсизликлар (хаос) ўз-ўзидан қандайдир муайян тартибли ҳолат ва қонуниятни вужудга келтиради.

XVIII асрларда «виртуал ҳаракатлар» кўпдан-кўп «эхтимолли давомийлик» тушунчаларида ҳар қандай «эҳтимоллик ҳаракатлари» англаб келиндики, бу – физика қонунларига тўғри келмас эди. Чунки бу «виртуал ҳаракталар»ни англаш туфайли ҳар қандай тасодифлар сабабли содир бўлиши ҳам мумкинлиги аён бўлди. Демак, ўзгарувчанлик табиатга бутун бир «имконият майдони»ни касб этиб, баъзи бир махсус шарт-шароитларга мувофиқ келадиган фақат айрим бирликлар ўзини намоён

қилиши, танланиши учун амалга ошар экан. Танловни ўз объектив қонунлари бўйича табиат рўёбга чиқаради, Ақл эса у ёки бу даражадаги аниқлик билан бу фактни изоҳлайди. XVIII асрда бу далил механикага хос жараён сифатида қараб келинди.

Эндиликда исталган динамик тизимлар ҳамда виртуал ва реал ҳаракатлар алоқадорликларини чуқурроқ ва кенгрок тасаввур қилишимиз мумкин. Масалан, жуда кўп эҳтимолли (фикрий) ҳаракатлардан амалда фақат истисно тариқасидаги ҳаракатларгина «ўтказиб юборилади». Бошқача айтганда, буни амалга оширадиган филътрларни танлаш жуда кўп. Ньютон қонуни эса улардан атиги биттаси, холос. Тирик табиатда турлар ичидаги кураш, Дарвин атаган табиий танлов ҳам яна бир фильтрдир. Танлов тамойилларига эса ҳамма сақланиш қонунлари, жумладан, физика ва кимё қонунлари ҳам киради. Бу тамойилга термодинамиканинг икки қонунини ҳам киритиш мумкин.

Танлов тамойили жамиатга ҳам хос ҳодисадир. Бироқ буни содда тушунмаслик керак. Яъни жамиятда, ҳудди нотирик табиатда ва хусусан тирик табиатдаги каби шаклларда бу тамойил амал қилади, дейиш тўғри бўлмайди. Чунончи, ҳайвонот оламидагидек жамиятда ҳам фақат кучлилар яшаб қолади ва ожизларга ўрин қолмайди, тарзида танловни содда тушунмаслик керак. Бошқача айтганда, ақлий жиҳатдан нисбатан онгли, ижтимоий мавқеи (статуси) мустаҳкам, жамиятдаги алоқалари хилма-хил, махоратли ва ҳатто, маълум маънода такомиллашган жамиятларда ғирром, фирибгар одамларгина жамиятда инсонлардек яшай олади, бундай имкониятлардан маҳрум оддий кишилар хору зор, ночор яшашга мажбурлар, дейиш тўғри бўлмайди.

Иқтисодни оладиган бўлсак, ундаги баланс (тенглик) шарт-шароити танлов тамойилини ўзида гавдалантиради. Ижтимоий ҳаётдаги турли тасодифлар йиғилиб-йиғилиб, заруриятга айланади. Жамиятда имконият даражасидаги воқеъликнинг ўзи гўё тасодифлар йигиндисидек намоён бўлади. Ушбу имкониятлар (тасодифий ҳолатларни) англаб олиш, уни воқеликка айлантириш йўллари, воситалари, усулларини тўғри танлай олган одамлар, уларнинг уюшмалари (давлати, сиёсий партиялари, ижтимой ҳаракатлар ва бошқалар) ўз қобилиятларини тўлароқ, натижадорроқ руёбга чиқара оладилар. ¥уқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятида яшайдиган фуқароларда танлов тамойилларига асосланиб фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит кенг ва қулай бўлади. Бу хол ижтимоий тараққиёт ва инсон камолати учун ҳам кенг имкониятларни вужудга келтиради. Демак, танлов тамойили ялпи умумий тасниф (характер)га эга эканини назарда тутиш лозим .

**Эволюцияда мослашиш (адаптация).**

Фанда “механизм” сўзи кўп қўлланилади. Масалан, бозор муносабатлари механизми, генетика механизми, нарх – навонинг

шаклланиши механизми ва ҳоказо. Бу сўз ёрдамида баъзи мантиқий алоқадорликлар, турли ходисаларнинг юзага келиши ва давом этиш тартибини ҳам англаб оламиз. ¤згарувчанлик, ирсият, танлов атамалари ёрдамида материя ўзини-ўзи ташкиллашнинг турли механизмларини ёритишнинг ўта ўзгарувчан воситаларини англаб олиб, ҳар қандай ривожланишнинг, жумладан ижтимоий ҳаётга хос ривожланишнинг ҳам умумий холатларини англаб оламиз. Ҳозирча турли-туман физикавий табиат ходисаларига хос бўлган эволюция механизмларини иккита йўналишини кўриб чиқайлик

1-си “адаптация ” (мослашувчанлик, кўникувчанлик) механизми.

2-си бифуркация (икки тармоққа ажралиб кетиш ёки ҳалокат) механизми.

Адаптация механизмида муайян жараён мантиқий занжирчасида ўзгариш бўлса, у мослаштириб олган система (жумладан, организм) даги «адаптация» типи механизми бўлишдан тўхтайди. Адаптация механизми асосий хусуятларини билиб олиш натижасида принцип жиҳатидан воқеалар ривожининг натижаларини ҳам олдиндан айта оламиз, яъни тахмин қилиш имкониятига эга бўламиз. Адаптация натижасида ривожланаётган системада ташқи муҳитнинг конкрет шароитларда муайян барқарорлик вужудга келади. Бинобарин, муҳит хусусияти, ушбу шароитни ўрганиб, ана шу механизм таъсири остида системанинг параметрларида содир бўлаётган ўзгариш майлларини олдиндан айта оламиз. Бошқача айтганда, жуда кўп холатларни у ёки бу даражада олдиндан аниқ белгилаш қобилиятига эга бўламиз. Бу холатдан селексионерлар кўпдан бери фойдаланиб келадилар. Физика ва техникада ўзини-ўзи ташкиллашда кўпдан буён ва кенг равишда адаптацияни таъминлашда фойдаланиб келинади. Атроф муҳит тўғрисида етарли ахборот бўлган тақдирда, бу назарияга биноан, у ҳаракат натижаларини олдиндан катта ишонч билан айтиш мумкин. Адаптация механизмлари шундай ноёб хусусиятга эгаки, на ташқи жисмлар тойилиши, на ички тартибсизликлар ушбу механизм туфайли система (бутунлик)ни шу система учун табиат тайёрлаган «эволюциянинг кўзга чалинадиган канали» остонасидан ташқарисига чиқара олмайди. Шунинг учун ҳам ривожланиш йўлларини анчайин аниқ олдиндан айтиш мумкин.

**Эволюцияда бифуркация (ҳалокат) мурвати.**

Фанда узоқ йиллар материя эволюцион ривожланишини англатадиган адаптация (яъни, нотирик табиат, тирик табиат ва жамиятда ташқи муҳитга мослашиш) мурвати борлиги тўғрисидаги қарашлари етакчи бўлди. Нарса ва ҳодисаларнинг ўзини – ўзи ташкиллашга шу нуқтаи назардан ёндошиб келинди. Аммо тадқиқотлар яна шуни исботладики, эволюция механизмларининг бошқа типи ҳам мавжуд экан. Бу бифуркация механизми бўлиб, уни тушуниб олиш учун трубадан оқадиган суюқликни мисол келтириш мумкин. Суюқлик сарфи

оз бўлган пайтда, Пуазейл конунига мувофиқ, унинг оқими ламинал таснифга эга бўлади, яъни суюқлик қисмлари труба маркази билан параллел равишда силжийди. Ушбу суюқлик ҳаракати труба ичида силжиши учун муайян куч-қувват керак бўлади. £увват (энергия) сарфланишидаги фарққа қараб, маълум бир вақтгача у чизиқли қонунга биноан ўсиб боради, суюклик зарралари тезлиги эса, ўз паробалик шаклини сақлаб қолади. Бирок, ташқи таъсирнинг маълум бир басқичига келгач, суюқлик оқими ҳарактерида сифат ўзгариши содир бўлади. Ламинал оқим турбулент оқимига айланиб, босим тезда ўсади. Бошқача айтганда, суюқлик сарфини белгилайдиган ташқи таъсирнинг муайян чегараси бўлади. Бунда системанинг эски ташкилланиши барбод бўлади, система ташкилланишининг турбулент шакли вужудга келади. Аммо системанинг бу остонавий вазиятида янги ҳолатга келиши бир хилда кечмайди. Бифуркациядан кейин эҳтимол жўда кўп структуралар мавжуд бўладики, улар доирасида система яна ривожлана бошлайди. Бу структуралардан қай бири ўзини намоён этишини олдиндан айтиш қийин.Чунки бунда остона холатидан ўтиш пайтида тасодифий таъсирлар ташқи мухит флуктацияси мавжуд бўлиб, ана шу структура танловини белгилайди. Айнан мана шу бифуркация механизми бизнинг оламимиз ривожида алоҳида роль ўйнайди .

Бу ҳолатни тушуниб олиш учун яна битта мисол келтирамиз. Бир эгилувчан таёқнинг икки учидан ушлаб эга бошлаймиз. £увватнинг ошиб бориши билан таёқ тобора эгила боради. Аммо маълум бир босқичга келгач, таёқ синади ва у энди таёқлик хусусиятини йўқотади. Унинг қаердан қандай синишини олдиндан айтиш қийин. Худди шунга ўхшаб, келажакнинг ноаниқлиги бифуркация механизмининг ўзига хос хусусиятида намоён бўлади .

Адаптация ва бифуркация механизмлари мавжудлиги тўғрисидаги концепция Кювьенинг ҳалокат назариясини ҳам маълум даражада тиклашни тақоза этади. Дарвиннинг эволюцион таълимотига Кювьенинг ҳалокат назариясини қарама-қарши қўйиш тўғри эмас. Масалан, геологлар ва палеонтологлар Ерда кўпроқ ёки озроқ доимо фонли радиация (эҳтимол, £уёшнинг Космос муайян бир зонасидан ўтиши билан боғлиқдир) бўлиб туришини тасдиқлаганлар. Натижада мутагенез ниҳоятда зич (интенсив) тус олиши туфайли Ерда ҳаёт шароити алмашиб борган. Бу ҳол эски турларнинг йўқ бўлиши ва янгиларининг пайдо бўлишига олиб келган. Биосферанинг ҳалокатли ҳолати бифуркация механизми туфайли содир бўлиб туради.

У ёки бу сабабларга кўра, эволюцион оқим эволюциянинг бир неча йўлларига дуч келади. Натижада адаптация мурвати ўрнини бифуркация (ҳалокат) механизми эгаллайди. Ривожланишнинг характери шундан сўнг сифат жихатидан ўзгаради. Энг муҳими, эволюцион жарённинг бундан кейинги ривожланишида бир неча йўл (вариант)лар пайдо бўлади. Яъни

йўлларни танлаш қай ҳолда боришини олдиндан айтиш қийин. Чунки бунда тасодифий ҳолатлар ҳал қилувчи роль ўйнайди .

Ушбу айтилганлардан маълум бўладики, материя ўзини-ўзи ташкиллашининг ялпи умумий қонуни мавжуд. Уни фанда дивергенция қонуни деб аталади. У моддий оламнинг барча уч даражаси –нотирик табиат, тирик табиат ва жамият эволюцияси учун хосдир .

Система мураккаблашиши билан унинг ҳажми катталашиб ва бифуркация (ҳалокат) ҳолати кўпайиб боради. Бинобарин, система мураккаблиги ошган сари унинг янада ривожланиб боришининг эҳтимол тутилган йўллари, яъни дивергенция ҳам кўпайиб боради. Аммо айнан битта канал (йўллар)да ривожланаётган иккита системанинг пайдо бўлиш эҳтимоллиги нолъ (йўққа)га тенг. Бунинг маъноси шуки, ўзини-ўзи ташкиллаш жараёни ташкиллаш шакллари сонининг тобора ўсиб боришини англатади.

Бу ҳолатни қуйидаги мисолда англаб олиш мумкин. Дейлик, иккита бир хил думалоқ устун худди бир хил вертикал босимда турибди. Уларга тинимсиз шамол шиддатли таъсир этмоқда. Устунларнинг механик хусусиятлари ва вертикал босимлар бир хил бўлганлиги сабабли, уларда барқарорлик чегараси ҳам айнан бирдек. Л.Эйлер назарияси бўйича, ҳар икки устунда бифуркация (ҳалокат) бир вақтда рўй бериши керак. Бироқ, шамол шиддати ҳеч қачон айнан бирдек бўлмагани туфайли, бифуркациядан кейин ҳар икки устуннинг ҳолати турлича бўлади. Натижада янги шароитда устунларнинг тебраниши эволюция турли йўлларида содир бўлади. Бошқача айтганда, турлича текисликда улар тебранади. Чунки мувозанат шакллари ҳаддан ташқари кўпдир.

**Хулоса:** а) ривожланиш яхлит бир жараён бўлганлиги сабабли , уни яхшироқ англаб олиш учун умумий атамаларни ягона тилда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади; б) ривожланишнинг йўллари хилма-хил бўлганлиги туфайли танлов ҳам турли йўналишга эга бўлади; в) эволюцияда материя шакл (система )лари муҳитга мослашуви (адаптация) мурвати (механизми) бўлади ; г) ундан ташқари эволюцияда бирфуркация мурвати ҳам мавжудки, ситемаларнинг ривожланиш йўллари танланишида тасодифий ҳолатлар ҳал қилувчи роль ўйнайди.

**Калит сўзлар:** тузилма (структура), зарурият, тасодифият, ягона тил, системали тахлил (анализ), Дарвин учлиги, танлов тамойили мутация, фильтр, механизм (мурват), адаптация механизми, бифуркация механизми, ломинал оқим, турбулент, фонли радиация, мутагенез, эволюцион оқим.

## Такрорлаш учун саволлар.

- Жаҳон тараққиётининг яхлит жараёни деганда нима тушинилади?
- Дарвин учлигини қандай тушуниш керак?
- Танлов тамойили тушунчасининг илмий талқини нима?

- Жамиятда имконият даражасида турган воқеликни қандай англаб олиш мумкин?
- Эволюция мурвати (механизми)нинг иккита йўналишини изохланг!
- Бифуркация механизми нимани англатади?
- Дивергенция қонуни нега адаптация ўрнини эгаллайди?

## Тараққиёт жараёнлари.

**Редукционизм (заифлашув) ҳодисаси.** Нотирик ва тирик табиатда тараққиёт жараёнлари, уларнинг ҳар иккисидаги ўзига хос қонунлар мавжуд. Айниқса, тирик табиатдаги тескари алоқа механизми ва такомилланиш, гомэостазисни сақлаш ҳамда диссипация минимуми тамойилларини англаб олиш ҳар бир мутахассис учун албатта фойдалидир.

Редукционизм (соддалаштириш, заифлашиш, кичрайиш, йўқолиш) кузатилаётган материя ташкилланишининг у ёки бу даражадаги муайян мураккаб ҳодисани нисбатан соддароқ ҳодисалар хусусиятлари ёки ташкилланишнинг нисбатан қуйи даражаларини баён этиш учун ҳамма фанларда қўлланиладиган усулни англатади. Бошқача айтганда, мураккаб нарса моҳиятини нисбатан соддароқ қилиб тушунтиришга интилиш редукционизмдир. Буни ўзига хос тафаккур тарзи ёки тафаккур услуби (методи) дейиш ҳам мумкин. Физика фанида айниқса бу кенг қўлланилади ва мураккаб системалардаги ўзгаришларни англашга имкон туғдиради. Физикларнинг кўпчилиги макро даражадаги барча хусусиятлар микро даражадаги моддаларда кодлашганига қаттиқ ишонишади. Уларнинг фикрича, тадқиқотчи иҳтиёрида микро даражадаги система элементларини етарлича изоҳли (яхши) модели бўлса, макро системалардаги барча хусусиятларни аниқлашнинг унча қийинчилиги қолмайди. Газларнинг кинетик назарияси ва ёпишқоқ суюқликлар гидро – динамикасида қўлланилаётган моддалар бундан гувохлик беради.

Аммо буни ижтимоий фанларга кўр-кўрона қўллаш мумкин эмас. Афтидан, материя тузилишини исталган даражаси учун долизарб бўлган муаммолар мавжуд. Уни «йиғиш механизми» муаммоси дейиш хато бўлмас. Элементларнинг бирлашувида, яъни макро даражага ўтишда ўзининиг сифат жиҳатига эга бўлган янги структура ташкилланиши рўй беради. Масалан, «ижтимоий» кийиклар миқдори маълум бир меъёрига келганидагина уларнинг ўзига хос умумий феъл-атворлари шаклланади. Бундай пода галасининг шаклланишида уларнинг ўзига хос хотираси катта роль ўйнайди. Мобода уйга ўргатилган кийиклар галаси улар ичига аралашиб қолса, уларда бундай хотира бўлмагани сабабли, подага яхши қўшилиб кетолмай, тез орада ваҳший ҳайвонларга ем бўлади. Демак, умумий пода феъл-атворини айрим кийиклар орқали англаб бўлмайди. «Кооператив (умумий) феъл-атвор» тирик организмларнинг ўз

гомеостазиси (озчилиги)ни сақлашга интилиш туфайли содир бўлади. Феъл-атворнинг умумийлиги система учун фақат алоҳида бўлган умумий хусусиятларнинг вужудга келишидир. Инсоният жамиятининг умумсистемали таснифини ўрганаётганда, айнан жамоанинг умумий феъл-атвори ва жамиятнинг исталган ташкилоти учун бу алоҳида аҳамият касб этади. Биосфера ва инсон кооэволюциясига тадбиқан эса умумий феъл-атвор ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бинобарин, табиат ва инсон муносабатлари стратегиясини яратишда редукционизм ҳодисасидан фойдаланишни жиддий ўйлаб кўриш керак. Ҳозирча инсоният «йиғиш механизмилари» умумий хусусиятлари ҳақида ва айниқса унинг оқибатларини олдиндан айтишда жуда оз билимга эга. Шундай бўлишига қарамай, механизм хусусиятини ўрганиш масаласи жиддий равишда кун тартибига қўйилган эмас. Масалан, миллат табиатининг шаклланиши, диний жамоада умумий феъл-атворнинг вужудга келиши механизмларини жиддий ўрганиш ва умумий стратегияга эга бўлиш долзарб масала эканлигини тасдиқлаш жоиздир.

**Тескари алоқа механизми ва ташкилланиш.** Нотирик табиатдаги нарсалар ёпиқ система, тирик табиат (ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ва одамзот жамияти) эса очиқ система ҳисобланади. Физик жисмларда система структураси ўзининг ички алоқалари ташкилланишини ўрганиш учун махсус фан – «Ташкилланиш назарияси» вужудга келди. Маълум бўлишича, нарсалар мавжудлиги архитектуравий шакллари у жараёнда иштирок этаётган хилма-хил материалларга нисбатан қашшоқроқ экан. Ниҳоятда чуқур фалсафий маънога эга бўлган ушбу далил нарса структураси ажралишини мустақил равишда тадқиқот обеъктига айлантирди. Кристалшунос олим Е.Федоров ана шу холатни кристалларда ўрганиб чиққан. Тадқиқот шуни исботладики, кристаллашиш мумкин бўлган нарсалар, ўзларининг кимёвий таркибларидан қатъий назар, кристалл структураларининг фақат муайян йиғиндиси мавжуд экан. Кейинги тадқиқотлар натижасида табииётшунослик ва жамиятшунослик учун ҳам умумий бўлган қонуният борлиги аникланди. Ташкилланиш назариясининг математик услублари ва математик талқинлари ишлаб чиқилгач, маълум бўлдики, жуда кўп марта бифуркацияни ўз бошидан кечирган турли табиатлар системаси учун у универсал хусусиятга эга. Аммо ташкилланишни ташувчи материалнинг ўзини тилга олмасдан, бу ҳақда гап юритиб бўлмаслигини албатта назарда тутиш керак. Демак, ташкилланиш назариясининг ҳозирги замон тизими бу универсал таълимотнинг асосига қўйиш мумкин. Зеро, система ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш учун аввало унинг ташкилланишини ўрганиб чиқишга тўғри келади.

Барча ўзгариш вақт билан боғлик бўлгани сабабли, ҳар бир аниқ конкрет нарсалар ўзгариши учун ўзига хос бўлган вақт ўлчовлари

мавжуддир. Нарсалар ўзгариш жараёнини ўрганиш аслида тадқиқот ўтказилаётган нарса жараёни эволюцияси ёки ривожланишини ўрганишдир. Ана шу дастлабки ўзгариш ҳолатларини ташкилланишнинг элементига қўшиш мумкин. Бошқача айтганда, ўрганилаётган объект система ташкилланиши турғунлик (консервативлик) билан аста-секин ўзгарувчанлик бирлигидан иборат ходиса эканлигини тушуниб олишга имкон туғдиради. Ташкилланиш тушунчаси материя ўзини-ўзи ташкиллаш жараёнини тадқиқ этувчи синергетика мазмунини англаб олишга ёрдам беради. Аслида бундай ёндошув асосида ҳозирги замон системали тахлил механизми ётади. Чунки ҳар бир аниқ (конкрет) тадқиқотда у ёки бу тарзда ўрганилаётган муайян обектнинг вақт интервали аниқланади. Масалан, об-ҳаво прогнози (тахмини), унинг зарурлиги ёки турлар ҳаётий цикли миқдорини олдиндан айтишга ўхшаб кетади. Ана шундай интерваллар оралиғи тадқиқот мақсадларини белгилашда муҳим омил ҳисобланади.

Тирик организмлар ва хусусан ижтимоий системаларда системанинг функционал таснифи билан системанинг структураси ташкилланиши тушунчасини анча мураккаб талқин этишга тўғри келади. Зеро, бунда система функцияси билан система структураси ўртасидаги алоқалар анчайин мураккаблашади. Шунинг учун ҳам тирик организмлар ва ижтимоий системалар табиати ҳақида фикр юритганда, уларнинг нафақат турғунлик (консерватив) таснифини, балки шу билан бирга уларнинг ҳаётий фаолиятига жиддий таъсир кўрсатадиган хусусиятларни ҳам этиборга олишимиз зарур.

Тириклик олами система ташкилланиши ривожланиш механизмининг мутлақо янги типини вужудга келтиради. Бу, тескари алока механизмидир. Ҳар қандай тирик организм ва система ўз ташкилланиши барқарорлигини сақлаб қолишга интилади. Чунки бу сиз у ҳалокатга учраши аниқ. Бироқ, бу системалар муайян чегарадагина ўз холатини ўзгартириш қобилиятига эга бўладики, мана шу тескари алоқа механизми дейилади. Бу, системага ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Салбий тескари алоқалар системанинг аслини сақлаб қолишга сабаб бўлиши туфайли, тириклик нотирикликдан фарқ қилади. Система ташкилланишини сақлаш (гомеостазис)га ўз барқарорлигини, ўз турини сақлашга интилиш ҳар доим эволюциянинг қудратли омилларидан бири бўлиб келган. Аммо ривожланиш майллари диалектикаси масалани нарса қатъий бирдек сақланиши ё йўқ бўлиши тарзида қўйишни инкор этади. Ўзининг охирги чегарасига етган барқарорликда ҳар қандай ривожланишга ўрин қолмайди. Чунки у ўзгарувчанлик тамойили амал қилишига йўл қўймайди. Ҳаддан ташқари барқарор шакл аслида эволюцияни тўхтатиб қўядиган холатдир, яъни бунда эволюцион ривожланиш боши берк кўчага кириб қолади. Бинобарин, меъёридан ортиқ мувофиқлашиш (адаптация) ёки ихтисослашиш ҳам турнинг

такомиллашиши учун хавфлидир. Тирик организмларга атроф-мухит билан энергия ва модда алмашиш хос бўлиб, улар ташқи мухитдан имкон даражасида кўпроқ қувват олишга интиладилар, шу жараёнда ўзларида локал энтропияни озайтиришга эришадилар. Юқоридаги холатлар натижасида тирик организмларда ҳам, ижтимоий системаларда ҳам эволюциянинг тезда ривожланадиган «тараккийпарвар» шакллари вужудга келади. Шундай қилиб, ҳар қандай тириклик оламида ўзаро таъсирнинг иккита қарама-қарши типи мавжуд: а)салбий тескари мустаҳкамланишга муҳтож бўлган барқарорликка интилиш майли; б)ижобий тескари алоқаларни тақоза этадиган янги янада рационалрок усулларни қўллаш орқали ташқи қувват ва моддаларни ўзлаштириш майллари (тенденцияси).

**Тараққиёт жараёнларини тадқиқ этиш.**

Нотирик табиатдаги жузъий ўзгаришлар ҳодисаси ҳақидаги қизғин мунозараларда шу нарса маълум бўлдики, физик жараёнларда дифференциал тенглашиш табиати унинг жузъий ўзгариш ҳодисаси билан боғлиқ экан. Шундай қилиб энергиянинг сақланиш қонунини вариацион изоҳлаш ҳозирги замон физикасининг энг муҳим қоидаларидан бири бўлиб колди. Нотирик табиат ҳодисаларида сақланиш қонунига биноан муайян тартиб бўлади, масалан, энергияни сақланиш қонуни импульсининг сақланиши ва х.к. Буларни ҳеч қандай таъсир буза олмайди, яъни тартиб албатта сақланади. Энергия диссипацияси минимуми тамойили физик қонунлар доирасида тартибни бузмайди, балки моддий жисм ўзини қуршаган субстанцияларда бирлашиш қобилиятига эга бўлган структуралар юзага келишига ёрдамлашади ва шу билан локал энтропияни сусайтиради. Нотирик табиат эволюциясига хос бундай хусусиятлар тирик табиат даражасида принципиал жиҳатдан мураккаблашади, чунки бунда ўзини-ўзи сақлаш (гомэостазис)га интилиш майли мақсадли ҳаракат тусига киради. Табиий танланишда баъзи функционал феъл-атворлар ўзидан-ўзи шаклланиб, уларнинг энг юксак (оптимал) нусха (вариант)лари – янги муҳитга энг мувофиқ турлари яшовчан бўлади. Бошқача айтганда, феъл-атворлар қанчалик бу оптималга яқин бўлса, тирик организм атроф-муҳитга шунчалик мослаша олади, бинобарин, бунда ўша тирик организмнинг яшаш имконияти кенгаяди. Тирик мавжудотлар доимо ўзгарувчан ташқи муҳитда яшайдилар. Демак, уларнинг феъл-атвори шу ўзгарувчан муҳитга мослашган бўлиб, уларнинг функционал феъл-атвори муайян тартибга тушиши лозим. Бундан маълум бўладики, тирик организмларда нотирик табиатдаги қонунларда ўз ифодасини топган қатъий тартиблилик бўлмайди. Тириклик оламидаги тартибга солинганлик тирик мавжудодлар томонидан бузиб турилади ва бу бузилиш уларнинг ҳалокатлари билан тугайди. Тириклик оламида доимо жуда кўп функционал элементлар

«тартибга тушиши»ни тақоза этадиган муҳитга мослашиш механизми ишга тушади.

Тирик системалар ривожидаги алгоритмни тадбиқ этиш шуни кўрсатадики, бунда нотирик табиат ривожи жараёнидаги энергиянинг диссипацияси минимуми тамойили мутлоқа бошқача тус олар экан. Умуман тирик системаларда энтропия роли ҳақида эмас, аксинча, локал энтропияни озайтириш қобилиятига эга бўлган шаклларнинг вужудга келиши ҳақида гап боради. Метоболизм – эркин энергия (қувват)лар ва моддий жисмларни шимиш тирик оганизмлар ривожининг асоси ҳисобланади. Танланишнинг бошқа тамойиллари ривожланиш жараёнининг ягона ҳаракат нуқтаси (траекторияси)ни белгилай олмаган ҳолатларда улардан биттаси ҳар қандай тирик организмлар учун хос бўлган майл – метоболизм ҳисобига энтропияни локал озайишини энг юқори даражага бориш (максималлашиш) тенденциясига айланади. Тирик организмлар ўзини–ўзи ташкиллаш хусусиятларини ўрганиш шуни кўрсатмокдаки, тирик системалар ташкилланишининг мураккаблашиб бориши натижасида уларда гомэостазисни, барқарорликни сақлаб қолишга интилиш билан ташқи энергия ва моддани шимиш самарадорлигини максималлаштириш ўртасида зиддият пайдо булади. Бундан кўринадики, Ердаги ҳаёт ривожининг бутун тарихини турли майл (тенденция)лар қарама-қаршилиги тарихи дейиш мумкин. Бинобарин тириклик олами эволюциясини «муроса» (компромисс)лар излаш нуқтаи назаридан ўрганиш маъқул бўлади: кузатилаётган тирик системалар ҳолати ҳар доим содда бўлмаган муросалардек намоён бўлади. Бундай компромиссларда ақл иштирок этмайди, балки танлаш тамойилини ушбу стихияли «эволюция» алгоритми механизмининг ўзи топади.

Бирок, материя ташкилланишининг социал даражасида вазият мутлақо бошқача тус олади, бунда танлаш тамойилини белгилашда Ақл алоҳида имтиёзга эга бўлади. Ижтимоий ҳаётда субъектив омил тобора кўпрок роль ўйнайди. Ақл (интелект) фаолияти бутун танлаш алгоритмини сифат жиҳатидан ўзгартириб юборади. Тирик табиатда адаптация (мослашиш) механизми анча типик ҳодиса бўлиб, бифуркация жиҳати, унинг тарихи алоҳида ҳолатларидагина рўй беради. Социал даражада вазият янада кескин равишда ўзгаради. Шунинг учун ҳам ҳаракатнинг ижтимоий (социал) шакли ҳақида гап борганда, тараққиёт механизми тўғрисидаги шартли таърифга жиддий изоҳ беришга тўғри келади. Чунки бунда Ақл эгаси бўлган одамнинг ҳар бири айнан бир вазиятдаги танлаши турлича бўлади. Субъектив омиллар туфайли рўй берадиган ноаниқлик вазияти кўп ҳолларда эволюцион жараён учун зарур бўлган табиий аниқликка путур етказади. Натижада вақтнинг ҳар бир аниқ палласидаги тараққиётнинг эҳтимол тутилган ривожида ноаниқлик ва ноаҳамиятлилик ҳолатлари вужудга келадики, бунда адаптация механизмига нисбатан бифуркация мурвати ҳал қилувчи роль ўйнаб

қолади. Индивидуал онг, ижтимоий онг ва миллий онгда ҳаракат йўналишини танлашда тасодифий ёндошувлар етакчи майл (тенденция) тусини олади. Мана шу ҳолат Ақлнинг оқилона ёки нооқилона йўналиш олиши учун негиз бўлиб қолади. Бунда индивидлар дунёқараши ва ҳаракат тепасида турган тарихий шахслар тарихан етилган ижтимоий эҳтиёжларни тўғри ёки нотўғри англаб мақсад белгилаши (ёки танлаши) катта роль ўйнайди. Бошқача айтганда, муайян тарихий вазиятда тарихий шахсларнинг ноаниқлик вазиятида ўз социал тахминлари (ориентирлари)га биноан йўл танлаб, шу тахминлари ифодаси бўлган ғояларни илгари суришлари ва бу ғояларни мафкуравий воситалар орқали ҳар бир индивиднинг ишонч ва эътиқодига, ҳалқ оммасининг маслагига айлантиришга интилиб, ялпи умумий ижтимоий ҳаракатларни вужудга келтиришларига қараб, тараққиёт алгоритми ўзгариши – у ё тезлашиши ёки секинлашиши, ҳатто маълум бир вақтгача орқага кетиши ҳам мумкин.

Материя ташкилланишининг қуйи даражалари ривожи алгоритми (ечим амаллари мажмуи)га хос хусусиятлар ижтимоий воқеликда ҳам ўз аҳамиятини сақлайди. Бироқ Ақл соҳиби бўлган одам ва унинг уюшмалари (давлати, ижтимоий ҳаракатлари, касбий, ижодий муассасалари)га жаъмлашган одамлар жамоалари эҳтимол тутилган қарорларга келиш танловига эгадирлар. Мана шу холатлар материя ташкилланишининг юқори даражаси бўлган социал шакли алгоритмига ўзига хослик бағишлайди. Хусусан шахсий, гуруҳий, синфий, миллий, диний, ирқий ва бошқа заминда муқаррар равишда чиқади зиддиятларни ҳал этиш, уларнинг ўз қарама-қарши томонига оғиб кетишига йўл қўймаслик учун эҳтимол тутилган муроса (кампромисс) йўлларини қидириб топишга интилиш, яъни Ақлнинг оқилона томонга буриб юбориш фавқулотда аҳамият касб этади. Мабодо Ақл нооқилона томонга оғиб кетса, катта ҳалокатли вазиятларга инсоният дуч келади.

Одамзот бутун тарихи давомида қувват (энергия) ва модда манбаъларига эга бўлиш учун ҳаракат қилиши тараққиётнинг энг муҳим рағбатлари (стимули)дан бири бўлиб келди. Маълумки, материя ўзининг қуйи даражаларида қувват ва модда ўзлаштиришнинг меъёрий параметр (ўлчов)ларидан ташқарига чиқмайди. Ўсимликлар дунёси ҳам шу тамойил асосида ривожланади, лекин материя ташкилланишнинг энг юқори даражаси бўлган одам ва жамиятга келганда қувват ва моддани ўзлаштириши меъёри бузилади. Планета бойликлар ва эркин қувват (энергия)дан фойдаланиш қобилияти ҳар доим ижтимоий тузилиши (структура)лар ўртасидаги қарама-қаршиликлар охир оқибатини, шунингдек, структура танловини белгилаб келган. Афтидан, бундан буён ҳам ушбу майл сақланиб қолиши мумкину, аммо энди ижтимоий структуралар ташкилий танловлари учун илгари бўлмаган жуда кўп омиллари вужудга келди. Бинобарин, можароли вазиятларни илмий ўрганиш ва уларни келишув асосида ҳал этиш тамойилларини ишлаб

чикиши ҳозирги замон учун ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Айнан билимнинг мана шу соҳаси одамзот ва унинг уюшмалари тараққиёт алгоритми мустақил равишда ва бутун инсоният манфаатларига мувофиқ тарзда хизмат қилиши йўлларини кўрсатиши мумкин.

**Диссипация тамойиллари минимуми.**

Тажриба шуни кўрсатяптики, нотирик табиатда энергия диссипацияси (ажралиши) минимуми тамойили энг муҳим принцип ҳисобланадиган ҳодисаларни муайян тури мавжудки, улар жуда кўп виртуаллардан реал ҳолатларнигина ажратиб олади. Бошқа тамойиллар ягона барқарор ҳолатларни юзага келтиролмай, эҳтимолликлар жуда кўп бўлганда, энергия диссипацияси минимуми тамойили танланишининг кўшимча принципи сифатида намоён бўлади.

Тирик жисмлар ривожланиш жараёнини изоҳлаётганда, танлаш тамойилини шархлашда янада мураккаброк муаммолар пайдо бўлади. Тескари алоқа тўғрисидаги тасаввурларга мувофиқ, гомеостазисни сақлашга интилиш рўй беради. Булар ўз навбатида фақат тирик табиатга хос танланишнинг янги тамойилидир. Масалан, масса ёки импульснинг сақланиш қонуни асло ўзгариши мумкин эмас. Тирик организмлар барқарорлиги тамойили – гомеостазисни сақлаш принципига келсак, у худди физика қонунидагидек эмас, балки майл (тенденция) сифатида намоён бўлади: тирик органимлар ўз барқарорлигини сақлашга интиладилар ва айни чоғда улар бу тамойилни бузишга ҳам мойил бўладиларки, натижада барқарорлик беқарорлик тусини олиб, тириклик соҳаси ё қолиши ёки ҳалок бўлиши ҳам мумкин. Демак, энергия диссипацияси (ажралиши) минимуми тамойили тирик органзмларда қонуниятли ҳолат тарзида эмас, балки майл (тенденция) шаклида содир бўлади. Ҳар қандай тирик организм учун ташқи энергия ва моддани энг юқори ўзлаштиришга интилиш хос бўлгани сабабли нотирик табиатдан фарқ қиладиган ҳодиса рўй беради. Гомеостазис сақланишининг бундай нотенглик тамойили муҳим принцип, дейиш мумкин. Ташкилланишда юзага чиқадиган зиддиятларни ҳал этиш имкониятлари мавжуд: тирик системалар, янги ва янада барқарор ҳолатларни топиш учун улар эски ҳолатларни тарк этишлари керак. Бунинг учун эса эски барқарор ҳолатларни бузиб ташлаш ижобий алоқаларга эга бўлган ташқи энергия ва моддалар ҳисобига бўлиши мумкин, холос. Тирик организмлардаги локал барқарорлик билан ташқи энергия ва моддадан энг кўп даражада фойдаланишга интилиш майллари ўртасидаги зиддиятларни ҳал этиш моддий олам ташкилланишидаги янги шаклларни топишнинг муҳим омили ҳисобланади.

**Хулоса:** а) редукционизм (соддалаштириш) барча фанларга хос ҳодисадир; б) ташкилланишнинг тескари алоқа механизми бўлиб, нотирик ва тирик табиатда ўзига хос шаклларда намоён бўлади; в) нотирик табиатда энергия сақланиш қонуни амал қилади. Тирик табиатда, айниқса жамиятда барқарорлик ва беқарорлик майллари мавжуддир; г) энергия диссипацияси минимуми тамойили тирик организмлар учун муҳим ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** тескари алоқа мурвати (механизми), гомеотазис, диссипация минимуми, редукционизм, кодлашиш, макро ва микро даражадаги системалар, газларнинг кинетик назарияси, "йиғиш механизми", "кооперация ва феъл-атвор", ёпиқ ва очиқ система, Ташкилланиш назарияси, энтропия, вариацион изоҳлаш, энергия (қувват)нинг диссикацияси минимуми тамойили, метаболизм.

**Такрорлаш учун саволлар.**

- Редукционизм услуби нимани англатади?
- Редукционизм услубидан ижтимоий фанларда фойдаланиш мумкинми?
- Ёпиқ ва очиқ системалар ташкилланишининг ўзига ҳос ҳусусияти нима?
- Нарса ва ҳодисалар ўзгаришининг интервалини ўрганиш деганда гима назарда тутилади?
- Тириклик оламидаги тескари алоқа мурвати (механизми) нимани англатади?
- Ривожланиш майллари диалектикаси масалага қандай ёндашишни такоза этади?
- Энергиянинг сақланиш қонунини вариацион (таваққавий) изоҳлаш, деганда нима назарда тутилади?
- Тирик организмлар ривожи алгоритмини изоҳлаб берининг!
- Материя социал даражасидаги ташлаш тамойили нимани англатади?
- Тирик табиатда энергия диссипацияси (ажралиш) тамойили қандай амал қилади?

## Хотира ва унинг генезиси.

**Генетик хотиранинг юзага келиши ва такрорий алоқалар.**

Маълум б´лдики, Ердаги барча ҳодисалар Коинотимизда ҳаракат іилаётган іонун (іоида)лар ягона тизимига б´йсунадиган материя ´зини-´зи ташкиллаш умумий

жараёнларининг хусусий к΄ринишларидан иборат экан. Биз кузатаётган ва иштирок этаётган юмушларнинг барчаси бугунгача эгаллаган билимларимиз ва баҳолаш мезонларимизга мувофиі келадиган ягона синергетик оламий жараёнларнинг айрим іисмларидир, холос.

Ердаги Оламимиз бутун тара³³иёти турли ³арама-³арши жиҳатлари ва зиддиятли майлларининг тасодифий сабабларининг узлуксиз µаракати вазиятида муайян бар³арор структураларнинг барбод б΄лиши ва янгиларининг вужудга келиши учун шароит яратишдан иборат мураккаб кураш сифатида намоён б΄лади. Ердаги нотирик жисмлар билан Космос ΄ртасида боғли³лик µа³ида ани³ билимларимиз етарли б΄лмаса-да, аммо бундан 3,5-4 миллиард йиллар му³аддам таш³и ³увват (энергия) ни, аввало фотосинтез таъсири ёрдамида Јуёш энергиясини ўзлаштиришга ниҳоятда ³обилиятли б΄лган материя ташкилланишининг сифат жиҳатидан фар³ ³иладиган шакли пайдо бўлгани исботланганини биламиз. Бу шакллар ΄з гомеостазисини са³лашда µаддан таш³ари ³обилиятга эга б΄лган. Буларни фанда прокориотлар деб аталади. Улар деярли ³айнаб ётган океан, ниµоятда сейсмик фаоллик ва ³ис³а т΄л³инли радиациянинг жуда ю³ори даражаси шароитида, Ерда азон ³атлами б΄лмаган чоғда миллиард йилдан ортиқроқ ва³тда мавжуд б΄лганлар. Афтидан, ерда мавжуд организмлар ичида прокориотлар энг «µаётчан» б΄лган к΄ринади, зеро улар амалда ΄лмас б΄лганлар ва прокориотлар Планетамизда газ булутларини µосил этиб, эукориот типидаги ва кислород билан нафас оладиган мавжудодлар яшаши учун шароит яратиб кетдилар. Бу хол эукариотлар учун таш³и энергиядан самаралиро³ фойдаланиш имконини вужудга келтирди. Эукориотлардан бу шаклнинг генетик хусусияти сифатида индивидуал ΄лимнинг вужудга келиши натижасида бош³а энергиядан фойдаланиш самараси жуда к΄пга ошди. Бу хол тирик организмларнинг ΄з ривожи учун мутла³о янги имкониятларни пайдо ³илди.

Абадийликни й΄³отиш ва ΄лимга доҳил б΄лиш эволюция янги механизмлари шаклланиши ва табиий танланиш интенсив тус олишига сабаб б΄лди. Эукориотлардан бошлаб турларнинг такомиллашуви тезлашиб, уларнинг хилма-хиллиги шиддатли равишда ΄сди. Индивидуал µаёт ΄лчовли б΄лган мавжудотлар ΄з ирсиятларини са³лаб ³олишлари учун хотиранинг махсус шакли керак эди. Шу боисдан зарур ирсий информацияларни узатадиган генетик код юзага келди. Бу код т΄ртта ҳарф – нуклеотдан иборатдир. Генетик хотиранинг юзага келиши бутун эволюцион жараёнлар интенсив (шиддатли) тус олишига сабаб б΄лди. Ниҳоятда шаф³атсиз ра³обат ва табиий танланиш шароитига бардош беришга имкон туғдирдира олмайдиган ирсий информацияга эга б΄лган турлар, афтидан, ўзидан-ўзи йўқ бўлиб кетдилар. Агар бошқа планеталарда ҳаёт мавжуд б΄лса, улардаги ирсий хотира Ердагидан бош³ача б΄лиши µам мумкин.

¥аёт эволюциясида асаб тизими ривожланиши тарихи алоҳида роль ´йнайди. Чунки бунда ´з бар³арорлигини, ´з гомеостазисини са³лашга интилишдан аввал ма³сад ³´йиш ва ма³садли фаолият юзага келади. Тирик организмлар ёки организмлар тизими ´з гомеостазисини са³лашга ҳаракат қилганда, улар мавжудлик чегараларини кенгайтиришга интилишлари билан тавсифланади. Бунга икки й´л билан эришиш мумкин:

а) организм ўзининг жуда мураккаб шароитларда яшаш, яъни ўз ички имкониятларидан фойдаланиб, гомеостазиси доира зонасини кенгайтириш ҳисобига;

б) хавфли чегараларни силжитиш ва ташқи муҳит параметрларини ўзгартириш ҳисобига.

Тирик организмлар ўз гомэостазисларини сақлашлари учун организм ва ташқи мухит ҳолатларидан дарак бериб турувчи рецепдор - датчикка эга бўлади. Сўнгра, датчик орқали олинган информация қайта ишланиб баҳолангач, қилинган тахлиллар асосида муайян қарорга келинади. Бу функцияни асаб тизими бажарадики, уни бемалол организмни бошқариш тизими дейишимиз мумкин. Бундан ташқари организмни бошқаришда эндокрин тизим ҳам иштирок этади.

Организмни бошқариш тизими функциясини тушуниш ва тадқиқ қилишдаги энг қийин томон - қарор қабул қилиш лаҳзаси ҳисобланади. Ҳудди шу жараёнда такрор алоқа ишга тушади. Нерв тизимининг шу функцияси туфайли организм «норма»дан кераксиз четга чиқишни тўлдириш учун муайян ҳаракат мажмуасини яратади.

Организмлар гомеостазисини сақлаш учун салбий такрор алоқа албатта бўлади. Шу билан бирга «прогрессив» эволюция учун, яъни янги сифатлар пайдо бўлиши, организмлар мураккаблашувининг ўсиши, хилма-хиллик даражасининг кўпайиши учун яна ижобий такрор алоқалар ҳам керак. Улар изланишни кенгайтириш, ўзгарувчанликнинг яширин имкониятларидан янада кўпроқ фойдаланишга ёрдам беради. Шундай қилиб, ҳар қандай организм ҳам салбий, ҳам ижобий такрор алоқалардан фойдаланиш имкониятига эгадир.

**Рефлекс бошқаруви ва асаб (нерв) тизими.**

Эволюция жараёнида тирик системаларда ўз барқарор ривожланишини таъминлайдиган такрор алоқалар механизми вужудга келди. Тирик мавжудодлардаги барча бошқарув тизими, аввало асаб ва тармоқ системаси такрор алоқа реакциясини ташувчи ҳисобланади. Тарихий тараққиёт жараёнида организмларда ўзини-ўзи бошқариш тизими такомиллашиб бориб, табиий танланишнинг янги тамойиллари – феъл-атвор вариантлари пайдо бўлди.

¥ар қандай ўзини-ўзи ташкиллаш жараёни фақат табиатда мавжуд бўлган ички (яширин) имкониятларнигина амалга ошира олади. Бу жараёнларнинг кенгайиб бориши даражасига қараб, унинг қисмларида

узлуксиз такомиллашиш рўй беради. Бинобарин, структуралар ва улар ўртасидаги алоқалар такомиллашиб бориши табиат ўз ихтиёридаги танлашнинг янги ва янги тамойилларини ҳаракатга келтиради. Бошқача айтганда, оламимиздаги ташкилланишнинг мураккаблашуви аслида космоснинг вужудга келишида табиатимиз ато этадиган эҳтимол тутилган имкониятлардан янада чуқурроқ фойдаланиш натижасидир. Бунинг оқибатида тирик табиатда нотирик табиатда мавжуд бўлмаган танлаш тамойили вужудга келди. Тирик организмларнинг жараёнларни ҳисобга олиши, уни такрор ишлаши билан боғлиқ барча ҳодисалар ва шундан кейинги феъл-атвор (ёки қарор қабул қилиш)ни белгилаш асаб тизими билан боғликдир. Асаб тизимининг такомиллашиб бориши тирик табиатда ўзини-ўзи ташкиллаш имконияларини намойиш этади.

Эволюцион жараён учун иккита ўзаро боғлиқ қарама-қарши гомеостазисни сақлаш ҳамда ташқи энергия ва моддани энг кўп ўзлаштириш (диссипация) тамойили ҳослигини айтиб ўтган эдик. Асаб тизимининг вужудга келиши, афтидан, аввало ана шу икки тамойил билан боғлик бўлгандир. Тирик организм ва тараққиётнинг дастлабки босқичларида ташқи энергия ва моддани ўзлаштириш даражаси албатта паст бўлган ва унда асаб система тарзида намоён бўлмаган. Организмларнинг такомиллашиб бориши ҳамда асаб тизимининг ривожи ва мураккаблашиши натижасида аҳвол ўзгариб боради, ақл нишоналарининг пайдо бўлиши эса ташқи модда ва энергиядан фойдаланиш механизмини такомиллаштиришнинг асосий масъулияти асаб тизимига тушади.

Тирикликнинг дастлабки нишоналари – прокориотнинг 1,5-2 миллиард йил мавжудлиги учун Куёшнинг арзимаган энергияси - фотосинтези кифоя қилган бўлса, ўзини-ўзи ташкиллаш жараёнида кислороддан нафас олиш механизми ва унинг сохиби эукориотларни Табиат вужудга келтиргач, ташқи энергиядан фойдаланиш коэффиценти бир неча марта кўпайди. Бундан кейинги босқичдаги тирик организмлар учун фотосинтезлашган ўсимликлар овқат вазифасини ўтади. Сўнгра эса бошқа жониворлар гўшти билан овқатланадиган мавжудотлар вужудга келдики, бу ҳол ташқи энергиядан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириб юборди. Ниҳоят, бу жараёнларнинг охир-оқибати сифатида Ер юзида одам зоти пайдо бўлди.

Тирикликнинг бу тури учун уни куршаган тирик табиатдаги энергия кифоя қилмай, балки ер қаридаги энергия ва моддалар ҳам керак бўлмоқда. Бугина эмас, одамзот космос шаклланаётган пайтда хосил бўлган атом ядроси энергиясидан фойдаланишга ҳам киришди. Ана шу жараёнларда асаб тизими такомиллашиб борди ва Ақл юзага келдики, эндиликда у табиат тараққиётида ҳал қилувчи омилга айланиб бормоқда.

Бу холатга келгунга қадар миллион йиллар давомида оддий рефлекслар асосий бошқарувчилик ролини бажариб келган эди. Улардаги

информация генетик кодларда са³ланиб, ирсият орқали авлоддан-авлодга узатилиб келинган. Ташкилланишнинг тобора мураккаблашиб бориши жараёнида ҳайвонлар феъл-атвори ҳам такомиллашиб борди ва бошқарувнинг рефлекс шакли кифоя қилмай қолди. Чунки ташқи таъсир билан организмлар реакцияси ўртасидаги алоқаларда информацияларни қайта ишлайдиган  яна кўп оралиқ звенолар пайдо бўлди. Булар ичида ривожланган ҳайвонларда тахминлаш («фахмлаш») қобилиятининг юзага келиши алоҳида аҳамият касб этди.

¥айвонлар феъл-атворини ўрганувчи мутахассислар – этологларнинг тажрибаси шуни исботладики, яшаш шароитининг ўзгариши билан турли ҳайвонлар феъл-атворида ўзгариш рўй берар экан. Масалан, шаҳарларда яшайдиган карғаларда фахмлаш ва ижодкорликка мойиллик кучли эканлиги кузатилади. Улар овқат топиш вазифаларини «ҳал этишлари» далада яшаган қарғаларникидан фарқ килади. Бошқача айтганда, уларнинг асаб системасини ўзини-ўзи бошқаришнинг рефлекс системасига қўшиб бўлмайди, чунки улар феъл- атворида ақл элементлари аралашади.

Демак, одам тури пайдо бўлгунга қадар ривожланган ҳайвонларда ўзини-ўзи ташкиллашнинг олдиндан белгиланган мақсадга қаратилган янги нодир ҳодиса – тахминлаш вужудга келган. «Тахминлаш алгоритми» қандай вужудга келганлигини англаб олмай туриб, сунъий ақл яратиш тўғрисида гап юритиш бехудадир. Аммо биз ҳозирги тахминлаш алгоритми эволюцияси ҳақида жуда оз билимга эгамиз. Ушбу билимларимизни чуқурлаштириш жараёнида материяни ўзини-ўзи ташкиллаш қонуниятларини яхшироқ англаб оламиз ва бу хол нафақат компьютерлар янги авлодини яратиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш билан бирга, оламни билиш чегараларимизни кегайтириш амалиёти хилма-хиллигига ҳам эга бўламиз.

**Кооперация механизми.**

Моддий бирлашмаларда уюшмалар (кооперация) шароитида мавжуд бўлишга интилиш майллари борки,  бу ҳам ўзига хос табиий танланиш усули ҳисобланади. Физиклар ва химиклар уюшмачилик холати ҳатто нотирик табиатда ҳам резонанс (жаранглаш) тарзида учрайди, дейишади. Турлар ичида гомеостазисни сақлаш учун кураш, гомеостазиснинг ташқи ресурслардан фойдаланиш майли билан уюшмачилик механизми ўртасида мустаҳкам алоқа бор, дейиш мумкин. Дастлабки кўп х΄жайрали мавжудодлар уюшмачилик натижасида пайдо бўлганлиги ҳақида тахмин (гипотеза)лар бор. Чунки бундай уюшмаларнинг, афтидан, барқарорроқ ва яхшироқ мавжуд бўлиш ва ташқи энергияни ҳазм этишлари осонроқ бўлган.

Кейинчароқ кооперациянинг такомиллашганроқ шакллари пайдо бўлганки, улар аста-секин ягона организм тусига кира бошлаган. Ҳатто

бундай кооперациялар жониворларнинг яҳлит ҳамжамияти тусини олган. Масалан, термитларда, асалариларда бу ҳолатни яққолрок кузатиш мумкин. Одамзот эволюциясига ҳам кооперация механизмининг тобора такомиллашиб бориши натижаси сифатида қараш мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, гарчи ташқи шарт-шароитнинг сал-пал ўзгариши ҳам ҳалокатни кучайтирса-да, аммо юксак даражадаги зиддиятлар мавжуд шароитдагина ривожланиш тезлашиши кузатилади.

Кооперация натижасида ўз махсус мақсади, шу уюшма гомеостазисини бутун чоралар билан сақлашга қаратилган ва ривожланиш жараёнида шаклланган умумий феъл-атвор бўладики, бу ҳол айрим жониворлар яшаш ва кўпайишининг зарур шартига айланади. Шуни ҳам айтиш керакки, кооперация манфаати уни ташкил этган элементлар манфаатлари ўртасида муқаррар зиддиятларни келтириб чиқаради. Аммо пода ичида бу зиддиятлар келишув йўли билан ҳал этилади: пода ичидаги жониворлар ўз «шахсий» манфаати ва ўз мустақиллигининг бир қисмини қурбон қилишга мажбурлар.

Пода шаклидаги ҳайвонлар кооперацияси танланиши айрим мавжудодлар ўртасида эмас, балки уюшма даражасида ҳукм суради: кўпроқ ташкилланишга эга бўлган подаларгина ўзгарувчан атроф-муҳитга, конкрет яшаш маконига тезда мослаша оладилар, ўзларини-ўзлари турли ҳужумлардан сақланиб колиш учун кўпрок имкониятга эга бўладилар. Шуни таъкидлаш ўринлики, танланишнинг қалтислиги, яъни зиддиятларни ҳал этишнинг ўткирлиги ҳар қандай «эволюция тараққиёти» нинг зарур шарти бўлиб, бунинг оқибатида янада тараққий этиш қобилияти кучли бўлган тағин ҳам мураккаброқ ташкилий тузилма (структура)лар вужудга келади. Ҳар қандай танланиш хотиранинг муайян шаклига эга бўлган ирсиятни ўзлаштириш белгилари билан уйгунлашиши лозим.

**Хотиранинг ногенетик шакли.**

Ўзини-ўзи ташкиллаш механизмида генетик хотирадан ташқари ногенетик хотиралар ҳам муҳим роль ўйнайди. Тирик организмлар яшаш учун кураш, атроф – муҳитга мослашиш, ўзини-ўзи ҳимоя қилишда ногенетик хотиралар шаклланган. Хотира шакллари ривожи ва ўзини-ўзи ташкиллаш механизми ягона бир жараённинг турлича баҳоланишидир.

Хотира ҳақида фикр юритганда, авлоддан – авлодга ўтиб борадиган ахборот (информацияларни ёзиш - кодлаш), уни сақлаш ва узатишни таъмин этадиган тизим тушунилади. Хотира, афтидан, Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши билан шакллана бошлаган ва у туфайли тирик жонзотлар ўзини-ўзи ташкиллаш имкониятига эга бўлганлар. Албатта генетик хотиранинг кўп шакллари бўлгандир, аммо табиий танланиш жараёнида фақат битта шакл – тўрт нуклеиндан иборат “хавфли”си яшаб қолган,

холос. Шуни таъкидлаш жоизки, Космик бўшлиқдаги бошқа оламларда нуклеин кислотасини кодлаш шакли бошқача бўлиши мумкин.

Тирик организмлар шаклларининг такомиллашиб бориши ва ҳаётий фаолиятлари характерининг мураккаблашиш жараёни, улар яшаш маконлари шароитларидаги хилма-хилликлари, ўзгаришлар хотиранинг бошқа шаклларини ҳам вужудга келтирди. Яшашнинг кооператив шакли шароити учун генетик кодланишдан фарқ қиладиган ўзига хос феъл-атвор умумийлиги шаклидаги хотира керак эди. Бу механизм ўргатишга асосланади. У ривожланган ҳайвонларда кенг тарқалган механизм ҳисобланади. Хусусан бундай хотира пода ва галага ўхшаган уюшмаларда кенг тарқалган  бўлади. Бу механизм катталарнинг «мен қилгандай қил!» деган тамойилга асосланади. Ана шу механизм ўзига хос ва ниҳоятда самарали тилни вужудга келтирадики, бунда на фақат шахсий намуна, балки рағбат ва жазо ҳам муҳим роль ўйнайди. Чунки бу ҳолат феъл-атворнинг муайян стандартларини белгилаш механизмини вужудга келтирадики, тирик жонзотлар бусиз яшашлари қийин бўлади.

Жониворлар қачон ва қаердан емиш топишни, нима хавфли-ю, нимага эътибор бермасликни билишлари шарт. Албатта тажрибага ҳам кўп нарса боғлиқ. Аммо нисбатан қисқа умр давомида бундай кўникма ва малакага эга бўлиш қийин. Ана шунинг учун ҳам хотиранинг ҳаддан ташқари хайратомиз шакли – тарбия тизими вужудга келади. Яъни, бу генетик хотирадан холи ахборотни узатиш воситаси бўлган янги тил бўлиб, бу стереотип (қотиб қолган бир тил)даги хулқ-атворни англатади. Бутунлай хотирасиз жонзот йўқ, ҳар бир тирик организм муайян ҳажмдаги ахборотни ўзида сақлайди. Демак, ҳайвонларда ҳам шартсиз рефлекслардан ташқари шартли рефлекслар элементлари мавжуд бўлади. Ҳайвонлардаги асаб тизимининг бу хусусияти туфайли хусусий тажриба пайдо бўладики, уни фақат ўргатиш ёрдамида кейинги авлодга узатилади. Бу, яшаш жойи ва шароитнинг ўзгариши билан хулқ-атворларда бўладиган ўзгаришни англатади.

Кўпинча ирсият билан «хотира» тушунчалари айнанлаштирилади. Аммо ирсият «хотира»га нисбатан кенгроқ тушунча эканини назарда тутиш маъқул. Хотира ахборотни кодлаштириш, сақлаш ва узатишнинг ҳар доим қандайдир конкрет механизми бўлса, ирсият ўтмишнинг ҳозир ва келажакка таъсири таснифини англатадиган тушунчадир.

Материянинг ўзини-ўзи ташкиллаш жараёнида турли-туман «ўзини-ўзи ташкилловчи», аввало хотира каби конструкция (қурилма)лар пайдо бўлади. Буларни билмай туриб, тафаккур хусусиятларини англаш қийин. Мия нодир ҳодисаси – фикрлаш қобилияти ҳам «ўзини-ўзи ташкиллаш ижоди»дан бошқа нарса эмас. Хотиранинг вужудга келиши ва ривожланиши (генезиси) на фақат физиология муаммоси, балки сунъий Ақл яратиш назариясига ҳам тааллуқли ҳодисадир. Уни яратиш эса айниқса Планетамизда цивилизацияни асраб қолиш муаммоси кўндаланг

турган бир даврда одамзот учун янги кенг имкониятлар вужудга келтиради.

**Хулоса:** а) генетик хотира ва такрорий алоқаларнинг шаклланиш эволюцион жараёнларда катта роль ўйнади; б) тирик организмларнинг жараёнларини ҳисобга олиш ва уни такрор ишлатиш билан боғлиқ ҳодисалар асаб тизими билан боғлиқдир; в) тирик организмларда уюшма (кооперация) шароитида мавжуд бўлишга интилиш ўзига хос табиий танланиш кўриниши ҳисобланади; г) хотиранинг ногенетик шакли – тарбия тизими хотирани узатиш воситаси сифатида тирик организмлар биргаликда мавжуд бўлиш феъл-атворини белгилаш имкониятини вужудга келтиради.

**Калит сўзлар:** прокориот, эукориот, фотосинтез, хотиранинг маҳсус шакли, генетик код, нуклоид, рецептордатчик, эндокрин тизим, такрор алоқа, табиий танланиш, асаб тизими, рефлекс, тахминлаш (фахмлаш) қобилияти, этолог, сунъий ақл, резонанс (жаранглаш), генетик ва негенетик хотира, нуклеин кислотаси, стареотип, шартли ва шартсиз рефлекслар.

**Такрорлаш учун саволлар.**

- Прокориотлар ва эукориотлар, уларнинг яшаш шаклларини изоҳланг!
- Ҳаёт эволюциясида асаб тизими ривожининг роли қандай?
- Организмларнинг ҳам салбий, ҳам ижобий такрор алоқалардан фойдаланиш имконияти қандай?
- Табиий танланишнинг янги тамойиллари нимани англатади?
- “Тахминлаш алгоритми” деганда нимани тушунасиз?
- Кооперация шароитида мавжуд бўлишга интилиш майли учун қандай зарурат бор?
- Ўзини-ўзи ташкиллаш мурватида ногенетик хотира қандай рол ўйнайди?
- Ирсият ва “хотира” ўртасидаги ўхшашлик ва фарқ нимада?

## Эволюция ва Ақлнинг юзага келиши.

**Интеллект (Ақл) нима?**

Олам (Ер ва бошқа барча сайёралар)даги моддий жисмлар илм-фанда материя категорияси билан ифодаланади. Материя модда (зарра) ва майдон кўринишига эга бўлиб, улар доимий ҳаракатдаги жарёнда бир – бирига ўтиб туради. Ҳаракат материянинг ўз ичидаги зиддиятлар туфайли содир бўлади. Бинобарин, тирик ва нотирик табиат ўртасидаги ҳаракатда принципиал фарқ йўқ, фақат уларнинг намоён бўлишидаги фарқлар бизга

сирли бўлиб кўринади. Эволюцион жараёнларда Ерда Ақлнинг юзага келишига ҳам табиий ҳолат деб қараш тўғри бўлади.

Тирик организмларнинг ҳаммасига ирсият ҳос бўлиб, ҳайвонларда мия билан боғлиқ психик ҳодисаларда ва хотирада у намоён бўлади. Тирик табиатнинг ўзини – ўзи ташкиллашини хотира ривожида англаб олиш мумкин. Ерда ҳаёт пайдо бўлишида ташқи муҳитдан олган ахборот (информация)ни сақлаш услуби генетик хотира бўлган. Ирсий информациялар 4 ҳарфдан иборат тилда кодлашади. Шунинг учун ҳам Планетамиздаги барча тирик организмлар бир хил шаклдаги ирсий хотирага эгадирлар. Агар бошқа Планеталарда тирик табиат мавжудлиги аниқланса, уларнинг ДНК ёзувлари ҳарфлари бошқача бўлиши мумкин.

Тараққиётнинг кейинги босқичларида хотиранинг янги шакли – ўқитиш ва тарбиялаш вужудга келди. “Мендай қил” тамойилига асосланган “таълим” ривожланган ҳайвонларда кооператив уюшмаларнинг шаклланишига сабаб бўлди, яъни айрим мавжудодлар ўз феъл-атворларини пода (тур) умумий феъл-атворига мувофиқ мослаштириш туфайли яшаб қолиш имконига эга бўлдилар. Бошқача айтганда, “пода онги” ва унга индивидуал муносабатни мувофиқлаштириш зарурати юзага келди. “Пода онги”нинг хотирасида яхши сақлай олган ҳайвонларнинг яшаш (озиқ-овқат топиш, ташқи ҳужумлардан сақланиш) имкониятлари кенг, бунинг акси бўлса, уларнинг яшаши қийинлашади, яъни оч қолиш, бошқа ҳайвонларга ем бўлиш ҳавфи реал бўлиб қолади.

Материя ҳаракатининг муайян босқичида онг (ақл) пайдо бўлди. Албатта Ақл одамзот мияси, онги билан боғлиқ бўлса-да, аммо унинг Ер юзида туғилиши яхлит олам жараёнларидаги моддий борлиқ ўзини-ўзи ташкиллашининг янги босқичи бошланганини, материя ўзини–ўзи англаш даражасига кўтарилганини англатади. Яъни, эндиликда материя ва унинг ҳаракатини принципиал равишда бошқариш имконияти вужудга келди. Ер шароитида одамзоднинг физиологик тузилиши такомиллашиб бўлди, унинг ақлий салоҳияти фан ва теҳника тараққиёти ёрдамида юксалиб бормоқдаки, эндиликда моддий борлиқ – табиатни бошқариш имконияти реалликка айланмоқда. Албатта бу имконият қандай воқелик тусига кириши одамзод руҳий олами ва жамият маънавиятининг ҳолатига ҳам боғлиқ бўлиб қолади.

Ер юзида Ақлнинг пайдо бўлиши ва унинг ёрдамида моддий олам ўзини-ўзи таний бошлаши ҳудди ҳаёт пайдо бўлганидек табиий жараёндир. Бунда бирон-бир мўъжиза, қандайдир сирли куч борлигини излаш самарасиз машғулот бўлиб, одамзод билиш жараёнида ожизлиги ёки ялқовлигини шу билан яширишга, бошқача айтганда, мураккаб жараёнларни англаб олишдан ўзини–ўзи четлаштириб, ҳаёлот оламига ғарқ бўлишни афзал кўришдан бошқа нарса эмас. Биз эндиликда яшашимиз зарур бўлган олам Ақл имкониятларидан одмзотнинг

инсонлардек, инсон бўлиб яшаш босқичига ўтиш жараёнини бошлаб юборишни тақоза этмоқда.Одамзод ўзини–ўзи алдашда давом этишни истамаса, у шу Ер деб аталган ва Қуёш системасига кирадиган бир планета – Ер материя ҳаракати юқори даражасининнг маҳсули эканини эътироф этиш керак бўлади. Бундай эътироф этиш Ер планетасини – Она-табиат деб оғизда шунчаки тан олишдан, эндиликда уни худди онасига меҳрибон бўлган боладек муносабатларни шаклланишига олиб келиши керак. Бу фикрларни айтишдан мақсад шуки, одамзоднинг пайдо бўлиши билан Ерда хотиранинг янги, юқори шакли вужудга келганига эътиборни қаратишдир. Хотиранинг бу шакли осмондан узилиб ҳам, Ер тубидан отилиб ҳам чиққан эмаслигини илм –фан исботлаган экан, уни ҳақиқат сифатида қабул қилиш, ушбу ҳақиқат – ғояга имон келтириш (ишониш ва ишончга содиқ қолиш) керак бўлади. Бу ишонч ва эътиқод янги давр – Ақл соҳаси ва унинг ҳусусиятларини англаб олиш, одамзод истиқболида пайдо бўлган ва тобора қуюқлашиб бораётган “қора булутлар” офатидан сақланиб қолиш йўллари, воситалари, услубларини излаш ва уни топиш маъсулиятини ҳар бир Ақл соҳиби – одам зиммасига юклайди.

**Антропогенез тарихига доир.** Одамзоднинг пайдо бўлиши ҳақидаги афсонавий (мифологик) ва диний тасаввурлар минг йиллар давомида ижтимоий ва индивидул онг мазмун-моҳиятини белгилаб келди. Ҳозирги даврда ҳам дунё аҳолисининг асосий кўпчилиги ўз “Мени”ни диний онг нуқтаи назаридан англашга интилиб келади ва албатта бу интилиш жараёнида инсон (жамиятлашган индивид) сифатларини ўзида гавдалантиришига ҳаракат қилади. Диний онг туфайли индивид муайян йўналиш (конфессия)даги динни эътироф этиш, унга эътиқод қилиш доираси учун умумий бўлган феъл-атворни ўзлаштиради, ушбу йўналишда ҳаёт маъноси ва мақсад- муддаосини англаб олишга интилади. Жаҳон динларининг муқаддас китобларида илгари сурилган ва Олий ибтидо – Худо номи билан айтилган ғояларнинг асосий мазмуни одамнинг инсонга айланиши учун имкон туғдирадиган феъл-атворни шакллантиришга қаратилгандир. Жаҳон динларининг юзага келиши инсоният тарихий такомилида ғоят муҳим босқич бўлгани шубҳасиздир.

Айни чоғда шуни ҳам эътироф этиш зарурки, тарихий ҳотирадан маҳрум бўлмаган ҳар бир киши турли диний эътиқодлар туфайли одамлар билан одамлар, ҳалқлар билан ҳалқлар ўртасида низолар чиқиб, улар катта-катта можароларнинг юзага келтиргани, ҳатто тарихда жуда катта қирғинбарот урушлар келиб чиққанини эсда сақлайди. Динлардаги ақидаларни турлича талқин этиш, шу жараёнда динни сиёсийлаштириш натижасида ҳозирги даврда ҳалқаро терроризм ҳуружлари дахшатли тус олаётгани бежиз эмас. Ноосфера даври илгаригилардан шу жиҳати билан тубдан фарқ қиладики, барча соҳада, жумладан одамни, одамлар

уюшмаси бўлган жамиятни бошқариш батамон илмий асосларга қўйилмаса, бугунги дунё муаммолари кўпайгандан кўпаяверади.

Одамнинг пайдо бўлиши. унинг жамият бўлиб яшашга ўтиши ҳар бир тарихий давр ва муайян мамлакатда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, аҳлоқий, фалсафий қарашлар, булар асосида шаклланадиган муносабатларни индивидларга, ўз навбатида индивидларнинг ўша муносабатга кўрсатадиган таъсири дунёқараш билан узвий боғланиб кетади. Бинобарин, Ноосфера даврида одам ва у билан боғлиқ равишда онгнинг пайдо бўлиши ҳақидаги хозирги замон фани далилларига таяниш фавқулодда аҳамиятга моликдир.

Маълум бўлдики, ҳайвонларда ҳам тил ва "пода онги" шаклида ижтимоий онг унсурлари бўлар экан. Материя ҳаракатининг муайян бир босқичида одам мияси шакллана бошлади ва у билан боғлиқ равишда онг вужудга келди. Кўп вақт одам маймуннинг бир туридан келиб чиққан, буни гўёки Чарлз Дарвин исботлаган, деган фикр фан оламида ҳукм суриб келди. Аммо бу уйдирмаларга Дарвиннинг бевосита алоқаси йўқлиги, у ўз асарларининг бирон жойида одам тўғридан-тўғри маймуннинг бир туридан келиб чиққан, демагани энди маълум. Ҳозирги замон антропоид (одамсимон)ларининг ўттизга яқин тури бўлиб, шулардан биттасининг мия хужайралари хромосомаларида рўй берган ўзгаришлар натижасида одам онги ўзидан-ўзи вужудга келгани исботланган. Маълум бўлишича, қуйи маймунлар мияси ҳужайраларида 75-54, юқорилари– одамсимонларида 48 та, одамда эса 46 та хромосома бор. Бош мия пешона қисм филогенетик майдон ривожи одамларда кўпроқ сакрашга мойил; миядаги 10- майдон маймунларда бутун қобиқнинг 1,35-2,15 фоиз ҳажмини эгалласа, одамда эса у 2,5-3 баровар кўп. Ҳозирги замон одамининг бош суяк тепаси ост қисми майдони қуйи маймунларникидан 20 баровар, юқори турдаги маймунларникидан 2 баровар кенг. Мия ярим шарларидаги нутқ тили билан боғлиқ 44 ва 45-майдонда ҳам одам билан маймун мияси ўртасида жуда катта фарқ бор. Бу узоқ тарихий даврдаги жараёнлар натижасидир, аммо бунда биз Ер магнит майдонидаги ва космосдаги радиация ўзгаришлари баъзи турларнинг ўз-ўзидан йўқ бўлиши, янги турларнинг вужудга келишига сабаб бўлишини эътибор беришимиз лозим. Дастлаб оддий тош, таёқ, йирик ҳайвонлар суягини овқат топиш, ўз галаси билан биргаликда ўзини ҳимоя қилишга ўрганган одамсимонларни Австралопитек (жанубий маймунсимонлар) дейилади. Уларнинг мия ҳажми 3-4 миллион йил давомида 350 куб сантиметрдан 750 куб сантиметргача кенгайган. Питекантроп (маймунсимон одам) мия ҳажми 750-900 куб см, Синантроп (Хитой одами) 915-1225 куб см.., неандерталларда 1610 куб см.гача мия ҳажми бўлган. Дағал тош қуроллар ясаш малакасига эга бўлгани учун одамзотнинг тарихий типлари – питекантроп, синантроп ва неандерталлар Уқувли одамлар дейилади. Ҳозирги одамнинг дастлабки жасади Франциядаги Кромоньон

ғоридан топилгани сабабли, уларни кромоньонлар ёки Ақлли одам, яъни ривожланган нутқ тили марказига эга бўлган – Homa Sapiens деб аталади. Уларнинг мия ҳажми 1000 куб см.дан 2000 куб см.гача боради, ўртача 1446 куб см.дир. Ақл учун мия ҳажмининг ҳам аҳамияти бор, албатта. Аммо мия иланг-плангларининг зичлиги ҳам Ақлни юксак даражага кўтарди. Бу тоифали одамлар бундан 40-50 минг йиллар муқаддам тарих майдонига келиб, шуларгина чин маънода жамият бўлиб яшашга ўта бошлашган. Жамиятда ҳайвоний хирслар ўрнини инсоний ҳис-туйғулар, инстинктларнинг кўпи ўрнини одоб-аҳлоқ маромлари эгаллади ва буларга индивид томонидан риоя этиб борилиши аввал жамоа томонидан, сўнгра давлат муассасалари томонидан қаттиқ назорат остига олина бошланди.

**Антропогенезиснинг якуний фазаси.**

Руҳсат ва тақиқларнинг пайдо бўлиши, унинг бажарилишини жамоа, жамият ва аввало уруғ-қабила бошликлари ўз назоратларига олишлари туфайли, турлар ичидаги курашларда энди жисмоний қувват эмас, балки ақлий салоҳият ва жамиятнинг ташкилий тузилиши ҳал қилувчи роль ўйнай бошлади. Ер остидан қазиб олинган қадимги одамлар суяклари ичида улкан (гигант)лар ҳам учрайди. Аммо ақлий жиҳатдан чекланганлик уларни янги шароитларга мослашишга имкон бермаган. Оқибатда улар тарих майдонидан абадий йўқ бўлиб кетишган. Баъзан неандерталлар билан кромоньонлар жасадлари бир жойдан топилади, уларнинг физиологик тузилишида ҳам жиддий фарқлар учрамайди. Бироқ, Неандертал тоифасидаги одам зоти қолмаган. Демак, бу тур ижтимоий тузилмаси жуда заиф бўлгани, улар ўртасида келишув ва зиддиятларни ўртада баҳамжиҳат ҳал этиш усуллари такоммиллашмагани учун одамзотнинг бу тоифаси яшаб кета олмаган. Ҳозирги замон одамининг ягона аждоди Кромоньонлардагина ижтимоий тузилмалар такоммиллашганроқ бўлган. Айниқса гўзал қизлар ва барно йигитлар учун курашнинг инсонийроқ шакллари улар жамоаларида мавжуд бўлган.

Шундай тахминлар ҳам борки, ортиқча Ақлга ва истеъдод (талант)га эга бўлмаганлар яшаб қолишган ва одамзод уруғини ўшалар белгилаган. Музлик даври олдидан ташкилий соҳадаги жуда жиддий танлов биосфера янги шароитларига музлик даврига мувофик келадиган турларгина сақланиб қола олган. Бу, синергетизмнинг яққол намоён бўлишидир. Хаос (тартибсизликлар)нинг тартибга тушиш жараёни бир текис шаклда бормаган. Яшаш учун курашда кучли уруғлар кучсизларни қулай вазиятдан сиқиб чиқаргач, кейингилар оғир, мураккаб шароитларда яшаб чиниққанлар, меҳнат, ов қуролларини такомиллаштириш маҳоратига кўпроқ эга бўлиб қолганлар. Бундай уруғлар муайян вақт ўтгач, ўз рақибларидан устунлик қилиб, тез ривожланиш имкониятига эга бўлиб қолгач, рақибларини яхши масканлардан суриб чиқарганлар. Бошқача айтганда, жамият стихияли тараққиётидаги нотенглик қонунияти қадимги

даврларда ҳам ўз ҳукмини ўтказган. Эндиликда антропогенез ўз ниҳоясига етди: одамзод ҳозирги физиологик ҳолатида ва мия морфологиясида яна тахминан 25 минг йиллар чамаси яшаши аниқ. Ундан кейинги ҳолатни ҳозирча тахмин этиш қийин. Аммо ахборот қабул қилишнинг кўпайиши ва мураккаблашиши натижасида одам калласи тепа қисми катталашиб, юз ва жағ қисми узайиб бориши кутилади.

**Яна битта хотира шаклининг вужудга келиши.**

Одамзод меҳнат ва ов қуролларини ясашга киришгач, хотиранинг янги шаклига эҳтиёж пайдо бўлди. Генетик хотира, жамоа хотираси янги меҳнат фаолияти ва уни такомиллаштириш учун асло кифоя қилмас, аждодлар тўплаган тажрибаларини авлодлар хотирасига ўтказиш учун “Таълим” хотираси вужудга келди. Каннибализм қораланди, кексалар ўтган авлод тажрибаларини асровчи ва ёш авлодга етказувчи асосий “ўқитувчилар” бўлиб қолдилар, жамоада уларнинг қадри жуда ошиб кетди. Рухсат ва тақиқлар системасининг шаклланиши ахлоқ нормаларига сўзсиз ва ихтиёрий риоя қилиш майлларини кучайтирди. Ожизларни ҳимоя этиш, уларни жамоат томонидан муҳофазага олиниши фидойилик (альтуризм) ҳис-туйғуларини ривожлантирди ва бунинг оқибати ўлароқ табиий танланиш ўз ҳаракатини тўхтатди, оқибатда одамзоднинг индивидуал физиологик ривожланиши барҳам топди. Индивид эндиликда жамоа ва жамият бағрида ақлий жиҳатдан ривожланиб, такомилашиб бориш босқичига кўтарилди.

Меҳнат қуроллари учун муносиб тошларни ахтариш, топиш, уларга ишлов бериш, ҳайвон териларини ишлаш, гўштларни парчалаш, ўтни сақлаш ва ундан озиқ- овқат тайёрлашда фойдаланиш, жамоа орасида одоб-ахлоқ маромларига риоя қилиб боришни назорат этиш, ов жараёнлари режаларини тузиш, ғаним уруғларга қарши туриш имкониятига эга бўлиш каби ишлар нутқ тилининг ривожланиши, у билан баробар тафаккурнинг такомиллашишига олиб келди. Тил бойлигининг ошиши мантиқий тафаккур ривожи учун қанчалик кучли таъсир кўрсатган бўлса, мантиқий тафаккур тарзининг мураккаблашиб бориши, тил бойлигининг ошиши, энг нозик нарсаларни, ҳодисаларни ҳам илғаб олиш имконини вужудга келтирди. Эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги тушунчалар пайдо бўлиб, улар ёрдамида дунёқараш шакллана бошлади. Ахлоқнинг шаклланиши, гўзаллик ва хунуклик тўғрисида дастдабки содда тасаввурларнинг юзага келиши, одамзод ўзини қуршаган олам тўғрисидаги қарашлари, жумладан, нима эзгулиг-у нима ёвузлик эканини англаб олишга қизиқиш – буларнинг ҳаммаси билимнинг фан унсурлари шаклланишига олиб келди. Одамлар ўз кузатишлари натижасида йил фаслларининг такрорланишини фахмлаб олдилар ва ёзда қишнинг ғамини ейишга ақллари етиб қолди. Шундай қилиб, зарур маълумот (информация)

ларни сақловчи ва донишмандлик хазиначилари сифатида коҳинлар ва сеҳргарларнинг жамиятдаги мавқеи ошиб кетди. Улар дастлабки содда файласуфлар сифатида мифологик дунёқарашга асос солдилар.

**Хулоса:** а) ақлнинг пайдо бўлиши билан моддий олам ўзини-ўзи англаш босқичига кўтарилди; б) одамзод узоқ тарихий давр махсулидир; в) эндиликда антропогенез ўз ниҳоясига етдики, одамзод ҳозирги физиологик тузилишда яна 25 минг йиллар чамаси яшаши мумкин; г) онгли меҳнат фаолиятининг хилма- хил тус олиши олам ҳақидаги тасаввурларни ривожлантирди ва мифологик дунёқараш шаклланди.

**Калит сўзлар:** интелект (Ақл), антропогенез, ахборот (информация), ирсий хотира, ДНК ёзувлари, “пода онги”, антропоид, филогенетик майдон, Австролопитек, Питекантроп, Синантроп, Неандертал, Кромоньон, мия иланг-пиланглари, нотенглик қонунияти, “Таълим” хотираси, каннибализм, альтуризм.

## Такрорлаш учун саволлар.

- Материя қандай қўринишларга ва ҳусусиятларга эга?
- “Пода онги” қандай пайдо бўлди ва унинг функциялари нимадан иборат?
- Онг қандай пайдо бўлган, унинг оқибатларининг айтинг!
- Одамнинг пайдо бўлиши ҳақида ҳозирги замон табииётшунослик ва инсоншунослик фанларининг хулосалари нима?
- Жамиятнинг пайдо бўлишининг қандай табиий (биологик) ва ижтимоий асослари бор?
- Музлик даври ва унинг оқибатларининг айтинг!
- “Таълим” хотираси нима?
- Ривожланган нутқ тили билан тафаккур ўртасида қандай диалектик алоқадорлик бор?

## Инсоннинг биоижтимоий моµияти.

### Одамда табиийлик ва ижтимоийлик диалектикаси.

Фалсафий фикр тарихида инсон ва унинг оламдаги ґрни µамда ижтимоий тараііиётдаги роли доим дииіат марказида турган. ИТИ, жаµонда глобаллашув жараёнларининг жадал бораётгани, давлат ва жамиятни бошіаришни демократик услубларига ґтилиши муносабати билан юзага келаётган янги вазият инсон муаммосига янгича ёндашувларни таіоза этмоідаки, унинг айрим жиµатларини билиб олиш муҳимдир.

Одамзотнинг яшаш шороити, аввало ижтимоий муµит доимо ґзгариб бориши іонуний бир жараён экан, инсон муаммоси µамиша долзарб бґлиб

іолаверади. Муаммолар іанчалик бир-бирига ґхшаш бґлмасин, улар µар гал бошіача тарихий шароитда, ґзгарган ижтимоий муµитда яшовчи, бинобарин, ґзгача тафаккур тарзига эга бґлган, дунёни бошіача µис этувчи ва тушунувчи инсоннинг муаммолари бґлиб іолаверади. XIX асрнинг 2-ярмидан бошлаб, одам тириклик соµаси эволюциясининг µосиласи эканлиги фанга маълум бґлгач, хайвон билан одам ґртасидаги умумийлик ва айримликни тадіиі этиш етакчи майл бґлиб іолди.

Хайвон биологик организм бґлиб, унинг барча феъл-атвори ДНК молекулаларида, генетик дастурида белгиланган ва ирсият туфайли улар авлоддан авлодга ґтиб боради. Шунинг учун µам µайвоннинг хатти-µаракати, яшаш учун кураш шакли сайёрамизнинг µамма жойида бир хилдир. ¥ар іандай µайвон жуда бой бґлган тайёр инстинктлар билан ёруI дунёга келади. Айни чоIда µаёт тажрибалари µам маълум даражада улар феъл-атворида аниі вазиятга іараб ґзгариш іилишга ёрдамлашади.

Одамзот индивидуал феъл-атворида генетик дастурнинг роли бор, албатта. Ундан ташіари фанга социал генларнинг µам хатти-µаракат белгилашга муайян таъсири борлиги аён бґлмоіда. Масалан, аждодларида ґIри, муттаµам, лґттибоз бґлмаган авлодда бундай іусурлар ё мутлаіо учрамайди, ёки кам учрайди. Зеро, одам биологик тур бґлиш билан бир ваітнинг ґзида муайян тарихий давр ва маълум мамлакатдаги ижтимоий муµитнинг µам фарзандидир. Бинобарин, одамнинг іайси тарихий даврда, іайси ижтимоий муµитда яшашига іараб феъл-атворида жиддий ґзгаришлар бґлади. Овчи, чорвадор, µунарманд, ишчи, тадбиркор, зиёли, технократ каби кґплаб іиёфаларда у ґзини бошіа-бошіа тусда намоён іила олади. Одамнинг феъл-атвори, хатти-µаракатида туIма (ирсий) хусусиятлар бґлишига іарамай, умуман олганда, булар асосан муайян ижтимоий муµитда (оила, ґіув ва меµнат жамоаси, давр руµи, давлат тузилиши, ижтимоий-сиёсий гуруµлар, касбий ва ижодий уюшмалар ва х.к.) µамда меµнат, тил, нуті, тарбия, тажриба оріали ґзига хос равишда намоён бґлади.

**Жамият ґзини-ўзи ташкилловчи ва бошіарувчи тизим (система).**

Жамиятнинг шаклланиши ва тарихий такомилида ижтимоий меµнат, нуті тили ва тафаккур тарзининг ґзгариши билан бирга оила муносабатларининг аµамияти катта бґлган. Одам галаларидаги мавжуд бетартиб жинсий алоіаларни тартибга туширишда дастлабки ижтимоий бирликлар – уруIларнинг таъсири кучли бґлди. Гуруµий никоµлар ґрнига аста-секин якканикоµлик муносабатлари уруI ичида таркиб топди. Аммо чиройли іизлар ва барно йигитлар учун талашиш жараёнида уруIнинг парчаланиб кетиш хавфи пайдо бґлгач, уруI бошлиілари битта уруI ичидагилар никоµларини таіиілаб іґйдилар. Бу, ижтимоий муносабатларнинг кенгайиши ва соIлом авлодга эга бґлишда иніилобий бир µодиса бґлдики, буни уруI бошлиіларининг ґзлари µам

сезмай іолдилар. Зеро, яіин іон-іариндошлар ґртасида жинсий алоіанинг таіиіланиши уруІни ташкил этган кишилар ґртасида µам бошіа уруІлар билан (эркак ё аёлни алмаштириш зарурати туфайли) дґстона муносабатларни іарор топтириш оріали майиб-мажруµ, аілий заиф болалар туІилиши камайиб, уруІ жамоаси соІлом, баіувват авлод µисобига миідор жиµатдан кґпайиб борди. Якканикоµликнинг таркиб топиши жараёнида мулкий муносабатлар такомиллашди, бола тарбияси учун нисбатан іулай шарт-шароитлар вужудга келди.

Маълумки, ҳайвонларда ички (тартибсиз) жинсий муносабатлар (эндогамия) мавжуд. Агамия (юнонча «а» - йґі, «хамас»-жинсий алоқа) яқин қондошлик жинсий муносабатларни таіиіланишини англатса, экзогамия (юнонча – «экзо» - ташіаридан, «хамос» жинсий муносабат) никоµ муносабатларининг ташіаридан, іариндошликка асосланмаган бґлиши маъносини англатади. Жинсий алоіаларда µайвонлар инстинктларга таянса, одамларда у инстинктлар ґрнини аста секин аµлоі–одоб маромлари асосидаги рухсат ва таіиіларга таяниш расм бґла борди. Бу µолат одамлар жамоаларидаги муносабатлар тартибга тушиб боришида ижтимоий іонунлар амал іила бошлаганидан дарак берарди. Ахлоіий ижтимоий рухсат ва таіиіларнинг µар іандай пода ва гала инстинктларидан туб фаріи шуки, булар уруІ ва жамоанинг барча аъзоларига - кучлилар ва кучсизларга µам, ёшлар ва кексаларга µам бирдай тааллуілидир. Ёввойилик муµитида эса «мумкун эмас»лик (таіиі) фаіат ожизларга нисбатан амал іилган, кучлилар учун эса уларнинг барча истак - хоµишлари мумкин, «іонуний» эди. УруІ ва іабилалардаги рухсат ва таіиілар мажбурий бґлиб, уларнинг бутун жамоа ва уруғ етакчилари іаттиі назорат остига олишган эди. УруІ ёки іабиланинг µар бир аъзоси онгига ёшлигиданоі бу рухсат ва таіиілар муіаддас эканлиги чуіур сингдирилар, уларга риоя іилмаган ёки бузган кишилар, ким бґлишидан іатьий назар, жазоланар эди. Сўнгра, одамлар феъл-атворларини кґзга кґринмас, аммо µамма жойда µозир бґлиб турадиган руµлар кузатиб бориши тґІрисидаги тасаввурлар кенг ёйилган бґлиб, одамлар бунга іаттиі ишонар ва ўз-ўзини бошқаришда бу омил катта рол ўйнарди.

Динлар, айниіса жаµон динлари шакллангач, уруІ-іабилачилик муносабатларидаги рухсат ва таіиілар ґрнини аста – секин савоб ва гуноµ тушунчалари оріали белгиланадиган муносабатлар эгаллади, яъни худо ва пайІамбарлар номидан диний китоблардаги битилган талаблар, панд-насиµатлар доирасида фаолият йґналиши белгилайдиган одамлар комил инсонлар сирасига киритилган бґлса, бунинг аксини іилганлар Іайриинсонлар сифатида таліин этилиб, бу дунё ва «у дунё» да жазоланишлари муіаррар эканлиги барча мафкуравий воситалар, усуллар ва шакллар орқали изчил таъкидланарди. Демократик тартиботлар іарор топиб бораётган жамиятларда эса эндиликда аста-секин давлат белгилаган іонунлар доирасида фаолият йґналиши белгилайдиган индивидлар

раІбатлантирилиб, Іайриіонуний ишлар билан шуғулланаётганларни изчил равишда жазолаб бориш етакчи майл бґлиб бормоіда. Оила, ґіув ва меµнат жамоалари, таълим тизими, маданий-маърифий муассасалар, давлат ва нодавлат ташкилотларининг Іоявий таъсир ґтказиб бориши, назорати ва мафкуравий ишлари оріали одамнинг инсонга айланиб бориши учун умумий ҳаракатлар бор. Айни чоІда диний жамоалар ва ташкилотларнинг инсон маънавий оламини мунаввар іилишга іаратилган фаолиятлари давлат муассасалари ва жамоатчилик томонидан іґллаб-іувватланмоіда.

Юіорида айтилган µолатларнинг барчаси ґзаро боІлиі, бир-бирини таіоза этади, яъни нуті тили ва мантиіий тафаккурсиз одамда бурч, масъулият каби µис-туйІулар айтарли бґлмайди, бинобарин, уларда ахлоіий ва іонун доирасидаги рухсат ва таіііларни англаш, уларга риоя іилиш µаіида гап бґлиши мумкин эмас.

**Одамнинг инсонга айланиб бориши жараёни.** Одамзотдаги табиийлик ва ижтимоийлик ґртасидаги алоіадорликларда ижтимоийлик майлларининг етакчи бґла бориши одамнинг инсонга, яъни жамиятлашган индивидга айланиши учун шарт-шароитдир. Генетик жиµатдан чегараланган табиий омилларга ижтимоийлик катта таъсир кґрсатиб, ҳатто одам µаётининг давомийлиги µам узайиб боряпти. Тадііiотчиларнинг фикрича, одам ґртача 90 йил (баъзи манбаъларда 120 йил) умр кґриши мумкин. Ижтимоийлик майлларининг устивор бґлиб бориши натижасида іадимда одамлар ґртача 22 ёш, XVIII асрларда 30 ёш, XX аср бошларида 56 ёш умр кґрган бґлсалар, µозир ґртача 70-75 ёш яшаяптилар.

«Одам» ва «инсон» тушунчаларида умумийлик билан бирга жиддий тафовутлар µам борлигини англаш таълим-тарбия тизимида муµим аµамиятга эга. Одамдаги биологик омил аµамиятини асло камситмаган µолда, унинг табиати ва руµий оламида ижтимоийликнинг муіимлашиб бориши натижасида одам зотининг инсонга айланиб бориши мумкинлигини тарихий ҳаііiатлар тасдиілайди. Одамда биологик омил етакчи бґлса, инсонда ижтимоийлик (маънавий) омиллар биринчи ґринга чиііб олади. Яшаш учун кураш жараёнида инсон ґзи мансуб бґлган жамият ва маданият іадриятларига асосланиб, хатти-ҳаракат ва фаолият йґналиши белгилайди, ижтимоий µаётда таркиб топган ва анъанага айланган одоб-ахлоі маромлари, іонун-іоидалар, тартиб-интизомларга іатьий риоя іилади, мабодо ташіи таъсирлар остида уларни ногаµон бузса, виждон азобида іолиб, ґзини-ґзи сира кечирмайди. Шу маънода µозирги физиологик тузилишга эга бґлган барча онгли мавжудод одам турига киради, аммо улар орасида инсонга айланмаган, яъни µайвонларга хос олІирлик, босіинчилик, ёввойилик іусурларидан µоли бґлмаганлари µам

йўі эмас. Масалан, ґІри, таъмагир, юлІич, порахґр, іотил, фохиша в.б. нафс іурбонига айланганлар албатта одам, аммо уларни инсон іаторига іґшиб бґлмайди.

Одамнинг инсонга айланиб боришида имон тушунчасининг фалсафий идроки муµим аµамият касб этади. Инсонда имон диний йґл билан µам, илмий-маърифий йґл билан µам шаклланиши мумкин. Имон іайси йґналишда инсон аµволи руµиясида муқим бґлишидан іатъий назар, худо ёки олий ижтимоий маісад (олий Іоя) га іалбан, рухан ишонч ва бу ишончга µар іандай шароитда µам содиі іолиш учун ички онт ичишдан иборат онгнинг нодир µодисасидир. Имонлиликнинг яна бир шарти сґз (тил) билан амал (иш) бирлигидир. Мана шу шартлар асосида имонли инсонларга виждонлилик, халол-поклик, ростгґйлик, инсоф-диёнат, саµоватпешалик, мурувватлилик, халі, Ватан ишіи билан яшаш каби фазилатлар шаклланади, зеро, имонли инсон учун улар муіаддас іадриятлар бґлиб, µаёт маъносини белгилайди. Имонли инсон яіинлари, дґстлари, Ватани, µаліига µар іандай шароитда µам содиі іолади, ґлишга рози бґладию, аммо у имонига хиёнат іилмайди.

Одам табиатидаги табиийлик ва ижтимоийликнинг ґзаро нисбати µаіида гап борганда, улардан бирини идеаллаштириш ёмон салбий оіибатларга олиб келишини эътиборга олиш керак. Социал дарвинистлар одам наслини ґзгартириш оріали одамни инсонга айланиш жараёнини тезлаштириш мумкин десалар, марксистлар ижтимоийликни биринчи ґринга іґйиб, ундаги биологик омиллар ролини пасайтиришга уринадилар. ¥ар икки қараш µам ижтимоий тараііиёт ва инсон камолоти учун завол бґлишини тарихий жараёнлар тасдиілайди. Демак, одамзот биологик ва ижтимоий моµиятлар бирлигида мавжуд бґлади, аммо ижтимоий майлларнинг устивор бґлиб бориши унинг табиатидаги биологик имкониятларнинг воіеликка айланишини таъминлайди.

**Хулоса:** а) одам табиий ва ижтимоий муµит таъсирида муайян социал іиёфага эга бґлади; б) жамият ґз ички іонуниятлари билан шаклланадиган ва ривожланадиган система; в) одам биосоциал мавжудод бґлиб, муайян тарихий даврда мавжуд іонун-коидалар, одоб-аµлоі маромларига ихтиёрий равишда риоя этишга одатланиш оріали инсонга айланади.

**Калит сўзлар:** табиийлик, ижтимоийлик, ДНК молекулалари, генетик дастур, ижтимоий меҳнат, нутқ тили, тафаккур тарзи, эндогамия, агамия, экзогамия, инстинкт, одам, инсон, имонли инсон.

## Такрорлаш учун саволлар.

- Нега инсон муаммоси ҳамиша долзарб?
- Одам қандай мавжудод?

- Қон-қариндошликка асосланмаган никоҳларнинг афзаллиги нимада?
- Динлардаги савоб ва гуноҳ тушунчаларининг ижтимоий моҳияти нима?
- Қонуний ёки қонунсиз ҳатти-ҳаракатлар давлат йўли билан қандай назорат этилади?
- Одам умри қандай омилларга боғлиқ?
- "Одам" ва "инсон" тушунчаларининг фалсафий мазмуни нима?
- Одамнинг инсонга айланиб боришида имон қандай рол ўйнайди?

**Антропологик Іоялар: индивид ва шахс, инсон омили.**

**Индивид ва шахс тушунчаси.**

Фалсафа тарихида антропологик Іояларнинг ривожланиши, одамзот эволюцион тараіііиёти µамда унинг Ер деб аталган бир бутун табиатга, шунингдек ижтимоий тараіііиётга µал іилувчи таъсир ґтказиш босіичи – Ноосфера даврига кирганини ҳар бир индивид англаб олиши зарур.

Муайян ижтимоий бирлик (бутунлик) ичидаги айримлик индивиддир. Яъни индивид якка-ёлІиз одам эмас, балки бетакрор (индивидуал) хусусиятларига эга бґлган айрим кишидир. Индивидда айримлик билан умумийлик уйІун µолда мавжуд бґлади. Масалан, Аімадда одам зотига хос µамма хусусиятлар бор. Умумийликдан айримликни фарілаш учун индивид тушунчаси іўлланилади. Умумийликдаги айримлик – индивидуаллик іуйидагиларда намоён бґлади:

а) муайян ижтимоий гуруµ, жамоа, ташкилотни ташкил этган одамларнинг ґзига хос феъл-атворлари;

б) ґзини ташкил этган муайян ижтиомий гуруµ кишиларининг ўзларига хос ижтимой белгилари, социал іиёфалари.

Индивид ва шахс тушунчалари бир-бирига яіин. Шахс бетакрор (индивидуал) сифатлари билан албатта индивид, аммо у фаол хусусиятлари туфайли шахсдир. Индивидни ґзига хослик, бетакрорлик сифатласа, шахсни шу билан бирга, эркин, ижодий фикрлаш ва муайян вазиятда масъулиятни ґз зиммасига олиб, мустаіил ҳаракат йўналиши олиш іобилияти каби сифатлар белгилайди. Шахс ҳар бир даврда мавжуд бўлган муайян ижтимоий эµтиёжлар ва манфаатларни илІаб олиб, ўзи мансуб бўлган одамлар гуруµи манфаатларини тўлароқ гавдалантирадиган ва у социал гуруµга хос фазилат ва іусурларни ёрқинроқ намоён этади. Бундай шахслар ґзи мансуб бўлган ижтимоий гуруµ манфаатларини фаол µимоя іила олади ва бунинг учун масъулиятни ґз зиммасига дадил ола билади. Яъни муайян умумийлик айрим шахсларда ґзининг ёріин ифодасини топади. Масалан, «Темир хотин» спектаклида Јгчіор образи Совет колхоз тузумида шаклланган

индивидларнинг ёріин намунаси бўлса, Абдулла қаҳҳорнинг «Синчалак» романидаги Саида образи шахсга мисолдир.

Ижтимоий муμит инсон шахсини іай даражада шакллантирса, шахслар μам ґша муμит іандай μолатда бґлишини кафолатлайди. Бироі, шахсларнинг барчаси μам ижтимоий муҳит доирасида ҳаракат іиладиган, іотиб іолган турІун фикрлар асосида ҳаёт йґналиши белгилайдиган инсонлар эмас. ¥ар бир индивидда генетик дастур асосида іабул іилинган ва іайта ишлайдиган ахборотли инъикос турлича бґлгани сабабли, ундаги ґзи яшаб турган ижтимоий муμит ходисаларига іизиіиш даражаси μам турлича бґлади. Шахс ґз шахсий сифатлари билан муайян ижтимоий ҳаракатга таъсир кґрсатиш даражасига іараб іадрланади ва іадрсизланади. Муайян тарихий шароитларда йирик ижтимоий μаракатларга бошчилик іилганлар тарихий шахс сифатида ґзидан яхши ёки ёмон ном іолдиради. Тарихий шахсларда жамият тараіиётини тезлатиш ёки секинлатиш, μатто оріага іайтариш имконияти катта бґлади. Бунда улардаги таркиб топган дунёіараш ва шу асосида вужудга келган имон йґналиши ва даражаси муҳим роль ґйнайди, ундаги инсоний фазилатлар ва іусурлар ґзи бошчилик іилаётган ҳаракатга ижобий ёки салбий таъсир кґрсатади.

Шахс ва унинг эрки муаммоси доимо долзарб бґлиб келган. Эркин фаолият кґрсатишга эга бґлиш шахс учун тарихий, ижтимоий ва ахлоіий іадрият бґлиб, унинг индивидуаллиги намоён бґлиши ва жамият тараіиёти даражасининг мезонидир. Шахс эркинлигини поймол этиш, унинг онги ва хулі-атворини бир іолипга солишга интилиш, индивидларни жамият, давлатни бошіариш ишларидан амалда четлатиш шахс камолотига салбий таъсир кґрсатиш билан бирга ижтимоий тараіиётни μам секинлатади, турІун холга келтиради ва хатто таназзулга олиб келади. СССР бунга мисол.

**Танлов эрки муаммоси.**

Тирик табиатда биологик танлов μайвонлар учун іанчалик аμамиятли бґлса, ижтимоий μаётда μам инсонларнинг танлов эрки шунчалар аμамиятлидир. Фаіат шахслар учун танлов эрки бор жойдагина тараііиёт тез ва маісадга мувофиі бориши мумкин. Умуман мавжуд ижтимоий, иітисодий, сиёсий, μуіуіий муносабатлар шахс эрки ва камолати учун іанчалик таъсир кґрсатмасин, айни чоІда у муносабатлар іандай бґлиши кґп жиμатдан шахсларнинг бу муносабатларга амалий ёндашувларига μам боІлиі бґлади. Собиі СССР да шахсга сиІиниш ва бу билан маълум даражада боІлиі μолда рґй берган турІунлик йилларида адолат ґрнини риё, μаіиіат ґрнини іґріув, μадиксираш эгаллаганини албатта назарда тутиш керак. Иккиюзламачилик кадрлар учун іадриятга айланиб іолди, чунки бунингсиз улар ґз вазифаларини бажара олмайдиган холга келдилар. Демак, бизнинг замонамизда индивидлар, айниіса шахслар ижтимоий-иітисодий ва давлат тузумларининг асири эмас, балки уларнинг

ижодкори µам эканлигини назарда тутиб сиёсат белгилаган тарихий шахслар ґзларидан яхши ном іолдиришлари, авлодлар хотирасида буюк кишилар сифатида абадиятга дохил бўлишлари мумкин. Бунинг акси µам бґлиши мумкин. Масалан, Чингизхон, Гитлер, Ленин ва Сталин каби шахслар маълум іисіа тарихий даврда ґзларини іанчалик улуІланишларига эришмасинлар, пиравордида уларнинг номи билан боІланган іарашлар, тузумлар Іайриинсоний тусда экани маълум бґлди ва уларнинг номлари тараіиийпарвар инсоният томонидан лаънатланиб тилга олинаётгани тамомила табиий µолдир. ¥атто уларнинг уруғ-аймоқлари ҳам оғир аҳволга тушиб қолганини, изтиробли ҳаётни бошларидан кечирганликларини унутмаслик лозим.

**Инсоннинг ички олами масаласи.**

Ўзбекистон халқлари миллий мустақилликка эришиб, улар жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини топиш йўлида дадил одимлар ташламоқдалар. Мустақилликни мустаҳкамлаш манфаатлари дунёда интеграция ва глобаллашув жараёнлари, миллий заминда чиқаётган зиддиятлар кўпинча ўз карама-қарши томонига оғиб кетаётгани ва шу каби ҳодисалар инсон омилини тобора биринчи ўринга чиқариб қўймоқда. Бинобарин, одамларнинг инсонга айланишида инсонпарварлик ғоялари ҳар бир киши ҳаётининг мақсад-муддаосига айланишига эришишда фалсафа фаниниинг ўрни ва аҳамияти ошиб бормоқда.

Фалсафа фани инсоншунослик фанлари (психология, гражданлик тарихи, адабиётшунослик, санъатшунослик, тилшунослик, педагогика, диншунослик, герменевтика ва б.) билан шу маънода узвий боғланганки, ҳар икки йўналиш ҳам инсоннинг ички маънавий оламини мунаввар этишга қаратилган. Инсон маънавияти унинг руҳий олами билан муштарак бўлиб, руҳ нарса, буюм сифатида эмас , балки сўзлар, фикрлар, нуқтаи назарлар, дунёқарашлар, анъаналар, қадриятлар, меъёрий маромлар, муносабатлар сифатида онг ва қалбга сингади ҳамда шунга мувофиқ тарзда одам феъл-атвори, ҳатти-ҳаракати, фаолияти аниқ бир тус олади. Одам ҳаёти фикрлар ва ҳис-ҳаяжонлар билан лиммо-лим бўлиб, уни ҳар бир одамнинг ўзига хос ҳаёт режалари, лойихалари, тахминлари, ниманидир кутишлар, нимагадир умидворлик, уларни руёбга чиқариш йўлидаги омадлар ва омадсизликлар белгилайди. Одам айни бир вақтда ҳам ўзи, ҳам ўзига бегонадек, яъни ҳозир борлиғи, мавжудлиги билан эртага, келажакда қандай бўлиши зарурлиги чегараси ўртасида доимо изланишда бўлади. Яшаш учун кураш жараёнидаги бу изланишлар нихоятда мураккаб, зиддиятли жараён бўлиб, қандай ва қайси ғоялар, дунёкараш билан узвий боғланиб кетган имон-эътикод йўналишлари, фикрлаш тарзлари мутаносиб равишда индивидуаллик намоён бўлади.

**Ижтимоий тараіиётда инсон омилининг ошиб бориши.**

Инсон ва унинг муаммолари билан шуғулланадиган бошқа фанлар масаланинг айрим бир жиҳати, томонини тадкиқ этса, фалсафа фани одамни бир бутун ҳолича ҳамда уни куршаган табиий ва ижтимоий муҳитнинг таъсири ва унга жавобан одамнинг муносабатини ўз ички ва ташқи зиддиятлари билан ўрганади. Шундай бўлишига карамай, фалсафага, бу фанга муносабат ҳар бир даврда айтарли даражада ижобий бўлавермаган. Биз яшаётган даврдаги фалсафага муносабатларда ҳам кувонтирадиган аломатлар сезилмайди. Бироқ, инсонлар, улар уюшмаларининг барча фаолиятларини бунёдкорлик, яратувчилик томонга буриб юбориш ҳам миллий, ҳам умумбашарий заминда кечиктириб бўлмайдиган зарурат бўлиб қолган бир шароитда, фалсафа фанининг индивидуал ва ижтимоий онгга кўрсатадиган таъсирига етарли баҳо бериш ижтимоий тараққиёт ва инсон камолоти учун беназир хизмат қилишини таъкидлаш лоэим.

Шарқ фалсафаси инсон ички олами, руҳий такомилига ҳамиша катта эътибор бериб келган. Одамзотидаги ҳайвоний қусурлар ўрнига инсоний фазилатларни шакллантириш бу фалсафа тадқиқотининг марказида туради. Умар Ҳайёмнинг қуйидаги фикрларини Шарқ фалсафасининг тамал тоши дейиш мумкин:

Оламнинг тилаги – самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси – жавҳари ҳам биз.
Тўгарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз, унинг кўзи – гавҳари ҳам биз.

Форобий инсон баркамоллигини жамият фаровонлиги, барқарорлигининг негизи деб ҳисоблаган. Фозил одамлар ва уларнинг фазилатларини таърифлар экан, у жоҳилликка, жаҳолатга қарши маърифат учун курашиш жараёнида баркамол инсонлар етишиб чиқиши, жамиятда адолат қарор топишига умид боғлаган эди; фозил одамлар шаҳсининг ҳокими сифатларини бирма-бир санаб кўрсатиш билан баркамол инсонлар фазилатини тавсифлаган эди. Бунга кўра, давлат ва жамиятни бошкариш тизимида иштирок этадиган ҳоким (раҳбар) қуйидаги 12 та фазилатга эга бўлгандагина у муайян жамоанинг йулбошчиси деб тан олиниши мумкин. Форобий фикрича, ҳоким (раҳбар)нинг тўрт мучали соғ, кучли хотирага эга, ўткир зеҳнли, зукко қалб эгаси, ўз фикрини бошқаларга аниқ-равшан тушунтира оладиган, маърифатга чанқоқ, таом ейишда, ичкиликда, аёлларга якинликда очофатликдан йирок, аксинча, ўзини-ўзи тия оладиган, ҳақиқатни севадиган ва ҳақиқатпарвар кишиларни ёқтирадиган, ёлгондан қочадиган, ўз қадрини билувчи, ор-номусли, мол-дунё кетидан қувмайдиган, истибдод ва жабр-зулмни қоралайдиган, табиатан адолатпарвар, бирон

мақсадга эришишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур, қўрқоқлик ва ҳадиксирашлардан узоқ юра оладиган шахс бўлмоғи зарур. Шундагина у одамларни тўғри, бунёдкорлик йўлидан бошлай олади, одамлар учун бундай шахслар идеал (намуна) бўлиб қолади.

Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш манфаатлари Шарқ фалсафасидаги бундай дурдона фикрлар асосида соғлом авлодни тарбиялашни тақоза этмоқда. Миллий ғоя ва мафкуранинг умумий мазмуни ана шундай фикрлардан озиқ олиб, ўз олдига соғлом авлодни тарбиялашдек улугвор вазифаларни қўйган.

**Хулоса:** а) индивид муайян социал гуруҳдаги айрим киши, шахс эса маълум гуруҳ манфаатлари ва эҳтиёжларини англаб, ўз шахсий кобилиятларини шунга мувофиқ намоён этувчи инсондир; б) танлов эркига эга бўлган индивидлар ижтимоий тараққиётда фаоллик кўрсатадилар; в) инсон ички олами бой ва гўзал бўлганда, унинг тақдири бахтли бўлади; г) миллий истиқлол ҳамда жаҳонда интеграция ва глобаллашув жараёнлари инсон омили масаласини тобора биринчи ўринга чиқармокда.

**Калит сўзлар:** индивид, шахс, ижтимоий муҳит, ахборотли интихос, тарихий шахс, шахс эрки, биологик танлов, инсон омили, инсон ички олами, руҳ, фозил одам, жоҳил одам.

## Такрорлаш учун саволлар.

- Индивиднинг таърифи ва тавсифини айтинг!
- Шахс тушунчасининг фалсафий мазмуни нима?
- Индивидлар, шахслар билан ижтимоий муҳит ўртасида қандай диалектик алоқадорлик бор?
- Ижтимоий ҳаётда индивидлар учун танлов эрки нега керак?
- Тарихий шахслар ва уларнинг тақдири нималарга боғлиқ?
- Нега инсон омили тобора биринчи ўринга чиқиб бормоқда?
- Инсоннинг ички олами ва руҳи нима билан белгиланади?
- Шарқ фалсафасининг ўзига ҳос ҳусусиятини айтиб беринг!

## Жамият ва шахс муносабатлари.

**Жамият ва шахс эволюцияси.**

Одамларнинг ижтимоий бирикмаси бўлган жамият унинг келиб чиқиши, тараққиёти ҳақида диний, бадиий, илмий ва фалсафий адабиётларда турлича фикрлар мавжуд. ИТИ шитоб кетаётган, бу жараён на фақат инсоният онги, шуури, руҳий олами, маънавий –аҳлоқий қиёфасининг ўзгаришига

ўз жиддий таъсирини ўтказаётган, шу билан бирга табиий ҳодисаларга ҳам фаол таъсир кўрсатиш палласи (Ноосфера даври)га кирган бир пайтда, шахсларда ижтимоий ҳодисаларга илмий ёндошувни қарор топтириш ҳаёт-мамот масаласи бўлиб турибди.

Жамият ҳам макро ва микро жисмлар каби ўзини-ўзи ташкилловчи ва бошқарувчи системадир. бинобарин, бу система муайян қонунлар асосида мавжуд бўлади ва такомиллашиб боради.

Икки жинснинг якканикоҳликка асосланган оила шаклида яшашга ўтиши, уруғ, қабила, элат (халқ), миллатларнинг вужудга келиши ва шу бирликларда ўз моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришлари қонуний жараёнлардир. Жамият тараққиётининг келиб чиқиши, мулкий муносабатлар, ишлаб чиқариш муносабатлари, ҳар бир жамиятнинг ўз базис ва усткурмаси бўлиши, бозор иқтисоди муносабатлари (буларни иқтисод назарияси ва сациология фанлари батафсил ўрганади) ана шу ижтимоий ҳодисалар абатта ижтимоий қонунлар таъсирида тарихан ўз-ўзидан шаклланган.

Табиат қонунлари билан жамият (ижтимоий)қонунлар ўртасида умумийлик ва айримлик бор. ¥ар икки йўналишдаги қонунлар объектив таснифга эга, яъни улар одамларнинг онги, хоҳиш- иродасига боғлиқ бўлмаған ҳолда амал қилади .Бу қонунлар орқали ҳар қандай бутунлик бир система шаклида ўз-ўзидан ҳаракатга келиб, ўз структуравий тузилашига эга бўлади.

Табиат қонунлари одамзот пайдо бўлмасдан олдин ҳам мавжуд эди, улар қуёш системаси ва бизнинг коинотимиз доирасидан ташқаридаги системаларда ҳам амал қилади. Жамият қонунлари фақат Ақлли мавжудод – одамларнинг ижтимоий бирликларидагина бўлади ва шу жараёнлардаги иштирокига қараб, индивидлар шахсга айланади, жамият қонунларининг амал қилиши одамлар ующмаларининг онгли фаолияти билан боғланиб кетади .

Табиат қонунлари узоқ тарихий даврда амал қилади, жамият қонунлари нисбатан қисқа муддат давомида ўз ҳукмини ўтказади. Табиатнинг янги қонунлари кашф этилиши бирданига ижтимоий ларзаларга олиб келмайди, ижтимоий қонунларнинг кашф этилиши ва унга амал қилиниши эса катта ижтимоий ларзаларга олиб келиши мумкин. ¥ар бир тарихий давр ва мамлакатдаги ижтимоий муносабатларга мувофиқ равишда индивидлар муайян социал қиёфага эга бўладилар. Социал гуруҳларнинг туб мафаатлари ва эҳтиёжларини теранроқ англаб, уларни аниқ-равшан мақсадлар сари етакловчи кишиларда шахсий қобилиятлар ривожланиб , ўша гуруҳ, бутунлик (уруғ, қабила, элат, миллат, синф, партия, меҳнат ва ўқув жамоаси ва ҳ.к) етакчисига айланади.Ўз навбатида шахсларнинг дунёқараши, маънавий-ахлоқий қиёфаларига монанд тарзда ўша социал бутунликлар ўзларини намоён этадилар.

Табиат ва жамият қонунлари ўртасида фарқлар билан бирга яна бир муштараклик шуки, биосферанинг Ноосфера босқичига ўтиши қонуний жараён бўлиб, буни англаб фаолият йўналиши белгилаш табиат (Ер)ни ҳам, жамиятни ҳам муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолади.

Табиат ва жамият қонунларини билишнинг ўзига хос хусусияти шуки, табиат ва унинг ҳодисалари билиш объекти, аммо уларнинг ўзлари билиш субъекти эмас. Жамият қонунлари ҳам билиш объекти, ҳам субъектидир. Зеро, жамият бир-бири билан эҳтиёжлар ва манфаатлар муштараклигида уюшган одамлар ва ижтимоий гурухларнинг яхлит бирлиги, бирлашмасидир. У муайян ижтимоий тизимнинг маромли ишлаши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароитни англатиб, нарса ва ҳодисаларга одамларнинг аниқ муносабатларида намоён бўлади. Эҳтиёжлар шахсий, гуруҳий, синфий, касбий, миллий ва умумбашарий моҳиятга эга бўлади. Эҳтиёж ҳар бир одам, жамоа, ижтимоий гуруҳ, синф, элат, миллат яшаши, фаолияти, равнақи учун зарур бўлган ўзаро мувофиқлик, мувозанат ҳолатини сақлашга қаратилган соғлом эҳтиёжларни қондириш деб тушинилса, тўғри бўлади. Эҳтиёжлар қандай тус олиши шахсий ва ижтимоий манфаатларни илмий-фалсафий англашга кўп жиҳатдан боғлиқ.

**Шахсларнинг табиат ва жамият қонунларини англаб олиб фаолият йўналишлари белгилашлари муаммоси.**

Ижтимоий манфаатлар объектив бўлиб, уни тўғри идроки шахснинг турмуш тажрибаси, тарихий хотираси, илмий салоҳиёти, инсоний сифатлари, дунёқараши билан узвий боғланиб кетадиган имон-эътиқодининг ғоявий йўналишига ҳам боғлиқдир. Масалан, миллий манфаатларни чуқур англаган одамлар ва ижтимоий гуруҳлар ўз манфаатларини миллий ва умумбашарий манфаатларга бўйсундирадилар, чунки уларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари ана шу катта манфаатлар доирасида шакллансагина тўлароқ ва мақсадга мувофиқроқ бўлади. Бундай эҳтиёжларни қондириш йўлидаги барча фаолият натижасида ижтимоий қонунларнинг амал қилиш йўллари равонлашади. Шу ижтимоий бирлик моҳиятида маълум ҳудудда муайян жамият ва маданият таркибида уюшган кишилар ўз тарихини яратиш, ўз тақдирларини белгилаш имкониятига эга бўладилар. Агар улар ижтимоий қонунларларни англаб, уларни амал қилиш майлларига риоя этсалар, ижтимоий тараққиётни тезлаштирадилар, аксинча бўлса, ижтимоий тараққиёт сустлашиши ва ҳатто таназзулга юз тутиши мумкин. Бироқ, ижтимоий тараққиёт объектив таснифга эга бўлгани сабабли, қонунлар ўзларига йўл очиб оладилар ва албатта ижтимоий тараққиёт пастдан юқорига, соддадан мураккабга қараб ривожланиб боради. Одамлар,

уларнинг гурухлари ва йўлбошчилари ижтимоий қонунларга амал қилган тақдирларидагина инсоният порлоқ истиқболга эга бўла олади.

**Ижтимоий ҳодисалар, улардаги «етакчи майллар»ни шахслар билиб олишлари мумкинлиги.**

Жамият қонунларини ҳам энг умумий, умумий ва хусусий (жузъий) қонунлар типологиясига ажратиш мумкин. Фалсафа қонунлари ва категорияларида ўз ифодасини топган ўзаро алоқадорликлар, боғланишлар ижтимоий ҳаётда ҳам намоён бўлади. Бинобарин, бу энг умумий қонунлар, категориялар, тамойилларни билиш жамиятни илмий бошқариш имконини туғдиради. Инсоният тарихий такомилида, социал гурухлар, элатлар, миллатлар ҳаётида ўхшаш шарт-шароитларда бирдек амал қиладиган қонунларни умумий қонунлар деб аташ мумкин. Масалан, моддий ишлаб чиқариш билан маънавий бойликлар яратиш ўртасидаги мутаносиблик қонуни бозор муносабатларининг икки томони ўртасидаги ёки эҳтиёжлар билан манфаатлар ўртасидаги муносабатларни англатади.

Муайян жамият тараққиёти ва таназзулининг аниқ бир босқичлари, ҳолати тўғрисида равшан тасаввурга эга бўлиш учун хусусий (жузъий) ижтимоий қонунларни ҳам англаб олиш зарур. Бундай қонунларнинг амал қилиш доирасида маълум бир макон ва замонда чекланганлиги ва улар жамият тараққиётининг фақат айрим босқичларигагина хос алоқадорликларни ифодалаши билан фарқланади. Масалан, собиқ Шўролар даврида амал қилган планли-пропорционал деб аталган қонун шу давлат тугаши билан барҳам топди. Ёки талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносиблик қонуни, роқобатга асосланган муносабатлар каби умумий қонунлар Ўзбекистон шароитида ўзига хос, бетакрор амал қилиши у қонунларга хусусийлик бахш этади. Президент Ислом Каримов асос солган Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойили барча қонунлар амал қилишига ўзига хос ҳусусиятларда намоён бўлади. Умуман олганда, энг умумий, умумий, хусусий қонунлар бир-бири билан диалектик алоқадорликда бўлиб, улар бир-бирини ҳам иқрор қилади, ҳам истисно этади. Шундай қонунлар ва қонуний алоқадрликлар туфайли жамият ўзини-ўзи ташкилловчи ва бошқарувчи система сифатида бир бутунликни ҳосил этади. Жамият қонунларини билмаслик ёки уларга амал қилмаслик волюнтаризмга, ўзбошимчаликка олиб келадики, бу ҳар қандай жамиятни ва давлатни ҳалокатга олиб келади.

**Тарихий жараёнларнинг субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучлари.**

Жамият қонунлари ҳам объектив бўлгани сабабли, уларни англаб олиш, улардан ижтимоий амалиётда самарали фойдаланиш шу соҳадаги билимлар туркуми билан қуролланишни тақоза этади. Табииётшунос ёки

техникашунос ўз соҳаси бўйича кашф этилган қонунлар ва қонуниниятли алоқаларни ўзлаштириб олиши кифоя қилса, жамият қонунларини билиш учун фалсафа, тарих, социология, сиётшунослик, ҳуқукшунослик, давлат қурилиши асослари, рухшунослик, диншунослик, этнография, антропология каби қатор фанлардаги умумий майлларни англаб олиши керак бўлади. Зеро, ижтимоий қонунлар кўп ҳолларда зиддиятли муносабатлар, манфаатлар таъсирида амал қилиши туфайли «етакчи майллар» шаклида намоён бўлади. Бунда қонун талабидан келиб чиқадиган ижтимоий жараёнлар умумий текис ривожланиш йўналишида тўғридан- тўғри эмас, балқи одамлар манфаатлари ва мақсадлари яқинлигида уюшган, уларнинг турли жамоалари фаолияти таъсирида кўплаб четга оғишлар, орқага кетишлар, бузилишлар билан жамият муқаррар равишда ўзига тараққиёт йўлини очиб олади.

Ижтимоий қонунлар «соф» ҳолда эмас, балки «етакчи майл» шаклида ва «тахминий» таснифда намоён бўладики, бу ҳол жамият қонунларини ўрганиш алоҳида методологик аҳамият касб этади. ¥ар бир тарихий даврда етилган ижтимоий эҳтиёжларни англаш, бу эҳтиёжларни қондиришдан манфаатдор кучларни бирлаштириш учун ана шу «етакчи майллар»ни англаб етган, унинг ҳаракат йўналишларига монанд одамлар фаолиятини аниқ мақсадлар сари йўналтиришга қобилиятли тарихий шахслар, уларнинг ғояларини амалга оширишга камарбаста бўлишга уюшган сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар керак бўлади.

Албатта тарихий жараёнларнинг субъекти халқ оммаси , яъни моддий ва маънавий бойликлар яратишда иштирок этадиган барча одамлардир. Шу одамларнинг меҳнати, изланишлари туфайли ижтимоий-сиёсий муносабатлар такомиллашиб боради. Масалан, ўтни, ғилдиракни , пар машинасини, электр двигателини кашф этган одамлар, автомобил, самолёт ёки мураккаб асбоб-ускуналарни ижод қилган ёки ислоҳат дастурлари билан чиқадиган одамлар шу ишлари қанчалик ижтимоий оқибатларга олиб келишини аниқ-равшан тасаввур қилишмаган, оддий тирикчилик тишвишида юрган одамлар учун буларнинг оқибати билан қизиқишнинг кераги ҳам йўқ. Бироқ, уларнинг ана шу фаолиятлари муайян қонуниятли боғланишлар билан вобаста эканини тарихий шахслар (олимлар, тараққийпарвар уламолар, сиёсий арбоблар в.б.) англайдилар ва шундай фаолиятларни рағбатлантирадилар. Демак, тарихни халқ оммаси яратади, аммо ўша омманинг етилган эҳтиёжларини идрок этишда ва объектив ижтимоий манфаатларни англашида тарихий шахсларнинг бетакрор ўрни ва роли бўлади.

Тарихий шахсларни икки тоифага бўлиш мумкин: а) жамиятдаги «етакчи майллар»ни англаб, ижтимоий тараққиётга бошчилиқ қиладиган шахслар; ўз кашфиётлари жамият маънавий-аҳлоқий мухитини соғломлаштириш, ижтимоий адолатни қарор топтиришга ёрдам берадиган ғоялар, дастурлар билан чиққан олимлар, уламолар ҳам тарихий шахслар

сирасига киради. Масалан, Зардушт Сепитома, Муҳаммад Ибн Абдуллоҳ, Амир Темур в.б, ҳамда IX-XII асрлар, XIV-XV асрларда ўтган ва араб – мусулмон оламида Уйғониш даврида яшаб ижод этган мутафаккирларни киритиш мумкин, б) «Етакчи майл» (ижтимоий қонунлар)ни назар-писанд қилмай, ижтимоий тараққиёт йўлини маълум бир муддатда тўсиб қўйган, тарихда ўзларидан ёмон ном қолдирган Александр Македонский, Чингизхон, Гитлер, Ленин ва бошқаларга ўхшаш шахслар ҳамда илмий ва диний билимлари саёз бўлган, аммо лўттибозликлари билан маълум бир гуруҳни ўз таъсирига олган ақидапараст шахслар ҳам тарихда ўзидан ёмон ном қолдирадилар.

Халқ оммаси тушунчасини халқ галаси (оламон) тушунчасидан фарқламоқ даркор.Каттами-кичикми ҳар бир жамоанинг ўз етакчиси бўлганидагина у муайян социал қиёфага киради. Ана шу шахснинг дунёқараши, тафаккур тарзи, маънааий қиёфаси муайян жамоа фаолиятида моддий тус олади. Халқ ҳам худди шу каби қандай тарихий шахсга эргашса, унинг ғояларини рўёбга чиқаришга интилса, муайян социал қиёфага киради, яъни халқ оммасига айланади, акс ҳолда у оламон қиёфасида ўзини намоён этади. Демак, халқ оммаси «етакчи майллар»ни англаб, илғор, социал дастурларга эга бўлган маънавий-ахлоқий етук, баркамол шахслар ортидан боргандагина у тарих ижодкорни, тарихий жараёнлар субъектига айланиши мумкин.

**Хулоса:** а) жамият муайян қонунлар асосида ўзини-ўзи ташкилловчи ва бошқарувчи системадир; б) табиат ва жамият қонунларидаги умумийлик ва айримликларни англаб, улардан ижтимоий-тараққиётда фойдаланиш мумкин; в) ижтимоий қонунлар одатда «етакчи майллар» сифатида намоён бўладики, уларни англаш орқали жамиятни илмий бошқариш мумкин; г) тарихий жараёнларнинг субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучи аниқ социал киёфага эга бўлган халқ оммаси ва ижтимоий қонунларга амал қиладиган шахслардир.

**Калит сўзлар:** яккахонлик, уруғ, қабила, элат, халқ, миллат, жамият, табият қонунлари, жамият қонунлари, социал қиёфа, билиш объекти, билиш субъекти, эхтиёж, манфаат, ижтимоий тараққиёт, “етакчи майл”, “тахминий” тасниф, халқ оммаси, ижтимоий адолат, оламон.

## Такрорлаш учун саволлар.

- Жамият қандай тизим (система)?
- Табият ва жамият қонунлардаги умумийлик ва айримлик нимадан иборат?
- Манфаат нима, унинг намоён бўлиш шакллари қандай?
- Соғлом эҳтиёж тушунчаси нимани англатади?
- Тарихий жараёнларни ҳаракатлантирувчи асосий кучларни изоҳланг!
- Тарихий шахс, уларнинг тарихидаги ўрни ва роли қандай?

- Жамият ва ижтимоий бирликларнинг социал қиёфасини кимлар белгилайди?
- Жамият тараққиётида инсон омили қандай роль ўйнайди?

## Ақл, «сунъий ақл» ва инсоният истиқболи масаласи.

**Тирик табиат ва ижтимоий тараққиётда ахборот ( информация)нинг ўрни ва ролининг ошиб бориши.**

Маълум бўлдики,табиат ва жамият ўзини-ўзи ташкиллаш ва бошқариш хусусияти билан бир-бирига ўхшаш жараён. Аммо жамиятнинг ўзини-ўзини ташкил этишда объектив омиллардан ташқари субъектив омиллар ҳам мухим рол ўйнайди. Воқеликда фаол иштирок этиш жараёнида, айниқса фан, техника ва ахборот технологиялари ривожи натижасида индивидуал ва ижтимоий онгда тубли ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Қадим замонлардан бошлаб табиатни одам зотига, табиийликни сунъийликка – инсон ақли ва қўли билан яратилган нарсага қарама-қарши қўйиб келинди: гўёки табиий нарсалар барчаси яхши, сунъийлари ёмон, деган тасаввурлар пайдо бўлди. Аслида табиийлик ва сунъийлик ўзини-ўзи ташкиллашнинг ягона жараёни бўлиб, унга материя ҳаракатининг оқибати сифатида қаралса, тўғри ёндошувлар юзага келади. Ақлнинг пайдо бўлиши биосферанинг интенсив ривожланиши учун йўл очди. У туфайли янги хулқ-атворлар, ҳаракатнинг социал шакли вужудга келди. Аста-секин фан пайдо бўлиб, унинг ёрдамида одамзот яшаш учун курашнинг янги юқори босқичига кўтарилди.

Қўпол ва дағал бўлса-да тошдан биринчи пичоқ ва болта ясаган, ёхуд думалоқ ёғочнинг ўртасини ўтда тешиб қўпол ғилдирак ихтиро қилган «инженер» аждодларимиз номини билмаймиз, албатта. Аммо, ўша ибтидоий одамлар ҳозирги замон техникаси ва технологиясига асос солганликларини ҳеч ким инкор этолмаса керак. Меҳнат ва ов қуроллари ясаш жараёнида нутқ тилининг вужудга келиши мантиқий тафаккурни шакллантирган бўлса, бу ўз навбатида нутқ тили тобора бойиб бориши учун имкон яратди. Сунъий қуроллар одамзот ўз эҳтиёжларини қондириш учун сунъий энергиялардан тобора кўпроқ фойдаланишга шароит ҳозирлади. Ҳайвонларни уйга ўргатиш, улардан меҳнат воситаси сифатида фойдаланиш, сув ва шамол энергияси имкониятларини воқеликка айлантириш, пар двигателларини яратиш, ниҳоят ҳозирги замон техникаси ва ахборот технологияларидан фойдаланиш – буларнинг барчаси турмуш қулайликларини яратиш, одамларнинг фаровон яшашлари учун хизмат қилиши керак эди. Лекин, сунъий қуроллар ўзига

хос янги зиддиятларни юзага келтирди: янги техника ва технологияларнинг пайдо бўлиши аҳолининг асосий қисми фаровонлигини яхшилаш у ёқда турсин, балки ҳаётдан доимо нолиб яшаш майлларини кучайтириб юборди. Гап шундаки, Ақл ва меҳнат туфайли пайдо бўлган цивилизация (маданий ҳаёт) муваффақиятлари, техника ва технология ва бошқалар туфайли яратилган моддий ва маънавий бойликлар тақсимотидаги нотенгликлар, яъни одамларнинг турли гурухлари ва синфлари томонидан бу бойликларни ўзлаштириш имкониятларининг хилма-хиллиги, ижтимоий ҳаётдаги тенгсизлик, бу ҳаётдан қониқмаслик ва буларнинг оқибати сифатида норозиликларни вужудга келтирмоқда. Бир томонда ижтимоий бойлик кўпайиб бораётган бўлса, иккинчи томондан бунга мутаносиб тарзда ижтимоий зиддиятлар кўпинча ўзининг қарама-қарши томонига оғиб кетмоқда. Бунда, албатта Ғарб маданиятида маънавий таназзул чуқурлашиб бораётгани, ҳозирги замон ахборот технологиялари ва бошқа воситалар орқали у маданият бошқа мамлакатларда ҳам рак касали каби илдиз отиб бораётгани муайян роль ўйнамоқда.

Аммо бунда «сунъий олам» (ёки табиат)ни айблашга асос йўқ. Файласуфлар ва социологлар бу зиддиятларни ҳал этиш йўлларини қидириб топишлари зарур бўлиб турибди.

**Фан ахборотни йигиш, сақлаш ва такрор ишлаш шакли сифатида. «Сунъий Ақл» ва унга эҳтиёжнинг ошиб бориши.**

Хотиранинг турли шакллари борлиги ва уларнинг умумий эволюцион жараёнлар оқимига таъсири бекиёски, эндиликда ахборотларни сақлаш ва узатишнинг янги механизмлари пайдо бўлиши тараққиёт жараёнларининг бутун характерини сифат жихатидан ўзгартириб юборди ва «эволюция алгоритми» структураси (тузилиши)нинг ўзида жиддий ўзгаришлар содир этаётгани англаб олинмоқда.

Ахборот – информация нотирик табиатга эмас, балки тирик табиатга хос хусусият эканини эътибордан соқит қилмаслик керак. Субъект учун информация муайян мақсадли ҳаракатларида муваффақиятни таъминлаш учун керак. Масалан, олмахон шохдан-шохга сакраш учун аввало мақсад қўйиши ва бу мақсадга эришиш имкониятларини ўзича чамалаб чиқишга мажбур. Акс холда сакраб ўтишга мўлжалланган шох нозик бўлиши ёки узоқлиги туфайли олмахон ўз мақсадига эриша олмаслиги, хатто хавфли вазият вужудга келиши мумкин. Демак, ахборот етарлилиги субъект ва унинг қобилиятига ҳам боғлиқ бўлади, яъни нарса ёки атроф-мухит тўғрисидаги маълум бир қарорга келиши учун ёрдам беришига қараб ахборот сифати баҳоланади. Қачонки, мақсад белгиланган тақдирда, ахборотнинг аҳамияти, қадри ва моҳияти тўласича намоён бўлади.

Бошқача айтганда, унга бериладиган баҳо фақат субъект – объект муносабатлари контекстидагина тушунарли бўлади.

Одамлар ва жамият ривожида пайдо бўладиган моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондиришга интилиш жараёнида мумкин қадар кўпроқ ахборотга эга бўлишни тақоза этади. Шу туфайлидан бундан 6 минг йил муқаддам аввал Бобилда, сўнгра Мисрда фаннинг дасталабки куртаклари пайдо бўлди. Сўнгра, Юнонистон, Хитой, ¥индистон ва Марказий Осиёда диний тасаввурлар билан боғлиқ равишда фан унсурлари шакллана бошлади. Қадимга Грецияда ҳозирги замон бир қатор фанларининг негизи вужудга келди. Аммо христиан динининг  қаттиқ тартиблари тақозаси билан қадимги Греция (Юнонистон)да шакллана бошлаган фан Ғарб мамлакатларида эсдан чиқарилди. Фақат IX-XII асрларда Араб-мусулмон оламида ислом доирасида вужудга келган ҳур-фикрлилик доирасида қадимги грек фалсафаси қайта тикланди ва янги шароитга мувофиқ ривожлантирилди. Бир қатор табиий, ижтимоий ва гуманитар фанларга асос солинди. Бироқ, ислом оламида ақидапарастлик майллари кучайиши ва Туронни мўнғуллар томонидан босиб олиниши илм-фан ривожига салбий таъсир кўрсатди. Темурийлар салтанати даврида илм-фан яна равнақ топа бошлаган эди. Лекин Темурий шаҳзодаларининг тожу тахт учун олиб борган тинимсиз урушлари, Шойбонийлар Волга бўйларидан қувилиб, бу ерда урушлар олиб бориши, ниҳоят, Турон уч ўзбек хонлиги ва амирлигига бўлиниб кетиши оқибатида илм-фан ривожи секинлашди, ижтимоий тараққиёт таназзулга учради. IX-XII ва XV-XVI асрларда жуда катта илмий салоҳиятга эга булган туронликлар Ғарб оламидан ижтимоий тараққиётда камида III аср орқада қолиб кетдилар. Бунда мустамлакачилик режимининг ҳам катта салбий таъсири бўлди. Айни чоғда XV асрлардан бошлаб христиан дини намоёндаларининг қаттиқ қаршилигини енгиб, Оврупода аста-секин табииётшунослик фанлари ривожлана бошлади. Қадимги грек фани араб-мусулмон оламида қайта тикланиб, янада ривожлантирилгани ҳам бунда қўл келганини айтиш ўринли бўлади. Масалан, Абу Али Ибн Синонинг тиббиёт фанига доир асарлари бир неча аср мобайнида Ғарбий Оврупо  олий ўқув юртларида асосий ўқув қўлланмаси бўлгани маълум. Шунингдек , Мусо ал-Хоразмий алгебра фанига , ал-Розий ва Улугбек астрономия фанига, Форобий фалсафа фанига  қўшган хиссалари ва бошқалар Ғарбий Оврупа олимлари учун қўл келди.

Ғарбий Оврўпода табиий фанлар ва у билан боглиқ равишда техника фанлари  ривожланиши ахборот оламида янги бир даврни бошлаб берди.

Маълумки, одамзот хайвонларга нисбатан кўпроқ ноаниқлик вазиятида яшайди. Бу хол мақсад қўйиш ва унга эришиш воситаларини танлашда хатоликларни келтириб чиқариши   ва бу хол унинг ўзи учун жуда қимматга тушиши муқаррар. Демак, Одомзот Ақлга эга бўлгач, нафақат янги имкониятлар вужудга келди, шу билан бирга ҳаракат усулини

танлаш машаққатларига ҳам дуч келди. Бир томондан эга бўлган ахборотлари ҳатти-ҳаракатлари ва феъл-атворлари натижасини олдиндан пайқаш қобилиятига эга қилса,иккинчи томондан бу хилма-хил ахборотлар оғушида ўзини-ўзи йўқотиб қўйиш холатларини ҳам бошидан кечиришга мажбур қилмоқда.

Одамзод мияси хилма-хил ахборотларни ўзлаштириш орқали ўз-ўзидан уларни қайта ишлаш, яъни атрофида бўлаётган ҳодисалар тўғрисида етарли даражада аниқ ва тўла ҳулосалар чиқаришга ожизлик қилади. Натижада ахборотни йиғиш, сақлаш ва қайта ишлашнинг маҳсус шакли сифатида турли йўналишларда фан юзага келди ва у инсониятни ўз фаолият йўлини тўғри белгилаш, мақсадга эришишнинг самарали услубларини танлаш имконини берди.

**Табиат стратегиясидан Ақл стратегияси томон дадил одимлар керак.**

Фан ривожининг махсули ва натижаси сифатида компьютор техникаси вужудга келиб, ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва тез мослашувчан корхоналар тизими шаклланди. Компьютор тимсолида одамзот мутлақо янги типдаги машинага эга бўлиб қолди. Шундан сўнг графикларни тузадиган мураккаб конструкциялар, чертёжларнинг расмини чизадиган электрон санок машиналари вужудга келиб, улар барча комплекс техника лойихаларини яратиш жараёнларининг иштирокчиси бўлиб қолди. У технологияга ҳам кириб, дастурий-санок бошқариш ускуналарининг вужудга келиши бозор иқтисоди талабларига тез мослаша оладиган корхоналар пайдо бўлишига сабаб бўлди. Компьюторлар туфайли роботлар ясаш йўлга қўйилдики, тамаддунимиз бутун ишлаб чиқариш асосларини сифат жиҳатидан янги изга солиш босқичига ўтганини кўрсатмоқда. Электрон машина ишни нафақат тез қилади ва айни чоғда одамдан ҳам сифатлироқ махсулот тайёрлай олади. Ҳозирги замон ишлаб чиқариши истиқболда на фақат одам қўлини жисмоний меҳнатдан холос қилиб қолмай, шу билан бирга унинг мияси бажарадиган ишларнинг кўпини ўз зиммасига олади. Эхтимолки, истиқболда сунъий Ақл юзага келса, не ажаб!

Электроника билан бирга материя ҳаракатининг янги шакли юзага келиб, у мустақил фаолият бошлаб, одамнинг ўзига қарши ҳаракат бошлаб юбормасмикан, деган ҳавотирликлар ҳам йўқ эмас. Бундай ҳавотирликлар фантастик ёзувчиларда пайдо бўлмоқда, аммо у илмий асосларга эга бўлмаса-да, «сунъий Ақл » атамаси кенг бахс-мунозаралар учун асос бўлмоқда . «Сунъий Ақл» атамаси электрон санок машиналари кундалик эҳтиёжга айланган мамлакатлардан келмоқда. Машина жуда яхши шахмат ўйнайди, уй хисоб-китобларини юритади ва солиқларни тўлайди, турли-туман справкалар билан таъминлайди. «Ақлли машина» яратиш сохасидаги муваффақиятлар нечоғли улкан бўлмасин, улар

қанчилик маиший ҳаётимиз, хатто тафаккур тарзимизни ниҳоятда ўзгартириб юбормасин, барибир, у юқори ташкил топган материя – мия махсули бўлган Аклнинг ўрнини боса олмайди.

Компъютор қанчилик такомиллашган бўлмасин, у фақат инсон ўз мақсадлари учун яратган машина бўлиб қолади, бинобарин, ҳар қандай машина одам ўз олдига қўйган мақсадлари руёбга чиқиши учун фойдали бўлиши ёки бўлмаслигига қараб баҳоланади. Зеро, машинанинг ўзида ва ўзи учун хеч қандай мақсад бўлмайди, у одам қўйган дастур асосида ҳаракат қилади. Масалан, автопилот такрор алоқани йўлга қўяди, мақсадни амалга оширади. Аммо бу мақсад одам томонидан белгиланган бўлади. Шуни алохида таъкидлаш ўринлики, «Суъний Ақл» нинг юзага келиши ва у инсон фаолиятининг жуда кўп тармоқларини ўзига қамраб олиб бориши цивилизациямиз янги юқори босқичга ўтаётганидан дарак берадики, бу инсоният олдига дунёқараш билан боғлиқ қатор муоммоларни ҳал қилиш вазифасини юклайди. Мафкура эса ана шу янгича қарашларни кенг халқ оммасига етказиши, унда олам ходисаларига янгича ёндашувларни қарор топтиришга даъват этилгандир. ¥озирги замон мафукураси илм-фан далилларига таянган , одамзоднинг миллати, ирқи, дини ва бошқа социал тафавутларидан қатъий назар, муроса қилиб яшаш, меҳр-мухаббатли, меҳр-оқибатлилик сифатларига эга қилишга даъват этилгандир. «Суъний Ақл»ҳам худди шу мақсадларга хизмат қилиши керак.

Маълум бўлдики, материя ҳаракати унинг барча даражаларига (нотирик табиат, тирик табиат, жамият)да ўзини-ўзи ташкил этиш қонуни – синергетика қонунига амал қилади. Ушбу қонун «табиат стратегияси» тараққиётининг ички мантиғини англатади. Бу жараённинг боришида нафақат моддий олам ташкилланиши мураккаблашиб, материя мавжудлигининг хилма-хил шакллари юзага келади, шу билан бирга зиддиятларнинг янги майллари ҳам пайдо бўлади. Масалан, моддий олам тараққиётининг муайян босқичида Одам зоти пайдо бўлди. Миллион йиллик эволюцион тараққиётида, яъни ҳозирги физиологик холат ва ақлий салохиятга келгунга қадар Табиат билан Одам ўртасидаги зиддиятлар айтарли даражада намоён бўлмаган . Ҳозирги замон одам зоти такомиллашган тана тузилиши, онгнинг юқори даражаси, ривожланган нутқ тили ва мураккаб тафаккур тарзига эга бўлган, фанда Homa sapiens – Ақлли одам номи билан аталадиган мавжудод тарих майдонига келгач, унинг жамият бўлиб яшаши шароитида Табиат билан Одамзот ўртасида зиддиятлар аста-секин тўпланиб –тўпланиб, эндиликда у ўзининг қарама-қарши томонига оға бошлаб, «Табиат-жамият-одамзот» кооэволюциясига жиддий путур етмоқда. Бундан кейинги асрларда фан ва техниканинг шитоб ривожланиши ва бу янги шарт-шароитга одамзоти, унинг турли уюшмалари (давлати, ижтимоий – иқтисодий тизими, ижтимоий ҳаракатлари, сиёсий патиялари, касбий ва ижодий ташкилотлари) жуда

секинлик билан мувофиқлашаётгани (адаптацилашаётгани)сабаб бўлмоқда.

Фан ва техника тараққиёти бир томондан мисли кўрилмаган турмуш қулайликларини яратди ва истиқболда бунданда юксакроқ яшаш имкониятларини вужудга келтириши аён бўлиб турибди; иккинчи томондан, Одомзотда янги шароитга мувофиқ тафаккур ва турмуш тарзи шакллана олмаётгани, хусусан жамиятда маънавий –ахлоқий мухит тобора издан чиқиб бораётгани туфайли Табиат ва жамият ўртасида жуда қалтис зиддиятлар пайдо бўлмоқда. Булар: 1-дан, одамзот фаолияти туфайли атроф-мухит – экологиянинг бузилиши тобора хавфли тус олиб бораётганидир. Эндиликда одамзот яратган техномасса биомассага нисбатан ошиб бормоқда. 2-дан, фан ва техника ютуқларидан ғайриинсоний мақсадлар йулида фойдаланиш майллари вужудга келмокда. Бу эса янги катта зиддиятларни келтириб чиқармокда. 3-дан, ядро уруши чиқиш хавфи хамон сақланиб турибди. У ва бошка зиддиятларни хал этиш кўп жихатдан инсоният ақл-заковати қайси томонга оғиб кетишига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Одамзотнинг битта умумий Ватани бор: у Ер деб аталади. Ҳозирча одам яшайдиган Ердан бошка макон йўк. Демак, Она-табиат инсон саҳоватига муҳтож бўлиб қолган экан, «табиат-жамият-одамзод» ўртасида тобора бузилиб бораётган кооэволюцияни тиклаш жоиз. Бу зиддиятларнинг келиб чикишига фан ва техника айбдор эмас, балки унинг муваффаққиятларидан оқилона, инсонга монанд тарзда фойдаланиш қобилиятига одамзод эга булмаётгани сабабли рўй бермоқда. Фан-техника инқилоби туфайли юзага келган номутаносибликни фақат фан-техника ёрдамидагина ҳал этиш мумкин. Бунинг учун табиат ўз тараққиётининг Ноосфера – Ақл соҳаси босқичига ўтганини англаш, мафкура воситалари орқали буни бутун дунё аҳолисига тушунтириш, Ақлни ҳамма соҳада оқилона ишларга буриб юбориш стратегиясини ишлаб чиқиб, уни амалга ошириш учун зарур моддий ресурсларни ишга солиш давр талаби бўлиб турибди. Яъни табиат стратегиясидан Ақл стратегияси томон инсоният бирлашиб, ягона куч сифатида дадил қадамлар ташлаш кераклигини англаш вақти келди.

**Хулоса:** а)тирик табиат ва ижтимоий тараққиётда ахборотнинг ўрни тобора салмоқли бўлиб бормоқда, XXI аср ахборот технологиялар асрига айланиши кузатилмокда. б) фан ахборатни йиғиш, тартиб(система)га солиш, сақлаш ва такрорлаш шакли сифатида биосфера тараққиётида ҳал қилувчи омилга айланди; в) «суъний ақл» ва унга ижтимоий эҳтиёж тобора ортиб бормокда; г) эндиликда табиат тараққиётига ҳам Акл ҳал қилувчи таъсир ўтказиш палласига кирдики, инсоният Ақл ва унинг меваси бўлган фан-техника муваффақиятларидан фақат инсоният манфаатлари йўлида фойдалана олишга ўзида куч-қудрат топа олишига умид боғлаш мумкин.

**<u>Калит сўзлар:</u>** табиийлик, сунъилик, ҳаракатнинг социал шакли, сунъий қурол, сунъий энергия, ахборот, фанларнинг шаклланиши, Араб-мусулмон олами, ноаниқлик вазияти, компьютор техникаси, робот, электрон машина, “Сунъий ақл”, автопилот, микроорганизмлар.

**Такрорлаш учун саволлар.**

– Ақлнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши табиятга қандай таъсир кўрсатади?
– Сунъий куроллар ясаш ва уларнинг такомиллаштириш қандай оқибатларга олиб келади?
– Ахборотни тўплаш, сақлаш ва узатиш механизми ижтимоий тараққиётга қандай таъсир этмоқда?
– Ахборот сифати нима назарда тутилади?
– Фан қандай эҳтиёжлар туфайли шаклланди ва ривожланиб бормоқда?
– Илм-фан равнақи ва унинг оқибатлари қандай намоён бўлмоқда?
– “Сунъий ақл” нима ва уни ривожлантириш ҳавфлими?
– Атроф-муҳит ифлослантиришнинг олдини олиб қолиш мумкинми?
– Она-табиат билан Ақл қуввти (энергия)си ўртасидаги зиддиятлар ўзининг қарама-қарши томонига оғиб кетиши мумкинми?

## Учинчи ва охирги имконият

**Зиддиятлар ва уларни ҳал этиш муаммоси.**

Жаҳондаги ҳозирги замон зиддиятлари, улар ўзининг қарама-қарши томонига оғиб кетиб, катта ҳалокатларни келтириб чиқаришга йўл қўймаслик муаммоси пайдо бўлди. Бунинг учун аввало «ғор одамлари»га хос тафаккур тарзидан воз кечиб, инсон (жамиятлашган индивид)га хос тафаккур тарзини барчада шакллантириш мухим бўлиб турибди. Бунга илгаригидек, юқорининг амрига мувофиқ эмас, балки қуйидан, аста-секин ўзгаришлар туфайли шаклланиши мумкин бўлган ҳамда ҳар қандай зиддиятларни ён бериш, муросаю мадора йўли билан хал этишга имкон берадиган янгича тафаккур тарзини қарор топтириш тарихий зарурат эканлигини анлаб олиш лозим.

Бундан 3,8 миллиард йил муқаддам Табиат – Қуёш системаси таркибидаги Ер деб аталадиган бир планетада тириклик соҳаси (биосфера) ўзидан-ўзи пайдо бўлганини фан исботлаган. Шу муносабат билан Одамзотнинг пайдо бўлиши биосфера тараққиётининг олий босқичи сифатида талқин этилмоқда. У туфайли борлиқ ўзини-ўзи англаш даражасига етди. Аммо бу англаш эндиликда Ерда борлиқнинг ўзини халокат ёқасига олиб келиб қўйди. Натижада Ер деб аталган Она - табиат яна бифуркация – янги танлов қаршисида турибди. Чунки у ўзи пайдо қилган одамзотдан безор бўлди. Эндиликда ғазабнок табиатдан саховат

кутиб ўтириб бўлмайди, балки Ақл туфайли одамзот Ер деб аталган табиатни ҳалокат ёқасига олиб келиб қўйган экан, яна Ақл ёрдамида бу «боши берк кўча»дан чиқиб кетиш учун қолаётган заррача имкониятдан ҳам фойдаланиш чораларини излаши ва топиши лозим. Акс ҳолда борлиқнинг олий тимсоли бўлган одамзот тур сифатида йўқ бўлиб кетиши аниқлигини жаҳонга танилган олимлар исботламоқдалар.

Янги тарихий даврда тор манфаатлар негизида белгиланадиган мақсадларни умумпланетар манфаатларга бўйсундириш малакасини одамзот ўзида ҳосил этмаса бўлмайди. Бунинг учун ҳозирги даврнинг Бош ва Асосий зиддиятларини равшан тасаввур этиш ҳамда уларни хал этишнинг инсоний йўллари ва воситаларини излаш ва топиш лозим. Назаримизда, Табиат ва жамият, жамият ва одамзот ўртасида пайдо бўлган зиддиятларни Бош зиддият сирасига киритиш тўғри бўлади.

Олимларнинг аксарияти Табиат билан одамзот ўртасида антогонистик (келиштириб бўлмайдиган ёки келиштириш қийин) зиддиятлар пайдо бўлганига эътиборни қаратмоқдалар. Масалага янада жиддийроқ ва кенгроқ ёндашсак, одам табиат ва жамиятга тез мослашувчан мавжудотдир. Агар ҳар бир жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-аҳлоқий муҳит умумпланетар муаммоларни ҳам ҳал этиш томонга буриб юборилса, одам ва унинг барча жамоалари, ташкилотлари янги мухитга мослаша бошлайдилар. Шунинг учун ҳам Табиат ва жамият, жамият ва одамзот ўртасидаги зиддиятлар улар ўзининг қарама-қарши томонига бутунлай оғиб кетишига йўл қўймаслик чораларини излаб топиш зарур. Бошқа зиддиятлар ана шу асосда қадамба-қадам хал этиб борилаверади. Масалан, Ғарб билан Шарқ ўртасидаги, миллий ва диний негиздаги, ривожланган мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги, ғоявий ёндашувлардаги зиддиятларни ҳал этиб бориш юқоридаги Бош зиддиятни қандай бартараф этиш йўлидаги инсоният фаолиятига боғлив бўлади. Шуни айтиш жоизки, Бош, Асосий ва бошқа зиддиятларни талқин этиш ва ҳал қилишга қаратилган ижтимоий фаолиятларда, ҳатто илмий тадқиқотларда анъанавийлик ва турғун фикрлаш майллари кучли. Эндиликда «икки қутбли» дунё ўрнига кўп қутбли дунёнинг вужудга келиши мафкуравий ёндашувлардаги зиддиятларни янада кучайтириб юбораётгани бунга мисол бўла олади.

**Миллий хилма-хиллик – буюк неъмат.**

Ҳозирги замондаги асосий зиддиятлардан бири миллий негизда чиқаётган зиддиятлардир. Хали яқин–яқинларда истиқболда миллий тафовутлар йўқолиб, қандайдир умумий тил ва маданият вужудга келиши хақида «фалсафий» фикрлар илгари сурилар ва, энг дахшатлиси, бунга ишонувчилар бор эди. Аслини олганда, ҳар бир этноснинг вужудга келиши ва равнақи ҳам табиат қонунларига бўйсунади.

Бунда бифуркация мурвати ўзини намоён этадики, бу дивергенция қонуни амал қилишига далилдир. Яъни, бошқа ўзини-ўзи ташкилловчи жараёнлардаги каби, этногенезда ҳам тасодифий ҳолатлар (хаос) тўпланиб-тўпланиб, муайян қонуний алоқадорликлар юзага келади.

Интегратив жараёнлар миллий масалада ҳам рўй беради. Аммо у дивергенция қонунини буза олмайди. Бунга мисоллар кўп. Чунончи, АҚШда америкача ватанпарварлик, уюшқоқлик, америкача фахр-ифтихор хис-туйғулари кучли бўлган ҳолда, у ерда ягона миллат шаклланган эмас. Туркманистонда асрлар давомида яшаётган озарбайжонлар келиб чиқиши жиҳатидан туркманлар билан қон - қариндош ва тиллари ҳам яқин бўлишига қарамай, улар ўзларини алохида этнос сифатида намоён этадилар. Волга – бўйи булғорлари ўз турк тили, анъаналари, исломга эътиқодини сақлаб қолган ҳолда, этник номлари (булғор)ни йўқотиб, Волга-бўйи татарлари номини қабул қилганлар. Уларнинг қабиладошлари Болқонга кўчиб кетгач, турк қавмига мансублигини тўлалигича эсдан чиқарганлар: она тиллари – турк тилини, турк маданияти хотирадан фаромуш бўлган холда, булғор деган этнос номини сақлаб қолганлар. Можар (венгер)лар ҳақида ҳам худди шунга ўхшаш фикрни айтиш мумкин. Ёки арабларни олайлик. Уларнинг тили, алфавити, дини, умумий маданияти бир бўлган ҳолда, ягона араб миллати йўқ. Этник номлари ҳам хилма-хил. Ер Планетасида миллий хилма–хиллик ва турли–туманлиликлар табиат ва унинг қонунлари туфайли вужудга келган буюк неъмат сифатида қаралмоқи маъқул. Бундай миллий хилма–хилликлар худди генетик дастурлардаги турли–туманликлар каби тақдирнинг тасодифий «ҳазиллари»дан Homa sapiensни химоя қилиш воситаси эканини эсда тутиш зарур. Зеро, ҳар бир миллий маданият – одамзот тарихий тажрибасининг хотирасидир. Миллийликни, бинобарин, маданий ранг-барангликни йўқотиш гўёки генетик дастур хилма-хиллигидан маҳрум бўлиш каби нихоятда хавфли, инсоният келажаги учун халокат билан баробар хатарлидир.

Одамзот учун этник жараёнлар майлларини билиш ва олдиндан кўриш мухимдир. Умумбашарий ёки минтақавий бирлик, иттифоқ ва миллий ранг-баранглик битта медалнинг икки томони бўлиб, бу масалага илмий ёндашувларни қарор топтирмай туриб, ёпирилиб келаётган хавф-хатарга қарши курашда умумпланетар бирликка эришиш умуман мумкин эмас. Демак, ҳар бир этник бирлик тарихан тўплаган тажрибаси – хотираси, қадриятлари негизида умуминсоний, умумпланетар хотира ва қадрият қарор топишини унутмаслик лозим.

**Динлар тарихий, имон эса абадий ҳодисадир.**

Минг ва ўн минг йилликлар давомида этносларнинг индивидуал ва ижтимоий онглари аввало мифологик дунёқараш, сўнгра диний дунёқараш негизида ривожланиб келди. Кўп холларда

миллий ва диний қадриятлар бир-бирини тўлдириб, бойитиб боради. Шуни назарда тутиб, тадқиқотчилар кўпинча диний хис-туйғу одамзотнинг табиатидан келиб чиқади, деган нуқтаи назарда турадилар. Бунда улар «дин» тушунчаси билан «ишонч» ва «имон» тушунчалари ўртасидаги айнийлик ва тафовутнинг фарқига бормайдилар. Яъни ўзбек тилида «Одам» (шу маънодаги сўз бошқа тилларда ҳам мавжуд) деб аталадиган мавжудот миллион-миллион йиллар давомида диний онгсиз яшаган. Аммо у ибтидоий одамларнинг биргаликда яшашлари, яшаш учун курашлари учун ўзаро ишонч руҳи зарур эди. Аслини олганда, бундай руҳий холат унсурлари ҳайвонларда ҳам мавжуд. Ана шу туфайлидан улар ўз гомеостазисини сақлаш ва яшаш учун биргаликда курашиш имкониятига эга бўладилар. Шундай ишонч унсурлари биологик асосларга эга эканлиги туфайли, илгари табиат қўйнида гала-гала бўлиб яшаган баъзи ҳайвон зотларини уй ҳайвонларига айлантириш, улардан меҳнатда ва маиший ҳаётда фойдаланиш имконияти вужудга келди. Ҳатто энг даҳшатли ваҳший ҳайвон бўлган шер ва йўлбарслар ҳам ўз хомийлари бўлган, яъни уларга меҳр билан қарайдиган хожаларига хужум қилмайдилар, аксинча, улар билан “умумий тил” топиша оладилар.

Одамзотнинг қадимги аждодларида товуш, ҳайқириқ, юз мимикаси ва ҳаракат тиллари бўлган (Бундай “тиллар” барча ҳайвонларда ҳам мавжудки, шу туфайли улар бир-бирларига ахборот узатиш имкониятига эгадирлар). Айни чоғда Уқувли одамлар – Homa halilisларда нутқ тили унсурлари ҳам бўлганки, шунинг натижасида улардаги хотира ва ахборот алмашишнинг биологик асослари ҳайвонларникига нисбатан такомиллашган бўлган. Оқибатда улар ўртасидаги ўзаро ишонч руҳи яшаш учун курашнинг зарур шарти бўлган. Акс ҳолда улар ҳайвонларга ем бўлиб кетиб, тур сифатида барҳам топишлари аниқ эди. Ҳайвонлардаги ўзаро ишонч гомеостазисини сақлаб қолиш инстинкти билан боғлиқ бўлса, ибтидоий одамлардаги ўзаро ишонч шу билан бирга онг ва онглиликка асослангани туфайли, шу омил оқибатида одамзотнинг кейинги аждоди – кромоньонлар ижтимоий ҳаётнинг юқори чўққиси – жамият бўлиб яшашга ўтганлар. Натижада дунёқараш билан боғлиқ бўлган ва “ишонч”нинг энг юқори босқичи ҳисобланган имон уларнинг бирлашиб яшашлари ва курашларининг зарур шартига айланган. Бинобарин, одамзот жамият бўлиб яшашга ўтгач, мифологик дунёқараш, унинг асосида ва дастлабки содда фалсафий қарашлар билан боғлиқ равишда диний дунёқарашлар вужудга келди. Шу нуқтаи назардан қараганда, динлар тарихий ҳодиса, одамлар ва уларнинг турли уюшмалари ўртасидаги ишонч ва ишончсизликдан иборат руҳий ҳолат абадий ходиса эканини тан олиш керак. Ўзаро ишонч ҳис-туйғусининг муайян дунёқараш билан боғлиқ бўлган ва инсон ички онт (қасам)ини ҳам ифодалайдиган имон индивид онгининг нодир ходисаси бўлиб, у одамларнинг инсонлардек ҳамкорликда яшаши, ўзининг рухини ўзи

поклаш воситаси эканини назарда тутиш мухимдир. Шундагина диний негизларда чиқадиган зиддиятлар ўзининг қарама-қарши томонига оғиб кетишининг олди олиниши ҳамда диний плюрализм руҳи амалда барқарор бўлиши мумкин. Ҳозирги дунёмизда одамларда динга эътиқод (ихлос) кучлилигини назарда тутиб, кўпгина ижтимоий ва миллий ҳаракатлар, уларнинг намоёндалари динни, айниқса исломни сиёсийлаштириш орқали хокимиятни қўлга киритиш йўлини тутмоқдалар. Бу, жуда хатарли ходиса бўлиб, уларнинг йўли тўсилмаса, бугунги дунёмиздаги Бош зиддиятни хал этиш мумкин эмас. Чунки одамзот асосий ва ноасосий зиддиятларни хал этишга берилиб кетиб, Бош зиддиятни эътибордан соқит қилади, натижада у зиддиятлар ҳам мақсадга мувофиқ хал бўлмай, Табиат инсон фаолияти туфайли халокатга учраши муқаррар бўлиб қолади. Ҳар қандай динни сиёсийлаштириш аввало ўша диннинг қадрсизланиши, у дин ўзининг асосий функцияси – одамзот рухини поклаш, ахлоқни барқарор қилишдан иборат тарихий вазифасини бажариш амалиётидан махрум бўлади.

Буни англаётган диний арбоблар ва диндорлар ичида диний ақидаларга мутаассибларча ёндашишга қарши кураш майллари кучайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам турли конфессияларнинг вакиллари тўпланиб, диний ва миллий заминда чиқадиган муқаррар зиддиятларни ўзаро ён бериш, муроса қилиш, умуман уларни тинчлик йўли билан ҳал этиш масаласига жиддий эътибор бермоқдалар. Ҳозирги Ноосфера даври талабларидан келиб чиқиб, диний бағрикенглик ғояси ва шунга асосланган муносабатларни қизғин қўллаб-қувватлаш, диний ақидапарастлик, фундаментализм майлларига қарши курашда фан ва дин, илм ва дин ахли бирлашиши, умумий иттифоқ тузиши тарихий зарурат бўлиб турибди.

**Янгича тафаккур тарзининг пастдан шаклланиб бориши мухимлиги масаласи.**

Ноосфера – Ақл соҳаси даври илгариги ҳамма даврлардан шу билан фарқ қиладики, илм-фан, техника ва ахборот технологияси мисли кўрилмаган тезликда ривожланиб, агар одамзот унинг ютуқлари, кашфиётларидан инсониятнинг туб манфаатлари ва олижаноб мақсадлари йўлида фойдаланишга батамом ўтиб олиш учун миллион йиллар давомида шаклланиб қолган «ғор одамлари»га хос тафаккур тарзидан воз кечмаса, унинг истиқболи йўқ ҳолга келиши мумкин.

Маълумки, австралопитек, питекантроп, синантрон, неандертал тоифа(типи)даги аждодларимиз ғорларда, иқлими иссиқ ёки мўътадил мамлакатларда яшаб, озиқ-овқат топиш йўлида биргаликда ҳаракат қилганлар. Улар яхшироқ яшашлари учун бошқа ғорларда, ўрмонларда, сув ҳавзаларида яшаган ҳамда гала бирлиги структураси мўртроқ бўлган одамларни куч ишлатиш йўли билан масканларидан ҳайдаб чиқариб, ўзлари яхшироқ ҳаёт кечиришга интилганлар.

Миллион йиллар давом этган бу жараён, одамлар жамият бўлиб яшашга ўтгач, янада ғайриинсоний тус олиб, бошқалар ҳисобига яхшироқ яшаш учун ҳарбий юришлар уюштириш майли етакчи бўлиб қолди. Натижада шундай тафаккур тарзи ва у билан боғлиқ равишда турмуш тарзи қарор топдики, бунга кўра, олғирлик, босқинчилик, ёвузлик, тошбағирлик яшаш учун курашнинг асосий воситаларидан бирига айланди. Қайси элат, халқ, миллат ғоявий жиҳатдан уюшган, мустаҳкам ижтимоий-сиёсий структурага эга бўлса, ўшалар бошқалар ерлари, мамлакатларини босиб олиб, уларнинг ер ости ва ер усти бойликларини талаш, ўзларини қуллардек ишлатиш эвазига фаровон ҳаёт кечириш мумкин, деган нуқтаи назарда мустаҳкам туриб қолдилар. Бошқача айтганда, «мен яхши яшашим учун бошқалар ёмон яшаши шарт» деган қараш тафаккур тарзига айланди.

Бундай тафаккур тарзини ўзгартиришнинг иложи борми? Унинг ўрнига ҳар бир одам онгида, тафаккур тарзида «ўзгаларнинг яхши, фаровон яшаши мен яхши, фаровон яшашимнинг зарур шарти» деган нуқтаи назарни қарор топтириб бўладими? Бу, қийин, аммо оғир вазиятларда, умумий халокат рўй берганда (зилзила, сув тошқини, Ватанга хужум қилинганда ва х.к.) илгари душман бўлган, ҳеч бир нарсада келиша олмайдиган одамлар умумий мақсад йўлида вақтинча бўлса-да уюшиб, ижтимоий-сиёсий ҳаракатларни вужудга келтира олганликларига тарих шоҳид. Мабодо умумпланетар халокат муқаррарлиги, аммо унинг олдини олиш имконияти борлиги кучли, таъсирчан мафкура воситалари орқали тушунтирилса, бунинг учун турли тадбирлар уюштирилса, ўйлаймизки, ҳар бир мамлакат ахолиси даврнинг Бош зиддиятини ҳал этиш учун камарбаста бўла олади. Шу жараёнда янгича тафаккур тарзи, у билан бирга яшашнинг янгича тарзи қарор топиб қолади.

Ҳар доим олимлар фалокат, халокатлар бўлишини олдиндан англаб, фахмлаб одамзотни, уларнинг сиёсий арбобларини хушёрликка даъват этиб келадилар. XX аср бошларида олимлар инсоният Ноосфера даврига киргани, бу даврда Она-табиат тақдири ҳам инсониятнинг бундан буёнги фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлишини башорат этган эдилар. Бироқ катта сиёсат тепасида турган арбоблар тор миллий, синфий, шахсий манфаатларни биринчи ўринга қўйиб, учинчи жаҳон уруши орқали зиддиятларни хал этмоқчи бўлдилар. Мавжуд моддий ва одам ресурслари, Ақлий салоҳиёт тўлалигича вайронкорлик, бузғунчилик ишлари мақсадларига бўйсундирилди. Бу, икки қарама-қарши ғоя, иккита турмуш тарзи учун курашнинг оқибати бўлди: «миллий социализм» ғояси билан “коммунизм” ғояси ўртасидаги ҳаёт-мамот курашида коммунистик зўравонликка асосланган мафкура вақтинча тантана қилди. Бироқ тараққиёт тезда шуни кўрсатдики, мулкни давлат монополиясига айлантириш, режали хўжалик юритиш учун хусусий мулкчиликка барҳам бериш, давлатни йўқсиллар қўлига топшириб, унинг «ўлими»ни

тезлаштириш, миллий тафовутларга барµам бериб, “байналмилалчилик” шиорлари остида ягона «совет халқи»ни шакллантириш сиёсати ва уни кўкларга кўтарган мафкура барбод бўлди.  Ҳаёт шуни исбот этдики, антогонизм ва уни ривожлантиришга асосланган тарафкашлик сиёсати ва мафкураси тарихий жиҳатдан заволга учради. Бироқ, шундай бўлишига қарамай, эскича тафаккур тарзи ўзининг яшовчанлигини кўрсатиб турибди, шунинг учун ҳам Ноосфера даврига мувофиқ тафаккур тарзи ижтимоий-сиёсий пирамиданинг устки қисмида аввало содир бўлишига умид боғлаш қийин. Бинобарин, янгича тафаккур ва турмуш тарзини пастдан, қуйи табақалардан ўзгартириб бориш йўлини тутиш самаралироқ бўлади, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки оддий ишчи, деҳқон, ҳунарманд, тадбиркор, ўқитувчи, шифокор – умуман зиёлиларнинг барча қуйи табақаларида ҳамкор, ҳамнафас бўлиб, ўзаро ишонч асосида ён бериб муросаю мадора билан яшаш майли кучли. Ана шунинг учун ҳам Ноосфера даври мафкураси аввало эътиборни бевосита моддий ва маънавий бойликлар яратувчилар тафаккур тарзини ўзгартиришга қаратмоғи мақсадга мувофиқдир. Шундай муҳитда тарбияланган ёш авлод, сиёсат ва мафкура майдонига келгач, геосиёсатда ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлишига умид боғлаш мумкин.

Юқорида айтилганидек, назария масаласидаги жаҳолатпарастлик натижасида табиатни сақлаб қолишнинг биринчи имконияти қўлдан бой берилди. Моддий ва маънавий ресурсларни ғайриинсоний мақсадлар йўлида фойдаланишни танлаб олиш инсоният учун беҳад кулфатлар, махрумликлар келтирди. XX асрнинг 80-йилларида икки қарама-қарши лагерга бўлиниб кетган мамлакатлар бирлашиб, умумманфаатлар асосида фаолият йўналиши белгилаш имконияти вужудга келган эди. М.С.Горбачевнинг янгича тафаккур тарзини шакллантириш, қайта қуриш, демократик ислоҳотлар ўтказиш сиёсати шундай имкониятни воқеликка айлантириши мумкин, деган фикр жаҳон афкор оммасида қарор топиб бормоқда эди. Бироқ яна “ғор одамлари”га хос тафаккур тарзи ўзининг яшовчанлигини кўрсатди. Ақлни оқилона изга буриб юборишнинг иккинчи имконияти ҳам қўлдан бой берилди.

Умуман тарихий хотирани эсдан фаромуш этмасак, тафаккур тарзини ўзгартириш зарурлиги тўғрисидаги юқоридан бўладиган “ташаббус” не чоғли жозибадор туюлмасин, улар тор сиёсий мақсадлар исканжасида йўқ бўлиб кетиши, амалга ошмаслиги тарихий тажрибадан маълумдир. Бинобарин, Ноосфера даврига хос тафаккур тарзини шакллантириш учун табиат инсонга учинчи, охирги имкониятни берди. Бу, энди пастдан бошланиши, “экологик императив”, “Аҳлоқ императиви” умумпланетар ҳалокатнинг олдини олиб қолиш заруратини кенг халқ оммасига тушунтириш янгича тафаккур тарзини шакллантириш, умумжаҳон халқ академияси, унинг ҳар бир мамалакатда умумпланетар миллий уюшмаларини ташкил этишдан бошлаш мақсадга мувофиқдир, деган

фикрлар олимлар томонидан илгари сурилмоқда. Эҳтимол, шу битта мақсад учун одамлар, халқларни бирлаштирадиган ва бунинг учун зарур маблағ ресурсларига эга бўлган “жаҳон ҳукумати” вужудга келар, Табиат инъом этган ўзини-ўзи сақлаш инстинктидан фойдаланиб, XXI аср одамлари, элатлари, халқлари, миллатлари муроса билан яшаш йўлига узил-кесил ўтиб олсалар, инсон фаолияти туфайли ёпирилиб келаётган ҳалокатнинг олдини олиб қолиш ғояси умумпланетар ижтимоий ҳаракатини вужудга келтирса, ажаб эмас.

**Хулоса:** а) табиат билан жамият, жамият билан одамзот ўртасида зиддият Ноосфера даврининг бош зиддиятидир; б) миллий хилма-хиллик табиат ва унинг қонунлари туфайли вужудга келган буюк неъматдир; в) дин ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлиб, имон инсонга хос абадий руҳий ҳодиса эканини назарда тутиш зарур; г) “ғор одамларига” хос тафаккур тарзидан жамиятлашган одамга хос янгича тафаккур тарзига ўтиш орқали Ноосфера даври муаммоларини ҳал этиш мумкин.

**Калит сўзлар:** умумпланетар манфаатлар, антогонистик зиддият, этногенез, интегратив жараёнлар, миллийлик, умумпланетар бирлик, умуминсоний хотира, уқувли одамлар, “ғор одами”га ҳос тафаккур тарзи, мулкнинг давлат монополояси, “Миллий социализм” ғояси, тарафкашлик сиёсати ва мафкураси, умумжаҳон халқ академияси, “жаҳон ҳукумати”, умумпланетар ижтимоий ҳаракат, “экологик императив”, “Аҳлоқ императиви”.

## Такрорлаш учун саволлар.

- Жаҳондаги Бош, Асосий ва ноасосий зиддиятлар нимани англатади?
- Ерда одамзотнинг пайдо бўлиши қандай оқибатларга олиб келди?
- Тор манфаатлар нима ва уларни қандай қилиб умупланетар манфаатларга бўйсундириш мумкин?
- Табиат билан жамият, жамият билан одамзот ўртасидаги зиддиятларни ҳал этиш мумкинми?
- Бифуркация мурвати ва дивергенеция қонуни нима?
- Миллий ранг-баранглик нимага керак?
- “Дин”, “ишонч”, “имон” тушунчаларидаги умумийлик ва айримликни англаш нега жуда муҳим?
- Нега динларни сиёсийлаштириш ўта ҳавфли?
- Ноосфера даврида илм ва дин аҳли, фан ва дин иттифоқи нега зарурат бўлиб қолди?
- “Ғор одамлари”га хос тафаккур тарзи нима ва уни бартараф этиш имконияти мавжудми?

# II бўлим. Геосиёсат.

## Геосиёсат, унинг эвалюцияси ва шаклланиши.

**Анъанавий геосиёсат ва унинг умумий йўналиши.**

Инсоният ўз тараққиётида турли тарихий даврларни босиб ўтди. XX асрга келганда, айниқса биринчи жаҳон урушидан кейин, олимлар одамзот илгаригилардан тубдан фарқ қиладиган янги - Ноосфера (Ақл соҳаси) даврига қадам қўйгани учун ҳамма соҳада – илмий-тадқиқот ишларида ҳам, сиёсий концепциялар ишлаб чиқилаётганда ҳам бу ҳолатга жиддий эътибор бериш кераклигига этиборни қаратдилар. Бироқ, илмий-тадқиқотлар соҳасида ҳам, сиёсат ва мафкурада ҳам табиат ўз тараққиётининг янги босқичи – Ноосфера даврига қадам қўйганлиги муносабати билан янгича тафаккур тарзи, янгича дунёқарашни шакллантиришга қаратилган жиддий ёндашувлар бўлмади.

Жаҳон ҳамжамияти ва халқаро муносабатлар мумаммолари кўпгина ижтимоий-гуманитар фанлар, жумладан, сиёсат тарихи, дипломатия тарихи, социология, геосиёсат доирасида ҳам ўрганиб келинади. Эндиликда уларни мафкуранинг ҳам алоҳида қисми сифатида ўрганиш зарурияти пайдо бўлмоқда. Чунки геосиёсий мақсадлар кўпроқ мафкуравий сиёсат билан узвий боғланиб кетмоқда. Бунда одамлар, халқлар, давлатларга мафкура орқали ғоявий таъсир кўрсатиш геосиёсатнинг таъсирчан воситаси бўлиб қолмоқдаки, Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, мафкуравий полигонлар ядро полигонларига қараганда ҳам хавфлироқ тус олмоқда.

“Геосиёсат” тушунчасидаги “Гео” – ер (шар), “сиёсат” эса шу Курраи заминга доир сиёсат юргизиш демакдир. Яъни, у муайян давлат ёки давлатлар гуруҳининг географик ёхуд маконий – ҳудудий аспектда олиб борадиган сиёсати бўлиб қолмасдан, шу билан бирга, умуман жаҳон ҳамжамиятининг ҳам, айрим давлатлар иттифоқлари, блокларининг умум-жаҳон миқёсида белгилайдиган параметрлари, ўлчовлари, феъл-атворларини ҳам англатади. Геосиёсатга доир назарий қарашлар XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб Ғарбий Оврупода вужудга келиб, географик муҳит халқларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётида ҳал қилувчи рол ўйнаши тўғрисидаги қарашларни муқимлаштиришга ҳаракат қилади. Бундай қарашлар гўёки янгича ёндашувлар сифатида талқин этилса-да, аммо улар қадимги грек

олимларининг асарларида учрайди. Сўнгра, Ўрта аср мутафаккири ибн Ҳалдун бундай ғояларни илгари сурган эди.

XVIII асрга келиб француз файласуфи Ш.Л.Монтескье тараққиёт тўғрисидаги омиллар ўрнига ҳалқларнинг аҳлоқи, урф-одатлари, уларнинг хўжалик ва сиёсий тузумларини йўлга қўйиш тўғрисидаги ғояларни илгари сурди. Бироқ, геосиёсат тўғрисидаги назарий қарашлар вужудга келмай туриб, минг йиллар давомидаги сиёсий фаолиятда у етакчи йўналиш бўлиб келганлиги маълум. Анъанавий геосиёсат географик муҳит билан боғлиқ эканлиги таъкидланади. Масалан, инглиз тадқиқотчиси Макиндер "Тарих – географик маркази"ни Марказий Осиёда кўради. Шу туфайли у Чингизхон ўзининг отлиқ аскарлари қудратига таяниб, Осиё ва Оврупонинг талай қисмини эгаллашга муваффақ бўлди, деб ҳисоблайди. Буюк географик кашфиётлар туфайли кучлар нисбати океанлар билан қуршалган Буюкбритания фойдасига ҳал бўлгани, янги транспорт воситалари (темир йўл) пайдо бўлиши билан кучлар нисбати текис ерли давлатлар фойдасига ҳал бўлганини асослашга интилади Макиндер. У кимки Шарқий Оврупони назорат остига олса, тарихнинг географик марказига эга бўлади, деган ғояни илгари сурган. Макиндер жаҳон бозорида эркин рақобат урушларни келтириб чиқаради, деб ҳисобларди.

Давлатлар ўртасидаги муносабатларда жисмоний куч ишлатиш (зўравонлик) кераклиги ҳақида фикрлар пайдо бўлди. Бунга кўра, кучсизлар устидан кучлиларнинг ғолиб келиши ҳаёт қонунининг асосини ташкил этиши керак эди. Бу ғоялардан келиб чиқиб, Германияда куч ишлатиш билан ҳукмронлик қилиш биринчи ўринга қўйила бошланди. Немис сиёсий арбоби О. Бисмарк Германиянинг яккаю ягона ҳудуди унинг армиясидир, деган фикрни илгари сурди.

**Геосиёсатда ғарбпарастлик (Ебропацентризм) майллари ва унинг оқибатлари.**

«Геосиёсат» тушунчаси Ғарб тадқиқотчиларининг фаолияти туфайли XIX аср билан XX аср оралиғида илмий мулоқотга киритилди. Ғарбий Оврупонинг бир-қатор мамлакатларидаги техника тараққиёти имкониятлари туфайли, жаҳон майдонларини бўлиб олиш сиёсати ва унинг оқибатлари таъсирида тадқиқотлар бошланди. Маълумки, бу даврга келиб, Англия, Испания, Франция, Россия, Португалия, Италия, Германия, Голландия каби давлатлар томонидан жаҳон майдонлари тақсимлаб олиниб, глобаллашув бошланиши туфайли асрлар давомида ўз этник қобиғида ҳаёт кечириб келган халқлар, давлатлар ўз мустақилликларидан маҳрум бўлдилар ва умумпланетар муаммолар гирдобига тортилдилар. Табиийки, тадқиқотчиларда бу муаммони ғарбпарастлик руҳида ҳал этиш майли (тенденцияси) етакчи йўналиш бўлиб қолди. Демак, геосиёсий ғоялар давлат экспанцияси ва

империячилик мақсадлари асосида вужудга келди. Бунга кўра: а) глобал бозорни аста-секин шакллантириш, ойкумен (ер шарининг одамзот яшайдиган қисми)ни зичлантириш ва жаҳон майдонларини тақсимлаб олишни “ниҳоясига етган” деб ҳисоблаш; б) соф ҳудудий макон экспанцияси тугаб, дунёни бўлиб олиш амалда охирлангани; в) бунинг натижасида Оврупо давлатлари ўртасида пайдо бўлган омонат барқарорликни бошқа қитъалардаги “бекик” оламга ўтказиш; г) тарих Оврупо тарихи бўлишдан тўхтаб, эндиликда у умумжаҳон тарихига айлана бошлагани; д) шундай омилларга биноан, кейинчароқ таъмал тошига айланган сиёсий реализм учун халқаро майдонда куч ишлатишга (зўравонликка) таянган сиёсатнинг назарий асосларини яратиш кўзда тутилган эди.

Бошқача айтганда, ҳайвонот оламида табиий танланишга ўхшаш муносабатлар ижтимоий ҳаётда ҳам қарор топиши мумкинлигини “илмий жиҳатдан” асослаш керак эди. Яъни, шер таслим қилган ўлжасини шербаччалар нимта – нимта қилиб тақсимлаб олиб, ҳар томонда ғажиб ея бошлагач, уларнинг қоринлари тўйганлиги туфайли юзага келган хотиржамликка ўхшаш бир манзарани гавдалантириш тадқиқотлар марказида тура бошлади. Бироқ, қорни яна оча бошлаганини ҳис қилган шерлар янги ўлжаларни кумсаб қолгани каби вақтинчалик юзага келган барқарорлик ўз ўрнини янада даҳшатлироқ беқарорликларга бўшатиб беришга мажбур бўлади. Жаҳонга ҳоким бўлиш сиёсати 1812 йилда Франция – Россия ўртасида ўша давр учун ниҳоятда катта ҳисобланган урушни келтириб чиқарди. Натижада Франция шармандаларча мағлуб бўлиб, илгариги насибаларидан ҳам маҳрум этилди.

Шимолий Америкада мустамлакачиликка қарши бошланган уруш Ғарб мамлакатларининг мағлубияти билан тугаб, АҚШ номи билан янги қудратли давлат тарих майдонига келди. Америка тарихчиси А.Т.Махен мамлакатлар ва халқлар тарихий тақдирини денгиздаги қудрат белгилайди, деган ғояни “асослади”. Унга кўра, чор томонлари океанлардан иборат Америкада қудратли давлат барпо бўлиши керак эди.

Давлатлар ўртасидаги муносабатларда жисмонан куч ишлатиш кераклиги ҳақида ғоялар пайдо бўлиб, мафкура воситалари орқали Германияда босқинчилик, куч ишлатиш ва ҳукмронлик қилиш қаҳрамонлик даражасига кўтарилди. Ф. Науман маркази Германия бўлган Оврупо иттифоқи кераклиги, у “Планета қўшма штатлари” учун асос бўлиши тўғрисидаги концепцияни илгари сурди. Хаусхоф давлатнинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи унинг ҳаётий “бўшлиқлар билан таъминланиши билан боғлиқ”, деган ғояни илгари сурди. У Марказий Оврупони Германиянинг таянчи ҳисоблаб, Шарқни герман ҳудудий экспанциясининг асосий йўналиши, деб ҳисоблади. У денгиз давлатларининг заифлашуви Германия етакчи бўлган Оврупо тартибларини ўрнатиш имкониятлари вужудга келтирганини, бу ғоялар

жаҳон тартиботлари системаси учун негиз бўлиши кераклигини “исботламоқчи” бўлди.

Геосиёсатдаги ғарбпарастлик майллари XX асрда 2 та жаҳон уруши келиб чиқиши учун ғоявий туртки бўлиб, миллион – миллион одамларнинг ёстиғи қуриши, шаҳар ва қишлоқларнинг вайронага айланишига олиб келди. Бундан маълум бўладики, ҳар қандай ғоя, жумладан вайронкор, ёвуз ғоялар ҳам кучли, таъсирчан мафкура орқали одамларда ҳаракат бирлигини вужудга келтириб, инсоният бошига бехад кулфатлар солишга сабаб бўлиши мумкин экан.

**Иккинчижаҳон урушидан кейинги Геосиёсатнинг асосий йўналишлари.**

Иккинчи жаҳон уруши даврида АҚШда ташқи сиёсат ва жаҳон тартиботларининг янги назариясини яратиш кучайди. Бундай ёндошувлар марказида Америка жаҳонда алоҳида роль ўйнашга даъват этилган, деган концепция ётарди. Анъанавий қарашлардан келиб чиқиб, АҚШ тадқиқотчилари «геосиёсатда етакчи куч омили» бўлиши керак, деб ҳисобладилар. Ф. Страус –Хюпе “геосиёсат ҳарбий стратекка қай йўл билан осонроқ нимани ва қандай қўлга киритилишини англашга ёрдам берадиган синчиклаб ишлаб чиқилган режани тавсия этишдан иборатдир”, деди. «Гитлернинг глобал тафаккурининг калити, - деди у, - Герман геосиёсатидир». У АҚШ ташқи сиёсатида бутун Евроосиё билан муносабат ётиши зарурлигини айтади.

Спайкман Шимолий Америка ҳавзаси, Оврупо соҳиллари ва Оврупоосиё Узоқ Шарқидан иборат жаҳонда учта йирик марказ бўлиши тўғрисида фикр юритади. У Ҳиндистон тимсолида 4-марказ бўлиши эҳтимоли борлигини назарда тутади. АҚШ тадқиқотчилари 2-жаҳон урушидан кейин Буюкбритания билан мустаҳкам иттифоқда бўлишдан бошқа илож йўқлигига эътиборни қаратади. “Кимки Фимлендни назорат қилса, у Евразияни назорат қила олади, кимки Евразияни назорат қила олса, у бутун дунё тақдирини назорат этади”, - дейди у. Г. Уайтжерт “урушдан сўнг Америка Евразияни империализмнинг барча шаклларидан озод этиши ва у жойда албатта америкача эркинлик ва демократияни қарор топтириши керак”, – дейди.

2-жаҳон урушида кўпчилик геосиёсат бўйича мутахассислар Гитлер режимини қораладилар, шу аснода геосиёсат “совуқ уруш” туткунига айланди. 2 та ҳарбий – сиёсий блок ўртасидаги қарама – қаршилик ғоявий-мафкуравий тус олди. Натижада геосиёсатнинг ҳудудий аспекти нотўғри талқин этилди ва у маълум даражада 2 система ва блок курашининг мафкуравий императивига бўйсундирилди. Янги вазият географик-ҳудудий детерминизмнинг жиддий таҳририни тақоза этади, деган ҳулосага келинди.

А. П. Коверски геосиёсий қарашларида жаҳон баровар кучга эга бўлган 2 та давлат ўртасида тақсимланганига эътиборни қаратди. Бироқ, бу қарашларга ўзгариб бораётган воқелик ўз таъсирини ўтказди. 60-йилларда тадқиқотчилар икки қутбли (океан - континентал) дунё ўрнига кўп қутбли дунё шаклланаётганини таъкидлашга ўтдилар. Жумладан, С.Б.Коэн жаҳон миқёсида геостратегик ва геосиёсий минтақа вужудга келганини айтиб, денгиз давлатлари ва Евразия континентал оламни бунга мисол қилиб кўрсатди. У Ҳинд океани ҳавзасида мустақил минтақа пайдо бўлиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас, деди. 70-йилларга келиб, 4 та жаҳон маркази – АҚШ, Оврупо соҳили, Совет Иттифоқи ва Ҳитойдан иборат йирик кучлар маркази борлигини айтди. Ушбу глобал доираларда глобал мувозанат кафолат бўлган яна кўпгина жаҳон марказлари ҳам борлигини таъкидлади. Аммо ўша биполяр тафаккур тарзи ҳукмрон бўлган йилларда Коэннинг юқоридаги қарашлари эътиборсиз қолди.

70-90-йилларда халқаро муносабатлар геосиёсати талқинларини методологик асосларни қайта қуриб чиқишга интилишлар пайдо бўлди. Масалан, америкалик тадқиқотчи Л. Кристоф “Ҳозирги замон геосиёсатчиси табиат одамзотга ато этган нарсани эмас, балки у ўзи мўлжаллаган нарсани топиш мақсадида харитага назар ташлайди”, - дейди. “Геосиёсат, – дейди Грей, – халқаро сиёсий қудрат билан географик омилларни ўзаро алоқадорлигига таянади”. Француз генерали ва тадқиқотчиси П.Галлуа ҳозирги замон дунёсидаги геосиёсат ўлчовларининг энг муҳим параметрлари маконий – ҳудудий таснифи билан бирга ракета – ядро қуролларининг пайдо бўлиши ва тарқалиши омилига ҳам эътиборни қаратади ҳамда унга эга бўлган давлатлар географик аҳволи, бир-биридан яқин-узоқлигидан қатъий назар, кучлар нисбатини тенглаштиради, дейди. Шу билан бирга у оммавий ахборот воситалари ва телекомуникациялар ролининг кучайиб бораётганига, шунингдек аҳолининг бевосита сиёсий жараёнларга аралашуви ошаётгани омиллари инсониятнинг геосиёсий истиқболида фавқулоддаги оқибатларга олиб келишига эътиборни қаратади. Галлуа қуруқлик, денгиз ва ҳаво бўшлиқларидан ташқари геосиёсатнинг муҳим параметрлари сирасига космос кенгликларини ўзлаштиришларни ҳам киритади.

**XX аср: мағлубиятлар, муваффақиятлар ва янги-янги муаммолар.**

XX аср бошларида жаҳондаги машҳур олимлар табиат ўз тараққиётининнг янги юқори босқичи – Ноосфера (Ақл соҳаси) даврига киргани, бу даврнинг илгариги барча даврлардан фарқли хусусиятларига эътиборни қаратиб, илмий-техника янгиликларини тўласича инсоният манфаатларига бўйсундиришга сиёсатчилар эътиборини қаратдилар. Эдиликда Ақл соҳаси табиат қонунлари ҳаракат йўналишларига ҳам ўз таъсирларини

кўрсатиш палласига кирганини ҳисобга олмай сиёсат белгилаш ҳалокатли оқибатларга олиб келишини олимлар олдиндан башорат қилган эдилар

2 - жаҳон урушида фашизим ғояларининг ғайриинсоний жиҳатларини жаҳон афкор оммаси англаб етди. Аммо бу ғояларга асосланган мустабид тузум баъзи Ғарб давлатлари томонидан қўллаб-қувватлангани фактидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Тарих шундан далолат берадики, айрим давлат арбоблари тор миллий манфаатларини ҳимоя қилиш шиори остида ўз ҳалқлари истиқболига завол бўлишдан ҳам тап тортмайдилар. Масалан, XX аср бошида большевизм ғоялари Россия империясини ҳалок этишига кўзи етган немис сиёсатчилари В.И.Ленин бошлиқ партия сиёсатини қўллаб-қувватлаб, ҳатто уни маблағ билан ҳам таъминладилар.

Оқибатда подшо режимининг қулаши билан Россияда бошланган демократик ҳаракатлар мағлуб бўлиб, унинг ўрнига большевизм номи билан яна битта мустабид ҳокимият қарор топдики, бу тарихий ҳато яна бошқачарок шаклларда қайтарилмаслиги учун кафолат керакдир.

2-жаҳон урушидан кейин ҳалқаро битимлар билан мустаҳкамланган геосиёсий тартиботлар барҳам топиб, жаҳон ҳамжамияти глобаллашув жараёнларига мувофиқлашиш йўлига кирган бўлса-да, бироқ халқаро сиёсий фикрларда эскича ёндашувлар сақланиб турибди. Энг даҳшатлиси шуки, табиат ўз тараққиётинининг янги – Ақл соҳаси босқичига киргани, бунда бутун инсоният ақлий салоҳияти, унинг натижаси бўлгани фан-теҳника ва ахборот теҳнологияси ютуқларини батамом бунёдкорлик томон буриб юбориш ҳаёт-мамот масаласи бўлиб қолгани сиёсий қарашларда, сиёсий майдонлардаги курашларда эътиборга олинмаётир. Ҳолбуки, бу масалалар ҳар бир мамлакат, халқлар ва давлатлар иттифоқи ва бутун инсоният сиёсий воқелигининнг тубли негизларини ташкил этади.

Марксизм-ленинизм илмий-назарий ва мафкуравий қарашлари асосида шаклланган ҳамда Россия ва бошқа бир қатор мамлакатлар XX аср охиригача белгилаб келган геосиёсати тўласича инкор этилди. Бу ҳол ҳозирги замон дунёси реалликларига мувофиқ келадиган геосиёсий тафаккур тарзига эҳтиёжни кучайтирмоқда. Аммо XIX асрдаги сиёсий қарашлар сақланиб турибди. XX асрдаги ўзгаришлар инсоният тараққиётининг бир неча асрларига тенг келади. Жуда кўп аграр мамлакатлар индустрлаштириш босқичидан постиндустриал ва ахборот жамиятига сакраб ўтдилар. Инсоният Ақлий салоҳиятининг парвози натижасида бу асрда нисбийлик назарияси, атом кашфиётлари ва техника янгиликлари содир бўлди. XX аср охирги чорагида ахборот телекомуникация инқилоби рўй берди. Жуда кўп мамлакатларда бозор иқтисоди муносабатлари ва либерал демократик йўлга ўтиш жараёнлари тезлашди, инсонни ҳимоя қилиш ва ҳалқларнинг ўз тақдирларини ўзи белгилаш тамойилларини эътироф этиш етакчи тамойилга айланди.

XX аср яна шуниси билан эътиборлиги, миллий мустақиллик мафкураси ва амалиёти тантана қилиб, мустамлакачилик империялари ҳалокатга учраб, унинг харобалари устида жуда кўп мустақил давлатлар вужудга келди. Миллион-миллион одамлар ҳаётига завол бўлган 2 жаҳон уруши ҳам шу асрда рўй берди. XX асрда фашизм, болъшевизм номи билан танилган ниҳоятда даҳшатли мустабид ҳокимлик режими ҳам ҳукм сурди. ИТН туфайли инсониятнинг ўзи мавжудлигини омонат қилиб қўйган ядро қуроллари ва унинг мўлжалга элтиш воситалари вужудга келди.

Бир томонда АҚШ, иккинчи томонда Совет Иттифоқи бош бўлган икки қутбли олам кўп соҳали оламга ўз ўрнини бўшатиб беришга мажбур бўлди. Ҳар қандай давлат бутун дунё ҳамжамияти фаолиятига тортилди. Демак, юқорида айтилганлардан маълум бўлдики, анъанавий геосиёсатнинг асосий қоидалари ҳозирги дунё воқелигига мувофиқ келмай қолди. Моҳият эътибор-ила зўравонликка асосланган геосиёсатнинг тарихий илдизлари қадимга бориб тақалади. Геосиёсат назарияси ва амалиётида гўёки янгича ёндошувлар сифатида илгари сурилган ўша ғояларнинг таг-заминида, назаримизда, ваҳшиёна ҳаёт кечирган ибтидоий аждодларимиз тафаккур ва турмуш тарзи унсурлари ётади. Ўша гала-гала бўлиб яшаган аждодларимизнинг ҳали расо такомилига етмаган мияларининг маҳсули бўлган онг даражалари, зўравонлик йўли билан ўз турлари бўлган бошқа одамлар галалари ҳаётий маконларини эгаллаш, ўзларини асоратга солиш йўли билан яхшироқ яшашга интилишдан иборат ваҳшиёна турмуш тарзлари ўзининг яшовчанлигини намоён этаётганлигига тарих шохид. Демак, одамлар, аввало сиёсат ва мафкура майдонларидаги кишиларнинг ғор одамларига хос тафаккур тарзларини ўзгартирмай туриб, геосиёсат йўналишларида жиддий ўзгаришлар бўлишига умид боғлаш қийин. Чунки ҳозирги даврда жаҳон воқелиги шу даражада ўзгариб кетдики, уни бошқа асрларда шаклланган тафаккур тарзи методи билан таҳлил этиш умуман мумкин эмас. Геосиёсат фанининг марказида ҳозирги замон ҳамжамиятининг муаммолари туради, шунинг учун ҳам эндиликда аниқ мамлакат ҳудуди, тутган ўрни ва географиясини жаҳон миқёсида содир бўлган сифат ўзгаришлари асосида таҳлил этиш керак. Бу ўзгаришлар аввало тафаккур тарзи, сўнгра нималар устиворлигини аниқлаш, унга эришиш методлари, воситаларини танлаш ҳамда ушбу реалликка мувофиқ келадиган тушунчалар, категорияларни тадқиқ этишни тақоза этади.

**Хулоса:** а) географик детерминизм (сабабли боғланиш) анъанавий геосиёсатнинг негизини ташкил этади; б) геосиёсатда ғарбпарастлик майллари етакчи бўлиб келди; в) иккинчи жаҳон урушидан кейин шаклланган икки қутбли дунёда ҳам оврупопарастлик майллари кучли бўлган ҳолда, Осиёда ҳам етакчи марказлар пайдо бўлаётганини тан олишга

тўғри келди; г) XX аср мағлубиятлар, мувафаққиятлар билан бирга янгича муаммолар асри, огоҳлантириш асри бўлиб тарихда қолади.

**<u>Калит сўзлар:</u>** анъанавий геосиёсат, географик детерминизм, географик омил, айкумен, экспанция, тарихий географик марказ, "ҳаётий бўшлиқ", ғарбпарастлик, Евроосиё, икки қутбли дунё, кўп қутбли дунё, глобал мувозанат, индустрлаштириш босқичи, постиндустриал босқич, либерал-демократия, фашизм, большевизм, огоҳлантириш асри.

### Такрорлаш учун саволлар.

- Тарихан амалиётда қарор топган геосиёсат нимани англатади?
- Ғарбда пайдо бўлган геосиёсат концепциялари етакчи майллари нимадан иборат?
- Геосиёсий детерминизм ғоялари ва уларнинг оқибатларини изоҳланг!
- "Ғор одамлари"га ҳос таффакур тарзининг яшовчанлигининг сабаблари нимада?
- Ҳалқаро майдонда чиқадиган зиддиятларни зўровонлик йўли билан ҳал этишга интилиш нега заволга учрамоқда?
- АҚШ давлати геосиёатининг асосида қандай ғоялар ётади?
- "Совуқ уруш" моҳияти ва оқибати нимадан иборат?
- Геосиёсат йўналиши тўғрисидаги ҳилма-ҳил фикрлар ва уларнинг назарий жихатдан бирёқламалигини изоҳланг?
- Ноосфера даврига мувофиқ келадиган геосиёсат белгилаш мумкинми?
- Нега XX асрни оғоҳлантириш асри дейиш мумкин?

## XX аср – «мафкура асри» сифатида.

### Сиёсат глобаллашувининг асосий йўналишлари.

XX асрга келиб жаҳон ҳамжамиятининг дунё миқёсидаги алоқалари интенсив тус ола бошлади. Давлатлар, айниқса йирик давлатлар ўртасидаги зиддиятлар ўзининг қарама-қарши томонига оғишида геосиёсатнинг таъсири улкан бўлди. Бу сиёсат ўз навбатида тарафкашлик мафкурасини шакллантирди. Натижада миллий ўзликни англаш миллий мафкураларга зўр эҳтиёжни пайдо этиб, сиёсатдаги ғарбпарастлик майллари инқирозга учради.

Сиёсат ва мафкура гўёки эгизаклар каби бир-бирини тақоза этади. Мафкураларнинг барчаси ҳокимият нуфузи ва ҳокимлик муносабатлари муаммоси билан узвий равишда боғланиб кетади. Чунки ҳар қандай ҳокимият ёки сиёсий партия ўз мақсад-муддаоларига кенг халқ оммасини ишонтириш учун кучли, таъсирчан мафкурага муҳтож бўлади. Мафкура оммани муайян мақсад сари ҳаракат бирлигини вужудга келтириш, айни чоғда бошқа партиялардан ажратиб олиш функцияларини бажаради. Мафкуранинг яна бир муҳим функцияси шуки, у одамлар ўртасидаги

институционал муносабатлар аҳамиятини кўрсатишга даъват этади: сиёсат субъектлари сифатида ижтимоий институтлар, партиялар, ҳамжамиятлар ва бошқаларнинг конкрет тарихий шароитдаги сиёсий қарашларини маъқуллайди ёки инкор этади. Мафкуранинг муҳофаза функцияси туфайли реал сиёсий воқеликка бошқача қараганлар тимсолида душман образини яратиб, уларга қарши халқ оммасида нафрат хис-туйғусини вужудга келтиради. Муайян гуруҳнинг бирлашиш даражаси мафкура ёрдамида шакллантирилган душман образининг дахшатли социал қиёфасига асосан мувофиқ келади.

Одамзот муайян тарихий даврда яшовчи мавжудодгина эмас, шу билан бирга у ўз орзу-армонлари, ўз ҳаёлий тасаввурлари билан нотарихий даврда ҳам яшайдиган хилқатдир. Бошқача айтганда, одам, жамият, давлат ва жаҳон ҳамжамияти (демак, одамларнинг муайян жамоалари) умуман олганда дунёқарашлик мезонларига эга бўлади. Айнан ана шу мезон муайян тарихий даврдаги хукмрон парадигма мазмунини ташкил этади. Немис файласуфи Ф.Ницше XX аср фалсафий тамойиллар номи билан турли гурухларнинг жаҳонга хокимлик учун кураш асри бўлади, деган эди. Аммо у бироз адашган экан: XX асрда мафкуравий тамойиллар фалсафий тамойиллардан устун келди. Моҳиятан арзон хомашё ва ишчи кучига ҳамда кенг бозорга эга бўлиш мақсадларини ғоявий пардаларга ўраб, халқ оммасида босиб олиш назарда тутилган мамлакат аҳолиси тимсолида душман образи яратиш учун кучли мафкуравий ижтимоий институтлар, ғоявий таъсир ўтказиш воситаларига эга бўлиш керак эди.

Аср бошида содир этилган 1-жаҳон уруши ва ундан кейинги воқелик овруполиклар учун қимматга тушди: улар ўзларининг илгариги мавқеидан маҳрум бўлиб, АҚШ ва Японияни ҳам жаҳон тақдирини хал этувчи буюк давлатлар сифатида тан олишга мажбур бўлдилар. 30-йилларга келиб жаҳон майдонида Совет Иттифоқи деган буюкликка даъвогар яна битта давлат пайдо бўлди. 2-жаҳон урушидан кейин кучлар нисбати АҚШ ва Совет Иттифоқи бошлиқ давлатлар фойдасига хал бўлди. Натижада, дунёқараш жиҳатидан ҳам, ижтимоий-сиёсий тузум жихатидан ҳам халқаро муносабатларда бир-биридан тубдан фарқ қиладиган икки қутбли дунё пайдо бўлди.

Бу даврда ҳукмронлик қилган ғоявий-сиёсий оқимлар – марксизм, миллий социализм, либерализм ва бошқалар функционал жихатдан буюк диний системалар – католицизм, протестантизм, ислом ва бошқалар тарихан бажариб келган вазифаларни адо этдилар. Шу маънода улар юқоридаги сиёсий-фалсафий оқимлар дунёвий динлар тусида ўзларини намоён этдилар. Дунё икки қарама-қарши ҳарбий-сиёсий гурухга бўлиниб кетгач, одамлар онги ва қалби учун кураш халқаро сиёсатнинг таркибий қисмига айланди.

XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида социал-ислоҳатчилар, фашистлар ва большевиклар сингари сиёсий-мафкуравий кучлар ўртасида

беомон ғоявий кураш борган бўлса, 2-жаҳон урушидан кейин икки жаҳон системаси ўртасида ҳаёт-мамот кураши бошланиб, у «совуқ уруш» номини олди. Бу «уруш»да Совет Иттифоқи бошлиқ ҳарбий-сиёсий блок мағлуб бўлишининг асосий сабабларидан бири режали хўжаликка асосланган иқтисод ва буюкдавлатчилик шовинизмига таянган сиёсат инсон хуқуқлари ва эркини барбод этиб, инсонни давлат машинаси оддий винтчаларига айлантириб қўйди. Мафкура эса ана шу даҳшатли сиёсатни нечоғлик инсоний этиб кўрсатмасин, барибир, ғайриинсоний моҳиятга эга бўлган у сиёсат барбод бўлди.

**XX асрдаги тарафкашлик мафкурасининг илдизи.**

2-жаҳон урушидан кейин йирик давлатлар ва улар билан ҳамкорликда бўлган давлатларнинг геосиёсати хаддан ташқари мафкуралаштирилиб, Ғарб ва Шарқ дунёси халқларида ўзаро душманлик ва ишончсизлик руҳини кучайтирди. «Ғарб» ва «Шарқ» тушунчаларида соф географик мазмун ўрнини ғоявий-сиёсий мазмун эгаллади. Айнан давлатлар ўртасидаги муносабатларда мафкуравий мезонлар етакчи майл бўлиб, давлатлар шу ғоявий яқинликлар доирасида бирлашдилар. Масалан, Япония узоқ Шарқда жойлашган бўлса-да, у «Ғарб» давлатлари сирасига киритилди. Америка қитъасида жойлашган Куба «Шарқ» давлатлари гурухига мансуб этиб кўрсатиларди.

Сиёсий қараши, турмуш тарзи ва иқтисодий тараққиёти даражасига қараб жаҳон ҳамжамияти учта оламга бўлинди: а) иқтисодий жихатдан ривожланган Оврупо, Шимолий Америка, шунингдек Япония ва айрим Осиё мамлакатлари; б) СССР, Шарқий Оврупо мамлакатлари, Хитой ва Осиёдаги баъзи мамлакатлар ва Куба; в) иқтисодий ва сиёсий жихатдан ожизроқ бўлган Лотин Америкаси, Африка, Осиёдаги бир қатор давлатлар - буларни «учинчи дунё» деб номлаш расм бўлди. АҚШ ва СССР бошлиқ ҳарбий-сиёсий блок ана шу «учинчи дунё» мамлакатларини ўз таъсирларига олиш учун курашдилар. Оқибатда Шарқий-Жанубий Осиёда, Африкада локал ва худудий урушлар келиб чиқди.

Оврупо, Америка, Осиё қитъаларидаги зиёлилар орасида марксча-ленинча дунёқараш тарқалиши натижасида жаҳондаги кўп кулфатлар сармоядорларнинг ваҳшиёна эксплуатацияси ва уларнинг манфаатлари асосида мустамлака халқларини талаш оқибатидир, деган фикр муқимлашиб борди. Сенегал раҳбари Л.Сенгор 1959 йилда «бугунги ижтимоий далолат шуки, фақат Осиё ва Африка халқ оммаси турмуш даражасини ёмонлаштириш хисобигагина Оврупо аҳолисининг турмуш даражаси юксак бўлишга эришилди», - деган эди.

Бироқ, вақт ўтиши шуни кўрсатдики, Ғарб ва Осиё сармоядорлари билан яқинлашган мамлакатларгина тезда иқтисодий юксалишга эга бўлдилар. «Социалистик лагерь» деб аталган мамлакатлар ва уларга эргашган давлатларда иқтисодий ўсиш нисбатан ёмонлашиб борди. «Жаҳонда Ғарб

капиталидан узоқлашганларгина энг қашшоқ мамлакатлар бўлиб қолдилар», – деди Ж.Пучала.

Аслида Ғарб мамлакатларидаги иқтисодий ўсиш нафақат арзон хомашё ва жаҳон бозоригина эмас, аввало улардаги илмий-техника тараққиёти эди.

70-йилларнинг охири ва 80-йилларнинг бошига келиб жаҳон ахолисининг тўртдан бир қисми индустриал жихатдан ривожланган мамлакатларда, 37 фоизи (26 та мамлакат) социалистик лагерда, ахолининг қолган қисми «учинчи дунё»да яшарди.

Икки блок ўртасида таъсир доирасини кенгайтириш учун бошланган «совуқ уруш» тарафкашлик мафкурасини шакллантирди. Совуқ уруш ўз моҳияти билан салб юриши тусини олди ва дунё гўёки эзгулик ва ёвузлик, яхши йигитлар ва ёмон йигитлар, эркин олам ва эзувчилар оламига бўлиниб кетди, деган эди ўша давр тадқиқотчиларидан бири С.Хофман. Бошқача айтганда, «совуқ уруш» тушунчаларида нафақат икки томон ўртасидаги қалтис муносабатларни ва тарафкашликни, балки бу системалардан бирининг ғалабаси, бошқаси йўқ бўлиб кетишини англатувчи муқаддас уруш маъноси ифодасини топган эди. Ҳар икки система тарафдорларининг ҳар бири мафкура ёрдамида халқ манфаатлари ва орзу-армонларининг химоячиси сифатида ўзини намоён этишга ҳаракат қиларди. Ўз нуқтаи назарини ғоявий жихатдан асослаш учун АҚШ ўзини эркин дунё ҳимоячиси, СССР эса ўзини тинчлик, демократия ва социализм таянчи деб эълон қилди. Натижада халқаро муносабатларда икки қутбли структура юзага келди. Шарқ ва Ғарб ўртасида беомон кураш ўта диний салб юриши сифатида баҳоланди. АҚШ давлат арбоблари «совуқ уруш» тушунчасини очиқдан-очиқ «Коммунизмга қарши салб юриши» маъносида қўлладилар.

Икки қутбли дунёда жаҳон халқлари доимо уруш хавф-хатари билан яшашга мажбур бўлдилар. Чунки блоклардан бирининг халқаро майдондаги бирон-бир муваффақияти иккинчи томонни дарғазаб қилар ва халқлар гўёки уруш гирдобига тортилгандек вазият вужудга келарди. Бу хол «ғор одамлари»га хос тафаккур тарзини ривожлантириб, томонларнинг ўзаро келишуви ва муросаю мадора билан яшашларини истисно этарди.

**Ғоявий парокандалик ва унинг оқибатлари.**

Совет давлатининг барҳам топиши ва «совуқ уруш»нинг тугаши икки қутбли дунёнинг барбод бўлишига олиб келди. Ғарб ва Шарқ тарафкашлигининг маъноси қолмади. Айни чоғда ноаниқлик, умидсизлик ва ҳаёлотлардан маҳрум бўлиш даври бошланди. ¤тган асрлардаги буюк диний таълимотлар каби диний қарашлардан холи бўлган ғоявий-сиёсий қурилма (структура)лар ва ҳаёлот кўп жихатдан ўз жозибасини йўқотди. Одамларда наислоҳотчиларга ва на инқилобчиларга нисбатан ишонч қолди. Буюк дастурлар, буюк тақиқлар ва буюк махрумликлар одамларни

бундан буён илҳомлантирмайдиган ва қўрқув хис-туйғуларини уйғотолмайдиган холга келди.

Моҳият эътибори - ила мафкуралашган Совет давлати халокати марксизм-ленинизм ғояларига бўлган умидларни пучга чиқарди, дунёдаги жуда кўп социал таълимотларнинг таг-томирига зил кетди. Социал тенгликдан дарак берган социалистик жамият тўғрисидаги афсоналарга бўлган ишонч ҳар қандай долзарбликдан маҳрум бўлди. «Социалистик лагерь» деб аталган мамлакатлар деярли кўпчилиги ҳаётнинг ғарбча моделини қабул қилиб олиб, бозор иқтисоди муносабатлари тамойиллари ва уларнинг сиёсий демократияларини гўёки қабул қилгандек бўлган чоғда, Ғарб мамлакатларининг ўзида маърифатчилар мероси ва унинг хосиласи бўлган индивидуализм, тараққиёт ва сиёсий демократияни танқид остига олиш кучайиб кетди. Одамларни, халқ оммасини юксак идеалларга сафарбар этувчи янги ғоялар топилмагани сабабли, ҳаётдан қониқмаслик, ундан норозилик аломатлари ялпи умумий тус олиб кетмоқда. Динлардан холилик динамикасининг ўзи ҳаёт маъносини шахсий чегарасиз эҳтиёжлари ва истакларини қондиришдан иборат деб тушунган исътемолчи одамлар шахсини шакллантирмоқда. Одамзотга Ғарбча керагидан ортиқ эрк бериш фақат ўзини-ўзи севадиган, яқин кишилари, жамият олдидаги ҳар қандай маъсулият хис-туйғусидан махрум индивидлар авлоди шаклланиши учун қулай ижтимоий мухитни вужудга келтирди. Бундай индивид ижтимоий ҳаёт ришталарининг барчасига қарши, чунки унинг назарида ижтимоий рухсат ва тақиқлар гўёки унинг оёқ-қўлини кишанлаб қўядигандек туюлади. Бундай одамлар галаси барча хатоликлар, камчиликлар учун ўзи яшаётган жамиятни қоралашдан, ундан норози бўлишдан нарига ўта олмайдилар. Улар на тартиб-интизомни, на хаё-ибони, на анъаналарни ва на ўзини-ўзи идора этишни тан олишади. Чунки ана шундай индивидлар учун давлат ва жамият уларнинг чек-чегарасиз эхтиёжларини ва эхтиросларини қондириши, жиддий ўқимай ва меҳнат қилмай хузур-халоват билан яшашларини таъминлаши керак. Шунинг учун ҳам постмодернизм тарафдорлари ҳозирги Ғарб турмуш тарзи (модели)ни «жамиятдан қониқмаслик» рухининг қарор топиши сифатида тавсифламоқдалар.

Тадқиқотчиларнинг баъзилари Ғарбий Оврупода шаклланган жамиятлар қуёши сўниб бормоқда, бу цивилизация маънавий таназзулга учраб, ўзининг охирги нафасини олмоқда, демоқдалар. Чунки одамларга ҳаёт маъноси берган, келажакка умид ва ишонч рухини сингдирган буюк динларга ихлос сусайиб кетган, диндан холи бўлган ғоявий-сиёсий қурилмалар тўқиган афсоналарнинг қадри тушган бир вазиятда инсон шахс сифатида барбод бўлиши учун ижтимоий мухит вужудга келмоқда. Бошқа бир тадқиқотчилар қаттиқ тартиблар ва чеклашлар ҳамда бехад кўп урф-одатлардан холи қандайдир дунёвий динга ўхшаш бир йўналиш, бошқача айтганда, тараққиёт дини яратиш ҳақида фикр билдирмоқдалар.

Америкалик тадқиқотчи П.Бергер «худосиз оламда чор томонга тарқалаётган зерикиш рўй бермоқда», – дейди.

Бундай вазиятда одамлар, жамиятлар, ҳамжамиятлар узоқ муддатли истиқболга эга бўла оладиларми? Янги инфраструктураларнинг маънавий таянчи бўла оладиган ғоялар ва идеалларни топиб бўладими, деган саволлар кўндаланг бўлиб турибди. Натижада анъанавий динлар ёки динлардан холи ғоявий-сиёсий структуралар ўрнига афсоналар, ғоялар, ҳаёллар ифодаси бўлган турли-туман мазхаблар ёки миллий большевизм, миллий-фашизм каби уюшмалар пайдо бўлмоқда. На фақат исломда, балки православия, протестантизм, либерализм ва янги большевизмда дунёни «ўзимизники» ва «бегоналар»га бўлиш майли пайдо бўлиб, янги тарафкашлик мафкурасига йўл очилмоқда.

**Миллат ва миллий мафкура.**

Ана шундай шароитда миллий ғоя ва мафкурага бўлган ижтимоий эхтиёж тобора ошиб бормоқда. Чунки у муайян мамлакатда истиқомат қилаётган титул миллат билан турли-туман миллат ва элат намоёндаларининг умумий мақсад йўлида µаракат бирлигини вужудга келтириши мумкин. Бу жараёнда кетаётган изланишлардан маълум бўлмоқдаки, баъзи мамлакатларда миллатни амалда бирлаштира оладиган, муайян давлат таркибига кирган одамлар, элатлар, халқларни, уларнинг намоёндаларини ўзига жалб эта оладиган ғояларни топиш машаққатларини бошларидан кечираётган бўлсалар, бошқалар умумбашарий мақсадлар ва ғояларни миллий ғоя сифатида тасвирлашга интилмоқдалар.

Маълумки, бифуркация ходисасига кўра, ҳатто хайвонлар ҳам яшаш учун кураш жараёнида ўзлари учун умумий бўлган пода ёки гала феъл-атворини шакллантириб, биргаликда яшаш ва ваҳший µайвонлардан ўзларини муҳофаза этишга ҳаракат қиладилар. Одамзот жамият бўлиб яшагандан бошлаб умумий феъл-атвор ва ҳаракат бирлигини шакллантириш хаёт-мамот масаласи бўлиб қолган. Натижада индивид аввал уруғ ва қабила, сўнгра элат ва халқ ичида ўзини бехавотир яшаши, ғанимларига қарши курашиш имкониятига эга бўлган. Саноат инқилобидан сўнг миллий давлатлар вужудга келиб, муайян миллат шу доирада ўзлигини англаб, ўз манфаатларини яхшироқ, изчилроқ ҳимоя қила олиш имкониятига эга бўлди. Натижада 1-жаҳон уруши, айниқса 2-жаҳон урушидан сўнг жаҳонда миллий-озодлик харакатлари авж олиб, қатор миллий давлатлар вужудга келди. Совет давлатининг қулаши оқибатида унинг харобалари устида яна кўпгина миллий давлатлар барпо бўлди ва кўпгина миллатлар буюкдавлатчилик шовинизми таъсиридан чиқиб, ўз тақдирларини ўзлари белгилаш хуқуқига эга бўлдилар.

Миллат ва миллатчилик муаммоси воқеликдаги ижтимоий, иқтисодий, технологик ва сиёсий ўзгаришлар бир-бири билан туташган жойда

вужудга келади. Том маънода миллий тиллар шаклланишини китоб нашр этиш миқёсларининг кенгайиши, оммавий ахборот воситалари ва оммавий таълим ривожи билан боғлаш мумкин. Миллатчилик тарихан шаклланган миллий маданиятни батамом ўзлаштириш, марказлаштиришга таянган ва ҳар бири ўз давлати мухофазасига олинган социал ташкилланишнинг чинданда янги шакли натижасидир. Умуман миллионлаб одамлар назарида миллатчилик ўз жозибадорлигини сақлаб, шу маънода у миллий манфаатларни англаб, уни µимоя қилишга миллатдошларни сафарбар этувчилик функциясини бажаради. Миллатчилик миллий бузуқлик, миллий маҳдудлик тусига кирса ва бу жараён мафкура орқали рағбатлантирилиб борилса, µозирги тарихий шароитда ундай миллат жаҳон ҳамжамиятидан маълум даражада ажраб қолади ва ўз тараққиётига завол бўлади. Бир томондан, бозор иқтисоди муносабатлари, эркин савдо майдонларининг кенгайиши мамлакатлар интеграцияси ва яқинлашувига олиб келаётган бўлса, иккинчи томондан, у миллатлар ва этник гуруҳлар ўртасида муқаррар пайдо бўладиган зиддиятлар ўз қарама-қарши томонига оғиб кетишига бир рағбат бўлмоқда. Шундай қилиб, миллатчилик ғоялари халқлар озодлиги ва миллий давлатларни қарор топтириш учун сафарбар этувчилик, ижодий жасоратлар манбаъи бўлиш билан бирга, айни чоғда у турли-туман можаролар, «совуқ» ва «иссиқ» урушлар катализатори сифатида ҳам ўзини намоён этиши мумкин.

Ҳозирги тарихий шароитда миллатчилик миллий бағрикенглик тусига кириб, миллий бирликлар тимсоли сифатида худудий ҳамжамиятлар шаклланмоқда ва миллий махдудлик рухи тобора чекинмоқда. Чунки одамзот учун эндиликда ўз гомеостазисини тор миллий қобиқда эмас, балки миллий хусусиятлар сақланишини кафолатлайдиган умумжаҳон бирлашмаларида яхшироқ, муқимроқ сақлаб қолиш имконияти борлиги аён бўлиб бормоқда. Ҳозирги дунё парадокси (мантиқсизлиги) шуки, унинг ёрқин намоён бўлиши фонида бир миллатли давлатнинг ўзи йўқ. Манбаълардан маълум бўлишича, лахжаларни хисобга олмаганда, дунёда 8000 та тил мавжуд. Миллий мафкурада миллий мутаассиблик рухи етакчилик қилган миллий µаракатлар купинча ўз сафарбар этувчилик салохиётидан махрум бўлиб, миллий негизда авторитар ва тоталитар тузумлар қарор топиб қолиши учун қулай шарт-шароитни вужудга келтириб қўймоқда.

Шу ўринда миллийлик ва миллатчилик тушунчалари ўртасидаги умумийлик билан айримлик фарқига боришни таъкидлаш ўринли. Миллийлик илдизлари асрлар қаърига бориб тақалади ва у миллий менталитетнинг шаклланишида мухим бир омил бўлгани аниқ. Миллатчилик ва унинг ғояси кейинги асрлар махсули бўлиб, у миллий калондимоғлик (шовинизм) ва миллий махдудлик (чекланганлик)нинг ғоявий асоси бўлиб келган. Қайси миллат ёки этник гурух бошқа давлатлар ёки миллатлар томонидан камситилса ёки хақ-хуқуқлари

поймол этилса, ўшаларда миллатчилик кайфияти кенг қулоч отиб, бунинг оқибатида қирғинбарот урушлар келиб чиққани тарихдан маълум. Миллатчилик тушунчасига баҳо берганда, унга конкрет тарихий нуқтаи назардан ёндашган маъқул, деб ҳисоблаймиз.

**Хулоса:** а) XX асрга келиб сиёсатнинг глобал тус олиши кучайди; б) ушбу аср ўрталаридан бошлаб икки қутбли дунё вужудга келиб, тарафкашлик мафкураси халқларни даҳшатга солди; в) аср сўнгида вужудга келган ғоявий парокандалик одамларда ночорлик, ноаниқлик, умидсизлик рухини кучайтирмоқда; г) бундай шароитда миллий ғоя ва мафкурага кучли ижтимоий эҳтиёж сезилмоқда.

**Калит сўзлар:** мафкура функциялари, душман образи яратиш, ҳукмрон парадигма, мафкуравий тамойиллар, марксизм, миллий социализм, либерализм, католицизм, протестантцизм, ислом, одамлар онги учун кураш, ўзаро ишончсизлик руҳи, иқтисодий ўсиш, салб юриши, ноаниқлик ва умидсизлик даври, социал таълимотлар, янги ғоялар тақчиллиги, истеъмолчи одамлар шахси, постмодернизм, миллий большевизм, миллий фашизм, миллатчилик, миллий бағрикенглик, миллий маҳдудлик, мантиқсизлиқ (парадокс).

**Такрорлаш учун саволллар.**

- Давлатлар ўртасидаги зиддиятлар нега ўзининг қарама-қарши томонига оғиб кетмоқда?
- Сиёсат билан мафкура ўртасидаги диалектик алоқадорлик қандай намоён бўлади?
- Душман образи яратишда мафкураларнинг ўрни ва роли қандай бўлган?
- Уруш уни ташкил этувчилар учун нега завол бўлмоқда?
- “Совуқ уруш”да нега СССР бошлиқ ҳарбий-сиёсий блок мағлубиятга учради?
- Ҳаёлатлардан маҳрум бўлиш даври ва унинг оқибатлари нима?
- Тадқиқотчилар Ғарб маънавий маданияти ва унинг истиқболлари ҳақида нима демоқдалар?
- Нега барча мамлакатларда миллий ғоя ва мафкурага бўлган эхтиёж кучайиб бормоқда?
- Миллийлик ва миллатчиликка қандай муносабатда бўлиш маъкул?

## Икки қутбли дунёдан кўп қутбли яхлит дунё сари.

### “Совуқ уруш” хотимаси натижаси ва АҚШ давлати геосиёсати.

“Совуқ уруш” даври барҳам топиб, икки қутбли дунё ўрнига кўп қутбли дунё вужудга келгач, пайдо булган янги ижтимоий, сиёсий мухитда йирик давлатларнинг буюкликка даъвоси муносабати билан геосиёсатда жиддий ўзгаришлар содир бўлмаяпти. Ҳолбуки воқеаларнинг ривожи “совуқ уруш” давридаги қарашлар, андозалар билан янги

реалликка ёндашиш ўзини-ўзи алдашдан бошқа нарса эмаслигини кўрсатди. Маълумки, Совет давлатини бошқаришга келган ёш авлод ички тизимнинг ёмонлиги ва ташқи сиёсат барбод булиб бораётганини англади. Берлин деворининг қулаши аслида коммунизм ғоясига бўлган ишончнинг барбод бўлишидан дарак берарди. Тарихдан маълумки, барча империялар ташқи кучлар таъзйиқи остида эмас, балки даставвал ички аҳволнинг ёмонлашиб бориши туфайли қулаган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ бошлиқ Ғарб давлатлари СССР бошлиқ “социалистик лагерь” давлатларига қарши “совуқ уруш”ни бошлашган бўлса, бу урушнинг тугаши учун ҳар икки томон ўз ҳиссасини қўшди, зеро, улар Ноосфера даври талабларини мутлақо эътибордан соқит қилган бўлсалар-да, аммо ядровий-космик аср воқелиги билан ҳисоблашишга мажбур эдилар. Чунки жаҳон миқёсида ёпирилиб келаётган ялпи умумий планетер хавф-хатар кучларни тарафкашлик томонларга парчаланиб кетишни эмас, балки бирлашиш, муроса йўли билан яқинлашувни тақоза этарди. Масалан, холера, тиф, хатто вабо каби анъанавий касалликларнинг миллий-давлатчилик чегаралари доирасида зарур чора-тадбирлар белгилаб, олдини олиб қолиш мумкин эди. Аммо ХХ аср ваболари СПИДни, айниқса радиацияни, экологик ифлосланиб бориш бало-қазолари миллий чегараларни билмас эди. Бу хатарларнинг олдини фақат давлатларнинг биргаликдаги фаолиятлари орқали олиш мумкин эди.

Аслида олимларнинг ХХ асрнинг 1-чорагида ёпирилиб келаётган умумпланетар хавфни даф этишга даъватларига ўша даврдаги йирик давлатларнинг сиёсатчилари кўзларини кўр, қулоқларини кар қилиш билан жавоб қайтаришмаганда, яъни Ноосфера даври бошлангани ва ақл-идрокни бузғунчилик, урушлар томон буриб юбориш ўрнига ундан бунёдкорлик мақсадлари йўлида фойдаланиш стратегиясини биргаликда ишлаб чиқиб, уни амалга оширишга киришганларида, меҳнат аҳли пешона тери билан тўпланган салоҳиётдан вайронагарчиликлар учун эмас, балки Она-табиат ифлосланишининг олдини олиб қолиш, маънавий-ахлоқий бузилишлар туфайли одамзотда ҳайвоний хирслар ривожланиши йўлларини тўсиб қўйиш мумкин бўлар эди.

Бироқ кеч бўлса-да, йирик давлатларнинг сиёсий арбоблари ёпирилиб келаётган умумпланетар хавф-хатар борлигини англаб етдилар. Агар шундай бўлмаганда, 60-йиллар бошида 3-жаҳон уруши бошланиб кетиши мумкин эди. Аммо мамлакатлар ва халқлар ўртасида ривожланиб бораётган тарафкашлик ўрнини ўзаро бир-бирларига боғлиқлик майллари эгаллаб бораётганди. Барча халқларнинг иктисодий, миллий ва бошқа манфаатлари умумбашарий манфаатлар яхлит занжири билан чамбарчас боғланиб кетаётганини англаш қийин эмас эди. Ана шунинг учун ҳам 1962 йилдаги Кариб денгизи кризиси АҚШ билан СССР раҳбарларининг ўзаро муроса йўлини тутиш билан хал бўлди ва айнан ана шу даврдан бошлаб

аввало йирик давлатлар ва жахон хамжамияти “совуқ уруш” яхшиликка олиб келмаслигини англай бошладилар. Аслида бу тарих ғилдирагини инсоният урушларсиз яшаш даврига кира бошлаганидан дарак эди. Бироқ олдинда катта синовлар турар эди.

**Бир қутбли дунё тартибот-лари тўғрисидаги мунозаралар.**

Совет давлати қулаб, Варшава шартномаси харбий-сиёсий блок бархам топгач, икки қутбли дунё тугади. Шундан сўнг XXI аср АҚШ асри бўлади, деган башоратлар пайдо бўлди. Дарҳақиқат бир қарашда бундай ёндашувлар асослидек бўлиб туюлади. Американикларнинг моддий, мафкуравий, психологик ва геосиёсий имкониятлари катталиги шундай фикрларни илгари суришга ва американча турмуш тарзи афзалликларини кўз-кўз қилишга изн берарди. Масалага жиддий қараладиган бўлса, муаммоларга тўлиб-тошган бу хилма-хил маданиятлар оламини бирон-бир ёки бир неча йирик давлат бошқара олмаслиги аён бўлади. Шунинг учун ҳам XX аср Америка асри бўлгани ва XXI аср ҳам шундай бўлиб қолиши тўғрисидаги ғояларнинг асоси пучдир. Чунки, биринчидан, XX аср асло АҚШ асри бўлган, дейиш мумкин эмас. Бу аср ўрталарида СССР деган империя АҚШнинг кўп масалаларда ён беришга мажбур этгани маълум. Асрнинг охирги чорагидан бошлаб, Ғарбий Оврупо давлатлари ҳам қадди-қоматларини тиклаб олдилар, Япония, Хитой каби давлатлар жаҳон иқтисоди ва сиёсатида мухим ўринни эгаллай бошлашди.

XX асрнинг кейинги йилларида АҚШнинг дунёдаги ходисаларни якка-ёлғиз ўз назоратига олиш имконияти чекланди. Тўғри, АҚШ дунёдаги иқтисодий ва ҳарбий, сиёсий жиҳатдан энг қудратли давлат. Ер юзидаги одамларнинг кўп авлоди учун Америка моддий қийинчиликларсиз ва сиёсий эрксизликлардан қутилиш йўлини кўрсатувчи машъал бўлиб кўринади. Шимолий Америка жуда катта худудларни тезда ўзлаштириб олиш, ривожланаётган илғор саноат ва қишлок хўжалигига эга бўлиш, тарихда мисли кўрилмаган аҳолининг аксарияти моддий фаровонлигини таъминлаш, тезда жаҳон давлати мақомини олиш – буларнинг барчаси жаҳон афкор оммасида американча ҳаётга ихлосни ошириб юборди. Ана шу аснода, эрк, демократия, моддий фаровонлик ваъда қилган Американинг алоҳида роли ҳақидаги ғоялар ўртага ташланди. Бунинг учун жаҳон халқлари американча турмуш тарзи қадриятларини қабул қилишга рози бўлишлари шарт қилиб қўйилди. Анча йиллар АҚШ бундай вазифани бажариб келди. Бироқ, бошқа ғоялар каби бундай қарашларнинг юқори чўққиси “совуқ уруш” йиллари бўлди. Чунки антисоветизм ва антикоммунизм ғоясини фош этиш, унинг ғайриинсоний моҳиятини кўрсатиш даврларида юқоридаги фикрлар жаҳон халқларини ўз томонига оғдириб юбориши нисбатан осон эди.

**Янгичатартибот-лар учун кураш.**

Дарҳақиқат деярли ярим аср давомида антикомунизм АҚШ нинг нафақат ташқи стратегияси, балки ички сиёсий курашларида ҳам етакчи ғоя бўлди. “Совуқ уруш” тугагач, Америка жамоатчилиги эътиборини тортиб келган мақсадлар қолмагач, унинг ўрнида бўшлиқ ва ноаниқлик холати пайдо бўлди. Зеро, антикоммунизм эрк ва демократия тўғрисидаги америкача қадриятларни қарор топтириш учун қўл келар эди. Совет жамияти моделининг асоссизлиги ва у ҳақда гапириш ортиқча эканлиги аён бўлгач, америкача моделнинг камчиликлари юзага қалқиб чиқиб қолди.

Ғоявий-сиёсий ва мафкуравий соҳада пайдо бўлган ноаниқлик ва мақсадсизлик бўшлиғини тўлдириш учун янги душман қидириш лозим бўлиб қолди. Даставвал Япония ёмон отлиққа чиқарила бошланди. Кейинроқ эса қайта тикланаётган Россия, шунингдек Хитойдан хавф-хатар борлиги айтилди. Шимолий Корея, Эрон ва Ироқ халқаро хавфсизликка путур етказаётгани ҳақида жар солинди.

Бундай қарашлар аста-секин ривожланиб бориб, «Совуқ уруш» ўрнини «иссиқ уруш» эгаллай бошлади. Маълумки, Афғонистондан Совет қўшинлари олиб чиқиб кетилгач, у ерда ислом ақидапарастлиги ғояларидан озиқ олиб шаклланган Толиблар деб аталган ҳаракат пайдо бўлди. Ҳокимият учун бошланган фуқаролар урушида улар устунликка эга бўлгач, қўшни давлатлар ва дунёдаги барча демократик кучларга қарши янги хавф-хатар ўчоғи пайдо бўлаётган эди. АҚШ бошлиқ иттифоқчилар Толиблар ҳаракатига асосан барҳам бериб, Афғонистонда тинчликсевар давлат тартиботлари қарор топиши учун йўл очди. Бу, бир томондан, АҚШ нуфузини оширган бўлса, иккинчи томондан Ислом дунёсида унга қарши ҳаракатларни кучайтириб юборди. Бу ўринда шуни айтиш ўринлики, Толиблар ҳаракати Ўзбекистон жанубий чегаралари учун жиддий хавф туғдира бошлаган эди. Шунинг учун ҳам ўз стратегик мақсадларини назарда тутиб, Ўзбекистон давлати АҚШ нинг Афғонистонга нисбатан ўша даврдаги сиёсатини қўллаб-қувватлади.

Аммо АҚШ сиёсатчилари янги душман образи яратиш орқали ички барқарорликка эришиш йўлларини давом эттирдилар. Нишонга Ироқ олинишига сабаб, у мамлакатнинг президенти Саддам Ҳусейннинг Яқин Шарқда Америка манфаатларига тўғри келмайдиган сиёсат олиб бориши эди. Шунинг учун Ироқ оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқаришга киришди, бу жаҳон ҳамжамияти учун жуда хавфли, деган ғоялар тарқатилиб, Америка гражданлари назарида Саддам Ҳусейн режими тарафдорлари тимсолида душман образи яратилгач, у мамлакат бомбардимон қилиниб, Америка бошлиқ иттифоқчилар Ироқни оккупация қилиб олдилар ва ўзларига мувофиқ келадиган ҳукуматни у ерда ўрнатдилар.

Саддам Ҳусейн диктатурасига барҳам берилди. Аммо Яқин ва Ўрта Шарқда хавф-хатарга тўла вазият вужудга келди. Эндиликда Эрон атом бомбаси яратиб, жаҳонга хавф туғдираётгани ҳақидаги қарашлар АҚШ ва унинг иттифоқчиларининг мафкуралари орқали жаҳонга даҳшатли ахборотларни тарқатмоқдалар. Эроннинг ҳозирги давлати ва ҳукумати тимсолида душман образи яратиш тобора кенг тус олмоқда.

Шундай қилиб, Совет давлати каби давлатлар устидаги давлатнинг бархам топиши асло бир қутбли дунёни шакллантирмади. Умуман давлатлар устидаги давлат тушунчаси қадрсизланди. Совет империяси ўзи билан бирга тарих архивларига фақат комунистик ғоянигина эмас, афтидан, америкача турмуш тарзи ғоясини ҳам олиб кириб кетди. Бугина эмас, истиқболда АҚШ, Ғарбий Оврупо ва Япония иқтисодий маркази бўлган олам ҳақидаги фикрлар хам ўзининг асосига эга эмас. “Совуқ уруш” йилларида бу уч марказ ўртасидаги мавжуд зиддиятлар эндиликда янги мезонларда ўзини намоён этмоқда. Бу, даставвал дунёнинг янгича тартибларини шакллантиришга қаратилган фаолиятлари билан боғлиқ бўлган ҳамда XIX ва XX аср бошларидан тубдан фарқ қиладиган сиёсий ўйинларга дахлдор гаплардир. Юқоридаги фикрлар яқин келажакдаги АҚШ нинг жаҳон ишларидаги салмоғи ва таъсирини асло пастга урмаслиги керак. Тинчлик ва хавфсизликнинг минтақавий ва глобал даражада сақлаш Вашинтон белгилайдиган стретегияга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бироқ, буни АҚШ якка ўзи эмас, балки у янги жаҳон тартибларини бир қанча таянчлари билан биргаликда ҳал этишга мажбур бўлади.

**Оврупо интеграцияси. Янгича геосиёсатга эҳтиёж.**

2-жаҳон урушига қадар Оврупо жаҳон сиёсатининг энг мухим маркази ҳисоблаб келинарди. Бироқ, урушдан у ниҳоятда ожиз бўлиб чиқди ва дастлабки ўн йилликларда АҚШ ва СССР ўртасидаги тарафкашлик майдонига айланди ва унинг тарихи Атлантика хамжамияти тарихи тусини олди. Аммо, эски қитъа тобора ўзини ростлаб бормоқда ва истиҳболини Оврупо мамлакатлари бирлигида кўрмокда. Оврупо беморлиги ва унинг қуёши сўниб бораётгани тўғрисидаги ғояларга қарши Франция Ташқи алоқалар вазири Ф.Дюма бундай руҳий тушкунликка асос йўқлигини таъкидлади. Зеро АҚШнинг “қўпол ва ноаниқ” моделига нисбатан Оврупо модели юзага келадиган муаммоларни ҳал этишда ўз устиворлигига эгадир, деди у. Дарҳақиқат овруполиклар ўзларига хос тафаккур ва турмуш тарзини сақлаб қолган ҳолда, ҳозирги оламда ўзининг муҳим ўрнига эга бўлиб олди. Оврупо халқлари тарихий тақдири, қадриятлар тизими, моддий мерос ва бошқалардаги умумийлик уларни бирлашиб ҳаракат қилишларини осонлаштирмоқда. Шунинг оқибатида Оврупо Иттифоқи юзага келиб, унга кираётган давлатлар сони йилдан-йилга ошиб бориб, ҳудудий жиҳатдан тобора кенгайиб бормокда.

Шуниси тааджубланарлики, бундай иттифоқ бир томондан айрим олинган мамлакатлар мустақиллик миқёсларини қисқартириб қўйса, иккинчи томондан бундай мустақилликни мустаҳкамлаб қўймокда. Урушдан кейинги ўн йилликда ҳам Оврупо давлатлари АҚШ геосиёсатининг оддий югурдаги бўлишдан ўзларини сақлаб келдилар. Кейинги 20-30 йилликларда улар иқтисодий ва ижтимоий-техник салохиятларини оширдилар ва бирлашувчилик жараёнини чуқурлаштирдилар. Натижада Оврупо халкаро майдонда ўз мустақил ўрни ва сўзига эга бўлиб қолди. Буни АҚШ Англия билан бирга Ироққа қарши жазо урушини ташкил этганда яққол кўриш мумкин бўлди. Франция ва Германия каби йирик давлатлар АҚШнинг бу сиёсатига қўшилмадилар. Истиқболда Оврупо иқтисодий, технологик, хавфсизлик ва бошқа масалаларда халқаро майдонда ўз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган мустақил сиёсат олиб бориш имкониятига эга бўлиб қолди. Эндиликда Оврупонинг янгитдан туғилиши Оврупоча ўзига хослик, Оврупоча янги динамизм, Оврупо Қўшма Штатларини вужудга келтириш ҳақида гап боряпти.

Оврупо сиёсатини оврупалаштириш ҳаракати натижасида НАТО доирасида ва ундан ташқарида мудофаанинг Оврупоча мезонларини қарор топтириш майли пайдо бўлиб, Вашингтоннинг якка ҳукмронлиги таъсиридан чиқиш тўғрисидаги фикрлар муқимлашиб бормоқда. Оврупoликлар “совуқ уруш” даврида шаклланган иттифоқни кайта кўриб чиқиш масаласини ўртага ташлаб, Россияни хотиржам қилиш йўлини тутишмокда. Бунда Ғарбий Оврупо иттифоқи ролини оширишни мақсадга мувофиқ, деб хисобламоқдалар. ҒОИ доирасида ташқи сиёсат ва ҳарбий сиёсат институтларининг шаклланиши ва ўз функцияларига эга бўлиши айрим давлатларнинг иттифоққа кирган барча давлатларнинг манфаатларига зид алоҳида сиёсат олиб боришига чек қўйди. АҚШдан холи бўлган Ғарбий Оврупо умумий ядро кучларини вужудга келтириш йўлида дастлабки қадамлар қўймокда. Шундай қилиб, Оврупо кексайган, аммо қаримаган, дейиш мумкин.

Жаҳонда АҚШ иқтисоди панжаларига дахл қиладиган янги иқтисодий гигантлар, масалан, Оврупо иқтисодий иттифоқи, Германия, Япония, Хитой ва нихоят Россия каби мамлакатлар ҳам ўз таъсир доиралари ва ўз овозларига эга бўлиб бормоқдалар. Осиё-Тинч океан ҳавзаси тобора катта куч тўпламокда. Бундай шароитда ўрта ва кичик давлатларни ўз томонига оғдириб олиш учун рақобат кучайиши табиий. Демак, ўрта ва кичик давлатлар ва мамлакатларнинг овозига ҳам йирик давлатлар қулоқ солишга мажбур бўладиларки, эндиликда бир, икки қутбли дунё эмас, балки кўп қутбли дунё учун мақбул геосиёсатгина таъсирли бўлиши мумкин.

**Хулоса:** а) «Совуқ уруш» Ғарб мамлакатлари фойдасига ҳал бўлди, аммо АҚШ геосиёсатида жиддий ўзгаришлар сезилмаяпти; б) АҚШ бошлиқ бир қутбли дунёнинг вужудга келиши тўғрисидаги афсоналар ўз

асосига эга эмас; в) янгича жаҳон тартиботлари учун куращ давом этмоқда; г) Оврупо Қўшма Штатларини шакллантириш жараёни кетмокда.

**<u>Калит сўзлар:</u>** ядровий-космик аср, планетар хавф-хатар, америкача турмуш тарзи, ноаниқлик вазияти, Толиблар ҳаракати, Оврупо модели, Оврупо Қўшма Штатлари, ўрта ва кичик давлатлар.

## Такрорлаш учун саволлар:

- “Совуқ уруш”нинг тугаши оқибатлари қандай бўлди?
- Нега “бир қутбли” дунё вужудга келмади?
- “Кариб кризиси” нима ва нега 3-жаҳон уруши бошланмади?
- Кекса Оврупо ҳали қариган эмас, деганда нима тушунилади?
- АҚШ учун душман образи топиш нечун керак?
- 2- жаҳон урушидан сўнг, Оврупо нега тарафкашлик майдонига айланди?
- Оврупо иттифоқи давлатларининг геосиёсати нимага қаратилган?
- Нега ўрта ва кичик давлатларнинг ўз томонига оғдириб олиш учун сиёсий рақобат кетяпти?
- Нега АҚШ геосиёсатида буюкдавлатчилик шовинизми устивор?

## Уруш инсон табиатига зид холат сифатида.

### «Совуқ уруш»дан кейинги мўрт олам.

Ғарбча тафаккур тарзининг маҳсули сифатида кенг тарқалган ва мохият эътибори-ила урушлар муқаррар ижтимоий ходиса деган ғояни гўёки «илмий» жиҳатдан асослашга қаратилган концепциялар илмилийликдан узоқлигини исботлаш ниҳоятда муҳимдир. Урушлар, можаролар, жанжаллар одамзот табиатининг ўзидан келиб чиқади, деб µисоблаш одамни инсонга айлантириш жараёни соҳасида тўпланган тарихий тажрибаларни билмаслик оқибати эканлигини, Ноосфера – Ақл соµаси тантана қиладиган даврлар келиши тўғрисидаги нуқтаи назарларни асослаш давр талабидир.

ХХ асрдаги тарихда мисли кўрилмаган иккита қирғинбарот жаҳон уруши шуни кўрсатдики, бундан буён уруш давлатлараро ва халқаро зиддиятларни ҳал этиш, қуролли кучлар ёрдамида сиёсий мақсадларга эришиш воситаси бўлмай қолди. Урушга тайёргарлик кўрган ва уни ташкил этган асосий кучлар ўз сиёсий мақсадларига эришиш у ёқда турсин, улар халқаро майдонда шармандаю шармисор бўлдилар. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги бошланган «совуқ уруш»да Совет давлати ва унинг асосий иттифоқчилари мағлубиятга учраб, АҚШ бошлиқ µарбий-сиёсий гуруµ ғалаба қозонгандек бўлса µам, аммо аслида дунё янги катта муаммолар қаршисида янада мўрт бўлиб бормоқда.

Гап шундаки, ядровий ракета қуроллари маълум маънода сиёсат ва уруш ўртасидаги анъанавий алоқаларни узиб, «совуқ уруш» даврида у икки тарафкаш гуруҳ давлатларини тийиб туриш воситасига айланди. Бундай даҳшатли оммавий қирғин қуролларнинг пайдо бўлиши ва тўпланиши урушларни олиб бориш тактикаси ва стратегиясини ўзгартириб юборди; яшаб қолиш ва Ер юзини йўқотиб юборишдан эҳтиёт бўлиш инстинктларини кучайтирди. Айни чоғда ядровий қуроллар давлат қудратини намоён этувчи, бошқаларни тийиб турувчи омил бўлиб қолдики, «совуқ уруш»дан кейин қурол-аслаҳа ишлаб чиқариш янада кўпайиб бормоқда.

«Совуқ уруш» давридаги икки қутбли дунёда душман аниқ эди: НАТО блокига кирган давлатлар учун Варшава шартномасидаги давлатлар гурухининг барчаси душман μисобланар, аҳолига ва албатта армияга ғоявий таъсир кўрсатиш осон эди. Кўп қутбли дунёда аниқ-равшан душман қолмади, аммо хавф-хатар янада даμшатлироқ тусга кирмоқда. АҚШ сиёсатшуноси С.Хантингтон XX аср мафкуралар тўқнашуви асри бўлган эса, XXI аср цивилизациялар ёки диний тўқнашувлар асри бўлади, деган фикрни илгари сурмоқда. «Совуқ уруш»дан сўнг, - дейди у, - жаҳонда халқлар ўртасидаги энг мухим тафовут мафкуравий, сиёсий ёки иқтисодий соҳада эмас, балки маданият соҳасига ўтди». Унинг фикрича, асрлар давомида шаклланган тамаддун (цивилизация)ларга хос маданиятлар сиёсий мафкура ва сиёсий режимлардаги тафовутлардан кўра мустаҳкамроқдир. Динлар этник мансубликка нисбатан одамларни кучлироқ ажратиб юборади. Хантингтон цивилизацияларни ҳинд, ислом, япон, православ, хитой ва Ғарбга бўлади μамда Африка ва Лотин Америкаси цивилизациясини ҳам уларга қўшиб қўяди.

Марксизм-ленинизм ва либерализмга ўхшаш универсал мафкуравий системалардаги маънавий қадриятлар ва мезонлар қадрсизланиши натижасида ҳар бир тамаддун қадриятлари улар ўрнини эгаллайди дейишдан мақсад шуки, Ғарб дунёси учун янги душман образини яратиш мамлакатлар ичида ҳам, халқаро майдонда ҳам улар ўз мавқеларини мастаҳкамлаш учун кучли ғоявий асос бўлади. Шу тариқа Ғарб мамлакатларининг сиёсатчилари ва мафкурачилари урушларнинг муқаррарлиги, у одамзот табиатидан келиб чиқиши тўғрисидаги ўз қарашларини кучли мафкуравий воситалар орқали кенг тарқатмоқдалар.

**Одам табиатидаги зўравонлик-нинг тарихий илдизлари.**

Ғарб[1] мамлакатларида урушлар, жанжаллар, можаролар чиқиши одамзотнинг биосоциологик ва психофизиологик хусусиятларидан келиб чиқади, бинобарин, одам ўз биосоциал мохиятини ўзгартириши учун қанчалик урунмасин, барибир, у инсонга айланиб қолмайди, чунки ундай ҳолатда ўзи одамлик хусусиятини

[1] "Ғарб" тушунчасига Оврупо мамлакатларидан ташқари АҚШ ва Канада ҳам киради.

йўқотади, деган фикрлар кенг тарқалган. Чунки, уларнинг фикрича, антропогенез (одамнинг биологик жиҳатдан такомиллашуви) хали давом этмоқда.

Одамнинг келиб чиқиши ва тарихий такомили тўғрисида жиддий тадқиқотлар олиб борган олимларнинг таъкидлашларича, кромоньон типидаги ҳозирги одамлар тана тузилиши ва руҳий оламини белгилайдиган физиологик омилларда лоақал яна 25000 йил жиддий ўзгаришлар содир бўлмайди. Яъни, одамзот ўз ҳайвонлардек турмуш тарзидан аллақачон видолашган.

У ҳолда нега ҳеч бир ҳайвон, масалан, шер, бўри, бургут ва бошқа ваҳший ҳайвонлар ўз турини емайди, уни ялпи қириб ташлашдан ўзини тияди, аммо одамзот минг-минглаб йиллар давомида ўз турига қарши уруш эълон қилиб, фақат бизга маълум бўлган тарихнинг кейинги 4 минг йили ичида бўлиб ўтган урушларда 6 миллиарддан ортиқ одамни, асосан ёш, навқирон йигитларни қириб ташлади? Ҳатто совуқ уруш йилларида (1946-1991й.) ҳам 25-30 миллион одам урушларда ҳалок бўлди. Дарџақиқат, уруш худди ўйин, ашула ва салбий хис-түйғу (стресс)ларни туширишга бўлган иштиёқ каби одамзот учун табиийми? Урушларсиз, можороларсиз одамзот яшай оладими ёки уруш муқаррарми? Бу саволларга жавоб бериш ёки топиш мушкул, аммо одам бундан буён шу Ер деб аталган табиатда бир тур сифатида яшаб қолишни истаса ва тирик табиатнинг ўзини ҳам бутунлай йўқ қилиб юбориш майллари йўлини тўсишга ахд қилса, бундан буён юқоридаги саволларга жавоб қидириб топиши ва албатта ёпирилиб келаётган ҳалокатнинг олдини олиб қолиш учун биргалашиб курашиши, бутун моддий ва маънавий ресурсларни ишга солиб, ўз табиатидаги қусурлардан холи бўлиши, жиддийроқ айтсак, яшаш учун курашда лоақал хайвонлардан ибрат олиши лозим, деб џисоблаймиз.

Гап шундаки, антропогенез жуда тахликали мухитда содир бўлди. Одамнинг дастлабки типлари физиологик жиҳатдан жуда ожиз эди ва улар яшаш учун курашда ўз ихтиёрларида бўлган барча воситалардан, жумладан, оч қолганда ўз тури – одамни ейишга џам мажбур бўлган. Бу, тарихда каннибализм деб аталади. [1] Аждодларимиз ғорлар, дарё соџилларида оила-оила, гала-гала бўлиб яшаган кезларда бошқа галаларга хужум қилиб, уларнинг овчилик масканларини эгаллаб, ўзларини ўлдиришган ёки қул сифатида ишлатишган. Миллион йилларни ўз ичига оладиган бундай шароитда одамзотнинг тафаккур тарзи шундай шаклланиб қолдики, хатто улар жамият бўлиб яшашга ўтгач ҳам бир халқ ёки миллат яхшироқ, фаровонроқ яшаши учун гўёки бошқа мамлакатларни забт этиш, у ердаги одамлардан арзон ишчи кучи сифатида фойдаланиш, ер ости ва ер усти бойликларини арзон гаровга олиш ва бозорларидан ўз товар(мол)ларини сотишда фойдаланиш учун урушлар, можоролар,

[1] Одам гўштини еювчи қабилалар Индонезия оролларида ҳамда айрим жойларда яшайдиган ўз инсоний қиёфасини йўқотган кишилар ҳамон учрайди.

жанжалларни келтириб чиқариш зарурдек туюлади. Яшаш тамойилига айланиб қолган бундай ёндашувлар асло одам табиатидан тўғридан-тўғри келиб чиқмайди, балки у ўзининг узоқ тарихига эга бўлган ижтимоий ходисадир.

Урушларни, айниқса катта урушларни тайёрлаш ва ўтказиш учун жуда улкан моддий ресурслар µамда интеллектуал салоҳиёт керак бўлади. Аммо буларнинг ўзи кифоя қилмайди. Энг муµими, хужумга махкум этилган мамлакат аҳолиси тимсолида даҳшатли душман образи яратиб, армия ва гражданларда анча вақт давомида уларга нисбатан нафрат µисларини ривожлантириш учун мафкура ёрдамида ғоявий таъсир кўрсатиш зарур бўлади.

Руҳшунос ва публицист С.Кин шундай дейди: «Даставвал биз душман образини яратамиз. Образ қурол-аслаҳадан хабардор этади. Биз бошқаларни фикран ўлдирамиз. Шундан кейин жисмоний жиҳатдан ўлдириш учун гурзи ёки баллистик ракеталар ихтиро қиламиз. Технология олдида ташвиқот боради» (Гаджиев К.С. Введение в геополитику. – 394-бет). Бунинг учун албатта қандайдир ғоявий нуқтаи назар ва кучли, таъсирли мафкуравий воситалар зарур. Ғоявий жиҳатдан тайёр бўлган кам сонли армия ғоявий тайёргарлиги етарли бўлмаган кўп сонли ва яхши куролланган армия устидан ҳам ғалаба қозониши мумкинлиги тарихдан маълум.

Айтилганлардан маълум бўладики, урушларсиз замонлар келиши учун аввало сиёсий ва ҳарбий арбоблар ҳамда мафкурачилар тафаккур тарзини ўзгартириш лозим, шундан кейин одамзот табиати ҳам аста-секин ўзгариб боради. Бироқ, бунинг учун анча узоқ йиллар керак бўлади. Чунки тафаккур тарзини ўзгартиришни қуйидан – моддий ва маънавий бойликлар яратувчи ва халқ оммаси деб аталувчи қатламдан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Одамзот ўз тури (гомеостазиси)ни сақлаб қолиш ва инсонлардек муроса билан яшашга ўтиши учун оилада, меҳнат жамоаларида ғоявий таъсир ўтказишни бошлаш лозим бўлади. Чунки 7 ёшгача бола онгига кирган ва мустаҳкам ўрин олган ғояни чиқариб юбориш жуда қийин эканини фан исботлаган.

Инсоният ҳар доим тинчликда, хотиржамликда, муросаю мадора билан яшашни қумсайди, аммо шахсий, гурухий, синфий, миллий манфаатларни т΄ғри англамаслик, уларни умуминсоний манфаатларга б΄йсундириб яшаш малакасига эга эмаслик, к΄пинча ΄заро жанжаллар, можоролар, урушларни келтириб чиқаради. Бошқача айтганда, одамзот тинчликни ҳар доим ҳам фаровонлик омили, деб ҳисобламайди. Баъзилар бошқалар устидан ҳукмронлик қилишни (масалан, шерлар барча бошқа турдаги жониворлар устидан хукмронлик қилгани каби), яна бир гурухлари харбий шон-шухратни қумсаб, бошқалари эса тиз ч΄киб яшагандан к΄ра тик туриб ўлишни афзал билганликлари учун урушадилар. Барча асрларда урушларни мадх этиш, одамларни урушга ғоявий жиҳатдан тайёрлаш, уни

романтикага айлантириб қаҳрамонлик, жасоратлилик номунаси этиб к´рсатиш расм б´лган. Чунки ҳайвонлар ´з турларини авайлаб-асраш, эҳтиёт қилиш ўз гомеостазисини сақлаб қолишнинг биринчи ва асосий шарти эканини инстинктив тарзда англасалар, одамзот ´з турини эмас, балки ´з элати, миллати доирасида гомеостазисини сақлаб қолишга интилади. Мантиқсизлик шундаки, илмий-техника инқилоби шитоб кетаётган, глобаллашув жараёни бораётган бир даврда ҳам одамзот ўз турини эъзозлаш, одам учун одам энг олий қадрият эканини англаб етмаяпти. Чунки одамзот жамият бўлиб яшашга ўтгач, одоб-ахлоқ нормалари, қонун-қоидалар асосида феъл-атвор, хатти-ҳаракат, фаолият к´рсатишга ´тиб, ҳайвоний инстинктларининг к´пидан маҳрум б´либ қолди. Аммо унинг жамиятлашган одам – инсон б´либ инсонлардек яшашга ´тиши ниҳоятда қийин кечяпти.

Одамзот, унинг мутафаккирлари, сиёсатчилари демократик тартибларга ўтиб яшаш, эхтимол, урушларнинг олдини олиб қолар, деган умидда эдилар. Бироқ собиқ Совет Иттифоқи, Югославия, Африкадаги ходисалар бир системадан бошқасига ўтиш ниҳоятда азобли холат эканини кўрсатди. Авторитар ва тоталитар тузумларни йўқотиш ва демократик изга тушиш жамоалар ва этник гуруҳлар ўртасида қонли можороларни келтириб чиқарди. Франция, Германия, Италия, Испания, Полъша ва демократия таянчлари бўлган бошқа мамлакатларда этник можоролар ва миллатчилик туғилиши миллий давлатлар ҳам ўз фуқароларига тинч яшаш, ҳаётлари ва мулкларини сақлаш учун ишончли кафолат бўла олмаётганликларини кўрсатади. Ҳатто айрим давлатлар демократияни қарор топтириш шиорлари остида қонли урушлар чиқармоқдаларки, бундан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

**Ижтимоий мавжудот сифатида инсоннинг асл мохияти.**

Ижтимоий мавжудот сифатида инсон табиатан эзгулик ошуфтаси, бунёдкор бир қудрат. Моддий ва маънавий бойликлар яратувчи, яъни тарих ижодкори бўлган халқ оммаси тинч-тотув яшашдан астойдил манфаатдордир. Зеро, тинчлик шароитидагина улар унумли меҳнат қилиб, ўз оилаларини боқиш, фаровон яшашларини таъминлаш имкониятига эга бўладилар. Барча мамлакатлар халқларининг донишманд (файласуф)лари ҳар доим тинчликни қадрлаб, одамларни муросаю мадора билан яшашга даъват этиб келишларининг негизида мехнат ахлининг туб манфаатлари ётади. Ҳар қандай одам, хатто қотил ва жанжалкаш индивиднинг ҳам қалб т´рида қандайдир эзгуликка мойиллик ётади. Ана шу хис - туйғуни к´зғатиш, уйғотиш қийин, аммо мумкин. Динлар, хусусан жаҳон динлари тарихий тажрибалари шундан далолат беради. Диний арбоблар, рухонийлар, диний ташкилотлар одамлар онгини муайян мақсадлар й´лида бошқара оладилар. Диний ақидалар, панд-насиҳатлар кучли, ниҳоятда таъсирли мафкура ёрдамида

одамлар онгидан жой олиб, уларнинг қаҳр-ғазабга т´лган қалбларини юмшата олади, шундан кейин уларнинг хатти-ҳаракатларида ўз-ўзидан инсоний сифатлар намоён б´ла бошлайди. Кўп одамларни ўлдирган, ёвузликни касб қилиб олган баттол одамларга диний мафкура орқали таъсир этиб, уларни инсоф-диёнат й´лига киритиш мумкин бўлганлиги маълум. Ана шу сабабдан диндорлик одам табиатидан келиб чиқади деб, у ижтимоий ҳодиса эканини инкор этувчилар ҳам бор. Шу нуқтаи назардан туриб ҳозирги муаммоларни диний йўллар билан ҳал этиш мумкин, деган фикрларга қўшилувчилар кўпайиб бормоқда. Кўзга кўринган олимлар ҳам шу фикрларга қўшилиб, хатто қандайдир янги дин яратиш зарурати борлигини исботламоқчи бўладилар. Тўғри, диний йўл билан одамларга руҳий таъсир кўрсатиб, улардаги тажаввузкорлик, зўравонлик, агрессивлик, мол-мулкка осонликча эгадор бўлишга интилишларига маълум даражада чек қўйиш мумкин. Бироқ, одамзот ўз хулосаларида адашиб қолмаслиги учун тарихий хотирага эга бўлиши лозим. Тарихдан шу нарса маълумки, динлар давлат дини мақомига эга бўлган даврларда ҳам ҳеч бир мамлакатда узоқ муддатли тинчлик бўлмаган. Чунки ҳар бир дин ва диний мазхабга ихлос қўйган одамлар учун ўзга диндагилар душман сифатида намоён б´лади. Бу одам табиатидан эмас, балки ҳар бир жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий муносабатлардан келиб чиқади. Бир йўналишдаги диний эътиқод барқарор бўлиши учун бошқа динлар ёмонотлиққа чиқарилиши, уларга ишонган, яъни имон келтирганларга ғайридин, кофир деган тавқиланат илиб қўйилиши шарт. Тарихда диний негизда жуда кўп низолар, қонли урушлар келиб чиққани фактларидан кўз юмуш хатодир.

Одам қалбини инсонийлаштириш, унинг руҳини поклаб, бутун фаолиятини бунёдкорлик, яратувчилик томонга буриб юборишда динларнинг имкониятидан фойдаланиш албатта керак. Аммо технологик инқилоб кетаётган ва одамзот эндиликда тор этник, миллий ёки диний қобиқда фаолият к´рсатишга интилиши унинг тақдири учун завол б´лиши мумкинлигини англаб етаверади. Шу туфайлидан диний омиллар билан бирга маданий-маърифий омилларни ҳам жиддий эътиборга олиб, одамзот рухини поклаш учун барча имкониятлардан фойдаланиш ҳозирги замон талаби б´либ тургани ҳар бир киши онгидан жой олиши учун мафкурани янги изга солиб юбориш, миллий мафкураларда умумбашарий ғояларга кенг ´рин борилиши мақсадга мувофиқдир.

## Ақлни оқилона юмушларга буриб юбориш муаммоси.

Урушдан ва қонли можоролардан холи дунё энг ақлли-заковатли кишиларнинг идеали бўлиб келган. Бунга эришиш йўлларини қидириб, турли ғояларни илгари сурган мутафаккирлар деярли барча мамлакатларда бўлган ва ҳозир ҳам кўп учрайди. Чунки бундай донишманд одамлар уруш, жанжаллар одам

табиатидан эмас, балки ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий муносабатларнинг такомиллашмаганидан қидирадилар. Бобоколонимиз Зардушт одамзот қалбида икки руҳ – эзгулик ва ёвузлик руҳи мавжуд б΄либ, Ахурамазда (худо) одамларга эзгу амаллар йўлини к΄рсатса, ёвузликни ташувчи Дев (Ахримон, яъни шайтон) одамларни ёмон амалларга бошлаб, уларнинг руҳини қашшоқлаштиради, деб хисоблаган эди. Шу иккисидан бирини танлаб олиш одамзот ихтиёрида б΄либ, Комил Ақл эгалари (Аъло одам) ёвузликка қарши беомон курашларда эзгулик тимсолига айланиши мумкинлигига Зардушт Сепитамо эътиборни қаратган эди. Одамзот қалбида ёвузликка нисбатан эзгуликка интилиш майли (тенденцияси) устуворлигига қаттиқ ишонган Зардушт қачонлардир дунё миқёсида эзгулик қарор топиб, одамлар ўзаро тинч, фаровон яшаш имкониятига эга бўлишларини башорат қилган эди. У зоти боборокатнинг бу башоратлари тўғрилигини Лотин Америкаси кинорежиссёрлари исботлаш учун сериаллар яратиб, ёвузликка қарши мислсиз курашда эзгулик кучлари ғолиб келиши муқаррарлигига одамларда ишонч ва умид хисларини ривожлантиришга ҳаракат қилмоқдалар.
Абу Наср Форобий – фозил ва жоҳил одамлар шаҳри мисолида фозиллар кўп бўлган жойда жоҳилларга ўрин қолмаслигини уқдирган ҳамда фозил одамлар шаҳри хокимининг 12 та фазилатига эътиборни қаратган эди. Алишер Навоий урушларсиз мамлакатни Адолатли подишохлар тимсолида к΄риб, бундай идеал шох образини яратишга ҳаракат қилганди. Немис файласуфи И.Кант «Абадий тинчлик» (1795й.) лойиҳасида бошқаришнинг республика шакли тинчлик даврини бошлаб беришига ишонган эди. АҚШ президенти В.Вильсон 1-жаҳон уруши охирида демократия учун дунёни сақлаш лозимлигини айтган эди.
Т΄ғри, одамлар билан одамлар, халқлар билан халқлар, миллатлар бирлашмалари билан миллатлар бирлашмалари ΄ртасидаги муносабатларда кўпинча ёвузлик ва хасадгўйлик ΄зини ёрқин намоён этгани сабабли, тадқиқотчилар соғлом кучларнинг охир-оқибатда ёвузлик кучлари устидан ғалаба қозонишларига шубҳа билан қарайдилар. Чунки эзгулик, яхшилик инсон онгида, хис-туйғуларида ёвузлик каби таъсирчан из қолдирмайди. Шунинг учун ҳам кундалик ҳаётда ёмон феъл-атворли, ёвузликка мойил одамларга нисбатан халол-пок, сахий, мурувватпеша одамлар к΄плигини сезмай қоламиз. Аслида дунёйимиз шу кунга қадар турган, турмуш қулайликлари йилдан-йилга кўпайиб бораётган экан, демак, оламимиз устуни ишончли қўлларда дейишга асосимиз бор. Лекин бундай хулоса ҳеч кимни хотиржам этмаслиги лозим.
Ноосфера даври илгариги даврлардан шу билан тубдан фарқ қиладики, эндиликда нафақат жамият, балки Она-табиат ҳам қайси йўналишда ривожланиши кўп жиҳатдан Ақл сохиби инсон ва унинг фаолиятига боғлиқ бўлиб қолгани факт. Янги технологиялардан ёвуз ниятлилар ҳам, эзгу ниятлилар ҳам, тоталитаризм тарафдорлари хам, демократия

тарафдорлари ҳам, уюшган жиноятчилар хам, уларга қарши курашаётганлар ҳам бирдек фойдаланишлари мумкин. Мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги зиддиятлар ўз вақтида бартараф этилмаса, улар ўз қарама-қарши томонига оғиб кетиши эҳтимолдан ҳоли эмас.
Анъанавий турмуш тарзининг издан чиқиши ва янги даврга монанд турмуш тарзи шаклланишининг қийин кечаётгани маънавиятнинг қашшоқланиши ва баъзи одамлар руҳида ёвузликка мойиллик кучайишига, агрессивлик, зўравонлик уларнинг турмуш кечириш тарзига айланиб боришига сабаб бўлмоқда. Бугина эмас, Канада тадқиқотчиси Т. Гомер-Диксоннинг фикрича, қишлоқ х´жалигига яроқли ерлар, ўрмонлар, сув ва балиқчилик хавзалари яроқсиз холга келиши иқлимнинг ўзгариши ва азон тешикларининг пайдо бўлишига нисбатан ҳам олдиндан айтиш қийин бўлган ўзгаришларга олиб келади. Табиий ресурсларнинг қашшоқлашиши фан ва технология ривожи хал қила олмайдиган жуда кўп муаммоларни келтириб чиқаради. Аҳолининг тинимсиз ўсиб бориши, қачоқлар ва ишсизларнинг оммавий кўчиб юриши турли этник, диний, минтақавий ва бошқа можороларни келтириб чиқармоқда.
Эндиги оламда географик ва худудий омиллар умуман ўз аҳамиятини йўқотдики, геосиёсатни белгилайдиган арбоблар бу янги холатни эътиборга олишлари зарур бўлиб турибди. Ҳар бир оила, маҳалла, туман, шаҳар, вилоят ва мамлакатда одамлар тинч-тотув, муросаю мадора билан яшаш малакасини ўзларида ҳосил этишлари учун давлат ва жамият томонидан жуда кўп маданий-маърифий тадбирлар ўтказишларига тўғри келади. Миллий мафкуранинг бутун йўналиши инсонлар қалбидаги эзгулик, бунёдкорлик хис-туйғуларини ривожлантиришга, ёвузликнинг ҳар қандай к´ринишига қарши курашга қаратилиши лозим. Бунинг учун жуда катта моддий ресурслар керак б´лади. Шунинг учун ҳам дунё миқёсида қуролланиш пойгасини амалда тўхтатиш, жаҳон миқёсида ҳар бир давлат ҳарбий соҳа учун сарфлаётган йиллик ҳаражатларини дастлабки қадам сифатида 10 фоизга қисқартириб, у маблағни маданий-маърифий тадбирларга сарфланиши мақсадга мувофиқ б´ларди. Умуман, ҳар бир мамлакатда ва бутун дунёда Ақлни оқилона ишларга – бунёдкорлик, яратувчиликка буриб юбориш учун жуда катта-катта ишлар, тадбирлар ўтказишга тўғри келади. Шу мўрт оламимизни сақлаб қолиш учун ҳар бир одам, аввало давлат ва жамиятни бошқариш соҳасида ишлаётганлар қўлларидан келган ва ўзларига боғлиқ бўлган барча ишларни қилишни ҳаёт маънолари, деб билсалар олашимиз бунданда-да обод ва бундан-да гўзал бўлади.

**Хулоса:** а) «совуқ уруш» тугагач, оламимиз хавф-хатардан холи бўлмади; б) одам табиатидаги зўравонлик, тошбағирлик унинг биологик моҳиятидан эмас, балки тарихан шаклланган тафаккур тарзидан келиб чиқади; в) ижтимоий мавжудот сифатида инсонда ёвузликка нисбатан эзгуликка мойиллик устивордир; г) бугунги мўрт оламимизни муқаррар

ҳалокатдан сақлаб қолиш учун Ақл ва унинг ҳосиласи – техника ва технология муваффақиятларидан оқилона ишлар учун фойдаланиш хаётий зарурат бўлиб турибди.

**Калит кўзлар:** ядровий ракета қуроллари, тийиб туриш, тактика, стратегия, инстинкт, универсал мафкуравий системалар, биосоциал, психофизиологик, антропогенез, стресс, тахликали муҳит, одам табиати, интеллектуал (ақлий) салоҳиёт, демократик тартиблар, таъсирли мафкура, ҳасадгўйлик, янги технология, маданий-маърифий тадбирлар.

### Такрорлаш учун саволлар.

- Оламимиз “Совуқ уруш” тугагач нега янада мўрт бўлиб қолди?
- XXI аср маданиятлар ёки диний тўқнашувлар асри бўладими?
- Урушлар одамзотнинг биосоциал моҳиятидан келиб чиқадими?
- Нега одамзот ўз гомеостазиси (тури)ни лоақал ҳайвонлардек қадрламайди?
- Одам – одам учун Олий қадрият деган руҳни сингдириш учун нима қилиш керак?
- Одамзотнинг тафаккур тарзида урушларга, жанжалларга мойиллик руҳи ривожланиши нимага боғлиқ?
- Ҳозирги дунёмизда душман образи яратишнинг қандай йўллари, усуллари, воситалари бор?
- Урушларсиз замонлар келиши мумкинми?
- Нега диний йўл билан тинчликни барқарор этиш мумкин эмас?
- Ақл- заковатли кишилар нимани орзу қилганлар?

## Жаҳон сиёсат майдонида Марказий Осиё.

### Миллий мустақиллик ва минтақавий хавфсизлик масаласи.

Марказий Осиё давлатлари Оврупо ва Осиё мамлакатлари оралиғида жойлашган бўлиб, халқаро майдонларда жуда кўп давлатлар, айниқса йирик давлатлар бу минтақага алоҳида аҳамият билан гиосиёсат белгилайдилар. Ўз мустақиллигини қўлга киритган минтақа давлатлари уларнинг олиб бораётган сиёсатларини ҳисобга олиб ва албатта мустақилликларини мустаҳкамлаш мақсадларидан келиб чиқиб, геосиёсат белгилашлари табиий ҳолдир.

Маълум бўлдики, одамзот ўз гомоэстазисини сақлаб қолиш учун бирлашади ва шу жараёнда яшаш учун кураш олиб бориб, фаровонлик ва хавф-хатарсиз яшашга интилиб келади.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, жаҳонда 8 мингта тил ва ундан ҳам кўпроқ лисоний лаҳжалар бор. Хатто 200-300 кишидан иборат этнослар ҳам борки, уларнинг тили, тарихан таркиб топган маданияти, урф-

одатларининг йўқотилишига умумбашарий маънавий махрумлик сифатида ёндашиш лозим.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳар бир этнос, ҳалқ, миллатнинг мустақиллиги бу умуминсоний маънавий маданиятни сақлаб қолиш, шу билан бирга тенглар ичида тенг яшашга табиий эҳтиёж сифатида қаралмоғи лозим. Ноосфера даврида миллий муносабатларга мана шундай ёндашув жаҳон ҳамжамиятининг барқарор ривожланиши учун кафолат бўлиши мумкин.

Марказий Осиё ҳалқлари 1991 йилда мустақилликка эришдилар. Аммо бунгача ўлкада миллий мустақиллик учун жуда жиддий курашлар, қуролли қаршилик кўрсатишлар бўлгани, ватанпарвар, миллатпарварларнинг қутлуғ қонлари дарё бўлиб оққанига тарих шоҳид. Шу нуқтаи назардан қараганда, мустақиллик Марказий Осиё халқлари учун жуда қимматга тушган, бинобарин, уни сақлаб қолиш, минтақада барқарор тинчлик ва хавфсизлик учун курашга хисса қўшиш ҳар бир гражданнинг муқаддас бурчидир.

Маълумки, СССР қулагач, Марказий Осиёда ўзига хос геосиёсий бўшлиқ пайдо бўлди. Ана шу пайтларда АҚШ, Россия, Оврупо давлатларининг бу минтақага нисбатан аниқ сиёсий доктринаси йўқ эди. Натижада бу минтақада Туркия, Эрон, Хитой каби давлатларнинг таъсири кучайиб борди. Араб-мусулмон оламидаги расмий ва норасмий ташкилотларнинг ғоявий таъсир ўтказиш йўлидаги сайи-ҳаракатлари ҳам беиз қолмаётган эди. Айниқса XX аср 80-йилларининг ўрталаридан мусулмончиликни тарғиб қилувчи рағбатчилар ислом ақидапарастлиги ғояларини авом халқ орасида кенг ёйишга киришдилар.Улар Тожикистонда маълум даражада ўз мақсадларига эришиб, у ерда Ислом давлатини ўрнатиш сиёсий ҳаракатини вужудга келтириш учун фуқаролар урушини бошлаш имкониятига эга бўлдилар. Халқаро хавфсизликнинг қатъий структураси шаклланмаганлиги сабабли, минтақада Совет даврида етилиб қолган зиддиятлар ўзининг қарама-қарши томонига оғиб қетиш учун шу тариқа шароит вужудга кела бошлади. Фарғона ва Ўшдаги хунрезликлар шундан далолат берарди. Чунки большевиклар бу ўлка халқлари орасига рахна солиш осон бўлиши учун тарихан оға-инилардек яшашга интилиб келган халқларни сунъий равишда бешта қўғирчоқ давлатга бўлиб юборишга муваффақ бўлгандилар.

Бу эса худудий можороларнинг чиқаришни осонлаштириб қўйган эди. Шундай қилиб миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш долзарб масала бўлиб қолди.

**Марказий Осиё минтақаси ва йирик давлатлар геосиёсати.**

Умуман, ҳорижий давлатлар, айниқса йирик давлатлар Марказий Осиёда “орани бузу, хукмроклик қил” тамойилига асосланиб геосиёсат олиб боришлари,

муваффақият қозонишлари учун қулай шароит мавжуд эди. Айниқса қўшни Афғонистондаги воқеалар тобора тахликали тус олаётган эди. Чет элдан жуда катта молиявий ёрдам олиб турган ҳамда гиёҳвандлик савдосидан бехисоб фойда олаётган Толибонлар ҳаракати кучайиб бормоқда эди. Ўрта асрчилик тартиботларини ўрнатишга қаратилган Толиблар ҳаракати қўлига хокимият ўткудек бўлса, Марказий Осиё доимий таҳлика остида қолиши аниқ эди. Унинг устига Марказий Осиё чегараларининг ҳимояси мўртлиги туфайли гиёҳвандлик ва бошқа яширин савдолар кучайди. ВИЧ инфекциясининг ёйилиши реал хавф туғдириб, у Россия ва Ғарбий Оврупо мамлакатларига ҳам тарқала бошлади.

Минтақанинг ер ости ва ер усти бойликлари кўплиги, арзон хом ашё ва ишчи кучига ҳамда катта ички бозорга эгалиги албатта барча давлатлар, айниқса йирик давлатларни қизиқтирмай иложи йўқ. Натижада бу ерда Россия йўқота бошлаган ўз таъсирини тиклаш учун фаол геосиёсат юргиза бошлади. 2001 йилда АҚШда содир этилган йирик террорчиликдан сўнг, Американинг бу минтақага эътибори янада кучайди. Умуман олганда Марказий Осиё (бу тушунчага эндиликда Афғонистон ҳам киритилмоқда) АҚШ, Россия, Япония, Хитой, шунингдек Оврупо Иттифоқи давлатлари геосиёсатида алоҳида ўринга эга бўлиб қолди.

Марказий Осиё геостратегик жиҳатдан икки йирик қитъа – Оврупо ва Осиё ўртасига жойлашгани геостратегик жиҳатдан алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам турли давлатларнинг манфаатлари бу ерда ўзаро чатишиб кетади. Масалан, Каспий денгизи ва унинг атрофидаги нефть заҳираларининг кўплиги давлатларни қизиқтирмай иложи йўқ. Нисбатан арзон нефть ва газ ишлаб чиқариш учун транспортировка қилиш ишларида қатнашиб катта фойда олиш имкониятлари бор. Айниқса, нефть қазиб олиб четга чиқариш бўйича Қозоғистон салмоқли ўринга эга. Шунинг учун ҳам АҚШ билан Қозоғистон ўртасида энергетик ҳамкорлик бўйича икки томонлама комиссия тузилди. Туркманистон ўз табиий газини экспорт қилиш бўйича Россия билан 25 йиллик шартномага имзо чекди.

Кейинги йилларда Хитой, Япония ва Корея республикаси манфаатлари Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни кучайтиришни тақоза этди. Халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш эҳтиёжлари Марказий Осиё давлатлари билан Хитой ва Россия ўртасида ҳамкорликни кучайтириб, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тузилишига олиб келди. Иқтисодий алоқаларни кенгайтириш манфаатлари Евроосиё иттифоқини шакллантирдики, ҳозир унга Россия, Белорусия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, сўнг Ўзбекистон ҳам кирган бу ташкилотнинг келажаги борлигидан дарак беради. Делавэр университети профессори Сергей Лопатниковнинг фикрича, Россияни Марказий Осиёдан сиқиб чиқариш сиёсати Вашингтон йўл қўйган жиддий хато бўлди. Натижада

минтақа республикаларининг Россия федерацияси атрофига бирлашиш майли кучайди.

**Марказий Осиё давлатлари геосиёсатининг асосий йўналишлари.** Ҳозирги замонда глобаллашув жараёни Марказий Осиёдаги ижтимоий-маданий, ахборот-мафкуравий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини қамраб олмоқда. Бу майл, бир томондан, барча Марказий Осиё мамлакатлари учун ҳар томонлама ривожланиш имкониятини туғдирса, иккинчи томондан, уларнинг ҳавфсизлигига муайян даражада путур етказиши ҳам мумкин.

Марказий Осиёнинг маданий-тамаддуний ҳусусияти унинг географик жойлашуви билан қўшилиб, Евразия майдонида унинг алоҳида геосиёсий мақомга эга қилади. Зеро, бу минтақа атрофида ядро қуролига эга 4 та давлат (Россия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон) бор ҳамда жаҳоннинг кучли марказлари манфаатлари чатишиб кетган. Марказий Осиё ўз моҳияти жиҳатидан ҳар доим геосиёсий аҳамият касб этиб келган, аммо ҳозирги ҳалқаро муносабатлар тизимида уларнинг роли ва мавқеи янада ошиб бормоқда. Ҳусусан 2001 йил 11 сентябр воқеаларидан кейин Марказий Осиё жаҳон ҳамжамияти эътиборининг марказида туриб қолди. Бу ялпи умумий хавф-хатар ҳалқаро майдондаги кучларни бирлаштириши керак эди, аммо вақт ўтган сайин йирик давлатлар геосиёсатида эскича турғун фикрлар қарор топиб, минтақа вазиятига ўз салбий таъсирини ўтказа бошлади. Бу ҳол Марказий Осиёдаги мустақил давлатлар геосиёсати минтақа ҳалқлари бирлиги, ҳамкорлиги учун курашга биринчи даражали аҳамият беришни тақоза этмоқда. Туронзамин тош битикларида келажак авлодга қарата ёзилган фалсафий фикрлар бугунги воқелик учун янада долзарб бўлиб бормоқда. Яъни, ўша тарихий битикларда, ушбу маскан элатлари бирлашсалар, улар қудратли бўладилар ва бошқаларга қул бўлмайдилар, акс ҳолда, яъни ғоявий парокандалик шароитида ғанимларга тиз чўкиш, уларнинг хизматкорларига айланадилар, дейилгани маълум.

Йирик давлатларнинг бу жойдаги манфаатлари уйғунлашуви ҳам тарафкашликни кучайтириб юбориши мумкин. Мабодо уларнинг геосиёсатида эскича андозалар устуворлик қилиб қолгудай бўлса, минтақадаги барча халқларнинг миллий мустақиллиги хавф остида қолиб, бошқа давлатлар таъсири бўйича парчаланиб кетиши ва давлатлар ўртасидаги “қалқон зона”лар вужудга келиши ҳам мумкин. Демак, Марказий Осиё давлатлари ўз геосиёсатларида бу ҳолатни эътибордан соқит қилишга асло ҳақлари йўқ. Уларнинг бариси тарих олдида, келажак авлодлар тақдири олдида катта масъулиятли эканликларини доимо ёдда тутишлари зарур. Тўғри, йирик давлатлар геосиёсати, яъни воқеликка мувофиқ шаклланиши учун БМТ, НАТО, ОБСЕ, ШОС, ОДКБ, ЕврАзЭС, ЕЭП каби ҳалқаро ва минтақавий ташкилотлар ўз таъсирларини

кўрсатишлари мумкин. Аммо ушбу институал механизмлар фаолиятини таҳлил этиш шундан далолат бериб турибдики, уларнинг баъзилари йирик давлатларнинг тарафкашлик сиёсатини ўтказиш қуролига айланиб қолмоқдалар. Бу хол минтақавий ҳамкорлик ишларини қийинлаштириб қўйиши аниқ.

Шундай қилиб, Марказий Осиё мустақил давлатлари ҳар қандай шакл-шамойилдаги ихтилофларни бир чеккага қўйиб, яна йирик давлатлар сиёсий ўйинларининг югурдагига айланиб қолмасликлари учун кучларини бирлаштиришлари тарихий зарурат бўлиб турибди. Марказий Осиё мамлакатлари стратегиясида қуйидаги йўналиш мавжуд; а) мустақилликни иқтисодий, ижтимоий, маънавий жиҳатдан бутун чоралар билан мустаҳкамлаш; б) минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш; в) бозор муносабатлари ва демократикислоҳатларни изчиллик билан амалга ошириш; г) минтақавий ҳамкорликка биринчи даражали аҳамият бериш.

Шуни таъкидлаш ўринлики, минтақада ҳозиргидек чегаралар тарихда бўлмаган. Туркистон учта давлатга бўлиниб кетган даврларда ҳам иқтисодий, савдо-сотиқ ва маъданий алоқалар учун чегаралар деярли очиқ бўлган. Бироқ ҳозирги вақтда минтақа давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик, ҳамжихатликка маълум даражада путур етгани сабабли, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш имконияти чекланиб қоляпти, экологик вазиятга путур етяпти, худудий ва чегаравий муаммолар пайдо бўлиб, натижада демократик жараёнлар ривожи йўлида суньий тўсиқлар пайдо бўляпти. Тадқиқотчиларнинг фикрича, демократия концепцияси ўрнига минтақавий бирлаштирувчилик демократияга қаратилган геосиёсат юргизиш маъқул кўриняпти. Бу йўлга дастлабки қадамлар қўйиляптики, истиқболда ушбу одимлар изчиллиги таъминланишига умид боғлаш мумкин.

## Мустақил Ўзбекистон давлатининг геосиёсати.

Фалсафа фани нуқтаи назаридан оламдаги барча нарса, ҳодиса, жараёнлар ўзаро алоқада, бир-бирига таъсир ўтказишда, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишни бошидан кечириб туради. Дунёда бир нуқтада қотиб қоладиган, ўзгармас нарсалар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Шундай нуқтаи назардан келиб чиқсак, давлатларнинг геосиёсати ҳам воқеликдаги ўзгаришларга мутаносиб тарзда ўзгариб боради. Муайян давлатнинг ташқи сиёсий йўналиши аввало ўз мамлакати олдига қўйган ижтимоий, иқтисодий, маданий-марифий мақсадлар билан белгиланади. Яъни ташқи сиёсий ва геостратегик мақсадлар мамлакат аҳолисининг тинчлик ва хавфсизлик шароитида бунёдкорлик ишлари билан шуғулланиши учун қулай шарт-шароит яратиши керак.

Ислом Каримов бошчилик қилаетган мустақил Ўзбекистон давлатининг геосиёсати жаҳондаги ҳамма давлатлар билан тенг хуқуқли асосдаги барча турдаги алоқалар ўрнатиш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни

ривожлантиришга қаратилгандир. У геосиёсат истиқболда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнига эга бўлиши, тенглар ичида тенг ва эркин фаолият кўрсатиши, истиқболда порлоқ инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга қаратилгандир. Шундан келиб чиқиб, Ислом Каримов Ўзбекистон давлати  ташқи сиёсати тамойилларини қуйидагича изоҳлайди.

Биринчидан, ўзининг миллий давлат манфаатлари устун бўлгани ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама хисобга олиш. Бизнинг мустақил давлатимиз бирон-бир буюк давлатнинг таъсир доирасига тушиб қолиш ниятида эмас. Ўзбекистон яна кимгадир бўйсуниш учун мустақил бўлгани йўқ.

Иккинчидан, республика одамлар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда умумбашарий қадриятларни устун қўйиб, халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун, можороларни тинч йўл билан ҳал этиш учун ҳаракат қилади. Ўзбекистон ядросиз ҳудуд бўлиб қолади, тажаввузкор ҳарбий  блоклар ва уюшмаларга кирмайди.

Учинчидан, республиканинг ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари асосида қурилади. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида, бугун ташқи сиёсатда ҳам бизнинг шиоримиз – тенглар орасида тенг бўлиш, “катта оға”нинг қош-қовоғига қараб иш тутишдан узил-кесил ва абадул-абад халос бўлишдир.

Тўртинчидан, мафкуравий қарашлардан қатъий назар, ташқи сиёсатда очиқ-ойдинлик тамойилини рўёбга чиқаришга ва барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқаларни ўрнатишга интилади.

Бешинчидан, Ўзининг миллий-ҳуқуқий тизимини вужудга келтираётган ёш мустақил Ўзбекистон ички миллий қонунларидан халқаро нормаларнинг устуворлигини тан олади. Бизнинг мустақил давлатимиз ўз қиёфасини йўқотмай, жаҳон ҳамжамиятига кирар экан, ҳалқаро талабларга риоя қилишга тайёрдир.

Олтинчидан, Ўзбекистон тўла ишонч тамойиллари асосида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама  ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш учун, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш учун ҳаракат қилади.

Ана шу тамойилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон давлати МДҲ таркибига кирган давлатлар, Марказий Осиё ҳамда Осиё ва Тинч океани  минтақаси давлатлари, Араб давлатлари, Жанубий-Осиё давлатлари, Ғарбий, Марказий ва Шарқий Оврупо давлатлари, Россия, АҚШ давлатлари билан ҳамда халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатдорлик асосидаги алоқаларни ривожлантиришга интилмоқда. Айниқса Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни сақлаб қолиш, Тожикистон ва Афғонистондаги фуқаролар урушига барҳам бериш учун фаол сиёсат

юргизди. Халқаро терроризм, диний экстремизм ва наркобизнесга қарши курашнинг олдинги сафларида бормоқда.

**Хулоса:** а) Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлаш бу ўлкадаги барча давлатлар миллий мустақиллиги учун кафолатдир; б) йирик давлатлар мафкуравий йўллар билан Марказий Осиё давлатларини ўз таъсирларига олишдан манфаатдордир; в) Марказий Осиё давлатлари геосиёсатида мустақилликни мустаҳкамлаш, минтақавий барқарорликка эришиш, демократик ислоҳотларни амалга ошириш, минтақавий ҳамкорликка биринчи даражали аҳамият бериш устивор йўналиш бўлиши лозим; г) Ўзбекистон давлати олти тамойилга асосланиб, ўз геосиёсатини амалга оширмоқда.

**Калит сўзлар:** Марказий Осиё минтақаси, этнос, ислом ақидапарастлиги, фуқаролар уруши, ВИЧ инфекцияси, гиёҳвандлик, геостратегия, Евроосиё иттифоқи, сув ресурслари, минтақавий бирлашиш, институал механизмлар, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, “қалқон зона”, Ўзбекистон давлатининг геосиёсати.

### Такрорлаш учун саволлар.

- Марказий Осиё қандай минтақада жойлашган?
- Ҳар бир этнос маданиятига қандай муносабатда бўлиш маъкул?
- СССР қулагач, Марказий Осиёда нега геосиёсий бўшлиқ пайдо бўлди?
- “Орани бузу-ҳукмронлик қил” тамойили нимани англатади?
- Нега йирик давлатлар Марказий Осиё минтақасига қизиқиб қарайдилар?
- Ҳалқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши самарали кураш олиб бориш нимани тақоза этмоқда?
- Жаҳонда кетаётган глобаллашув жараёнининг Марказий Осиёга қандай таъсири бор?
- “Тош битиклари” нимани эслатади?
- Ўзбексистон давлатининг геосиёсати қандай асосларга эга?

# III бўлим. Мафкура

## Мафкура фалсафий йўналишдаги фан сифатида.

### Фалсафа билан табиий фанлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва таъсир.

Фалсафа ҳар бир жамиятдаги донишманд, доно одамларнинг фикрлари, ғоялари, ижтимоий-сиёсий қарашлари ва муайян дунёқарашлари сифатида тарихан ижтимоий ҳаётнинг илк даврларидаёқ пайдо бўлган нодир ходиса (феномендир). Мафкуравий ҳаёт туфайли одамлар жамият бўлиб яшаш, муайян манфаатлар доирасида умумий мақсадларни руёбга чиқариш учун бирлашиб меҳнат қилиш ва курашиш имкониятига эга бўлганлар, шу жараёнда улардаги ҳайвоний инстинктларнинг кўпчилиги ўрнини одоб-ахлоқ нормалари эгаллаб, ижтимоий ҳаётга мослашиш (адаптация) имконияти кенгайиб борди. Ижтимоий ҳаёт талаблари тақозаси фалсафий фикрлар ривожланиб, фаннинг қатор йўналишлари пайдо бўлди ва такомиллашди. Айни пайтда муайян дунёқараш ва ижтимоий-сиёсий қарашларни одамлар онгига сингдириш, уларни имон-эътиқодга ҳамда этносларнинг маслагига айлантириш воситаси сифатида мафкура шаклланди. Одамларнинг жамоа ва жамият бўлиб яшашлари учун муайян дунёқараш билан ўзвий боғлиқ ҳолда маънавият қарор топиши, муайян маънавий-аҳлоқий қарашлар қадриятга айланиши шарт, албатта. Аммо маълум бир йўналишда маънавият ва қадриятлар тизими жамиятда барқарор бўлиши учун муайян Бош ва Асосий ғоялар бўлиши, улар индивидлар онгига сингиши ва ҳалқ оммаси маслагига айланиши учун албатта мафкуравий ижтимоий институтлар, таъсир ўтказиш воситалари, шакллари, усул-услублари бўлади. Ҳар қандай мафкура тарихан учта унсур (элемент)дан иборат бир бутунликда ўз таъсирини ўтказиб келади: а) Бош ва Асосий ғоялар асосида ҳаёт маъноси ва турмуш тарзини белгилаётганлар жамият ва давлат томонидан рағбатлантириб бориш; б) бу ғояларга қўшилмаган ва унга қарши турганларга нисбатан жамоатчилик нафратини қўзғотиш; в) мафкуравий ижтимоий институтлар (оила, истиқомат жой – маҳалла, ўқув ва меҳнат жамоалари, давлат ва нодавлат ташкилотлари), сиёсий партиялар, ижтиомий уюшмалар маданий-маърифий тадбирларни амалга оширишлари учун етарли моддий ва молиявий ресурсларга эга бўлишлари зарур.

Фалсафий фикрлар ривожи табиий, ижтимоий-гуманитар ва техникашунослик фанларининг тарихан вужудга келиши ва такомиллашуви учун ғоявий асос бўлиб хизмат қилди ва айни чоғда у дунёқарашлик функциясини ҳам бажариб келди. Ўз генезиси ва сўнгра ўз

ривожининг тарихи давомида фалсафий билимлар мазмун жиҳатидан табиий билимлар билан омухта бўлиб кетди. Уларнинг таркибида табиий фанлар маълумотлари, тушунчалари, категориялари, қонунларининг мавжуд бўлиши фалсафани илмий асосларини кучайтирди, унинг фан даражасига кўтарилишига сабаб бўлди. Табиий фанлар равнақи техникашунослик фанларининг юзага келиши ва равнақ топишига олиб келди.

Фалсафа негизида қатор фанларнинг тарихан шаклланиши унинг "фанлар фани", "фанлар онаси" мақомига эга қилди. Бундай қарашлар тарихан жамиятда фалсафа қадрини ошириш, унга қизиқишларни кучайтирди, албатта. Шунинг учун ҳам антик даврда ва араб-мусулмон оламидаги Уйғониш даврида яшаган олимлар кўп жиҳатдан қомусий мутафаккирлар ҳисобланиб, уларда фалсафий фикрлар табиий-илмий қарашлар билан биргаликда намоён бўлганига шоҳидмиз.

Агар горизонтал тарзда фалсафа фанга мансуб бўлса, вертикал тарзда у мафкура билан боғланиб кетади. Шундай қилиб, фалсафа жамият маънавий ҳаётининг "вертикали" ва "горизонтали" кесишуви нуқтасида туриб, бу фанларнинг умумий хулосалари, қоидалари, тамойиллари негизида илмий-фалсафий дунёқарашни шакллантиради. Олам ва унда одамнинг ўрни тўғрисида динлар ҳам ўзига хос дунёқараш системасини яратиб, бу дунёқарашни тарихнинг қалтис синовларидан ўтган таъсирли мафкуравий воситалар орқали индивидларнинг имони ва эътиқодига, халқ оммасининг маслагига айлантиради. Фалсафий дунёқараш олам, унда одамнинг ўрни тўғрисида табииётшунослик, техникашунослик, жамиятшунослик, инсоншунослик фанларининг далилларига таянади, шу маънода у фан сифатида ўзини намоён қилади.

Фалсафанинг горизонтал соҳадаги ҳусусияти фақат унинг предметига муносабатлардаги хилма-хил қарашларга сабаб бўлади ва айни чоғда унинг мафкурага дахлдорлигида ҳам ўзини намоён этади. Шундай қилиб, фалсафа фанининг предмети масаласи ҳозиргача бахсли бўлиб келади. Маънавий нодир ҳодиса сифатида фалсафанинг вертикал сафдаги ҳусусияти шуки, субьектнинг воқеликни инъикос эттириш воситаси сифатида у сиёсат ва мафкура билан боғланиб, улар учун назарий асос бўлади. Бинобарин, ўзининг илмий салоҳияти ҳамда тарихан шакллланган бой категориал ва тушунчавий базаси туфайли фалсафа эндиликда мустақил фан ҳолатига келганлиги билан қадрлидир. Шу маънода уни "фанлар фани" дейиш илмийликдан ўзоқлашиш, фалсафа фанлар тизимидаги мустақил фан эканлигини тан олмасликка сабаб бўлиб, нотўғри, ноилмий қарашларни таркиб топтириб қўяди.

Фалсафа фан сифатида олам, унинг вужудга келиши, табиий-тарихий ривожи, ҳаракат туфайли нотирик ва тирик табиат ҳамда одамзотнинг ўз-ўзидан вужудга келгани, жамият ўзини-ўзи ташкилловчи ва бошқарувчи тизим эканлигини бошқа фанлар далилларига суянган ҳолда исботлайди.

Шу маънода муайян субъект (индивид, жамоа, давлат, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва ҳ.к.) манфаатларини энг кўп ва ишончли даражада ифодалайди. Бинобарин, фалсафий йуналишда таркиб топадиган мафкурагина илмийликка яқинлашади ва шунда миллий, синфий, диний, ирқий ва бошка негизларда мукаррар чиқадиган зиддиятларни пайқаб олиш,уларни ўз вақтида ҳал этиб, ҳар бир жамиятда ва бутун дунёда одамнинг инсон (жамиятлашган индивид)га айланиш жараёнини тезлаштиради. Айни чоғда инсон ақл-заковати ва унинг меваси бўлган фан-техника ва технология муваффақиятларидан фақат бунёдкорлик, эзгулик учун фойдаланиш йўлларини кўрсатади, унга эришишнинг воситаларини аниқлайди.

**Фалсафанинг ижтимоий фанлар тизимидаги ўрни.**

Маълумки, илмийлик объективлик (холислик), рационаллик (ақлга мувофиқ далиллаш), алоҳида системага солинганлилик, амалиётда текшириш тамойилларига асосланади. Фалсафа фан сифатида бу тамойилларга қаътий амал қилади. Тарихий жараёнларнинг ҳар бир бурилиши фалсафий фикрларнинг у ёки бу томонга оғиши билан ўзига хослик бахш этиб келади. Фалсафий фикрлар, ғоялар нисбатан илмий-дунёвий йўналиш олган даврларда барча табиий ва ижтимоий-гуманитар фанлар ҳам ривожланиб, жамият тараққиёти суръатлари тезлашган, халқ фаровонлиги нисбатан ошган; ижтимоий-сиёсий соҳаларда эркин фикр юритиш имконияти кенгайган, шахсларда ижтимоий фаоллик сезиларли даражада ошган. Фалсафий фикрлар ривожи йўлига ғоявий тўсиқлар қўйилган даврларда ижтимоий ҳаётда турғунлик майллари кучайган, бу ҳол ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда турғунлик, ҳатто орқага кетишлар содир бўлганига тарих шоҳид. Шунинг учун ҳам тарихий бурилиш даврларида фалсафага муносабат жиддий тус олган. Унга муносабатда турли нуқтаи назарлар илгари сурилган. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлига ўтгач, айтиш мумкинки, баъзи олимлар томонидан унга муносабат салбий томонга қараб ўзгарди. Чунки улар фалсафанинг ижтимоий жиҳатларига асосий эътиборни бериб, уни Совет даври мафкураси билан айнанлаштирдилар.Тарихан фалсафий йўналишлар, мактаблар хилма-хил кўринишларга эга бўлган. Бундан бизнинг давримиз ҳам мустасно эмас. Масалан, сиёсат фалсафаси, ҳуқуқ фалсафаси, диний фалсафа, миллий фалсафа каби йўналишларда тадқиқот олиб борувчи албатта илмийлик тамойилларига етарли даражада амал қила олмайди. Чунки тадқиқот мазмун-моҳияти бу тамойилларни тақоза этмайди. Сиёсат фалсафаси йўналишида тадқиқот олиб борувчи маълум бир даврдаги сиёсатни ё маъқуллаши ёки уни ёмон отлиққа чиқариши керак бўлади. Диний фалсафа доирасида фикр юритувчи маълум бир дин ақидаларини ҳақиқатнинг олий нуқтаси этиб кўрсатишга мажбур. Ёки

миллий фалсафа йўналишида тадқиқот ўтказмоқчи бўлган киши муайян бир миллат қадриятларини идеаллаштирмай иложи йўқ. Агар бундай фалсафий оқимлар фалсафа фани ўрнини эгаллаб қолгудек бўлса, унда фалсафий тадқиқотларда юқоридаги илмий тамойилларга амал қилиш қийинлашади.

Ижтимоий-гуманитар фанлар муайян тарихий давр ва мамлакатдаги сиёсий, ҳуқуқий, аҳлоқий, эстетик, диний, фалсафий қарашлар таъсирида бўлгани сабабли, улар маълум даражада илмийликдан узоқлашадилар. Шунинг учун ҳам фалсафанинг ижтимоийлик жиҳатлари билан шуғулланганимизда, унинг ноилмийлиги муайян ғоялар тизими бўлган мафкура билан боғлиқлигига беихтиёр дуч келамиз. Бундай ҳолатда унинг бошқа ижтимоий томонларини мутлоқлаштириш натижасида фалсафани мафкура билан алмаштириш содир бўлади.

### Фалсафа ва мафкура ўртасидаги тарихий алоқадорлик

Мафкура тарихан ижтимоий борлиқни сиёсий-гуруҳий ёки синфий манфаатлар кўзгуси орқали инъикос эттириш воситаси сифатида тавсифланади. Мафкуранинг вазифаси маълум бир дунёқараш билан боғлиқ равишда қадриятлар тизимини ишлаб чиқиш, муайян ғоявий нуқтаи назар бўйича ижтимоий ҳаётда нима бўлиши керагу ва нима бўлишига йўл қўймаслик зарурлигини асослашдан иборат бўлади. Баъзан бундай қарашларни кенгайтириб, мафкура объектига эса фақат ижтимоий борлиқни, айни чоғда табиатнинг ўзи ҳам қўшиб юборилади. Натижада мафкура ижтимоий-гуруҳий манфаатлар асосида борлиқни ўзгача инъикос эттириш тусига киради. “Ўзгача”да мафкура борлиқни нафақат илмий жиҳатдан таьриф-тавсиф этади, балки, аксинча, уни сохталаштириши ҳам мумкин. Мафкура ҳар доим жамиятнинг бир қисми манфатларини бутун жамият манфаатлари этиб изоҳлайди, яъни унсур (элемент) ва қисм бутун ўрнини эгаллайди. Унинг асосий тамойили партиявий-синфийлик бўлиб қолади ҳамда индивидуал ва ижтимоий онг ғайриилмий йўналишда бирёқлама шаклланади. Бинобарин, сиёсий ғоялар тизими ва шунга мувофиқ амалий ҳаракат дастури мафкуранинг асосий мазмунини ташкил этади. Шундай қилиб, оламнинг бир бутунлиги тўғрисидаги фалсафий қарашлар айро-айро ҳолдаги сиёсий мақсадларни “ялпи умумий”, яъни одамзотнинг туб манфаатлари этиб кўрсатиш учун ғоявий таьсир кўрсатишнинг самарали воситасига айланади. Натижада муайян социал гуруҳ манфаатлари умумийлик касб этиб, бошқа гуруҳлар манфаатлари билан уйғунлашиш тусига киради. Манфаатларнинг бу тарзда чатишиб кетиши қисмни бутун, ҳаёлотни реаллик этиб кўрсатиш учун кифоя қилади. Мафкура мана шундай йўналиш олгандагина жамиятда ғоявий жипслик вужудга келади ва турли манфаатларга эга бўлган ижтимоий гуруҳлар ўртасида вақтинча бўлса-да, ҳаракат бирлиги юзага келади.

Партиявийлик субъект ижтимоий нуқтаи назари маълум мақсад йўлида аниқ ғоявий йўналиш олиши бўлиб, у индивиднинг муайян сиёсий партияга ёки ижтимоий ҳаракатга расман мансублигини англатмайди. Партиявийлик тушунчаси кенг маънода у ёки бу ижтимоий гуруҳнинг ғоявий-сиёсий қарашларига қушилмайдиган индивидларга ҳам хосдир. Муайян мафкурадаги дунёқараш моҳияти индивидларнинг дунёқарашига яқин ёки ўзоқ бўлиши мумкин. Объективликнинг субъектив билиш манфаатлари билан чатишиб кетиши сабабли мафкура "туб" манфаатлар ифодаси тусини олиши ҳам мумкин.

Маълумки, фалсафа жамиятшунослик илми ва умуман олам тўғрисидаги ғоялар тизими сифатида ҳар доим жамиятда ғоявий-мафкуравий баҳслар ва сиёсий тўқнашувларга тортилмасдан иложи йўқ. Мафкуранинг фалсафага таъсири натижасида алоҳида-алоҳида фалсафий йўналиш (мактаб) лар ўртасида қарама-қаршиликлар кучайишига олиб келади. Айнан ана шундай муросасиз ғоявий-назарий кураш фалсафани бадном этиб, бирликка путур етган жойда абадий ажралиш ва душманлик мавжуддир, демак, бундай жойда ҳақиқатни излаб топиш қийинлашади, деган ҳулосалар чиқарилади. Фалсафа мафкура билан қанчалик боғлиқ бўлиши даражасига қараб, унинг мазмуни шунчалик мафкуралашади, айнан ана шу маънода фалсафа тарихан мафкуравий тус олиб келади.

**Фалсафани фан сифатида ривожлантириш муаммоси.**

Горизонтал тарзда фалсафанинг фанга мансублигини ҳисобга олиб ва мафкурада ҳам илмийлик салоҳияти етакчи бўлиши учун унга фан сифатида ёндашишнинг аҳамияти ниҳоятда улкандир, Зеро, фалсафага фан сифатида ёндашув, биринчидан, унга қўйиладиган маломатлардан халос этади, иккинчидан, оламни фалсафий идрок этиш имкониятларини кенгайтиради, учинчидан, мафкуравий (ноилмий) ёндашувлардан уни сақлайди, тўртинчидан, мафкуранинг умумий йўналиши ва мазмунига фаол таъсир кўрсатиб, унинг илмий салоҳиятини оширади. Тўғри, илгаригидек турлича фалсафий қарашлар, мактаблар вужудга келиб, уларда мафкуравий ёндашувларга кенг ўрин берилаверади, аммо фалсафанинг фан сифатида тан олиниши ва унга шундай муносабатда бўлиш ижтимоий тараққиёт ва инсон комолоти учун кенг имкониятларни вужудга келтиради.

Фалсафа билан жиддий шуғулланмай, у ҳақда фикр билдирадиган зиёлиларимиз "фалсафа" тушунчаси билан "фалсафа фани" тушунчаси ўртасида тарихан умумийликдан ташқари айримлик (тафовут) ҳам мавжудлигини эътибордан соқит қиладилар. Фалсафанинг эндиликда фан сифатида шакллангани албатта фалсафий фикрлар ривожи билан узвий боғлиқ. Бироқ, "фалсафа" тушунчасида унга ижтимоий онгнинг назарий шакли маъноси бўлса, "фалсафа фани" тушунчасида оламни бир бутун боғлиқ ҳолида билиш, ундаги ялпи умумий ўзаро алоқадорлик, ўзаро

таъсир, ўзаро тақозадаги муносабатлар ўрнини аниқлашнинг муайян тизими маъноси бор. Бошқача айтганда, фалсафий фикрлар мажмуаси муайян бир тизим – фан ҳолига келиши, бунда бошқа фанлар қамраб олмайдиган ўз соҳаси борлиги, у ўз предметига эга эканлиги эътироф этилади.

Ҳар қандай фан муайян соҳада инсоният тарихан тўплаган тажрибаси билимларини муайян тизимга солиниши бўлиб, маълум бир соҳани илмий англашга имкон туғдирадиган ўз стили, тушунчалари, категориялари, қонунлари, тамойиллари, услуб (метод)лари бўлишини тақоза этади. Булар ўз навбатида тарихан чуқурлашиб, кенгайиб, мазмунан бойиб бориши натижасида фан такомиллашади. Бир фан йўналишида бир неча тармоқлар ҳам вужудга келиб, улар муайян фанни мазмунан бойитади.

“Фалсафа” “донишмандликни севиш” ёки “донишманларча фикрлаш” маъносида эртаклар ва ашулаларда ҳам ўз ифодасини топади; инсон ўз-ўзини англашга ёрдам берадиган ғояларда ҳам фалсафий қарашлар бор. Ҳар бир фанда оламнинг у ёки бу соҳасидаги ички ва ташқи алоқадорликларни илғаб олишга ёрдам берадиган фалсафий фикрлар мавжуд. Аммо бу дегани эртаклар, ашулалар, ҳусусий ва ижтимоий фанлар фалсафа фанининг ўрнини боса олади, деган маънони англатмайди. Фалсафа фан сифатида бошқа барча фанлар учун методологик асос бўлиб хизмат қилиши унинг категориялари, қонунлари, услублари, тамойиллари ялпи умумий таснифга эга эканлиги билан тавсифланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир фан соҳасининг тадқиқотчиси фалсафа фанидан яхшироқ илмга эга бўлса, унинг илмий изланишлари самарали якунини топиши тажрибадан маълум.

**Хулоса:** а) фалсафа билан бошқа барча фанлар ўртасида алоқадорлик ва ўзаро таъсир мавжуд; б) горизонтал тарзда фалсафа табиий фанлар билан ўзаро алоқада бўлса, вертикал ҳолатда у ижтимоий-гуманитар фанлар билан боғланиб, ижтимоий фан тусига киради; в) бу ҳол фалсафанинг тарихан мафкуравий қарашлар билан алоқасини кучайтириб, унинг мафкуравий тус олишига сабаб бўлади; г) фалсафа фан эканини тан олиш унинг мафкурага фаол таъсир этиб, мафкурада илмийлик устивор йўналиш олиши учун имкон туғдиради.

**Калит сўзлар:** донишдмандлик, мафкуравий ҳаёт, Бош ва Асосий ғоялар, қадрият, “вертикал”, “горизонтал”, фалсафий дунёқараш, “фалсафа”, “фалсафа фани”, илмийлик, объективлик, ақлга мувофиқлиқ, системага солинганлик, амалиётда текшириш, эркин фикр юритиш, турғунлик, партиявий-синфийлик, метадологик асос.

## Такрорлаш учун саволлар.

- “Фалсафа” тушунчаси тарихан қандай маънода ишлатиб келинди?
- Муайян маънавиятни қарор топтириш учун нега мафкура керак?

- Мафкура уч унсурдан иборат бир бутунлик, деганда нима назарда тутилади?
- Нега ҳар қандай мафкурада Бош ва Асосий ғоялар бўлади?
- Фалсафа фани вертикал ва горизонтал тарзда қайси фанлар билан туташади?
- Илмийлик қайси тамойилларга асосланади?
- Фалсафага фан сифатида ёндашишнинг зарурати нимада?
- Мафкура ижтимоий борлиқни қайси нуқтаи назардан ифодалашга интилади?
- Партиявий-синфийлик нимани англатади?

## Ноосфера даври ва мафкуравий жараёнлар.

**Мафкуравий жараён тушунчаси.**

Ноосфера даври мафкураси тарихий тажрибаларга таянган ҳолда янгича тафаккур тарзини ва шу аснода илмий-фалсафий дунёқарашни барқарор қилиши ижтимоий-тарихий заруриятдир. Тарафкашликка асосланган сиёсат ҳамда миллий махдудлик ва диний мутаассибликни тарғиб қилувчи мафкуралар инсониятни ҳолдан тойдирди. Ноосфера даврида одамзод инсонлардек, чинакам жамоа ва жамият бўлиб яшаш қобилиятини ўзида ҳосил этиши, жамиятдаги баркамол инсонлар шахсини шакллантира оладиган кичик ва катта муҳит вужудга келиши зарурлиги маълум бўлади.

Одамлар моддий неъматлар яратиш учун ўзаро мулоқатга кирадилар, маълум мақсадлар йўлида бирлашадилар. Бирлашиш, ҳамкор-хамнафас бўлиш учун муайян дунёқараш ифодаси бўлган Бош ғоя, уни тўлдира оладиган асосий ва ёрдамчи ғоялар керак бўлади. Шундай ижтимоий эҳтиёжлар туфайли бутун дунёда бир-биридан шаклан фарқланадиган, аммо маъно-мазмун жиҳатидан яхлит таълимотлар ўз-ўзидан шаклланган. Булар мифологик ва диний дунёқарашлар ифодаси бўлган ғоялар эди. Ушбу ғояларни одамлар онгига сингдириш, уларни имон ва эътиқод предметига айлантириш учун жуда таъсирли мафкуравий ижтимоий институтлар, воситалар, услублар қарор топди.

Айниқса жаҳон динлари илоҳиётчилари, руҳонийлари мафкура орқали одамлар онгини муайян мақсадлар йўлида бошқариш, ижтимоий муносабатларни ҳам шу дунёқараш негизида шакллантиришда бой тарихий тажрибага эгалар. Ҳозирги илм-фан, техника ва ахборот технологияси мисли кўрилмаган тарзда ривожланган жамиятларда мифологик дунёқараш элементлари сақланган ҳолда диний дунёқарашни қарор топтириш майллари кучли ва бу ҳол Ноосфера даври мафкурасини шакллантиришда ҳам асқотиши шубҳасиз. Одамзотнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-аҳлоқий ва сиёсий фаолияти ғайриинсоний томонга оғиш майли кучайиши туфайли Она-табиат заҳарланиши тобора

кучайиб бораётган, инсоният ва унинг жамиятлари маънавий инқирозга учраётган экан, бундай шароитда умумбашарий ғоялардан озиқ олиб шаклланадиган миллий мафкураларга эҳтиёж кучайиб бораверади.

Табиат ва жамиятдаги ҳозирги холат учун илм-фан, техника ва ахборот технологиялари жавобгар эмас, балки Ноосфера даврига батамом мувофиқ келадиган, одамлар куч-ғайратини халокатнинг олдини олиб қолишга бирлаштирадиган яхлит дунёқараш йўқлиги, бу дунёқараш ғояларини индивидлар имони ва эътиқодига айлантира оладиган мафкуравий жараёнларнинг бир бутун тизими шаклланмаганидан излаш мақсадга мувофиқдир.

Мафкуравий жараён деганда муайян дунёқараш ифодаси бўлган Бош ва Асосий ғояларни индивидлар онгига сингдириш, шу жараёнда умумий феъл-атвор, кўникма ва ҳаракат бирлигини вужудга келтириш тушунилади. Одам жамиятда яшар экан, унда ўз-ўзидан муайян дунёқараш шаклланаверади ва унинг феъл-атвори, ҳатти-харакати йўналиши шунга мувофиқ шакл тусига киради.

Одам зоти тирик табиат таркибига киради. Бинобарин, унда ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёсига хос хусусиятлар мавжуд. Масалан, ёввойи ўтлар ўз-ўзидан ерда униб чиқиб ривожланаверади. Аммо маданий ўсимликлар парваришланмаса, улар ёввойи ўтлардан муҳофаза этилмаса, йўқ бўлиб кетиши мумкин. Агар одам ўз холига қўйиб юборилса, унда ёввойиликка хос феъл-атворлар, хатти-ҳаракатлар ривожланиб борган сари жамиятдаги муносабатлар ғайриинсоний томонга оғиб кетиши ҳам мумкин. Тарихий тажрибаларга таяниб туриб, Ислом Каримов «инсон табиатидаги инсонийликдан кўра вахшийлик, ур-йиқит инстинктлари, яъни хатти-ҳаракатларини қўзғотиб юбориш осон», - деганда, индивид маънавий дунёси қашшоқланса, унда ўз-ўзидан ваҳшиёна инстинктлар қўзғалиши мумкинлигини назарда тутади. Маънавият ҳар бир индивид учун сув билан ҳаводек кераклиги ана шундай фалокатларнинг олдини олиб қолиш учун зарур. Маънавият эса мафкурасиз қарор топа олмайди. Маданий ўсимликни ёввойи ўтлар, зарарли ҳашоратлардан муҳофаза қилиш, унинг мўлжалдаги ҳосил бериши учун моҳир деҳқон ва зарур меҳнат қуроллари, воситалари қанчалик керак бўлса, маънавиятни қарор топтириш учун ҳам муайян маънавият негизидаги дунёқарашга эътиқод қўйган, ўша ғоя учун курашишни ҳаёт маъноси деб билган, махсус тайёргарликка эга, тили бурро, нотиқлик санъати юксак тарғиботчилар ҳамда моддий-маънавий ресурслар билан етарли даражада таъмин этилган таъсирли мафкура керак бўлади.

Мафкуранинг тарихий вазифаси шуки, ўзининг диний ёки илмий негизлари бўлган ва дунёқарашлилик моҳиятига эга ғояларни индивидларнинг имони, эътиқоди ҳамда халқ оммасининг маслагига айлантириб, ҳаракат бирлигини вужудга келтира олади. Шунинг учун ҳам мафкуранинг назарий асоси концепцияси, амалий фалсафаси, ғоявий

кураш йўллари ва воситалари бўлиши керак. Ҳозирги биз яшаб турган дунёни Ноосфера даври деб эътироф этиладиган бўлса, бу давр мафкураси илмий-фалсафий концепциясини яратиш, унинг амалий жиҳатларини ишлаб чиқишга ҳар бир мамлакатда у ёки бу тарзда мавжуд бўлган миллий мафкуралар ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Ноосфера мафкурасида Она-табиатни муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолиш учун Ақлни тўла-тўкис инсоният туб манфаатларига буриш Бош ғоя бўлгани маъқулдир. Бу мафкуранинг асосий ғояларини излаб топиш галдаги вазифалар сирасига киради.

**Ғояга қарши ғоявий кураш масаласи.**

Биз яшаётган давр ахборот коммуникациялари бағоят ривожланган, дунёнинг ҳамма жойидаги маълумотлар тез ёйилаётгани билан фарқланади. Бундай фикрлар, ғоялар, қарашлар хилма-хиллиги, ранг-баранглиги шароитида яшаш бир томондан қувончли, иккинчи томондан аянчлидир. Зеро, жамият тараққиёти ва инсон камолотига хизмат қиладиган ғоялар билан бирга халқлар, миллатлар орасига рахна соладиган, одамларни, айниқса ёшларни тўғри йўлдан оздирадиган, уларда ҳайвоний хирсларни қўзғатадиган, тошбағирлик, инсон тақдирига бефарқлик ҳис-туйғуларини ривожлантирадиган қарашлар тезда қарор топиб қолмоқда. Бундай шароитда миллий ғоя ва мафкурага эҳтиёж ошиб бормоқда. «Албатта, - дейди Президент Ислом Каримов, - биз фикрлар ва қарашлар ранг-баранглиги принципи тарафдормиз. Аммо бу фикр ва қарашларни бирлаштирадиган, уларнинг муштарак жиҳатларини уйғунлаштирадиган ягона мезон борки, бу миллий ғоя ва миллий мафкурадир». («Ҳушёрликка даъват»// «Ўзбекистон овози», 1999,26.06).

Ана шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслик учун миллий мафкурани шакллантириш бўйича республикамизда қизғин бахс-мунозаралар борди. Бунда Ислом Каримов фаол иштирок этди ва миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини шакллантириш концепциясини яратди. Бу концепцияга ақидапарастларча муносабатда бўлмаслик кераклигини назарда тутиб, Ислом Каримов мутассадди ташкилотлар раҳбарлари «етарли илмий салоҳиётга эга ва тажрибали педагогик кадрлари мавжуд бўлган таълим муассасаларидан иборат мамлакат миқёсида «экспериментал майдончалар»ини белгиласинлар ва эксперт ишчи гуруҳларини ташкил қилсинлар», - деб Фармойиш чиқарди. Бундай майдончалар, эксперт гуруҳлари расман ташкил этилди-ю, аммо уларнинг тўплаётган тажрибалари, тавсия этаётган таклифлари инобатга олинмади. Ислом Абдуғаниевич миллий ғоя ва мафкуранинг жамият ҳаётидаги ахамиятини таъкидлаб, «Биз унинг мазмун-моҳияти уфқларини умумий тарзда (курсив - *И.К.*) олдик. Энди ижтимоий соҳа олимлари, мутахассислар, илғор фикрли зиёлилар бу

борадаги изланишларни чуқурлаштириб, умумлашган назарий хулосаларни ишлаб чиқишлари» зарурлигига эътиборни қаратди. Чунки фақат шундай йўл тутгандагина ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан кураша оладиган кадрлар етишиб чиқиши мумкин.

Маълум бир ғояга, мафкуравий ёндашувларга қарши курашадиган шахс аввало ўзи ўша ғоя шаклланган мамлакат ва халқ тарихини яхши билиши, у ғояга қарши асосли далилланган ғоявий нуқтаи назарда мустаҳкам туриши ва унга қарши тура оладиган ғояни бошқаларга сингдира оладиган маҳоратга эга бўлиши лозим. Масалан, ваҳҳобийлик ғояси билан заҳарланган одамларни у йўл нотўғри эканлигини асослаш учун ваҳҳобийлик ғояси юзага келган Саудия Арабистонининг XVIII ва сўнгра XX аср бошидаги аҳволи, у халқнинг Ханбалия шариат мазхаби таъсирида шаклланган менталитетидан яхши хабардор бўлиши лозим. Акс ҳолда ваҳҳобийлик эътиқодига айланган ёшларни хато йўлдан қайтариш амримаҳол. Бошқа ҳар қандай ғояларга қарши курашлар ҳам худди шундай йўл тутишни тақоза этади. Жаҳолатпарастликка қарши курашадиган одам уни маърифатпарварликдан фарқлай олиш қобилиятига эга бўлмоғи лозим. Тарих шунга шохидки, ҳеч қайси даврда ва ҳеч қайси мамлакатда жаҳолатпарастлик яйдоқ ҳолда ўзини намоён этмаган ва этмайди ҳам. У ҳар доим «маърифий» пардаларга ўралган ҳолда тақдим этилиб келинганки, фақат муайян даврлар ўтгач, ўшандай қарашлар асосида шаклланган муносабатлар индивидлар ва уларнинг жамиятлари бошига бехад кулфатлар тушишига сабаб бўлгани англаб етилган. Масалан, собиқ Шўролар даврида давлат ва жамиятни бошқаришни маъмурий-буйруқбозлик тизими жаҳолатпарастликнинг амалда намоён бўлиши экани, у инсон хуқуқларини поймол этадиган, индивидлар ташаббускорлигини ҳар қадамда бўғиб турадиган ижтимоий мурват экани эндиликда, яъни инсонпарвар демократик хуқуқий давлат қуришга киришилгач, маълум бўлди. Етмиш йил бадалида комунистик мафкура ўша манфур тизимни чинакам маърифатпарвар, инсонпарвар этиб кўрсатишга муваффақ бўлган эди. Ёки Совет даври сайлов системасини олайлик. Халқ оммаси хақ-хуқуқларини барбод этиш асосига қурилган ва тоталитаризмни мустаҳкамлашга қаратилган ўша система мафкура орқали дунёда энг демократик тизим деб талқин этилди. Айтиш мумкинми, узоқ йиллар халқ оммаси шу гумроҳликка ишониб келди ва уни маърифатпарварлик нишонаси сифатида қабул этиб, муносабат белгилади.

Яна шуни таъкидлаш зарурки, ҳар қандай ғояни индивидлар онгига сингдиришнинг тарих тажрибасидан ўтган усули кучли, таъсирли мафкура воситаларидан самарали фойдалана билишдир. Масалан, Гитлернинг «миллий социализм» ғояси қанчалик ёвузлик ифодаси бўлмасин, унинг «хақлигига» XX аср ўрталаридаги немис халқининг аксарияти ишонган ва эътиқод қилган экан, унда молиявий жихатдан етарли даражада

таъминланган ва у ғояни тарғиб қилиш учун махсус тайёргарлиги бор кадрларга эга кучли, таъсирли мафкура ҳал қилувчи рол ўйнади. Ёки Совет даврида сохта ғояларга одамлар ишонишган, унга этиқод қилишган экан, бу иш билан шуғулланадиган бутун бир тизим шаклланган бўлиб, «жамиятнинг энг юқори бўғинидан энг қуйи қатламигача бу тизим ўзининг кучли таъсирини ўтказар эди». (И.А.Каримов). Чунки мафкуранинг бутун воситалари ўша ғояларни одамлар онгига сингдиришга қаратилган бўлиб, индивидлар онгида ғоявий бўшлиқ пайдо бўлиб қолмаслигига бутун этибор қаратилган эди.

Ҳайриятки, мустақил Ўзбекистоннинг Асосий Қонунида ҳеч бир мафкура давлат мафкураси мақомига эга бўлмаслиги кераклиги таъкидланди. Бунинг маъноси шуки, жамиятда турли партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, диний ташкилотлар, миллий марказлар бор экан, уларнинг ҳам ҳаракат дастурлари ва шунга мувофиқ ғоялари, бу ғояларни тарғиб этадиган мафкуралари бор. Агар бирон-бир мафкурага давлат мақоми берилгудек бўлса, давлат ўз имкониятларидан келиб чиқиб, бошқача фикрлашга йўл қўймаслик, ўзгача мафкуралар йўлини қатъий тўсиб қўйиш хуқуқига эга бўлиб қоладики, натижада давлат ўзининг демократик хуқуқий мақомидан маҳрум бўлиб, тоталитаризм ва авторитализм ботқоғига ботиб, ўзини-ўзи халок этади. Бунга тарихда мисоллар кўп. Шундан биттаси СССР деб аталган давлат тақдиридир.

Ўзбекистонда ҳозир 5 та сиёсий партия, қатор ижтимоий ҳаракатлар, миллий марказлар, адлия вазирлиги рўйхатидан ўтган 16 та диний ташкилот бор. Улар ўз матбуот органлари, дастурлари ва бошқа мафкуравий воситаларига эга бўлиб, ўз дастурлари ва низомларидан келиб чиқиб, аҳолига ғоявий таъсир кўрсатиш имкониятига эгадирлар. Ўз навбатида давлат ҳам ўз ички ва ташқи сиёсатини, амалга ошираётган тадбирларини мафкуравий воситалар орқали оммага етказиб, одамларни миллий манфаатларни англаб олишлари, шу йўл учун фидойилик кўрсаткишларига даъват этади.

Миллий истиқлол ғояси ва мафкураси ўтиш даври қийинчиликларини мардонавор енгиб бораётган халқимизга маънавий мадад бериб келмоқда. Бу ғоя ва мафкура Ўзбекистонда яшаётган барча миллатлар, элатлар, диний эътиқод эгаларини бирлаштириш, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги учун курашнинг аниқ йўлларини кўрсатиб бермоқда.

**Тарафкашликка асосланган сиёсат ва мафкуранинг инқирози.**

Ижтимоий мавжудод сифатида одамзот тарихан таркиб топган муайян бир жамият бағрида яшаб, ундаги кичик ва катта мухитдагина ўз қобилиятлари, истеъдодларини намоён этиш имкониятига эга бўлар экан, демак, мана шундай шарт-шароит яратиб берган жамиятга юксак хурмат ва эҳтиром она алласидан тортиб токи ижтимоий хаётнинг барча йўналишларидаги

тарбиянинг умумий мазмунини ташкил этмоғи муҳимдир. Токи, ўсиб келаётган ёш авлод ўзи яшаши лозим бўлган жамият қонун-қоидалари, одоб-ахлоқ нормалари доирасида яшаш кўникмаларини ҳосил этиш учун астойдил кураш жараёнидагина у комиллик мартабасига эришиши мумкинлигини англаб етсин. Бугина эмас, балки индивид Ер деб аталган табиат олдида ҳам ҳамиша қарздор эканини унутмаслиги лозим. Сўнгра, одам тириклик оламидаги битта тур эканини билиб олса ва ўз тури бутун тарихи давомида унга бехисоб моддий ва маънавий бойликлар яратиб берганини тўла идрок этса, шу турини қадрлаш ва эъзозлаш орқали чин маънода инсоний сифатларни ўзида гавдалантира олишга ақли етса, унда бутунлай янгича дунёқараш шаклланиши шубҳасиз. Бугунги бола истиқболда ижтимоий-иқтисодий ҳаётда жавлон уриш даражасига қараб жамиятда муайян ўринга эга бўлади, шу жараёнда сиёсий ҳаётга тортилаб, у сиёсий йўналишларга ҳам фаол таъсир ўтказади. Агар биз ҳар бир жамиятда ва бутун дунёда ёшлар онгига Ер, Одам, миллат, элат деб аталган бутунликларнинг бир унсури эканини мафкура орқали англата олсак ва фақат шу бутунликларни сақлаш ва эъзозлаш туфайли Ноосфера даври муаммоларини хал этишимиз мумкинлигига уларда ишонч ҳосил этишимиз мумкин. Бу ғояларни илгари суришдан мақсад шуки, дунёда тарафкашликка асосланган геосиёсат эндиликда янгича шакл-шамойилларда ўзини намоён этиб, бу сиёсатни мафкуравий воситалар орқали инсоний этиб кўрсатиш давом этяпти. Фақат эндиликда моддий ресурслари ва ҳарбий имкониятлари каттароқ бўлган давлатлар, илгариги даврларда бўлгани каби, бошқа мамлакатларни тўғридан тўғри босиб олиб, уларнинг ер ости ва ер усти бойликлари, арзон ишчи кучи ва бозоридан фойдалана ололмайдилар. Шунинг учун ҳам мафкуравий воситалар орқали улар ғоявий таъсир кўрсатиб, эндиликда яширин тусга бурканган эски тажаввузкорлик сиёсатларини (яъни жаҳолатпарастликни) давом эттирмоқдалар.

Буюкдавлатчилик, буюкмиллатчилик шовинизми, ирқчилик, диний мустаснолик ғояларини пардаланган ҳолда мафкуравий воситалар орқали кенг ёйиб, ўз мақсадларига эришиш йўлини тутмоқдаларки, уларни ниҳоятда «гўзал парда»ларга, «инсонпарварлик» либосига ўраган ҳолда ташвиқот қилмоқдалар. Бу тажаввузкорликни назарий онг даражаси етарли бўлмаган индивидлар, авом халқ бунинг мазмун-моҳиятини дафъатан тушуниб олиши қийин. Буларга қўшимча равишда Ғарбнинг таназзулга учраган маънавий маданиятини кўз-кўз қилиш орқали атайинлаб индивидлардаги вахшийликка мойил қарашлар, турмуш тарзини сингдиришга катта эътибор берилмоқда. Мана шундай усуллар билан ҳам ёшлар онгини заҳарлаш, уларда тажаввузкорлик майлларини ривожлантиришда мафкурага катта умид боғламоқдалар. Кейинги пайтларда инсон хуқуқларини ҳимоя этиш шиорлари остида ғарбча демократик тартибларни зўравонлик йўли билан бошқа мамлакатларга

экспорт қилиш тенденцияси кучайиб бормоқда. Бунга эришиш мақсадида ўзлари тоталитар, авторитар ҳисоблаган давлат арбобларини қоралаш, уларнинг ўрнига буюкдавлатчилик шовинизми ғояларига эҳтиром билан қарай оладиган қўғирчоқ ҳукуматлар тузишга зеб берилмоқда.

Демак, гарчи тажаввузкорликка асосланган геосиёсат барбод бўлган эса-да, аммо ривожланган мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги мавжуд зиддиятларни мафкуравий тадбирлар орқали ўз қарама-қарши томонига оғдириб юбориш, миллий, этник ва диний заминда можоролар чиқариш учун четдан туриб аралашиш геосиёсати давом этмоқда. Агар бугунги тобора ривожланиб бораётган ахборот коммуникация имкониятларини хисобга олсак, ана шундай ғояларнинг кириб келиши, одамлар, айниқса ёшлар онгига сингиши, уларда ўз турмуш тарзига мувофиқ келмайдиган индивидлар тимсолида душман образини тасаввур этиш майлларини кучайтириш мумкинлигига шубҳа қилмаймиз. Ана шу боисдан ҳам дунёнинг ҳозирги мафкуравий манзараси Ноосфера даври талабларига мутлақо тўғри келмаслигини кенг халқ оммасига изчиллик билан тушунтириш, шу жараёнда янгича тафаккур тарзини шакллантиришни миллий мафкураларда етакчи майлга айлантириш фавқулотда аҳамиятлидир.

**Геосиёсат ва мафкуравий жараёнларда Ноосфера даври хусусиятларини ҳисобга олиш муаммоси.**

Умуман олганда, олимларнинг XX аср биринчи чорагида табиат ўзининг Ноосфера босқичига киргани, эндиликда давлатларнинг ички ва ташқи сиёсати ана шу янги даврга мувофиқлаштирилмаса, яъни ўзини эндиликда оқлай олмай қолган анъанавий геосиёсат туб-туби билан ислоҳ қилинмаса, Ер деб аталган табиат халокат ёқасига келиб қолиши мумкинлиги тўғрисидаги огоҳлантиришларини хали ҳозир ҳам баъзи давлатлар инобатга олмаяптилар. Бундай шароитда тарихан сулҳпарварлик, тинчликпарварлик рухи устиворроқ бўлган халқлар, уларнинг давлатлари сиёсатига умид боғлашга тўғри келади. Гарчи мустақил Ўзбекистон давлатининг ички ва ташқи сиёсати ўз ифодасини топган адабиётларда Ноосфера тушунчаси учрамаса-да, аммо амалий сиёсатда тахликали ҳолатлар ҳисобга олинганига гувоҳ бўламиз. Ўзбекистон давлатининг геосиёсати Ислом Каримовнинг қатор асарларида, хусусан «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон XX аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобларида ўз ифодасини топган.

Унда таъкидланишича, Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ ишлаб чиқилган ва изчиллик билан амалга ошириб келинаётган ташқи сиёсат тамойилларига амал қилади. Президентнинг фикрича, ташқи сиёсат оқилона мақбулликка ҳамда давлатимиз, жамият ва

инсоннинг узоқни кўзловчи манфаатларига асосланадиган энг мухим тамойилларга қатъий риоя этиши давр тақозаси бўлиб, XXI аср халқаро муносабатларда янги аср бўлишига умид боғлаш ҳис-туйғуларни ривожлантиради.

Ислом Каримов нафақат айрим мамлакатларга, шунингдек, бутун дунё халқлари хавфсизлигига тахдид солиб турган хавф-хатарлар сирасига қуйидагиларни киритди: минтақавий можоролар, диний экстремизм ва фундаментализм, буюкдавлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари ва экологик муаммолар. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида содир бўлган баъзи фожиали вақеалар шуни кўрсатадики, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни, фуқоролар ва миллатлараро тотувликни издан чиқаришга уринаётган ички ва ташқи бузғунчи кучлар мавжуд. Шунинг учун ҳам Президент равшан ўзини намоён этиб турган иккита хавф-хатар борлигига эътиборни қаратади. Бу, биринчидан, мамлакат ташқарисидаги тажаввузкор ақидапараст кучлар ислом дини халқимиз учун муқаддас қадрият эканидан фойдаланиб, Ўзбекистонни демократик, маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришга интилмоқдалар. Иккинчидан, хали ҳануз бизнинг мустақил йўлимизни кўролмайдиган, турли баҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва хукмронлик қилишга уринаётган кучлар мавжуд. (Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон» нашр, 1999. –11–б.)

Демак, давлатлар ва экстремистик ташкилотларнинг тажоввузкорликка, миллий мустақилликни иқтисодий, хуқуқий, маънавий жиҳатдан мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатларимизга рахна солишга қаратилган фаолиятларини ўз вақтида пайқаб олиш ҳамда ёт қарашларга қарши индивидлар ва халқ оммасида миллий мафкура орқали ғоявий иммунитетни хосил этиш учун изчил кураш олиб бориш зарурати пайдо бўлмоқда.

**Хулоса:** а) муайян мамлакатда олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишлари комплекси мафкуравий жараён ҳисобланади; б) ғояга қарши фақат ғоявий кураш олиб бориш мафкурачилардан катта назарий тайёргарликни талаб этади; в) тарафкашликка асосланган геосиёсат ва мафкуралар инқирозга учраган бўлса-да, аммо баъзи давлатлар «орани бузу хукмронлик қил» тамойилига асосланган анъанавий геосиёсат ва мафкурага таяниб иш кўришни афзал билмоқдалар; г) ҳар бир давлат ва мамлакатда Ноосфера даври талабларига мувофиқ янгича геосиёсат ва мафкура белгиланишини замон тақоза этмоқда.

**Калит сўзлар:** мафкуравий ижтимоий институтлар, инсонийлик, вахшийлик, ур-йиқит инстинктлари, маънавият, ахборот коммуникациялари, ягона мезон, “эксперементал майдонча”, ваҳҳобийлик, Ханбалия, маъмурий-буйруқбозлик тизими, кичик ва катта муҳит,

комиллик мартабаси, буюкдавлатчилик, ирқчилик, диний мустаснолик, минтақавий можаролар, диний экстремизм ва фундаментализм, агрессив миллатчилик, уруғ-аймоқчилик.

**Такрорлаш учун саволллар.**

- Ноосфера даври мафкураси қандай йўналиш олиши керак?
- Динлар одамлар онгини муайян мақсадларга йўналтиришда қандай тажрибалар тўплаган?
- Одам ўз ҳолига қўйилса, унда қандай кусурлар ўзидан-ўзи шаклланиши мумкин?
- Нега маънавият ҳар бир одам учун худди сув билан ҳаводек керак?
- Мафкуранинг тарихий вазифаси нима?
- Кимлар ғояга қарши ғоявий кураш олиб бора олади?
- Ахборот коммуникациялари ривожланган ҳозирги даврда яшаш қандай кечади?
- Нега миллий ғоя ва мафкурага ижтимоий эхтиёж катта?
- Маъмурий-буйруқбозлик тизими ва унинг оқибатларини изоҳланг!
- Ҳеч бир мафкура давлат мафкураси бўлмаслиги кераклигини қайси маънода тушуниш керак?
- Тарафкашликка асосланган геосиёсат ва мафкуралар эндиликда қандай тусга кирмоқда?
- Мустақил Ўзбекистон давлатининг геосиёсати ва мафкураси нимага асосланган?

## Мафкуравий ижтимоий институтлар ва ғоявий иммунитетни ҳосил этиш муаммоси

### Оила муҳити ва ғоявий тарбия маъсулияти.

Ҳали илмий мулоқотда ўз мустаҳкам ўрнига эга бўлмаган, аммо тарихан амалиётда ғоявий таъсир кўрсатиш, ғоявий иммунитет ҳосил этишнинг қудратли воситаси бўлиб келган мафкуравий ижтимоий институтлар – оила, маҳалла (истиқомат жой), норасмий уюшмалар, ўқув ва меҳнат жамоалари ҳақида гап боради. Зеро, Ноосфера даврида Ақлни эзгулик ва ёвузлик томонга оғдириб юборишда муҳим ижтимоий мурват (механизм) ролини ўйнайдиган ана шу уюшмаларда индивидлар ҳар куни фикр алмашадилар, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий масалаларга ўз муносабатларини билдириб, индивидуал ва ижтимоий онг муайян йўналиш олишига ўз таъсирларини ўтказадилар.

Якка никоҳликка асосланган оилаларнинг тарихан ўзидан-ўзи шаклланган и жуда катта ижтимоий аҳамиятга молик бўлди. Фақат шундай оилаларгина ёш авлод ҳар жиҳатдан соғлом ривожланиши, камол топиши

учун зарур моддий-маиший ва маънавий-ахлоқий шарт-шароитларга эга бўлади. Бунда оилаларда миллий руҳ ҳукмронлик қилиб, боболар ва момолар ўгити, ота ибрати ва она меҳр-муҳаббати, ака-укалар, опа-сингиллар ўртасидаги меҳр-мурувват асосида кичик ижтимоий муҳит шаклланади.

Ана шу боисдан ҳам оила ҳар қандай жамиятнинг дастлабки асоси, негизи ҳисобланади. Демак, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар инсоний ёки ғайриинсоний томонга оғиб кетишида оила ўзига хос ўринга эга эканини назарда тутиш лозим. Ҳар бир мамлакат ва минтақада маълум бир тарихий давр руҳи аввало оилавий муносабатларда ўз ифодасини топгач, у руҳ асосида одамларнинг муайян мақсадга қаратилган умумий ҳаракатини юзага келтиради. Ана шу руҳ мафкура орқали оилага кириб боради.

Ноосфера даври, унинг бошқа даврлардан тубдан фарқи ҳақида ҳозирча деярли барча оилаларда тасаввур йўқ, дейиш мумкин. Чунки мафкура воситалари, аввало оммавий ахборот воситаларида бу давр ҳақида жуда кам, саёз фикрлар онда-сонда учраб турганини ҳисобга олмаса, умуман Ақлдек улкан қувват (энергия)ни бунёдкорлик томонга тўла-тўкис буриб юбориш, шу асосда ҳар бир одам қалбининг энг тўрисида жойлашган эзгулик руҳи ривожига кенг йўл очиш муаммоси ўз ечимини кутиб турибди.

Оилада бош тарбиячи ва ҳакам ота ва онадир. Бинобарин, оилада ота ва онанинг инсоний сифатлари, билим савияси, уларнинг соғлом турмуш тарзига муҳаббати, дунёқараш йўналиши ёш авлодда ғоявий иммунитет ҳосил этишда ҳал қилувчи роль ўйнайди, десак муболаға бўлмас.

Оила гўёки бир мевали дарахтга ўхшайди. Агар кўчат яхши, юмшоқ, унумдор ерга экилса ва уни доимо парваришлаб борилса, илдизлар ер қаъридан мустаҳкам ўрин олади, бундай дарахт ўз мевалари билан ҳаммани баҳраманд этади. Аксинча бўлса, у кўчат униб-ўсмайди ёки мазали мева бера олмайди. Шунинг учун ҳам оила, ундаги муносабатлар шахсий иш эмас, балки ижтимоий моҳиятга молик масала экан, мустаҳкам, соғлом турмуш тарзига асосланган оилалар – мафкуравий ижтимоий институт сифатида миллий ва давр руҳи асосида ёш авлодни тарбиялай олишини назарда тутиш муҳимдир. Оилавий муносабатларни йўлга қўйишда барча давлат муассасалари, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар фаол иштирок этишлари, хусусан "оммавий маданият" деб аталган тамаддуннинг ғайриинсоний, ғайритабиий таъсирларидан сақлаб қолишлари даркор.

Илгариги мавзуларда ҳозирги давлатларнинг геосиёсати Ноосфера даврига мувофиқ келиши учун бу ишни оиладан бошлаш муҳимроқ эканига эътибор қаратган эдик. Етти ёшгача бола онги ва қалбидан мустаҳкам жой олган ғоя бутун умрга етар экан, демак, оилавий китоблар нашр эттириб, унда Ноосфера даври ва унинг талаблари ифодаси бўлган

ғоялар руҳида ёш авлодни тарбиялаш масаласи етакчи майл бўлиши мақсадга мувофиқдир.

**Норасмий уюшмалар ва уларнинг ёшлар тарбиясига таъсири.**

Ҳамма даврларда ва ҳар бир жамиятда қон-қардошлик алоқалари, ёшга, жинсга хос, маълум бир соҳага қизиқишга мувофиқ ёки муайян ғояларга эътиқоддан келиб чиқадиган норасмий уюшмалар бўлади. Ана шу доирада ҳам ғоявий таъсир кўрсатиш имконияти мавжуд эканини албатта ҳисобга олиш лозим.

Шарқ халқларида, жумладан ўзбекларда кичик оиладан ташқари катта оилалар ҳам бўлади. Бу, ўша уруғ-қабиладошлик муносабатларида етакчи майл бўлган қон-қариндошлик алоқаларидир. Одатда ўзбек оиласининг кекса авлоди бундай қон-қариндошлик муносабатларини эъзозлаб ривожлантиради ва шу асосда ёш авлодга – алоҳида мустақил оила бўлиб чиқиб кетган болалари, уларнинг фарзандлари (набиралар, эваралар, ҳатто чеваралар)ни ҳам ўз таъсир доирасида ушлаб туришга ҳаракат қиладилар. Ана шу жараёнда қон-қариндошликка асосланган норасмий уюшмалар вужудга келиб, улар ҳам ғоявий таъсир ўтказишда фаол иштирок этадилар. Катта оила бошида турган кекса одамларнинг дунёқараши, турмуш тарзи, ғоявий нуқтаи назари у ёки бу даражада ана шу уюшма доирасига кирган одамлар қадриятига айланади. Демак, бундай норасмий уюшманинг ижтимоий тараққиёт ва инсон камолотига таъсири унга бошчилик қиладиган шахсларнинг ижтимоий-сиёсий нуқтаи назарларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Аксарият истиқомат жойларида ва умуман жамиятда ёш хусусиятидан ёки жинсга мансубликдан келиб чиқиб норасмий уюшмалар ўзидан-ўзи шаклланади. Чунки одамзот фикрловчи мавжудод бўлгани сабабли, у ижтимоий муҳитда ўз ўрнига эга бўлиш учун курашади. Бунда ёш хусусияти билан боғлиқ уюшмалар, уларнинг “лидер” (бошлиқ)лари вужудга келиб, маълум бир ҳаракатга бошчилик қиладилар. Масалан, Россия ва бирқатор хорижий мамлакатларда носоғлом оилавий муҳитдан безор бўлиб қолган ёшлар ўз уюшмаларини ташкил этаётганлиги, “бомж” деб аталадиган, ҳатто тиламчиларнинг норасмий ташкилотлари Ўзбекистонда ҳам борлиги шундан далолат беради.

Маҳаллаларда аёллар ва эркакларнинг норасмий уюшмалари бўлиб, улар ўз йиғинларида давлат сиёсати, халқаро ҳамжамиятдаги муносабатларга доир фикрлар билан ўзаро мулоқот қилиб, шундан келиб чиқиб муайян муносабатлар шаклланананади ва у аввало оила, маҳалла доирасида, сўнгра бошқа жойларга тарқалади.

Чет элларда вужудга келган ҳамда ўз Низомларига эга бўлган ташкилотлар, масалан, Ҳизбут-таҳрир исломия, ваххобийлик ва шу кабиларнинг Ўзбекистонда норасмий (яширин) ташкилотлари мавжуд. Андижонда “Акромия” деган норасмий ташкилот ўзининг ғайридиний,

ғайриинсоний ғояларини оила ва маҳалла каби мафкуравий ижтимоий институтлар орқали айрим кишилар онгида қарор топишига эришиб, даҳшатли фожиалар рўй беришга сабабчи бўлдиларки, бундай ҳоллаларни ҳисобга олиб, миллий ғояни кенг тарғиб этиш, айниқса Ноосфера даврида тарафкашликка асосланган ҳар қандай кўринишдаги мафкураларга қарши ғоявий иммунитетни ҳосил этиш ижтимоий зарурат бўлиб турибди.

**Маҳалла (истиқомат жой)ларнинг маънавий-аҳлоқий муҳитни шакллантиришдаги ўрни.**

Ўзбекистонда маҳалла тузилмасининг тарихий илдизлари бағоят чуқур ва пурвиқордир. У шарқона демократия институти шаклларидан бири сифатида жамоатчилик фикри ва миллий маънавий қадриятларга таянган ҳолда аҳолига ғоявий таъсир кўрсатиш мафкуравий ижтимоий институти вазифасини ҳам бажариб келади. Мустақиликка эришилганидан сўнг, маҳалла тузилмаси ўзини-ўзи бошқарувнинг миллий модели сифатида тан олиниб, у Ўзбекистон Конституцияси ва Президент Фармонлари билан мустаҳкамланди. «Кучли давлатдан кучли жамият сари» шиорлари остида маҳаллаларга давлатнинг бирқатор функцияларини аста-секин бериб бориш сиёсати изчил амалга ошириб келинмоқда.

Ғоявий таъсир деганда фақат оғзаки, ёзма ёки кўргазмали ташвиқот ва тарғиботни тушунмаслик керак. Ҳайрли анъанага айланган турли урф-одатлар, расм-русумлар, маросимлар йўли билан аҳолига кучли ғоявий таъсир кўрсатиш имконияти маҳаллаларда кўп. Ундан ташқари, меҳр-оқибат, саҳоват ва инсонпарварликка қаратилган ташкилий ишлар йўли билан ҳам аҳолининг кам таъминланган қисмида давлатга, жамиятга, халққа нисбатан ижобий хис-туйғулар ривожлантириб борилади.

Тарихан ёш авлодни миллий руҳда тарбиялашда маҳалла салмоқли ўрин эгаллаб келган. Ана шу боисдан ҳам “бир болага етти маҳалла ота-она” деган ақида халқимиз онгида ўрнашиб қолган. Тўғри, Шўролар даврида индивидуализм майллари учун йўл очилгани маҳаллаларнинг ғоявий тарбия соҳасидаги ролини анчайин пасайтириб қўйган бўлса ҳам, мустақиллик йилларида у қайта тикланмоқда. Чунки “Инсоннинг оилада шаклланган имон-эътиқоди, одоби, орияти ва виждони, ғурур-ифтихори, ақл-заковати, тафаккури маҳалла муҳитида янада юксалиб, халқ иродаси, ўзаро тотувлик ва ҳамкорлик ришталари билан уйғунлашиб, жамиятда соғлом муносабатларнинг шаклланишига, миллий истиқлол ғояларининг мустаҳкамланишига олиб келади”[1]

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.. “Янги аср авлоди” нашр.., 2001. – 146 б.

Шуни ҳам айтиш кераккки, маҳалла оқсоқоллар кенгаши ва аҳоли ҳар доим ташкилий-тарбиявий ишларда ёрдамга, маслаҳатга, йўл-йўриққа муҳтож бўлади. Агар ҳозирги тарихий давр Ақлнинг Она-табиатга кучли таъсир ўтказиш – Ноосфера босқичига ўтгани исботланиб, бу соҳада маҳалланинг вазифалари аниқ-равшан ифодалаб берилса, истиқомат жойларида ғоявий таъсир кўрсатиш янги бир асосда ривожланиши шубҳасиздир. Хусусан маҳалла (истиқомат жой)ларда юзага келадиган ҳар қандай тушунмовчилик, зиддиятлар тарафларнинг ён бериши, муросаю мадорага келиш асосида тарихан ҳал қилиниб келинганини эътиборга олсак, Ноосфера даврида маҳаллалар умумбашарий муаммоларни ҳам ҳал этишда салмоқли ўринга эга бўлиб қолишлари мумкин.

**Ўқув ва меҳнат жамоалари мафкуравий институт сифатида.**

Илгари айтилганидек, “Таълим” кенг тушунча бўлиб, унинг доирасига таълим тизимининг барча босқичларидан ташқари оила, маҳалла, меҳнат жамоалари, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳам киради. Ғоявий таъсир кўрсатишда ўқув жамоаларининг алоҳида ўрни бор. Ана шу жамоалар ёшларда илмий-фалсафий дунёқарашни шакллантирадилар, олам ва унда одамнинг ўрни тўғрисида изчил билим бериб, унда фуқаролик нуқтаи назарини ҳосил этадилар.

Ҳар бир одам учун оила муҳити нечоғли қадрли бўлса, ўқув ва меҳнат жамоаси ҳам шу даражада қадриятдир. Зеро, ана шу муҳитда одам индивид ва шахс сифатида шаклланади ҳамда моддий ва маънавий бойликлар яратиш жараёнига тортилади. “Демак, касб тарбияси, болани ёшликдан эл-юртга фойдаси тегадиган меҳнат фаолиятига йўналтириш ҳам мафкуравий аҳамиятга эгадир”[1]

Ўқув ва меҳнат жамоасига уюшган одамлар тор касбий билимлардан ташқари оламий фикрлаш қобилиятига эга бўлишлари ғоявий тарбияда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ана шу жамоаларда ўзаро фикр алмашувлар, ҳозирги давр, давлат ва мамлакатлар, инсоният тақдири ва истиқболи ҳақидаги мулоҳазалар жамият аъзоларида нарса, ҳодиса ва жараёнлар тўғрисида аниқ-равшан тасаввурлар ҳосил этади ва уларга индивидуал муносабатлар, шундан келиб чиқадиган баҳоларни вужудга келтиради.

Албатта фикрлар хилма-хиллигига йўл қўйиш (плюрамизм) ва инсон хуқуқлари муқаддаслиги шароитида индивидларга эътиқод танлаш эрки берилган. Аммо эндиликда уларнинг умумий тақдири Ноосфера – Ақл соҳасининг қандай йўналиш олишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб қолганини англаб етсалар, шубҳасиз, тафаккур тарзларида, у билан боғлиқ равишда турмуш тарзларида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. “Одам одам учун олий қадрият” деган ақидага ишониш, шундан келиб чиқиб муносабат белилаш малакасини ҳар бир индивидда ҳосил этиш ишига меҳнат жамоалари салмоқли ҳисса қўша оладилар.

---

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. 167 б.

Бу даврда барча меҳнат жамоалари инсон руҳини поклаш орқали оламда тобора кўпайиб, ҳатто аксарият холларда ғайриинсоний тусга кириб бораётган муаммоларни ҳал этиш мумкинлигига ишонишлари муҳимдир. Чунки бугунги муаммоларга бундай ёндашув ҳар бир одамда ўз келажагига ва инсоният истиқболига умид ҳис-туйғуларини ривожлантириб, индивидуал ва ижтимоий онгни бунёдкорлик томонга буриб юбориш омилига айланади.

Бунинг учун эса ўқув ва меҳнат жамоаларининг аввало ғоявий таъсир кўрсатишнинг мафкуравий ижтимоий институтлари сифатида тан олиниши ва албатта шундай ёндашувлардан келиб чиқиб, уларда имконият даражасида турган салохиётдан фойдаланиш йўллари, усулларини излаб топиш учун бу соҳада илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйишга тўғри келади. Илмий-тадқиқот ишларининг хулосалари ва тавсияларига таяниб туриб, Ноосфера даври талаблари асосида ўқув ва меҳнат жамолари фаолиятларини инсон руҳини поклаш, одамзотда ўз турини қадрлаш орқали қадр топиш, ҳар бир жамиятда маънавий-аҳлоқий муҳитни соғломлаштиришга йўналтириб юбориш ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳият касб этмоқда.

**Хулоса:** а) оилалар ғоявий таъсир кўрсатишнинг мафкуравий ижтимоий институти эканини назарда тутиб, муносабат белгилаш лозим; б) аҳоли яшайдиган жойларда ўзидан-ўзи шаклланадиган норасмий ташкилотлар ҳам одамлар фаолияти ё у ёки бу томонга буриб юбориш имкониятига эга эганлигини назарда тутиш муҳимдир; в) маҳалла (истиқомат жойлари)га уюшган аҳолининг жамиятда маънавий-аҳлоқий муҳитни соғломлаштиришдаги ўрни салмоқли бўлиб қолиши мумкин; г) ўқув ва меҳнат жамоалари ғоявий таъсир кўрсатишнинг мафкуравий ижтимоий институти сифатида одамзот руҳини поклашда улкан салоҳиятга эгадир; ж) Ноосфера даврида Ақлни батамом яратувчилик томонга буриб юборишда юқоридаги омиллардан фойдаланиш учун илмий-тадқиқот ишларини кенг йўлга қўйиш зурурати пайдо бўлмоқда.

**Калит сўзлар:** оила, маҳалла (истиқомат жой), ўқув жамоаси, меҳнат жамоаси, мафкуравий ижтимоий институт, давр руҳи, бош тарбиячи ва ҳакам, “оммавий маданият”, норасмий уюшмалар, кичик оила, катта оила, бошлиқ (“лидер”), шарқона демократия, “Таълим”, “Таълим тизими”, плюрализм.

## Такрорлаш учун саволлар.

- Якканикоҳликка асосланган оилаларнинг афзаллиги нимада?
- Ғоявий таъсир кўрсатишда оила қандай имкониятга эга?
- Маҳалла (истиқомат жой)ларда миллий ғояни одамлар онгига сингдириш қай аҳволда?
- Норасмий уюшмаларнинг ғоявий таъсир кўрсатишдаги ўрни қандай?

- Норасмий жамоалар “лидери” (бошлиғи) дунёқараши ва эътиқод йўналишининг аҳолига таъсири қандай бўлади?
- Ўқув жамоасида ёшларга ғоявий таъсир кўрсатиш имконияти ва ундан фойдаланиш аҳволи қандай?
- Меҳнат жамоалари ғоявий таъсир кўрсатиш мафкуравий ижтимоий институт сифатида ўз ролларини қандай бажармоқдалар?
- “Оммавий маданият” нима ва у Ўзбекистон халқлари тафаккур ва турмуш тарзига ғоявий таъсири қандай?
- Нега миллий манфаатларимизга ва эътиқодларимизга зарар етказадиган ғоялар баъзи ёшлар онгига сингиб, уларнинг миллий мустақилликни мустаҳкамлашга хилоф фаолият йўналиши белгилашларига сабаб бўлмоқда?

## Ғоявий таъсир кўрсатиш воситалари, шакллари, услублари.

### Сўз – ғоявий таъсир кўрсатишнинг мафкуравий воситаси сифатида.

Ноосфера даври одам-олам муносабатларида илмий ҳақиқатларга асосланган янгича дунёқараш, шу асосда янгича тафаккур ва турмуш тарзи шаклланишини тақоза этмоқда. Ушбу жараёнда геосиёсат ва мафкурада ҳам янгича ёндашувлар қарор топиши, инсоният ниҳоят миллий, ирқий, диний ва бошқа негизда муқаррар чиқадиган зиддиятларни зўравонликларсиз, урушларсиз, терроларсиз, тарафкашликларсиз хал этиш босқичига ўтишига умид қилиш мумкин. Ана шундагина илмий-техника ва технология муваффақиятлари ва глобаллашув жараёнларидан ҳар бир элат, миллат, минтақа халқлари ва бутун башарият манфаатлари йўлида тўла-тўкис фойдаланиш имконияти вужудга келиши мумкин. Бу улуғ мақсадларга эришишда мафкура воситалари, шакллари, услублари ҳақида ёшларимиз зарур билимга эга бўлишлари тарихий заруриятдир.

Муайян дунёқараш ифодаси сифатидаги ғояларни одамлар онгига етказиш, уларнинг қалбидан мустаҳкам ўрин олишида сўз асосий мафкуравий восита ҳисобланади. Бинобарин, одамзот жамият бўлиб яшашга ўтгач, маънавиятни қарор топтириш, шу асосда жамоа ва жамиятга уюшган одамларда ўзаро ҳамкорлик, ҳамдўстлик рухини қарор топтиришда сўздан ўз ўрнида ва билиб фойдаланишга катта эътибор берилган. Масалан, «Авесто»да сўзнинг қудратига юксак баҳо берилади ва эзгу сўз одамнинг комиллик мақомига эришишининг зарур шарти ҳисобланиб, шу жараёнда унда эзгу ният ва эзгу амаллар вужудга келишига эътибор қаратилади. Қадимги Юнонистонда риторика мактабларида махсус тайёргарликка эга бўлган воизлар тайёрланган. Мактабни муваффақиятли битирганлар омма олдига чиқиб сўзлаш хуқуқига эга бўлганлар. Ўрта асрлар, шунингдек кейинги даврларда ҳам ислом дини ва шариатларидан етарли билимга эга бўлган одамларни воиз деб атаганлар, улар омма олдига чиқиб, олам-одам муносабатлари ҳақида гапирганларида, барча унинг сўзларини бутун вужуди билан тинглаган. Ғарб мамлакатларининг баъзиларида махсус

герменевтика фани ўтилиб, унда бўлажак мутахасисларнинг сўзларни ўз ўрнида ва ўз маъносида ишлатишга ўргатилади.

Ҳозирги даврдаги тадқиқотлардан маълум бўлишича, одамзот кундалик шахсий кузатишлари, ҳаётий тажрибаси, ижтимоий-сиёсий қарашларига мувофиқ келадиган ғояларгагина ишонар экан, бунда мантиқий боғланишлар ифодаси бўлган фикрларга нисбатан кундалик онг даражасидаги ўткинчи қарашларга қизиқиш катта бўлади. Агар воизнинг билими чуқур, нотиқлик маҳорати юксак бўлса, кундалик онг даражасида кенг ёйилган фикрларга таяниб туриб, мантиқ кучи билан ўз қарашларига ишонтира олади ва тингловчини жиддий ўйлаш ва мулоҳаза қилиб кўришга даъват этиб, илмий-фалсафий жихатдан асосланган фикрларга ишонч туйғусини вужудга келтира олади. Демак, нотиқ ёки воиз нутқида ишлатиладиган, жамият ва халқ манфаатларини ифодаловчи ижтимоий рамзлар – сўзлар, иборалар, шиорлар, нарса ва ҳодисалар ўша тингловчи талаб-эхтиёжи, орзу-умидлари ва манфаатларига бевосита алоқадор бўлгандагина таъсирчан ва ишончли бўлади.

Сўз – дил гавҳари, жон озиғи деганда, халқимиз ҳар қандай иборани эмас, балки одамда комиллик сифатларини тарбиялайдиган, унда ўз Ватани, миллати шаън- шуҳратига шухрат қўшиши учун илхом манбаъи бўладиган доно фикрлар, ижтимоий ходисаларга донишмандларча баҳо бериш ва муносабат белгилаш қобилиятини вужудга келтирадиган илмий қарашларни назарда тутади. Таълим тизимидаги барча фанлар ўқитувчилари ёшларда илмий дунёқарашни шакллантиришга хисса қўшадилар, демак, уларнинг ҳар бир сўзи маълум маънода мафкура билан вобоста бўлиб кетадики, буни назардан соқит қилмаслик керак. Сўзга эътибор – элга эътибор, деган нақл улар учун дастуруламал бўлмоғи лозим. Инсоният Ноосфера даврига кирган ва кўп йирик давлатларнинг геосиёсатида анъанавийлик давом этиб, тарафкашлик руҳини қарор топтириш майллари ҳамон кучли экан, ҳар бир ўқитувчи бу холатни ҳисобга олиб, ёшларда илмий дунёқарашни қарор топтириш, уларда оламий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга жиддий аҳамият бериши лозим. Зеро, сўзга, фикрга, ғояга мафкура воситаси сифатида қараган шахс ижтимоий-сиёсий жиҳатдан салмоқли сўзлар орқали ёшларда истиқлол ва тараққиёт учун кураш, фидойилик намуналарини кўрсатиш иштиёқларини ривожлантирган бўлади.

**Таълим тизими ва ғоявий тарбия.**

«Таълим» ва «таълим тизими» тушунчаларида айният ва тафовут мавжуд. Айният шундаки, ёш авлодга, умуман одамзотга таълим бериш билан ота-оналардан тортиб, қариндош-уруғ, ёру-биродар, дўстлар – борингки, муайян жамоа ва жамиятга уюшган индивидларнинг барчаси иштирок этади. Ўзбекларда «битта болага етти маҳалла ахли ота-она»деган хикматли сўз тарихан қарор топганлиги бежиз эмас. Чунки тарбия кўрган, жамиятда яшаш кўникмаларини ўзида ҳосил этган инсонлар қанча кўп бўлса, оила, маҳалла, қишлоқ ва, борингки, бутун мамлакат аҳолиси тинч-

тотув, бир-бири билан ҳамкор, ҳамнафас яшайдилар. Шунинг учун ҳам халқимизда таълим кўрмаган олимдан таълим кўрган «оми» афзал деган нақл бор. Масалан, миллий анъаналар руҳида тарбияланган чўпон ўз халол меҳнати, шахсий намунаси билан жамиятда маънавиятни қарор топтиришга муносиб ҳисса қўшади. Бойликка ружу қўйган, олғирлик касалига мубтало бўлган, халол билан ҳаромнинг фарқига бормайдиган олим, сиёсий арбоб жамиятда ўз «номунаси» билан муайян жамоа ва умуман жамиятни издан чиқарса, миллий манфаатларга хиёнат қилса, ўша «оми» ҳисобланган чўпон жамият ва унинг тараққиёти, инсон камолоти учун беназир хизмат қилади. Шу маънода «Таълим» маълум бир мамлакатда, минтақада тарихан қарор топган урф-одатлар, расм-русумлар, маросимлар орқали муайян дунёқарашни қарор топтириш, миллий ўзликни ва одам ўз-ўзини англаш рухини сингдиришда барча шахсларнинг иштирок этишини назарда тутадики, шу жихатдан «Таълим тизими» у тушунчанинг таркибий қисми ҳисобланади.

«Таълим тизими» тушунчаси муайян тизимга тушганлиги, аниқ бир мақсадга қаратилганлиги ҳамда барча замонларда мафкура воситаси бўлиб келганлиги билан «Таълим»га нисбатан чуқурроқ ва аниқ-равшанроқ тушунчадир. Ҳар бир таълим тизими муайян тарихий давр руҳини ўзида ифодалаб, аниқ давлат ва жамият олдида турган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавият-маърифий вазифаларни бажариш мақсадларига бўйсунади. «Бешикдан то тобутгача ўқи!» шиорига асосан, Ўзбекистонда таълим тизими узлуклиликнинг узлуксизлик тамойилига асосланган. Яъни, боғча, бошланғич ва ўрта мактаб, олий ўқув юрти (у бакалавриат ва магистратура босқичларига эга), сўнгра аспирантура, доктарантура ҳамда малака ошириш институтларини ўз ичига олади.

Таълим тизимида ғоявий тарбия марказий ўринларда туради. Чунки таълим тизимининг барча босқичларида бериладиган таълим ва тарбия жараёнлари ўқувчилар, талабалар, тингловчилар «дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг онгини илмий асосланган билимлар билан бойитиш ҳамда жамият учун, унинг равнақи учун керак бўлган сифатларни камол топширишга йўналтирилган бўлади».[1] Таълим бериш жараёни тарбияни ўз ичига олади, аммо тарбия кўп қиррали ва, юқорида айтганимиздек, умумхалқ иштирокини тоқоза этгани сабабли, таълимни ҳам назарда тутади. Шунинг учун ҳам тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши тўғрисидаги талаблар аввало таълим тизимида ишлаётган барча тоифадаги индивидларга ҳам ва албатта халқнинг ҳамма табақаларига ҳам тааллуқлидир.

Бироқ, ғоявий тарбия бевосита дунёқараш билан боғлиқ бўлгани сабабли, замонавий таълим тизимида мафкура воситаси сифатида ҳар қандай дунёқарашни эмас, балки одам-олам ҳақида илмий жиҳатдан асосланган, фалсафий мазмун билан бойитилган дунёқараш руҳида ёшларни, бутун халқ оммасини тарбиялашга ҳаракат қилади. «Янгича фикрлаш ва янгича

---

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. 167 б.

тафаккур айнан мустақиллик мафкураси рухида тарбия топиб, сайқалланган миллий онг, дунёқараш ва эътиқод махсулидир».[1]

Ғоявий тарбияда ижтимоий-гуманитар фанларнинг алоҳида ўрни бор бўлиб, улар муайян жамият олдида тарихан турган мураккаб вазифалар ҳамда уларни бажариш йўллари, усулларини ҳам кўрсатади, индивидлар шахс бўлиб камол топишлари учун ёрдам беради. Фалсафа шу жихати билангина вертикал тарзда ижтимоий-гуманитар фанлар билан туташиб, мафкура тусига киради ва ғоявий тарбияда марказий ўринни эгаллайди. Фалсафа горизонтал тарзда табиий ва техникавий фанлар билан боғлангани учун фан сифатида у илмий дунёқарашни шакллантиради.

Табиий фанлар тадқиқотчилари XX асрда Ер деб аталган кичик олам ва унда одамнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси ҳақида салмоқли далилларни тўпладилар, моддий олам ўз-ўзидан вужудга келгани ва ўз-ўзидан ҳаракатдалигини рад этиб бўлмайдиган мисоллар билан исботладилар. Айниқса физик ва химик олимларнинг Табиат ўз тараққиётининг Ноосфера босқичига ўтгани, бунда унинг тақдири ўзи яратган ва «Одам» деб аталадиган мавжудоднинг ақл-заковати, фаолиятига боғлиқ бўлиб қолганини исботладиларки, буни эътибордан соқит қилиш жуда катта гумрохлиқ бўлур эди. Демак, барча мамлакатлар халқлари, айниқса уларнинг сиёсий арбоблари илмий-техника ва ахборот технологиялари муваффақиятлари тўла-тўкисича инсоният ва Ер деб аталган табиат манфаатларига бўйсундиришлари зарур бўлиб турибди. Таълим тизимининг барча бўғинларида Ноосфера даври янгича дунёқарашга муҳтож бўлиб турганига асосий эътиборни қаратишга даъват этилган. Ана шу ғояларни одамлар онгига сингдириш, уларни янги замон талаблари руҳида тарбиялаш миллий мафкураларда устивор йўналиш бўлиб қолса, инсониятнинг порлоқ келажаги ғоявий жиҳатдан мустаҳкамланган бўлади.

**Оммавий ахборот воситалари ва ғоявий таъсир.**

Ғоявий таъсир кўрсатиш, индивидлар фикрини, қарашларини муайян мақсадларга йўналтириш, жамиятда ғоявий жипсликни қарор топшириш, имонли комил инсонлар шахсини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари (ОАВ) – телевидение, радио, газета ва журналлар, нашрий китобларнинг бетакрор ўрни бор. Мафкуранинг таъсирли воситалари сифатида улар одамларга, бутун оммага миллий мафкуранинг Бош ва Асосий ғояларидан кузатилган мақсадларни тушунтиришда, шу жараёнда халқнинг энергиясидан яратувчилик, бунёдкорлик йўлида фойдаланиш имкониятини кенгайтиришда муҳим роль ўйнашлари мумкин. Оммавий ахборот воситалари таълим тизимида 1-блок фани сифатида ўқитилаётган ҳамда республиканинг 19 та олийгоҳида ташкил этилган «Миллий ғоя ва маънавият асослари» кафедраларида шу ихтисослик бўйича кадрлар тайёрлаш соҳасида тўпланган тажрибаларни ўрганиб, уларни

[1] Юқоридаги ўкув қўлланма. 168 б.

оммалаштириш, мавжуд камчиликлар, айниқса ўқув адабиётлари танқислигининг туб сабабларини аниқлаб, улар ва бошқа камчиликлар, нуқсонларни бартараф этишга қаратилган тахлилий (аналитик) мақолалар беришга даъват этилган. Бугина эмас, давр ва замон, унинг бошқа замонлардан фарқ қиладиган жиҳатлари тўғрисида таъсирли мақолалар беришлари, шу жараёнда индивидуал ва ижтимоий онгни маълум бир ўзонларга буриб юбориш имкониятлари уларда улкан, хусусан, Ноосфера даври, бунда Ақлнинг ва унинг меваси бўлган фан-техника ва технология муваффиқиятларидан фойдаланишни оқилона, бунёдкорлик, яратувчилик, эзгулик томонга буриб юбориш ҳам миллий, ҳам умумбашарий аҳамиятга молик ҳодиса эканини аввало бу соҳа ижодкорлари ўзлари яхши англаб олишлари, сўнгра шу йўналишда таъсирли кўрсатувлар, эшиттиришлар, салмоқли мақолалар беришлари мумкин.

Буларни айтишдан мақсад шуки, ғоявий таъсир кўрсатишнинг мафкуравий воситаларидан бири бўлган таълим тизими орқалигина миллий истиқлол, миллий тикланиш ва умуман миллий ғояни одамлар имон ва эътиқодига, халқ оммасининг маслагига айлантириш амри маҳол. Бинобарин, мафкуранинг бошқа воситалари, жумладан, ОАВда хам миллий ғоя, унинг тарихий ва фалсафий илдизлари, миллатни жипслаштиришда, миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, миллий қадриятлар рухини сингдиришда узоққа мўлжалланган мақсадли ишлар амалга оширилишини замонамиз воқелиги тақоза этиб турибди. Гап шундаки, биз ғоявий таъсир кўрсатишнинг барча воситаларидан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳаммаси тўла куч билан ишлашига эришмай туриб, одамларда, халқ оммасида «ғоявий иммунитет» хосил эта олишимиз қийин, демак, бундай вазиятда мамлакатимизнинг ўзида ва четдан ёт, бегона ғояларнинг кириб келиш имконияти кенгаядики, бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

## Ғоявий тарбияда хайрли анъаналарнинг ўрни.

Маълумки, ҳар бир халқ, миллатнинг тарихан ўз-ўзидан шаклланган ва анъанага айланган расм-русумлари, удумлари, урф-одатлари, маросимлари, байрамлари бўлади. Анъаналарни 2 турга бўлиш мумкин: биринчиси, янги замон рухига монанд келадиган ва шу туфайлидан миллат шаън-шавкати, ғурур ва ифтиҳорини ривожлантирадиган, халқни – халқ, миллатни – миллат бўлиб уюшишга мадад берадиган ҳайрли анъаналар; иккинчиси, ёшини яшаб – ошини ошаб бўлган, шу туфайлидан ижтимоий тараққиёт ва инсон комолатига завол бўладиган, миллий парокандаликка йўл очадиган зарарли анъаналар.

Анъаналар мафкуравий восита сифатида индивидуал ва ижтимоий онгга фаол ғоявий таъсир кўрсатишини инобатга олиб, уларга табақавий муносабатда бўлган маъқул. Чунки ҳайрли анъаналарни зарарли анъаналардан фарқлай билиш учун назарий онг даражасида муҳокама юритиш лозим бўлади. Реал воқеликда улар бир-бирига қоришиб кетган бўладики, ҳайрлиси билан зарарлисини ажратиб олиш амри маҳол бўлади.

Масалан, тўй маросимлари ўзбекларда алохида тантана билан ўтказилиши расм бўлган. Чунки улар мустаҳкам оилани барпо қилишда, оилавий муносабатлар чинакам инсоний тусда ривожланишида алоҳида аҳамиятга молик. Тўйларда миллий ва диний бағрикенглик учун кенг йўл очилади. Шу маънода тўйларимизни ҳайрли анъаналар сирасига киритиш мумкин. Тўй маросимлари таркибида жуда кўп удумлар, расм-русумлар, урф-одатлар бўлади. Шулар ичида Қиз учун қалин ёки «сут пули» ва, ҳаддан ортиқ тоғоралар бериш урф-одатлари ҳам бор. Булар янги шаклллланаётган оила равнақи ва айниқса қудалар ўртасидаги муносабатлар инсоний бўлишига нисбатан кўпинча икки ёш ва қуда-андалар ўртасида совуқ муносабатлар шаклланиб қолишига ҳам сабаб бўлади. Тўйлардаги ҳаддан ташқари дабдабабозлик ва исрофгарчиликка йўл очадиган удумларни асл ҳайрли анъаналар сирасига киритиб бўлмайди.

Одамларнинг бир-бирини тушунишлари, меҳр-оқибатли бўлишлари, ҳамкор, ҳамнафас бўлиб яшашлари учун маънавий-рухий вазиятни юзага келтирадиган ҳайрли анъаналарни қўллаб-қувватлаш, уларни ривожлантириш учун зарур чоралар кўриш миллий манфаатларимизга мувофиқ келади, албатта. Чунончи, «Ҳар бир ўзбек оиласида муқаддас саналадиган меҳмонновозлик, қиз ва ўғил болалар тарбияси борасида махсус хайрли (изоҳ И.К.ники) анъаналарнинг мавжудлиги, йил мавсумига кўра барча оила аъзолари иштирокида ўтказиладиган хашарлар, чақалоқнинг дунёга келиши билан боғлиқ маросимларга – ҳамма-ҳаммаси эзгуликка, яъни соғлом ғоявий мухитни шакллантиришга хизмат қилади».[1]

Мустақиллик йилларида Наврўз, Миллий мустақиллик байрамлари, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, “Хотира ва қардлаш кун” жамият аъзоларининг миллий ғоя рухида тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқда. Сабаби шуки, буларни ўтказишда давлат ва жамоат ташкилотлари бош-қош бўлиб келмоқдалар.

Демак, анъаналарга миллий мафкура воситаларидан бири сифатида ёндошадиган бўлсак, улар қандай ғоявий йўналишда ва қандай мақсадларга хизмат қилиш масаласига бефарқ қараб бўлмайди. Яна бир мулоҳаза шуки, кўп урф-одат, маросимлар оила ва маҳалла доирасида бўлишини баҳона қилиб, уларни ташкил этиш ва бошқаришни тасодифий кишилар иҳтиёрига ташлаб қўйиш миллий манфаатларимизга тўғри келмайди. Масалан, ўлим билан боғлиқ маросимларни ўтказишда ҳам айрим оилаларни қийин аҳволга солиб қўядиган урф-одатлар мавжуд. У маросимлар ислом нуқтаи назаридан маъқулланмаса-да, аммо мадраса ёки ислом махади (олий ўқув юрти)ни битирмаган ва бу муқаддас диннинг асл моҳиятини англаб етмаган кишилар кўпинча уларга бошчилик қиладиларки, буни назардан соқит қилиш мумкин эмас.

**Маданий-маърифий муасса-ссалар ғоявий тарбия маскани.**

Маданий-маърифий муассасалар сирасига маданият сарой (уй)лари,

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. 177 б.

кутубхоналар, клублар, музейлар, театрлар, кинотеатрлар спорт ташкилотлари, шунингдек баъзи касбий ва ижодий уюшмалар киради. Улар ҳам миллий онгни ривожлантириш, миллий ўзликни ва қадриятларни англаш, одамларга миллий фаҳр ва ғурур руҳини сингдириш, миллий ғояни тарғиб ва ташвиқ этишда, уни одамлар қалби ва онгига сингдиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Улар орқали ва улар воситаси-ила одамнинг ҳам онгига, ҳам хис-туйғусига ғоявий таъсир этиб, муайян дунёқарашга ихлос (эътиқод) тарбияланади. Индивидлар шундан келиб чиқиб, миллий ўзликни англайдилар, миллат тарихи билан ошно бўладилар. Уларда қадриятли онг шаклланади.

Демак, улар фаолияти муайян дунёқараш билан боғлиқ равишда ғоявий йўналиш олганда, индивидуал ва ижтимоий онг аниқ бир мақсадли тусга киради. Бинобарин, ғоявий таъсир кўрсатишнинг муҳим воситаларидан ҳисобланган бу имкониятлардан кенг ва мақсадли фойдаланиш, индивидлар дунёқараши илмий йўналиш олиши, одамларга маънавий-руҳий озиқ берадиган тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мумкин. Масалан, театр саҳнасида Она-табиат ўзини яратган ва одам деб аталадиган мавжудоднинг саҳоватига муҳтож бўлиб тургани бадиий образларда ўз ифодасини топса, унинг дунёқарашлик аҳамияти нақадар пурвиқор бўлади. Бундай асарларнинг юзага келиши ва кинотеатрлар репертуарларидан кенг ўрин олиши зўравонликни тарғиб қилувчи, индивидларда тошбағирлик хисларини ривожлантирувчи, уларда хайвоний хирсларни қўзғатаётган фильмларга чек қўйилишига йўл очган бўлур эди.

Маълумки, собиқ Шўролар даврида миллий онгни хиралаштириш, шу жараёнда миллий маданиятни йўқотиш сиёсатига хизмат қилган мафкура таъсирида ижодкорларимиз 1918-1923 йилларда мустақиллик учун миллий-озодлик уруши олиб борган ватандошларимизни қонхўр, зўравон, босмачи этиб кўрсатиш учун чакана меҳнат сарфламадилар. Мустақиллик шарофати билан ўша ғоявий тажоввузкорликлар хато эканини асосли равишда порлоқ образларда кўрсатиш имкониятига эга бўлдилар. Бироқ, миллий ғояга ихлос етарли бўлмагани учун на саҳналарда ва на кинотеатрларда халқимизга бундай асарлар тақдим этилмаётганига таажжубланасан, киши. Тарихчиларнинг баъзи асарларида ҳаётини миллат озодлиги ва истиқболи учун бағишлаган ватандошларимиз тимсолида хануз «босмачи» гавдаланаётгани, эҳтимол, унга сабаб бўлаётгандир. Шунинг учун ҳам бу муассасалар жамоаларининг ўзини аввало миллий ғоя рухида тарбиялаш, уларда янги замон рухини англаш хис-туйғуларини ривожлантириб, «ғоявий-бадиий саёз, қадриятларимизга ёт бўлган асарларни саҳнага олиб чиқмаслик ҳам жуда зарур иш хисобланади».

Якка мафкурачилик ҳукмрон бўлган Совет даврида ўша давлат сиёсатига зид асарни саҳналаштириш умуман мумкин эмас эди. Фикрлар хилма-хиллигига (плюрализм)га йўл қўйиш Асосий Қонунимизда ўз ифодасини топган экан, ўз миллати манфаатларига, унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган асарларни саҳнага олиб чиқиш ёки

кинофильмлар экранига чиқариш ҳар бир санъаткорнинг виждон амрига ҳавола, албатта.

Маданий-маърифий муассасаларининг бошқа йўналишлари ҳам мафкуравий воситалар сифатида миллий ғояни ташвиқот қилиш, уни одамлар онгига сингдиришда катта имкониятларга эгадирлар. Фақат уларга уюшган жамоаларнинг назарий онг даражалари замон талабларига мувофиқ юксакларга кўтарилишига, миллатимизнинг ғоявий жипслиги йўлида ўзларига боғлиқ ишларни қилишларига боғлиқ.

**Ғоявий тарбияда адабиёт ва санъат.**

Ғоявий таъсир кўрсатишда адабиёт ва санъат тарихан мафкуранинг қудратли воситаси бўлиб келган. Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш йилларида миллий хотирани тиклаш ва ривожлантириш, ижтимоий адолат ва унинг тамойилларини кенг халқ оммаси англаб олиши учун адабиётчилар ва санъатчиларимиз холи-бақудрат ҳаракат қилиб келмоқдалар.

Мафкуранинг бу оммавий воситаси шу билан янада эътиборлики, Шарқ халқлари, жумладан ўзбекларнинг тафаккур тарзи бадиий образлар орқали шаклланиб келди. «Авесто»дан тортиб, «Қуръони Карим», халқ оғзаки ижоди, хатто илмий – фалсафий асарларнинг аксарияти назм шаклида ёзилганлиги маълум. Ана шу боисдан ҳам бадиий адабиёт ва санъат асарлари орқали илгари сурилган ғоялар, дунё ва одамга қарашларга доир фикрларни халқимиз тезда илғаб олади, уларни қабул қилиш ва мияда такрор мулоҳаза этиб кўриш осонлашади.

Агар ёзувчи ва санъаткор Ноосфера даври, унинг инсоният олдига қўяётган юксак маъсулияти талабларини чуқур англаб етса, ҳам миллий, ҳам умумбашарий аҳамиятга молик асарларни яратишга кучли иштиёқ пайдо бўлиши, бундай майл одамлар қалбининг тўрисида имконият ҳолида яшириниб ётган эзгулик хис-туйғуларини қўзғатиши, одамлар ва халқларни яратувчилик, бунёдкорлик ишларида янада фаолроқ қатнашишга даъват этиши аниқ. Кичкина шеърдан тартиб, йирик романларгача, оддий ҳаваскорлик расмларидан тортиб бутун инсониятга қаратилган полотна асарларигача Ноосфера даври имкониятларини ёрқин бадиий лавҳаларда акс эттирса, бунда миллий онг янгича дунёқараш йўналишида ривожланади, ундаги умумбашарий мазмун эса миллатимиз равнақига равнақ қўшишига хизмат қилади, албатта.

Бу фикрларни айтишдан мақсад шуки, миллий мафкура умумбашарий муаммоларни англатиш, уларни хал этишга мафкуравий воситалар, жумладан адабиёт ва санъат салоҳиётидан фойдланиш измига солинса, миллий қадриятлар заволга учрамайдими, деган савол туғилиши мумкин. Бундай хавотирликлар бўлиши табиий. Аммо шуни таъкидлаш ўринлики, умумбашарий жихатлари юксак бўлган миллий маданиятнинггина истиқболи порлоқ, мазмун-моҳияти пурвиқор бўлади. Масалан, Шекспирнинг «Гамлет», «Отелло» драматик асарлари шунинг учун асрлар давомида яшаб, турли миллий саҳналарда катта олқишларга ҳануз сазовор

бўлиб келаётганининг туб сабаби аввало унда илгари сурилган ғоялар умумбашарий аҳамиятга моликлигидадир. Ўша асарларда умумбашарий ғоялар миллий шаклда ниҳоятда таъсирли образларда ўз ифодасини топганлигини инкор этиш қийин.

**Ғоявий таъсир ўтказиш шакллари.**

Муайян ғояни индивидлар онгига сингдириш, уларда бу ғоянинг ҳақлигига ишонч руҳини қарор топтириш ва уни эътиқод (ихлос)га айлантиришда мафкуравий шаклларнинг ҳам ўзига хос ўрни бўлади.

Ғоявий таъсир ўтказишнинг оғзаки, ёзма, тасвирий ва техникавий мафкуравий шакллари бўлади. Таъсир ўтказишнинг оғзаки шакли бевосита ва билвосита мулоқот кўринишига эга.

Тарихан ғоявий таъсир ўтказиш шаклининг бевосита мулоқот кўринишидан кенг фойдаланиб келинган. Чунки, турли даражадаги билимга эга бўлган, дунёга ва одамларга муносабатда индивидуал қарашлар майли кучли одамлар билан юзма-юз туриб, бевосита ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этиш энг таъсирчан ва ҳаяжонли бўлади. Бунинг учун нотиқнинг ўзи муайян дунёқарашга қаттиқ ишонган, қалбан ва руҳан ўша дунёқараш ифодаси бўлган ғояларни одамлар онгига етказишга ўзини-ўзи тайёрлаган, бу юмушни шахсий ҳаёти маъноси деб англаган воизлар керак бўлган. Давлат ва жамият йўли билан махсус тайёргарликка эга бўлган шахслар шакллантирилган. Улар ўзи тарғиб қилмоқчи бўлган дунёқарашнинг чуқур билимдони, аудитория хусусиятига қараб туриб дарҳол тингловчиларга мувофиқ келадиган сўзлар, иборалар, қочирим гапларни топишга моҳир, нотиқлик санъатини пухта эгаллаган тажрибали шахслардан иборат воизлар бўлган. Воизлар оғзаки мулоқотнинг монолог, диалог, бахс-мунозара, имо-ишора, қўл ва мимика ҳаракатлари усулларидан ўз ўрнида фойдалана олганлар. Булар на фақат ғоявий таъсир кўрсатиш самарадорлигини ошириб қолмай, айни чоғда тингловчиларга кучли рухоний таъсир кўрсатиб, уларнинг ҳис-туйғуларининг маълум бир ўзанга буриб юборишга ҳам хизмат қилган.

Ғоявий таъсир кўрсатувчи минбарда ўзини эркин тутиши, ўринли хатти-ҳаракатлари билан тингловчиларни ўзига қаратиб олиш хислатига ҳам эга бўлиши муҳимдир. «Бу ҳам нотиққа нисбатан ишонч ва эътиқодни оширади. Ёшлар аудиториясида, воизнинг мурожаатига эътибор жиддийроқ бўлади. Зиёли кишилар, олимларнинг аудиторияда мантиқий, илмий тахлилларга асосланган фикр ва мулоҳазалари катта таъсир кучига эга бўлади».[1]

Ғоявий таъсир кўрсатишнинг оғзаки шакли кенг қўлланилади. Оилада, истиқомат жойларида, ўқув ва меҳнат жамоаларида, давлат ва нодавлат ташкилотларида, таълим тизимида, турли йиғинлар ва анжуманларда бу шакл кенг равишда қўлланилади. Албатта одамлар, аввало ёшларнинг муайян дунёқарашига ихлос қўйишларида ғоявий тарбия шаклининг

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. 159 б.

бевосита мулоқот кўринишидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти катта. Айтайлик, Ноосфера даври хусусиятлари, Она-табиат тақдири кўп жихатдан одамлар ақл-идроки қай томонга бурилиб кетишига боғлиқ экани тўғрисидаги қарашлар оила, махалла, ўқув ва меҳнат жамоаларида, ғоявий таъсир кўрсатадиган бошқа барча муассасаларда ўз ифодасини топиб қолса, ғоявий таъсир кўрсатишнинг оғзаки шакли бунда ниҳоятда қўл келади, албатта. Бу ўринда шуни таъкидлаш ўринлики, бугунги бола, ўқувчи ёки талаба келажакда сиёсат майдонида ҳам фаолият кўрсатади, эҳтимолки, у геосиёсатни белгиловчи шахс даражасига кўтарилар. Ёшлигидан Ноосфера даври ва унинг инсоният олдига қўяётган талабларини англаб етган шахснинг сиёсий ҳаётга ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиздир.

Ғоявий таъсир кўрсатишининг билвосита шакллари оммавий ахборот воситалари, нашрий рисолалар ва китоблардир. Улар орқали олимлар, тадқиқотчилар, ёзувчилар, сиёсий арбоблар, машхур уламоларнинг асарларида илгари сурилган ғоялар, мулоҳазалар одамлар онгига етиб бориб, уларда муайян дунёқарашни қарор топтиради.

Ғоявий таъсир кўрсатишнинг тасвирий шаклига турли аҳоли масканлари, кўчаларнинг бўйларига катта-катта ҳарфларда қўйиладиган турли чақириқлар, расмлар, плакатлар, схемалар ва бошқалар киради. Бундай шакллардан таълим тизимининг барча бўғинларида ҳам фойдаланилади. Ҳозирги даврда ижтимоий-сиёсий рекламалар одамлар онги ва қалбига таъсир кўрсатишнинг мухим омилига айланиб бормоқда. Ҳатто дафтар, китобларнинг муқовалари, кийимлардан ҳам ғоявий таъсир кўрсатишнинг тасвирий шаклларидан кенг фойдаланиб келинмоқда. Доллар ёки Евро каби пул банкноталари ҳам маълум даражада ижтимоий реклама ролини бажармоқда.

Ғоявий таъсир кўрсатишнинг техникавий шаклларига ҳозирги пайтда эътибор тобора кучайиб бормоқда. Интернет, турли видео ва аудио кассеталар, дискетлар орқали муайян ғояларни одамлар онгига сингдиришга катта эътибор берилмоқда.

**Ғоявий таъсир кўрсатиш усул ва услублари.**

Ғоявий таъсир кўрсатиш самарадорлигини ошириш кўп омилларга боғлиқ. Зеро, янги дунёқараш билан боғлиқ ғоялар асрлар давомида маълум бир халқ, миллатга мансуб кишилар онгида қарор топган дунёқараш ифодаси бўлган ғояларга дуч келади. Ўша анъанавий қарашларнинг замон талабларига жавоб берадиган жиҳатларини ворислик сифатида сақлаган ва уларга таянган ҳолда янгича дунёқараш ҳамда шунга мувофиқ тафаккур тарзини шакллантириш имконияти мавжуд бўлади. Масалан, илмий-техника инқилоби туфайли юзага келган ҳамда Она-табиатни ҳалокат ёқасига келтириб қўйган қатор муаммолар фақат илм-фанни ривожлантириш, тадқиқотларнинг янги йўналишлари бўйича изланишларни изчил давом эттиришни тақоза этади.

Ҳозирги даврда деярли барча мамлакатларда диний қарашларга эътиқод қўйган одамлар ёнма-ён яшаб, моддий ва маънавий бойликлар яратиш йўлида оға-инилардек меҳнат қилмоқдалар. Миллий, ирқий, диний тафовутлар ишлаб чиқариш жараёнига жиддий таъсир кўрсатмайди, фақат оилавий-маиший соҳаларда ўзини у ёки бу тарзда намоён этиши мумкин. Аммо ижтимоий-сиёсий ҳаётда миллий, ирқий, диний тафовутлардан фойдаланиб, ўз ғаразли мақсадларини амалга оширадиган кучлар ҳамма даврларда бўлган. Миллий ғоя айнан мана шундай бузғунчи кучларга қарши кураш жараёнида индивидлар онгидан ва қалбидан ўрин олиб, жамиятда ғоявий парокандаликнинг олдини олиб қолиши мумкин. Бунинг учун фақат таъсирли мафкура керак бўлади. Шундагина ғоявий таъсир самарадорлигини ошириш имконияти реал воқеликка айланади.

Миллий ғоя ва мафкура ўз моҳият эътибори-ила илмий-фалсафий қарашларга таянса-да, аммо у барча динлардаги инсон руҳини поклашга ёрдам берадиган қадриятларга ворислик сифатида ёндашади. Бу ҳам миллий ғоя таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширилишига ёрдам беради.

Миллий ғоя ва мафкура бўйича республикамизда илмий-тадқиқот ишлари бошланиб, номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланмоқда. Тадқиқот натижалари миллий мафкурани илмий негизда такомиллашиб бориши, ундаги ғоялар бошқа ёт, зарарли ғояларга қарши курашда катта илмий салоҳиётга эга бўлиши, бинобарин, ғоявий таъсир кўрсатиш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши мумкин.

Ижтимоий фикрни ўрганиш, унга таяниб туриб, барча мафкуравий ижтимоий институтлар ва воситалардан ғоявий ишларни илмий асосга қўйишда самарали фойдаланиш мумкин. Масалан, маҳалла ижтимоий фикрни ўрганишда алоҳида ўринга эга. «Махалла ахли ҳар бир оилада рўй бераётган ҳодисаларни билади, инсонлар тақдирига бефарқ бўла олмайди, фаоллар орқали ижтимоий ҳаётдаги ҳар бир ўзгариш, одамлар онги ва қалбидаги хис-кечинмалар ўрганилади».[1] Бинобарин, ғоявий таъсир кўрсатиш самарадорлигини оширишда мафкуравий ижтимоий институтларда фаолият кўрсатаётган индивидлар орасида социологик тадқиқотларни кенг йўлга қўйиб, уларнинг натижалари негизида аниқ тадбирлар белгилаш мухимдир.

Социологик тадқиқотларни йўлга қўйишда мутахассислар иштирокида анкета тузиш ва сўровлар ўтказиш реал ҳолатни аниқлашда қўл келади. Одамларнинг турли тоифаларидан интервьюлар олиш ҳам ижтимоий фикрни ўрганишга яхши ёрдам беради. «Умуман, миллий ғояларнинг инсон онгидаги мониторингини аниқлашда, маълумотлилик даражасига кўра, очиқ саволлар билан ёзма фикрларни тўплаш, интервью йўли билан хилма-хил фикрларни ўрганиш самаралироқ бўлади».[2]

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. 164 б.

[2] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. 164 б.

Жойларда «ишонч почталари» ташкил этиб, аҳолининг хатлари, хабарлари орқали ҳам ижтимоий ҳаётдаги баъзи салбий ҳолатлар, уни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш мумкин. Ҳужжатлар, ёзма манбаълар, хатларнинг мазмуни, ОАВ материалларини тахлил этиш орқали ҳам ғоявий таъсир самарадорлигини ошириш мумкин.

Маҳалла, туман, шаҳар ва вилоятларда ғоявий таъсир кўрсатишнинг аҳволини ўрганишда маълум бир ҳисобот йилида ўша жойларда содир этилган жиноятчилик, оилавий можароларнинг аҳволи, уларнинг йилдан-йилга камайиб ёки ошиб боришига қараб баҳо бериш ҳам ғоявий таъсир самарадорлигини оширишга хизмат қилиши мумкин.

**Хулоса:** а) ўйлаб ва ўз ўрнида ишлатиладиган сўз ғоявий таъсир кўрсатишнинг қудратли воситасидир; б) таълим тизими ёшлар дунёқарашини шакллантиришнинг мухим мафкуравий воситаси ҳисобланади; в) оммавий ахборот воситаларининг ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари кенг; г) ғоявий тарбияда мафкура воситаси сифатида ҳайрли анъаналарнинг ўрни ва роли улкандир; д) маданий-маърифий муассасалар ғоявий таъсир кўрсатиш масканидир; е) ғоявий тарбияда адабиёт ва санъатнинг бетакрор ўрни бор; ж) ғоявий таъсир кўрсатиш шаклларини англаш, улардан ўз ўрнида фойдаланиш муҳимдир; з) ғоявий таъсир самарадорлигини ошириш усул-услублари борки, улардан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

**Калит сўзлар:** сўз қудрати, риторика, герменевтика, воиз, нотиқ, рамзлар, мафкура воситалари, “Таълим”, “таълим тизими”, ОАВ, ғоявий иммунитет, ҳайрли анъаналар, зарарли анъаналар, маданий-маърифий муассасалар, мафкуравий воситалар, миллий хотира, назм, образли тафаккур, мафкуравий шакллар.

**Такрорлаш учун саволллар.**

- Сўз ва қудрати деганда нимани тушунасиз?
- Ғоявий таъсир кўрсатиш воситаларидан ғоявий иммунитет ҳосил этишда қандай фойдаланилмоқда?
- “Таълим” ва “таълим тизими” тушунчаларидаги айнийлик ва тафовут нимадан иборат?
- Оммавий ахборот воситаларининг миллий ғояни омманинг онгига сингдиришдаги фаолиятларини қандай баҳолайсиз?
- Ғоявий таъсир кўрсатишда нега анъаналарга табақавий (дифференциал) ёндашув керак?
- Маданий-маърифий муассасалар ғоявий таъсир кўрсатишдаги ўз имкониятларидан қандай фойдаланяптилар?
- Ғоявий тарбияда адабиёт ва санъатнинг ўрни ва роли қандай?
- Ғоявий таъсир кўрсатиш усул ва услублари деганда нималар тушунилади?

## Ноосфера ва барқарор тараққиёт стратегияси.

**Барқарорлик учун ҳар бир халқ ва мамлакат маъсул.**

Одамзот бошқа мавжудодлардан фарқли равишда табиат (Ер мухити)га мослашибгина қолмай, балки ақл ҳамда унинг самараси бўлган фан ва техника ёрдамида ўзининг тобора ўсиб борадиган эҳтиёжларини қондириш учун унга фаол таъсир этади. Кенг ҳажмдаги илмий, техинкавий ва технологик тараққиётдан фойдаланишни оқилона изга, яъни бутун инсоният манфаатларига мувофиқ келадиган  фаолиятларга буриб юбориш муаммоси Планетар онг ва янгича тафаккур тарзини шакллантиришни тақоза этиб турганини англаш даркор.

Ноосфера – Ақл соҳаси бевосита ҳар бир индивид фаолияти билан узвий боғлиқ ижтимоий ходисадир. Шу маънода у ҳар бир халқ ва мамлакат аҳолисидан ўзи яшаб турган табиий мухит ифлосланииши, яъни тупроқ, сув, ҳаво заҳарланмаслиги учун қайғуриш, шу соҳада ўзига боғлиқ бўлган амалиёт билан шуғулланишни тақоза этади. Бироқ бу фақат ҳар бир одамнинг ўзига, маҳалла (истиқомат жой), қишлоқ, туман, шаҳар, вилоят, мамлакат аҳолисига боғлиқ бўлганда эди, ушбу муаммони хал этиш нисбатан осон бўларди. Чунончи, сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик натижасида кейинги 30 йил ичида ҳайвонларнинг 20 тури йўқ бўлиб кетди, ўрмон майдонлари қисқарди, саҳро ва тоғ ўрмонлари заволга учради. Аҳолининг яшаши қийинлашди, саломатлик ёмонлашди. Яна бир офатни олиб қарайлик. 1923 йилдан бери бензинга тетратил-свинец қўшиш натижасида ҳавонинг заҳарланиши кескин ошиб кетди. Бунинг оқибатида тирик организмда модда алмашинуви бузилмоқда, масалан, ақлий заиф болалар туғилиши кўпаймоқда, миянинг доимий (хронологик) оғриғи пайдо бўлмоқда. У заҳар-заққум суякдаги кальцийнинг ўрнини эгаллаш қобилиятига эгаки, оқибатда узоқ вақт давомида уни заҳарлаш манбаъига айланмоқда. Албатта олимлар содир бўлган вазиятдан чиқиб кетиш йўлларини қидиряптилар. Бошқа жойлардаги каби Ўзбекистонда ҳам атроф-муҳитни муҳофаза этиш, биологик хилма-хилликни асраб қолиш бўйича Миллий дастур ишлаб чиқилган. Бунга кўра, атроф-муҳитни соғломлаштириш ва мамлакатнинг барқарор ривожланиш йўлига солиб юбориш назарда тутилган.

Барқарорликнинг 2 жиҳати борлигига эътибор берган маъқул. Унга: а) натижадорлик нуқтаи назаридан ва б) жараён нуқтаи назаридан қараш лозим. Агар жамият Ноосфера даври талабларини ҳисобга олиб, жиддий рационал билимларга таянса, натижадорлик нуқтаи назаридан инсоният барқарор ривожланиш палласига кириб олади. Жараён нуқтаи назаридан жамият ва табиат кооэволюцияси таъминлангандагина тараққиёт барқарорлик измига тушиб кетади.

Барқарор ривожланиш халқаро ҳамжамият қабул қилган умумий стратегия (узоққа мўлжалланган мақсад режаси)нинг номидир. Ушбу стратегия атроф-мухит (экология), демография (аҳолишунослик), иқтисодий ва ижтимоий тараққиётдан иборат 3 та муаммони хал этишни назарда

тутади. Бу ғоя ҳозирги ва келажак авлод учун юксак ҳаётий стандартларни таъминлаш ҳамда яшаш мухитини муҳофаза этиш ва яхшилашга қаратилган инсоният фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган. Зеро, барқарор тараққиёт ўзгариш жараёни бўлиб, унинг оқибатида табиий ресурслардан ва маблағлардан фойдаланиш, фан, технология ва ижтимоий структура (тузилиш)лардаги ўзгаришлар ҳозирги ва келажакдаги эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда келишув, муросаларни назарда тутади. Одамзотнинг барқарор тараққиёт йўлидаги фаолияти натижасида Ноосфера – Ақл соҳаси инсоният бутун амалиётини қамраб олиши керак. Шундагина миллий ва индивидуал бойлик мезони маънавий қадриятлар ҳамда атроф-мухит уйғунлигида яшашни мақсад қилиб олган билимдон инсон шахси шаклланади. Бундай жараён ҳар бир мамлакатда бошланиб, бутун дунёни қамраб олгандагина индивидуал ва ижтимоий онгда ўзгариш содир бўлиб, ўз навбатида у ижтимоий воқеликни ҳам тубдан ўзгартириб юборади.

**Ўзгаларни ўзингдек ҳурматлаш муаммоси.**

Ер биологик эволюцияси сифатида Ноосфера илм, ғоялар, мақсадлар, маълумотлар, фикрлар, идеаллар, образ (тимсол)лар, фаҳм-фаросат ва идрок каби рухий ходисаларни ўз ичига олади. Бинобарин, у инсоният фаолиятини ягона яхлит биосфера доирасида қайта фикрлаб чиқишни тақоза этади. Чунки инсоният фаолияти кўп холларда на фақат экологияни ифлослантиряпти, балки шу билан бирга фан-техника ва ахборот технологияси кашфиётларидан ғайриинсоний ишлар учун ҳам фойдаланиб, ақлнинг нооқилона томонга оғиши, аҳлоқнинг ўз тарихий ўзанидан чиқиб бориши натижасида одам-олам муносабатлари баъзи ҳолларда дахшатли тусга кириб кетмоқда. Давлатлар билан давлатлар ўртасидаги муқаррар чиқадиган зиддиятларни ҳал этишда зўрованлик, ҳарбий куч ишлатиш майллари хали ҳам ўзини намоён этиб турибди. Чунки геосиёсатда анъанавий тамойиллардан воз кечилмаяпти. Миллий, ирқий, диний, синфий, гуруҳий негизда чиқадиган зиддиятларни қадам-бақадам муросага келиш йўли билан ҳал этиш, муаммолар ечимини оқилона излаб топиш ўрнига кўпинча хис-хаяжонларга, кибру ҳавога, манмангарчиликка берилиш тенденциялари етакчилик қилмоқда. Миллий мафкураларда бундай майлларнинг зарарли оқибатлари ишонарли тарзда ўз ифодасини етарли даражада топмаётир. Чунки сиёсатчилар ҳам, мафкурачилар ҳам Табиат ўзининг Ноосфера босқичига ўтгани, бу даврда Ақлни оқилона фаолиятга буриб юбориш ҳаёт-мамот масаласи бўлиб қолганини тўла-тўкис хис эта олишган дейиш, қийин.

В.И.Вернадский таълимоти бўйича, Ноосфера асосида қуйидаги омиллар ётади: а) Ақл соҳиби бўлган одамнинг бутун планетага ёйилиши; б) одамларни бир тур сифатида бирлаштирадиган алоқа ва мулоқот воситаларини ривожлантириш; в) геологик ўзгаришлар миқёслари билан боғлиқ одам фаолияти учун энергиянинг янги манбаъларини кашф этиш; г) давлат тузилмаларини глобал миқёсда демократлаштириш; д) ўз оқибатлари

жихатидан геологик миқёслари бўлган жамиятни тўласича ахборотлаштириш ва илмий ижодга кенг йўл очиш.

Одам ва унинг турли жамоалари фаолияти фақат уларнинг ақл-идрокига боғлиқгина эмас. Уларнинг фаолияти қандай йўналиш олиши аниқ (конкрет) тарихий шароитда давлат томонидан белгиланадиган ва изчиллик билан амалга ошириладиган сиёсатга ҳамда бу сиёсатнинг мафкуравий воситалар орқали қандай тушунтиришга ҳам боғлиқ. Мана шу ҳолатда муайян сиёсатни белгилайдиган шахс, унинг атрофига уюшган жамоанинг билим даражаси, ҳаётий тажрибаси, тарихий хотираси, инсоний сифатлари ва албатта ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишлари фавқулодда аҳамият касб этади. Аслида ҳар қандай жамоа ва мамлакат халқлари шахслар туфайли аниқ социал қиёфага кириб, муайян мақсадни рўёбга чиқариш жараёнида бирлашадилар ва ҳаракат бирлигини вужудга келтирадилар. Шу нуқтаи назардан қараганда, Одам билан табиат ўртасида эмас, балки аввало жамият билан табиат ўртасида коэволюция бузилди. Айтайлик, индивид ялпи қирғин қуролларини ишлаб чиқаришдан ҳам, атроф-мухитни ифлослаштираётган заводда ҳам ишлашни истамас. Аммо яшаш, оилани боқиш учун у ана шундай юмушлар билан шуғулланишга мажбур. Бунинг учун алоҳида индивидни, оддий ишчи ёки хизматчини айблаш адолатдан бўладими! Демак, аввало сиёсатни белгилайдиган, уни амалга оширишга бошчилик қиладиганлар Табиат ўз тараққиётининг Ноосфера босқичига кирганини эътиборга олсалар, бундан буён зиддиятларни уруш йўли билан ҳал қилишга интилиш уларнинг ўзларининг фожиаси билан тугаётганини назардан соқит қилмасалар, оммавий қирғин ёки оддий қурол ишлаб чиқараётган одам яратувчиликка хизмат қиладиган юмушлар билан ҳам шуғулланиши, оиласини ва ўзини боқа олиши мумкин. Ёки завод атроф-мухитни ифлослантиришида ўшанда ишлаётган оддий ишчиларни айблаш инсофдан бўлмас, балки ишлаб чиқариш жараёни устида турган шахс онгида ўзгариш бўлса, улар Ноосфера талаблари асосида фикрлаш даражасига кўтарилсалар, атроф-муҳитни ифлослантираётган айнан ўша одамларнинг ўзи чиқиндиларни тозалаш жараёнида фаолият кўрсатишдан завқ-шавқ оладилар.

Ноосфера концепцияси асосида Ақл-идрокка мувофиқ фикр юритадиган одам тўғрисидаги тасаввурлар мужассамлашган. Аммо давлат тузилиши ва жамиятда таркиб топган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-аҳлоқий муносабатлар доирасида фаолият кўрсатадиган индивидлар, шахслар баъзан ўз ақл-идроклари ва иродаларига хилоф юмушлар билан шуғулланишга мажбур бўладилар. Бинобарин, одам муайян ижтимоий мухитнинг махсули сифатида ўшанга мослашишга мажбур. Бироқ, ижтимоий мухит қандайдир қотиб қолган турғун холат эмас, балки айнан шу одамлар фаолияти орқали ё рационал ёки иррационал томонга оғиб кетадиган жараёндир, яъни индивидлар муайян мухит махсули бўлиш билан бир вақтда уларнинг ўзлари мухитнинг ўзгартирувчи асосий куч ҳам ҳисобланадилар. Ақлнинг ролини ҳаддан ташқари ошириб юборишнинг хам фойдаси йўқ. Чунки Ақл

қандай йўналиш олиши мухимдир. Шу маънода одам ҳам яратувчи, ҳам бузғунчи куч сифатида намоён бўлади.

Ҳаётий вазиятларда аҳлоқий танлов муаммоси одам ва жамият алоқалари бутун системасига таянади. Жамиятдаги мафкуравий негиз эса жамият аъзоларига қандайдир кўникмаларни ҳосил этади, унинг ёрдамида ҳаётда содир бўладиган ҳодисалар аллақандай турғун вазиятлар билан туташиб, бунда аҳлоқий қарашлар у ёки бу даражада иштирок этади. Мафкуранинг бунёдкорлик ёки вайронкорлик томонга оғиши унда илгари сурилаётган ғоялар реал воқеликка қанчалик яқин ёки узоқлиги, алоқаларнинг нечоғлик тўғри белгиланиши ёки белгиланмаслиги, аҳлоқ моҳиятининг ўзига хилоф эмаслиги ёки хилофлиги билан белгиланади. Аммо инсон табиатида ўзгаларнинг манфаатини ўз манфаатидек хис этиш, уларнинг ташвишлари, муаммоларини ўзиникидек билиш майллари шундай кучлики, мабодо мафкура шу омилга таянса, одамзоддаги яратувчилик энергиясини умумбашарий муаммоларни ҳал этишга буриб юбориш қудратига эгадир. Бунинг маъноси шуки, мураккаб муаммолар ечимини топишга интилиш инсониятнинг бундан буёнги маънавий камолоти учун йўл очиш, бинобарин, у чинданда Ақлли мавжудод эканини ҳамма соҳада намоён эта олиши мумкин.

**Умумпланетар онг ва янгича тафаккур тарзига катта эҳтиёж.**

Жамият ва табиат ўзаро алоқадорлиги муаммосини хал этиш мақсадида айрим олимлар табиатни ўзгартириш амалиётидан воз кечиб, табиатга мослашиш (комформизм)ни таклиф этмоқдалар. Аммо бунга уларнинг ўзларида ҳам қатъий ишонч йўқ, негаки, одамзот табиатни ўзгартирмасдан яшаши қийин. Афтидан, табиатни ҳозиргидек пала-партиш тарзда эмас, Ақлни тўласича оқилона ишларга буриб юбориш орқали ўзлаштириш керак. Яъни жамият билан табиат ўртасида юзага келган зиддиятни хал этиш жараёни дунё бўйича, жаҳон ҳамжамиятлари, аввало Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбарлигида режали ва изчил бошланиши, шу асосда жаҳон динларининг тарихий тажрибаларига таяниб, руҳи пок, имони бутун, ҳаётини Она-табиатни инсонга монанд тарзда ўзгартиришга бағишлай оладиган ва албатта Планетар онгга эга индивидларни камолга етказиш даркор. Бундай инсонларнинг тафаккур ва турмуш тарзи тўласича Ноосфера даври талабларига мувофиқ келиши, уларда янгича ижтимоий идеалларга асосланган бошқачароқ қадриятлар тизими шаклланиши, глобаллашув ҳодисаси билан бирга инсонийлик, бағрикенглилик (толерантлик), сабр-қаноатлилик, меҳр-оқибатлилик, озодалилик ва албатта эзгулик каби фазилатлар унда мужассамлашуви лозим. Бундай типдаги индивидлар атроф-мухитни издан чиқариш, халқларни доимо уруш хавф-хатари гирдобида ушлаб туриш, турли юқумчил касалликларни тарқатиш, террорчилик билан шуғулланишни энг разолатли амаллардан ҳисоблабгина қолмай, ана шундай ёвузликларга қарши муросасиз курашадилар. Зеро,

ҳозирги замон жаҳон муаммоларининг ечимини фақат тор эгоистик қарашлардан, жангари элитаризмдан, зўравонлик психологияси ва мафкурасидан холи кишиларгина топа олишлари мумкин, холос. Ана шундай инсонлар масалаларга ёндашувларда мавхум фикрлар, технократик қарашлар, фикр турғунлиги, миллий махдудлик ва диний мутаассибликдан ҳоли бўлишлари зарур. Ўз навбатида жамиятдаги барча муносабатлар мана шундай типдаги янги инсонлар шахси қарор топиши учун шарт-шароит яратишга қаратилмоғи керак. Янги типдаги шахсларни камолга етказишда миллий мафкураларнинг ўрни ва роли катта бўлади, албатти. Мафкуранинг бутун кучи ана шундай шахсларни тарбиялаш, жамиятда чинакам инсоний муносабатларни қарор топтиришга қаратилсагина у ўз функциясини бажарган бўлади.

**Одамзот маънавий-рухий оламини мунаввар этиш ва ақлни оқилона изга буриб юбориш муаммоси.** Она-табиат эволюцион тараққиёти натижасида ақлли мавжудот – одам деб аталадиган бир тур вужудга келиб, у аввало ҳайвонлар устидан тўласича ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Эндиликда Ер биосферасини кескин ўзгартирищ палласига кирди. Бу ҳол Одамзотнинг биосфера истиқболи ва ўз тақдири олдида масъулияти ниҳоятда ошиб кетишига сабаб бўлди. Бинобарин, Она-табиат тараққиёти янги босқичи бошланганини ҳар бир индивид англаши, шунга мувофиқ фаолият йўналишини белгилай олиши учун инсон руҳини поклаш ялпи умумий ҳаракатини вужудга келтириш зарурати пайдо бўлмоқда.

Одамзот ўзини ижтимоий мавжудот сифатида намоён этиши унинг биологик моҳиятидан келиб чиқади: а) одам мия ҳажми ўз танасига нисбатан барча ҳайвонларникидан катта; б) мия иланг-пиланглари зич; в) мия ҳужайралари хромосомалари ҳар қандай ривожланган ҳайвонларникидан йирик; г) тил, тафаккур ва меҳнат туфайли унинг онги прогрессив ривожланиш майлига эга бўлганлиги билан фарқ қилади.

Ҳайвонлар биргаликда яшаш учун кураш жараёнида «гала онги» шаклланиб, улар феъл-атвори, ҳатти-ҳаракатларида умумий йўналишлар ҳосил этишига эътибор қаратган эди. Ибтидоий одамлар ҳам гала-гала бўлиб яшаш учун курашиш оқибатида, юқоридаги биологик омилларга кўра, ҳайвонларникидан юқорироқ «одам галалари онги» вужудга келиб, товуш, қиёфа, тана ҳаракати, ҳайқириқ тиллари орқали ривожланиб борди ва нутқ тили унсурлари пайдо бўлди. Натижада узоқ тарихий даврда инстинктлар ўрнини аста-секин одоб-аҳлоқ маромлари эгаллай бошлади. Мия ҳажмидаги миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларини ҳосил этди ва одам зоти шу палладан бошлаб чин маънодаги ижтимоий мавжудотга айлана бошлади.

Ижтимоий мавжудот сифатида одамнинг фаолият кўрсата бошлаши ибтидоий жамиятларни вужудга келтирди. Одам зоти жамият бўлиб яшаш учун ҳатти-ҳаракат, феъл-атвор ва фаолиятда умумий аҳлоқ маромлари белгиланиши, унинг бажарилишини назорат эта оладиган самарали

ижтимоий мурват (социал механгизм)лар керак эди. Ана шу ижтимоий эҳтиёжлар туфайли бифуркация ходисаси сифатида дунёнинг турли минтақаларида бир-биридан ажралган ҳолда ва бир-биридан шаклан фарқланадиган маънавий-ахлоқий мухит вужудга келди. Уруғ-қабилачилик муносабатларини тартибга солишда рухсат ва тақиқ тизимлари мифологик дунёқараш асосида шаклланди. Уруғ-қабила аъзолари шахсий, гуруҳий манфаатларини умумий манфаатларга бўйсундиришлари уларнинг шу система таркибида яшашларининг шарти эканлиги уларнинг онгига мафкуравий воситалар орқали сингдирилди. Оқибатда уруғ-қабилачиликка асосланган жамиятлар маънавий-ахлоқий муҳити таъсирида шаклланган индивидлар рухий олами ўша муносабатларга монанд тарзда қарор топди.

Одамзот ақл-заковати ривожланган сари ижтимоий муносабатлар уруғ-қабилачиликнинг тор доирасига сиғмай қолди. Элатларнинг шаклланиши билан янгича ахлоқ маромларига эҳтиёж пайдо бўлди. Натижада ҳар бир соҳани назорат қилиб борадиган Олий ибтидолар – худолар борлиги тўғрисидаги ғоялар мафкуравий воситалар орқали индивидлар онгига сингдирилиб, умумий феъл-атворларни шакллантирадиган маънавий-ахлоқий муҳит вужудга келиб, давлат унсурлари пайдо бўла бошлади.

Турли элатларнинг ихтиёрий ёки мажбурий бирлаштириш оқибатида одам-олам муносабатларига янгича қарашлар вужудга келиб, яккахудочилик ғоялари илгари сурилди. Бу ғоянинг мафкура воситалари орқали одамлар онгига сингдирилиб, динларнинг муқаддас китобларида белгиланган одоб-аҳлоқ маромларига риоя қилиниши оқибатидагина одам бу дунё ва «у дунё»да ўз бахтини топа олиши тўғрисидаги тасаввурлар мустаҳкамланди. Ҳар бир жамиятдаги маънавий-ахлоқий мухит асосан диний жамоа ва рухонийлар раҳбарлигида белгиланиб, инсон рухи шу асосда барқарор бўлишидан ўша давр давлатлари ҳам манфаатдор бўлди.

Бироқ, аввало ИТТ, XX асрнинг бошларидан аста-секин ривожланиб, ушбу асрнинг ўрталарида кенг қулоч ёзиш палласига кирган ИТИ туфайли турли минтақалардаги халқлар, элатларнинг анъанавий турмуш тарзи таъсирида шаклланган жаҳон динлари асосида қарор топган маънавий=ахлоқий мухит издан чиқа бошлади. Эндиликда Ғарб оламида бошланган ва «оммавий маданият»га асосланган турмуш тарзи Шарқ халқлари ҳаётига ҳам шитоб кириб келмоқда. Иқтисодий. сиёсий, савдо-сотиқ, техника ва технология ҳамда маданий алоқаларнинг интенсив тус олиши натижасида глобаллашув жараёни тобора кенгайиб бормоқда.

ИТИ туфайли Она-табиат ўз тараққиётининг янги юқори босқичига ўтгани, иккинчи томондан глобаллашув жараёни шитоб кетаётгани одам-олам муносабатларига янгича ёндашувларни, шунга мувофиқ янгича турмуш тарзини қарор топтиришни тақоза этмоқда. Ақл-идрок салоҳиётини фақат умумбашарий манфаатларни рўёбга чиқариш томонга оғдириб, инсон руҳини поклаш учун мафкуравий имкониятлардан тўласича фойдаланиш муаммоси инсониятдан ўз ечимини топишни кутмоқда.

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ҳукумат статуси (ваколати) бериш зарурати.**

Биосфера даври муаммолари бўйича жиддий илмий-тадқиқот олиб бораётган таниқли олимлар фикрича, аждодларимизнинг индивидлар одоб-ахлоқ маромларига қатъий риоя қилиб фаолият йўналиши белгилаш борасида тарихан тўплаган бой тажрибаларига таяниб туриб, эндиликда тор қобиқда эмас, балки планетар миқёсда «Одам – одам учун энг олий қадрият» тамойилига асосланган ахлоқ маромларини яратиб, индивидларда унга риоя қилиш малакасини ҳосил этишда жаҳон динлари тажрибасидан самарали фойдаланиш лозим. Одамзотнинг биологик популяциясида «гала онги» ўз имкониятларини тугаллаб бўлгани, эндиликда популяциянинг ижтимоий шаклига батамом ўтиб олиш алгоритми бошлангани муносабати билан умумий негизда умумбашарий ахлоқ маромларини яратиш муҳим бўлиб қолганини англаш лозим бўлиб турибди. Чунки ҳар бир жамиятнинг тинч-тотувлик шароитида барқарор ривожланиши жаҳон ҳамжамияти феъл-атворидаги ўзгаришларга боғлиқ бўлиб қолмоқда, яъни одамзот истиқболи қандай ҳолатда бўлиши ҳар бир индивид ўз онги ва хулқ-атворида ахлоқнинг асосий томойилларига нечоғлиқ риоя этишига боғиқ бўлиб қолмоқда. Демак, Ноосфера даврининг марказий муаммоси одамзот ўз аждодлари меросига таянган ҳолда янгича ахлоқ-одоб маромларини ўзлаштириб бориш имкониятларини тадқиқот этиб, умумбашарий ахлоқ асосида улар ўз гомеостазисини барқарор қилиш бўйича тавсиялар тайёрлашдан иборат бўлиб қолмоқда.

Айни чоғда юқоридаги ҳаракат шахс социал жиҳатдан муҳофаза этилиши, социал адолат тўғрисидаги тасаввурларнинг бойиши билан узвий боғланган ҳолда ривожланиши мухимдир. Фақат шундагина ҳар бир жамият, минтақа халқлари ва жаҳон ҳамжамияти барқарор ривожланиб, одамзот Ер деб аталган оламдаги бир онгли тур сифатида ўз популяциясини на фақат этник ва диний жиҳатдагина эмас, шу билан бирга яхлит бир бутунликдан иборат ижтимоий шаклига ўтиб олиши мумкин. Жамият ва давлат ижтимоий-сиёсий шакли қандай ном билан аталмасин, унда ижтимоий адолатни қарор топтириш учун кураш ахлоқнинг асосида ётмоғи зарур. Мулкнинг муайян шаклига ўтиш пировард мақсад бўлиб қолмаслиги, балки мулк шакли одамларда юксак ахлоқ эгалари бўлишларига хизмат қиладиган ҳолатга ўтиб олиш етакчи майлга айланишига асосий эътиборни қаратиш, бу рухни барқарор этиш мафкураларнинг асосий вазифасига айланмоғи даркор. Бунинг учун эса, олимларнинг фикрча, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига худди шу масала бўйича хукумат ваколати (статуси) бериш зарурати пайдо бўлмоқда.

Одамнинг асосий қадри меҳнат ва унга муносабат билан белгиланади. Жамият ва давлат томонидан одам меҳнатига бериладиган муносиб баҳо социал адолатнинг амалда намоён бўлиши, ахлоқнинг барқарор тус олиши омилидир. Зеро, ижтимоий адолат тўғрисидаги тасаввурлар ана шу баҳо билан узвий боғланиб кетади. Бинобарин, давлат ёки давлат-аралаш мулкми,

ёхуд хусусий мулкми, бундан қатъий назар, уларнинг барчасида индивидларнинг жисмоний ва ақлий меҳнатини адолат мезонлари асосида баҳолаш ва тақдирлаш етакчи майлга айланиши учун бу масалада қаттиқ назорат бўлмоғи лозим. Токи, тенг меҳнат жамият аъзоларига нисбатан тенг яшаш имкониятини вужудга келтириши ижтимоий адолатни қарор топтириш шартига айланиб қолсин.

Бундай тамойилда яшашга ўтиш осон иш эмас, аммо у Ноосфера даври талаби тақозасидир, Ақлнинг оқилона изга буриб юбориш омилидир. Танбал, ишёқмас, фирибгар, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормайдиган одам билан ишчан, ҳалол-поқ, ижодий меҳнат қилиш қобилиятини ўзида гавдалантирган индивид жамиятда бир хил мавққа эга бўлиши асло мумкин эмас. Ёки жамиятдаги ижтимоий мавқеидан фойдаланиб, ижтимоий бойликларни фирибгарлик йўли билан кўплаб ўзлаштириб олиш имкониятига эга бўлувчи шахслар давлат белгилаган қонунлар асосида меҳнат қилаётган ҳалол-пок одамлардан яхшироқ яшашлари ижтимоий адолатсизликнинг амалда намоён бўлиши сифатида қораланиши зарур. Чунки бундай ҳолат жамиятнинг барқарор ривожланиш йўлидаги бир тўсиқ бўлиши билан бирга Ақлнинг ғайриинсоний томонга оғишидир ва у одоб-ахлоқнинг издан чиқариш омили ҳамдир. Гап тенг ижтимоий имкониятдан фойдаланишда одоб-ахлоқ маромларига қатъий риоя этиш ҳақида борадики, бунда индивидлар қандай киёфада ўзларини намоён этишлари жамиятдаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар ва маънавий-ахлоқий мухитга боғлиқ бўлиб қолади.

Жамиятларнинг анъанавий структураси пирамидаси устида тарихан подшо ёки президент, сўнгра давлат, жамият, одам туриб келди. Яъни ижтимоий босимнинг асосий юкини меҳнат аҳли кўтариш танденцияси етакчи бўлди. Эндиликда жамият структураси пирамидаси аста-секин ўзгариб, унинг устида одам ва сўнгра жамият, давлат ва президент одамзот манфаатларини ҳимоя қилувчи омилга айланиб бормоқда. Истиқболда эса бу пирамида устки қаватининг остида жаҳон ҳамжамияти ҳам туриши заруриятини англаш майли кучайиб, натижада жаҳон муаммолари билан шуғулланадиган халқаро ташкилотлар сони тобора кўпайиб бормоқда.

**Инсоншунослик фанига кучли ижтимоий эхтиёж.**

Ноосфера даври ҳозирги фалсафий назариялар, категориялар, қонунлар, тамойиллар, методларга таянган ҳолда ижтимоий ҳодисаларга бошқача тилда, стилда ёндашувлар ҳосил этишни тақоза этмоқда. Ноосфера даври фалсафаси ҳозирги замон илғор табииётшунослик фанлари далилларига таяниб туриб, олам ва одамнинг пайдо бўлиши, бифуркация ҳодисаси туфайли жамият ўзидан-ўзи шаклланиши, эндиликда ақл нафақат жамият, балки табиат тараққиёти қандай йўналишда ривожланишига ҳам хал қилувчи таъсир ўтказа бошлаганини жиддий илмий-тадқиқот объектига айланганини далиллаш лозим. Бу фалсафа битта тур сифатида одамзод муроса билан яшай олиш

йўлларини излаб топиши, барча зиддиятларни келишув асосида хал қилиш амалиёти тўғрисида назарий қоидалар ишлаб чиқиши мақсад мувофиқ бўлади. Ана шу асосда Одамни яхлит бир тур сифатида ўрганишга илмий негиз яратиш мумкин. Натижада турли фанлар, жумладан физиология, мия морфологияси, антропология, этнография, психология, педагогика, социология ва бошқа фанлар тадқиқотларидаги одам ва жамиятнинг айрим жиҳатларини ўрганишдан Одамни бир бутун система, айни чоғда у жамиятнинг табиий унсури сифатида ўрганадиган инсоншунослик фанини шакллантириш имконияти вужудга келиши мумкин. Жамият ва инсон хусусиятини боғлаб ўрганиш, одамзот хусусияти орқали жамиятни, одам феъл-атвори, ҳатти-ҳаракатини белгилаш хусусиятини муайян тарихий даврдаги аниқ (конкрет) жамият хусусиятидан келтириб чиқариб ўрганиш зарурати кун тартибида турибди.

Генетик дастур асосида ўз биологик эҳтиёжларини қондирадиган ҳайвонларнинг ҳатти-ҳаракатини ўрганиб, улар феъл-атворидаги қонуниятли алоқаларни англаш, шу асосда маълум бир вазиятда аниқ ва маълум ҳатти-ҳаракатлар қилишларини олдиндан айтиш ва билиш мумкин. Аммо Ақл сохиби бўлган Одам фаолияти маълум бир вазиятда қандай йўналиш олишини олдиндан айтиш мушкул. Бир ҳолатда у ажойиб фазилатлар соҳиби бўлган олижаноб инсон сифатида ўзини намоён этса, бошқа бир вазиятда у ўтакетган тошбағир, баднафас, дахшатли махлуқ сифатида гавдаланиши мумкин. Одамнинг ҳамма фаолиятини ақллилик нишонаси деб бўлмайди, аксинча, унда ақл бовар келмайдиган бузғунчиликка мойилликни ҳар доим кутиш мумкин. Ҳолбуки, одамнинг барча феъл-атвори ва фаолияти унинг Ақли орқали белгиланади, яъни кичкина ҳаракатидан тортиб, катта мақсадларгача аввало унинг онгида идеал тарзда шакллангач, қўл, оёғи, бутун танаси ҳаракатга келади.

Одам нафақат Ақл соҳиби, балки яна у ўз руҳий олами билан ҳам бошқа мавжудотлардан тубдан фарқ қилади. Илм-фан учун одамзот руҳий оламини ўрганишдан мураккаб ҳодиса бўлмаса керак. Бинобарин, одамзот руҳий оламини ўрганиб, ундан қандай қилиб жамият маънавий олами пайдо бўлишини аниқлаш муҳимдир. Ақл баробарида вужудга келган рухий олам биз ўйлагандан кўра ҳам чуқуррок мазмунга эга бўлган бифуркация ҳодисаси натижасидир.

Одамзот Ақл ёрдамида Олам ва Коинот сирларини ичига тобора кириб боришга ҳаракат қиляпти. Бизгача ўтган мутафаккирлар Коинот пардасини кўтаришга эришгандирлар. Улар инсон руҳий оламини ўрганиш, уни бошқариш йўлида ҳам катта мерос қолдирганлар. Хусусан динлар, айниқса жаҳон динлари одамзот онгини олдиндан белгиланган мақсадлар сари йўналтиришда катта тажрибалар тўплаган. Масалан, болани, хатто одамни мусулмон, христиан, буддавийга айлантириш, унинг ички оламига ҳар бир дин йўналишидаги рухни сингдириш натижасида, ўша индивиднинг феъл-атворини ислом, христианлик ва буддавийлик рухи белгилаши мумкин.

Биз одам рухий оламини мунаввар этишда фан билан дин, олимлар билан уламалар иттифоқи кераклигини англаб етганимиз йўқ. Бугина эмас, фанлар билан санъатни бирлаштирадиган кўприк ясаб, одамзот ички оламига кириб бориш вазифасини ҳам мақсад қилиб қўйган эмасмиз. Холбуки, жаҳон динлари бундай кўприкни қуриб, инсон рухий олами ичига кириб бориш имкониятига эга бўлганлар. Аммо динлардаги тарихий нуқсон шуки, бир диннинг бош ғояси ҳақлигига ўз қавмларини ишонтириш, улар рухий оламини бошқара олиш учун бошқа барча динларни ёмон отлиққа чиқариш, уларга ихлос қўйиш «гуноҳи-азим» эканлигини мунтазам равишда писанда қилиб бориш керакдир. Бу эса диний заминда турли ихтилофлар чиқиши, улар сиёсий тус олиши учун тарихан бир туртки бўлиб келган. Эндиликда динлардаги инсонпарварлик ғояларидан юз ўгирмаган ҳолатда, инсон оламини қандай қилиб оламий қоинот билан қўшиб, макрокосм барпо этиш ҳақида жиддий тадқиқот ишлари олиб бориш керак. Бундай тадқиқотлар бошланган, масалан, имон инсон руҳий оламини поклаш воситаси эканлиги, у илм-фан, маданий-маърифий йўллар билан ҳам одам онгига сингиши, қалбини мунаввар этиши биринчи марта Ўзбекистонда илмий жиҳатдан асосланган. Гап бу назарий қоидани амалиётга тадқиқ этиш йўллари, воситаларини излаб топишда бормоқда.

Мутафаккирларнинг фикрича, одамлар халол-пок, олижаноб, махрумликларга тайёр бўлганликлари учун айбдор эмаслар. Айни чоғда қизғанчиқ, олғир, агрессив,эгоистликлари учун ҳам уларни койиб бўлмайди. Зеро, улардаги бу фазилат ва қусурлар Homa Sapiens биологик тараққиёти ва уларни бошқариб келаётган эволюция алгоритми ўзи шундай. Гап шу алгоритмни ўзгартириш ҳақида бориши зарур. Кундалик турмуш ташвишлари билан банд бўлган одамларгина эмас, балки бундай ташвишлардан холи баъзи сиёсат арбоблари ва мафкурачилари ҳам ўз феъл-атворларини, бир-бирларига муносабатларини, қадриятлар шкаласини, атроф-муҳитга ва ўзига бўлган муносабатларни ўзгартирмай туриб, ўзларини хароб қилишларини, ўз турларини деградацияга ва ҳатто йўқ бўлиб кетишига олиб келишини аниқ тасаввур этмайдилар. Ана шу боисдан физик олим Н.Моисеев биринчи қадам сифатида «ахлоқий императив»ни қарор топтириш учун умумжаҳон маърифатпарварлик дастури асосида ялпи умумий ҳаракатни вужудга келтиришни тавсия этади.

**Жаҳолатга қарши маърифат учун курашувчилар оммавий-ҳаракатни вужудга келтириш масаласи.**

Одамзот ва унинг уюшмалари фаолияти туфайли юзага келаётган муаммоларнинг барчаснни бирданига хал қилиб бўлмайди, аммо қийинлиги, мураккаблиги учун уларни хал этишдан юз ўгириш ҳам мумкин эмас. Биз кўп масалаларда нима қилишни билмаймиз, бироқ нима қилмаслик зарурлигини англаймиз. Жамиятнинг барқарор ривожланиши, инсон камолоти учун тўсиқ бўлиб турган нарсаларни олиб ташлашдан иш бошлаш, эҳтимол, тўғри бўлар.

Биосфера параметрларини ўзгартиришнинг йўл қўйса бўладиган чегарасидан ўтиб кетадиган одамзот фаоллиги беқарорлик ва турғунликка олиб келишини англаб олишимиз муҳимдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хузурида «Муроса инстиутути» ташкил этиб, табиатда ҳам, жамиятда ҳам йўл қўйса бўладиган чегараларни аниқлаш учун илмий-тадқиқот ишлари олиб бориб, бу институт маълумотлари банкини шакллантириш лозим. Ана шу маълумотлар асосида тайёрланадиган тавсияларга биноан тадбирлар белгилаб, уларни амалга ошириш мажбурий бўлиши даркор. «Муроса институти» нафақат табиатни ифлослантиришнинг олдини олиш, шу билан бирга, ижтимоий соҳалардаги муаммоларни ҳам хал этиш йўлларини қидириб топиши лозим бўлади. Миллий, синфий, ирқий, диний ва бошқа негизларда эҳтимол тутилган зиддиятларни олдиндан ҳал этиш, Ақл қуввати ғайриинсоний юмушларга бурилиб кетишининг олдини олиб қолиш учун ҳам тавсиялар тайёрлаши зарур бўлади.

Биринчи навбатда халқаро терроризмга, давлат терроризмига қарши қандай самарали кураш олиб бориш йўлларини қидириш муҳимдир. Аста-секин қуролланиш пойгасига барҳам бериб, барча зиддиятларни ён бериш, муросага келиш орқали ҳал этиш йўлидан боришни ҳар томонлама рағбатлантириш маъқул бўлади. Тарафкашлик мафкураси мавжуд бўлган шароитда бундай инсонпарварлик, маърифатпарварлик тадбирларини амалга ошириш амри маҳол. Шунинг учун ҳам миллий мафкуралар, Ноосфера даври талабларидан келиб чиқиб, янгича ёндашувлар асосида ўз ишларини қайта кўриб чиқишлари, айтиш мумкинки, ҳаёт-мамот масаласидир.

Жаҳолатга қарши ҳамма соҳада маърифат учун изчил кураш олиб бориш одамзотни ва табиатни муқаррар ҳолакатдан сақлаб қолишга комил ишонч руҳини барқарор қилиш давр талаби эканини ҳар бир мамлакат фуқаролари англаб олишлари ҳам фарз, ҳам қарздир.

**Хулоса:** а) барқарор ривожланиш концепцияси бутун инсоният фаолиятини яратувчилик томонга оғдириб юбориши зарур; б) ҳар бир одам ўзгаларни ўзи каби ҳурматлаш, қадрлаш кўникмасига эга бўлгандагина у инсон (жамиятлашган индивид)га айланиши мумкин; в) Ноосфера даври умумпланетар онг ва янгича тафаккур тарзига муҳтож бўлиб турибди; г) Одамзот маънавий-руҳий оламини мунаввар этиш ва Ақлни оқилона изга буриб юбориш умумбашарий ҳаракатини вужудга келтириш Ноосфера даври талабидир; д) БМТга баъзи масалаларда ҳукумат ваколати (статуси) бериш зарурати пайдо бўлмоқда; ж) инсоншунослик фанига кучли ижтимоий эҳтиёж мавжуд; з) жаҳолатга қарши маърифат учун курашувчилар оммавий ҳаракатини вужудга келтириш, барча зиддиятларни муроса йўли билан ҳал этиш йўлларини қидириб топиш Она-табиатни муқаррар халокатдан сақлаб қолиш омили бўлиб турибди.

**Калит сўзлар:** планетар онг, тетратил-свинец, барқарорликнинг 2 жиҳати, умумий стратегия, демография, хис-ҳаёжонга берилиш, зўравонлик,

ижтимоий муҳит, камформизм, тор эгоистик қарашлар, жангари элементаризм, технократик қарашлар, мия иланг-пиланглари, хромосома, манавий-аҳлоқий муҳит, яккахудочилик ғоялари, социал адолат, пирамида, Ноосфера даври фалсафаси, генетик дастур, руҳий олам, “муроса институти”, қуролланиш пойгаси.

## Такрорлаш учун саволлар.

- Барқарор тараққиёт омиллари нималардан иборат?
- Руҳий ҳодиса деганда нимани тушуниш керак?
- Эндиликда зиддиятларни қандай усулларда ҳал этишга киришиш лозим?
- В.И. Вернадский таълимоти нимани англатади?
- Одам ва унинг уюшмалари фаолияти эндиликда қандай йўналиш олиши зарур?
- Нега одамлар ўз ақл-идрокларига хилоф ишлар билан шуғулланишга мажбурлар?
- Табиат билан жамият, жамият билан одамзот ўртасидаги зиддиятларни ҳал этиш мумкинми?
- Одам-олам муносабатларига технократик қарашлар қандай оқибатларга олиб келмоқда?
- Одамзот ақлини тўласича бунёдкорлик ишларига буриб юбориш мумкинми?
- Нега БМТга баъзи масалаларда ҳукумат статуси (ваколати) бериш зарурати пайдо бўлмоқда?
- Ўзининг тарихий илдизларидан узилиб қолаётган турмуш тарзини янги ўзанларга буриб юбориш мумкинми?
- Нега Ноосфера даври фалсафасини яратиш зарурияти пайдо бўлмоқда?
- Одамзот руҳий оламини мунаввар этиш
- имкониятлари борми?

160,1,158,3,156,5,154,7,152,9,150,11,148,13,146,15,144,17,142,19,140,21,138,23,136,25,134,27,132,29,130,31,128,33,126,35,124,37,122,39,120,41,118,43,116,45,114,47,112,49,110,51,108,53,106,55,104,57,102,59,100,61,98,63,96,65,94,67,92,69,90,71,88,73,86,75,84,77,82,79,80
81,78,83,76,85,74,87,72,89,70,91,68,93,66,95,64,97,62,99,60,101,58,103,56,105,54,107,52,109,50,111,48,113,46,115,44,117,42,119,40,121,38,123,36,125,34,127,32,129,30,131,28,133,26,135,24,137,22,139,20,141,18,143,16,145,14,147,12,149,10,151,8,153,6,155,4,157,2,159